



СЕРВИС

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ**

**МАХСУС-2
2020**



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг 50 йиллигига бағишланган
МАХСУС СОНИ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
доцент **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррир:
Ф.А.Сафаров,
Техник муҳаррир:
С.А.Бабаназарова
**Корректор ва
саҳифаловчи:**
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат
Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори,
профессор

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

Б.К.Ғоибназаров – ЎзР Давлат Статистика қўмитаси
Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари
маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

О.М.Муртазаев – Тошкент Давлат Иқтисодиёт
университети Самарқанд филиали директори, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

И.С.Тўхлиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

М.М.Мухаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

К.Б.Уразов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ ўқув ишлар бўйича проректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, иқтисод фанлари
доктори

Г.М.Шодиева – ТДТУ профес. иқтисод фанлари доктори

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокимининг
туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

МУНДАРИЖА

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИЛАРИ ҲАҚИДА	
М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев Яхшидан – боғ, олимдан – китоб қолар экан	5
У.Х.Худайбердиев. Самарқанд Иқтисодиёт илмий мактабининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари	9
НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
М.Қ.Пардаев, С.А.Бабаназарова “Коррупциясиз жамият”ни шакллантириш борасидаги мушоҳадалар	13
Ф.А. Ишонкулова Интернет – сервис в современном обществе	17
А.А.Бектемиров Рисклар назариясининг методологик жиҳатлари	19
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
М.Ш.Мардонов Корхоналар инновацион фаолияти ва унинг натижаларини фойдаловчи кўрсаткичлар тизими ва баҳолаш масалалари	23
Б.Ш.Мусаев Сифатли маҳсулот яратишга таъсир этувчи омиллар	28
F.O.O‘roqov Raqamli iqtisodiyot tushunchasining nazariy jihatlari va uni rivojlantirish muammolari	31
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Қ.Ж.Мирзаев, Б.Х.Азизкулов Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришда кластер тизимидан фойдаланишнинг афзалликлари	34
М.М.Ибрагимов Узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	37
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Х.А.Улашев Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари	42
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Ж.М.Қурбонов, Р.Ж.Қурбанова Рақамли иқтисодиётга ўтишда хизмат кўрсатиш корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмлари	45
С.А.Исхакова Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларининг таркибий тузилиши	49
А.Бектемиров Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда иссиқлик таъминоти хизматларининг ўрни	53
D.Malikova Basic model for improvement the organization of consulting service	57
Ф.А.Ишанкулова. Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	59

З.Ш.Сувонов, Ж.А.Қаҳҳаров, У.Т.Мукимова Ресторанларда “ҳалол” овқатланиш хизматларини жорий этишнинг истикболлари	63
М.Б.Каланова Умумий овқатланиш корхоналарида туристларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	67
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Ш.У. Ташматов Туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари мазмуни	71
S.B.Kipchakova The role of tourism services in uzbekistan	74
И.Р.Бердикулова Самарқанд вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари	76
С.Ш. Тўрабеков Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини оширишнинг илмий-назарий асослари	81
Н.Б.Тагирова Меҳмонхоналар ўртасида рақобатлар шаклланишининг назарий масалалари	85
Н.Х. Рузибаева Туристлик корхоналар молиявий барқарорлиги ҳақида назарий қарашлар	89
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Ш.С. Олтаев Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муаммолари	93
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
М.М Мухаммедов Необходимость и перспективы развития маркетинга в сферу малого и частного бизнеса (статья-1)	97
А.Н.Холиқулов, Т.Қ.Арипов Энергетика тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари	102
Н.Б.Яҳёонов Бизнес субъектлари фаолиятида рақамли маркетинг технологияларини жорий этишнинг назарий масалалари	105
МОЛИЯ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ	
Дж.Р.Зайналов Необходимые условия направления антиинфляционных мер на обеспечение роста уровня жизни населения	109
С.С.Алиева. Совершенствование механизма распределения прибыли с учетом инновационной составляющей	112
З. Ш.Хайдаров Определение специфических особенностей и факторов влияющие на процесс внедрения международных требований и стандартов в коммерческих банков	116
З.Д. Ниёзов, А.М.Каримова Значимость и роль всемирного банка при сокращении бедности в период коронавирусной пандемии	120
У.А.Ҳакимов Ўзбекистонда пенсия тизимини ривожлантириш истикболлари	124
Н.Э.Эрназаров Реал сектор корхоналарини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг аҳамияти	129

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
К.Б. Уразов, Э.Д. Мўйдинов Ўзаро боғлиқ томонлар аудитини ўтказишнинг услубий жиҳатлари (2-мақола)	132
С.Н.Ташназаров Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги долзарб масалалари	138
Д.Р. Рафеев Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг концептуал масалалари	143
А. Амонов Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш зарурияти ва унинг аҳамияти	148
О.М.Эсанов Кўчмас мулк ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	151
З.Б.Эшпулатова Даромадлар таснифига доир Россия тажрибаси ва унинг талқини	154
У.А.Ширинов Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш	158
Х.Ў.Пўлатов Савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари	162
Т.И.Яҳёев, Р.А.Рафиқов Табиий газ истеъмоли самарадорлигини ошириш: таҳлил ва натижалар	165
Д.С.Тошназарова Захираларга сингдирилган таннарх (inventoriable cost) ва таннарх объекти (cost object) тушунчаларининг талқини	167
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Ф.А.Ахмеджанова Ш.М.Каримова Таълим жараёнида инновацион ва илғор хорижий тажрибаларни қўллашнинг ютуқ ва камчиликлари	171
Р.Д.Самандаров Аппликатив моделлар ва бевосита иштирокчилар муносабати хусусида баъзи қайдлар	174
Д.Ж.Норбоева, Н.А.Рахмонова Олий таълим муассасаларида мутахассислик терминларини ўқитишнинг инновацион технологиялари	177
Ҳ.Н.Очилова Таълим соҳасида ходимлар билан ишлашни такомиллаштириш	181
С.А.Бабаназарова Олий таълим муассасаларида таълим хизматлари сифатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни баҳолаш йўллари	184
М.К.Комилова Сравнительно-типологическое исследование терминов инвестиция и кредит	191
З.Ш.Ашурова Кадрлар тайёрлашда мустақиллик даври адабиётининг ўрни (болалар адабиёти мисолида)	194
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Ички аъзоларимиз ҳақида билиб олинг!	197
АТАМАЛАР ТАЪРИФЛАРИ	
М.Қ.Пардаев “Я” ҳарфи билан боғлиқ атамаларнинг таърифлари	198

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИЙ МАКТАБИ ВА УНИНГ АСОСЧИЛАРИ ҲАҚИДА

М.Э.Пўлатов – СамИСИ ректори, и.ф.д., профессор
М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д. “Турон” фанлар академияси академиги,
Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабини янада ривожлантиришга
муносиб ҳисса қўшиб келаётган домланинг шогирдларидан бири.

ЯХШИДАН – БОҒ, ОЛИМДАН – КИТОБ ҚОЛАР ЭКАН

**Самарқанд иқтисодиёт мактаби асосчиси, иқтисодиёт фанлари доктори профессор,
Халқаро информатика фанлар академияси академиги, устоз Исмат Тўхтаевич
Абдукаримов (1932-2019 й.й.) ҳақида сўз**

Фан бир уммонга ухшайди. Унинг садҳи кенг, чуқурлиги ҳам чексиздек. Ҳар бир олим ушбу уммондан озгина баҳраманд бўлади ва ўзи ҳам шунга заррача бўлса-да ҳисса қўшади.

Олимлар ишини табиатдаги булутларга киёс қилса бўлади. У қаерлардан намликни шимиб келиб, энг зарур бўлган чўлу-сахроларга, яйлову-экинзорларга ёмғир қилиб ёғади. Натижада кукариш, ёшариш, жонланиш, хуллас ҳаёт бошланади. Олим ҳам шу тариқа фан сирларини олдин ўзига сингдиради ва уни талабаларга, шогирдларга булут сингари ёғдиради. Натижада ёш навниҳолнинг мурғак кўзлари очилади, тафаккури жилоланади, фикри сайқалланади. У ҳаётда ўз ўрни ва йўлини топиш сирларини ўрганади.

Олимнинг ўз дарди ўзига билинмайди. У жамият, одамлар дарди билан яшайди. Чунки улар Аллоҳ томонидан шундай яратилган инсонлардир. Фақат фидойи одамларгина ҳақиқий олим бўлиб етишадилар. Иқтисод фанлари доктори, Халқаро ахборотлаштириш академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор, Исмат Тўхтаевич Абдукаримов шулардан бири эди.

Ҳақиқий олим игна билан кудук қазиб, ундан сув чиқаргунча тиниб-тинчимайди, бу сир-синоатни бошқаларга ҳам ўргатади. Бу унинг шогирдларидир. Шу тарзда игна билан кудук қазийдиган гуруҳ пайдо бўлади. Бу гуруҳ шу олимнинг яратган мактабидир. Исмат Тўхтаевич эса «Иқтисодий таҳлил» фанидан мактаб яратган олимдир. Ушбу мактаб кенгайиб, “Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби” номини олди.

У кишининг шогирдлари мамлакатимизда ва унинг ташқарисида ҳам минглаб топилади. Ҳақиқий устоз шундай бўлади. Минглаб талабаларни ўқитиш билан бирга, ўнлаб фан докторлари ва номзодлари бевосита у кишининг раҳбарлигида ўз диссертацияларини ёқладилар. Шу билан бирга И.Т.Абдукаримов ўнлаб фан докторлиги ва номзодлиги диссертацияларига оппонентлик қилиб, одилона ва ҳолисона баҳо берар эди.

Олимлар ҳаёти, тақдири турлича бўлади. Баъзилари борки бутун умрида битта мавзу устида ишлайди ва у шу соҳанинг «эгасига» айланади. Иккинчи тоифадаги олимлар битта фан устида бош қотиради ва шу фанни юксак чўққига олиб чиқиш учун бутун умрини баҳшида қилади. Бироқ, шундай олимлар ҳам борки, улар турли соҳаларнинг билимдонидир. Уларни қомусий олимлар сафига киритиш мумкин бўлади.

Исмат Тўхтаевич Абдукаримов ҳозирги ахборотлар тизими, фаннинг йўналишлари шу даражада кенгайиб кетган бир даврда ҳамма соҳани қамраб олиш қийин, бир фан устида чуқур ишлаш лозим, деб қарарди ва у иқтисодий таҳлил фанини ривожлантиришни асосий мақсадим, деб биларди. Шу туфайли бутун умрини шу иқтисодий таҳлил фанининг шаклланиши, ривожланиши ва истикболига, яъни уни такомиллаштиришга бағишлади. Шунинг учун иқтисодий таҳлил фанига бағишланган дастлабки дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монография, рисола ва долзарб илмий мақолалар айнан шу олимнинг қаламига мансуб бўлди.

Олий ўқув юртларида жуда кўп олимлар ишлайди. Уларнинг аксарияти ўз фанини

ўрганиб, уни шогирдларига етказиш билан чегараланиб қоладилар. Аксарият қисми фан доктори ёки номзоди даражасини олгач, фақат дарс бериш билан овора бўлиб, ижод қилишни тўхтатиб қўяди. Бундайлар ҳақиқий олимлик шохсупасидан ҳеч маҳал ўрин ололмайди. Чунки улар олимликни номзодлик ёки докторлик диссертациясини ёклаш, деб тушунадилар. Бундайлардан фаркли ўлароқ, Исмат Абдукаримов доимий изланишда. Шу туфайли у олимлар ўртасида етарли даражада ўз нуфузига эга соҳа донишманди эдилар.

Кўп домлалар ўз фанини билиб олиб, фақат ўргатади, ўзи эса кам ўрганади. Исмат Абдукаримов эса узлуксиз ўрганарди, доим ўргатарди ва ҳамиша ёзарди. Шу билан у иқтисодий таҳлил фанининг янги-янги қирраларини очиб, уни такомилга олиб келди. Демак, олимнинг такомиллашувида, унинг илм оламида маълум эътибор қозонишида фақат меҳнат ва яна меҳнат ётар экан. Домла меҳнат қилишдан асло чарчамас эди. Меҳнат қилиб, бирор нарсага эришган вақтим дам оламан дер эди.

Одам қанча кўп билса, шунча билмаслигини англаб боради. Шу жиҳатдан ҳақиқий олим ўта камтар бўлади, чунки билиши керак бўлган, аммо ҳали билмаган нарсаси кўплигини идрок қилиб боради. Уни масъулият, бурч қийнайди. Бундай олимлар кибру-ҳаво, ўзига бино қўйиш каби салбий иллатлардан бутунлай йироқ бўлади. Худди шундай олимлар сирасига Исмат Тўхтаевич Абдукаримов кирар эди.

И.Т.Абдукаримов том маънода камтар инсон бўлиш билан бирга, шу хислатни бошқаларга ҳам юқтирди. У киши на оилада, на ишда, на шогирдларига ҳеч маҳал ўз манфаатини юқори қўйиб менинг айтганим-айтган, деганим-деган қабилда иш тутмас эди. Аммо фанда унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Чунки у фанда ўта пишиқ, доимо илмий асосланган тавсияларни олға суриб келарди.

Фанда ҳар бир ғояни исботланса унда ёлғон бўлмайди. У киши иқтисодий таҳлил фанида исботсиз гап айтмаган. Шу учун унинг фанга қўшган ҳиссаси мукаммал, асосли ва ҳақиқийдир. Чунки домла мазкур фаннинг услубий фан эканлигидан келиб чиқиб, бирор нарса ёзмақчи бўлса олдин амалиётни, бевосита иқтисодий жараёни ойлаб, йиллаб ўрганарди, уни мунтазам кузатиб борарди. Шу туфайли бўлса керак, у киши ёзган ғоялар қўшимча исбот талаб қилмас эди.

Амалиёт назария замирида такомиллашади, назариянинг ривожланиши амалиётга асосланади. Биз қаламга олган олим ижодида бевосита шу алоқанинг уйғунлашганлигини кўрамыз. Домла бирор нарса ёзмақчи бўлса, олдин амалий маълумотларни тўплаб, уларни ҳисоб-китоб қилиб, кейин ёзарди. Шу туфайли домланинг илмий тавсиялари нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга эди.

Кўп ҳолларда бирор яхши китобни ўқишга муяссар бўлган кишида унинг муаллифи билан учрашиш истаги туғилади. Учрашишга эришиб, баъзан таъбинг хира бўлиши ҳам мумкин. Чунки айрим олимлар ўзи ёзган китоби сингари ўзига тортадиган бўлмайди. Аммо биз домланинг бевосита шогирди сифатида жуда кўп давраларда у кишини билган ва биринчи марта суҳбат қилган одамларнинг гапини эшитганмиз ва дил сўзларига гувоҳ бўлганмиз. «Исмат Тўхтаевични бутунлай бошқача тасаввур қилар эдик. У кишининг камтарлиги олдида таъзим қилса арзийдиган одам экан», деган гапни жуда кўп эшитганмиз. Ҳа, домла том маънода камтар, камсуқум, ҳаммабоп инсон эдилар.

Олимлар ўз фикрларини турлича ифода этадилар. Аксарияти мулоҳазаларини жуда тушунарли, мавҳумлик қолдирмасдан ифода этса, баъзилар борки, уларнинг нима демоқчи эканлигини, икки-уч марта ўқиб ҳам илғаш қийин. Яна бир тоифа бор: ўзларининг ёзганини фақат ўзлари тушунмаса, бошқа кишининг илғаб олиши қийин. Негаки, олимнинг ўзи соф, тафаккури тиниқ бўлмаса, ёзгани ҳам шунга яраша тушунарли бўлмайди. Исмат Тўхтаевичдаги хусусият ўз фикрини ўта содда ва тушунарли ифода этиш билан фарқ қилади. У кишининг мақоласини, китобини, дарслигини ўқиб нима демоқчи экан, деб «фол очмайсиз». Чунки ҳаммаси тушунарли ва содда ифода этилар эди. Шуларга кўра айтамызки, Исмат Тўхтаевичнинг ёзган илмий, илмий-услубий ишлари ўзи каби содда, ўзи каби самимий, ниҳоят, ўзи каби тушунарли эди.

Янгилик яратиш учун шу фан соҳиби узоқни, келажакни кўра оладиган бўлиши керак. Домла иқтисодий таҳлил фанидан шунчалик янгиликлар яратдики, бу унинг истикболни кўра олиш қобилятидан далолат беради. Бундай қараганда иқтисодий таҳлил фани унчалик

қизиқарли фан эмас. Аммо домланинг маърузасини эшитсангиз, махсус фанлар ҳам шунчалик қизиқ бўлиши мумкинлигига ишонмасдан иложингиз йўқ. Бу педагогнинг маҳорати, кўп йиллик изланишлари натижаси бўлса ажаб эмас.

Олимнинг такомиллашишида ўз устида тинимсиз ишлашининг асосий омил эканлигини ўзининг фаолиятида ҳамма шогирдларига айтиб эмас, кўрсатиб ўрناк бўлган эди. Чунки буни тўғри англаган Исмат Тўхтаевич доим ўз устида ишлар эди. Домланинг энг яхши ҳислатларидан бири шуки, у киши ёзганларини биринчи галда шогирдларига ўқитарди ва улар билан турли муаммолар устида обдон маслаҳатлашиб, баҳслашиб оларди. Бу домланинг ўзини ҳам, шогирдларини ҳам фикрлашга, ўз устида ишлашга даъват қиларди. Домланинг шу одатлари эҳтимол, шогирдларини илм ўрганишга, мактабининг давом этишига асос бўлгандир.

Домладаги бўртиб турган инсоний ҳислатлардан бири тўғри сўзлик, ўз гапига эгалик қилиш, интизом, самимийлик эди. У киши илмий ижодда эркинликни яхши кўрарди. Шу туфайли ёзаётган пайтда бошқа китобларни ўқимасди. Агар ўқиб қолсам, бировнинг фикри менга маъқул бўлса, шу фикрга ўралишиб қолишдан қурқаман, дейрди. Шу туфайли бир мавзу устида ишламоқчи бўлса олдин унинг барча назарий ва амалий жиҳатларини обдон ўрганиб, уларга танқидий ёндошиб, ўзича бир хулосага келгандан кейингина ёзишга киришарди. Зеро, И.Т.Абдукаримов олимларни жамият, халқ олдида ҳамиша масъул деб биларди. Чунки бошқа ишни ҳар ким қилиши мумкин, лекин олимликнинг уддасидан ҳамма ҳам чиқавермайди.

Инсон машҳур бўлиш учун яшамайди. У ўз бурчини аъло ўташга, ўз ишини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб яшаса, бу уни ўз-ўзидан машҳурликка олиб келади. Машҳур бўлиш учун битта тахти равон йўл йўқ. Турли касб соҳиблари турли йўллар билан ўз эзгу ниятларини амалга оширганлар ва шулар орқасидан машҳур бўлганлар. Исмат Тўхтаевич ўз бурчини ҳалол, виждонан адо этгани боис машҳур бўлган эди. Шу туфайли домла орамизда ўзи жисмонан бўлмасада, ғоялари ва асарлари билан бизларни, шогирдларини ҳамон ўргатиб келмоқда. Шунинг учун айтса керак ҳақиқий олимлар, мутафаккирлар “ўлмайди”, деб.

Баъзи олимлар озгина иш қилиб, жамиятдан кўп нарсани талаб қилади. Аммо обрў, эътиборни сотиб ҳам, тортиб ҳам, мажбурлаб ҳам олиш мумкин эмас. Одамлар бировни бежиз ҳурмат қилмайдилар. Фақат Исмат Тўхтаевичга ўхшаб кундузни-кундуз, кечани-кеча демай захмат чеккан, эвазига нимадир кутмаган инсонларгина ушбу ҳурматга сазовар бўлишади. Домла том маънода катта ҳурматга сазовар инсон эдилар.

1975 йил 8 май куни бир гуруҳ шогирдлари Исмат Тўхтаевич ва унинг рафиқаси Ксения Филиповнани ғалаба байрами билан табриклаш мақсадида уйларига бордик. Улар иккинчи қаватда ҳамиша сариштали, озода, оддий, лекин дид билан жиҳозланган тўртта хонадан иборат уйда яшарди. Хоналардан бири домланинг ишлаши учун мўлжалланган бўлиб, бу ерда жавонга китоблар мавзулар бўйича тартиб билан териб қўйилган эди. Фақат домланинг иш столи устида китоблар очик ҳолда, пол устида эса уч-тўрт жойда туркумларга бўлиниб ётарди.

Байрам арафасида домланинг одатдагидек ишлаб ўтирганини кўриб ҳайратланмаслик мумкин эмасди. Боз устига домла: «Эртага дадамларникида кеч соат тўртларга тўпланадиган бўлдик, унча биров ишласам деган режам бор», деганида эса яна ҳаммамиз ҳайратланиб, бир-биримизга қарадик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Абдукаримовлар оиласи байрам кунлари отаси Тўхта бобо ва онаси Сара аяларникида тўпланишар, дилдан суҳбат қилишарди. Жуда кўп суҳбатларда иштирок этганман ва менга улар ибрат мактаби бўлган, десам хато бўлмайди.

Домла ҳар дақиқани кадрларди. Куч-қуввати етсаки, бир суткада йигирма тўрт соат ишласа. Лекин бугунги дам эртага самарали ишлаши учун зарурлиги у кишини дам олишга мажбур қиларди. Кўпинча буни турмуш ўртоғи Ксения Филиповна ёдига солиб туради. Чунки Исмат Тўхтаевич бу пайтда «Кооператив савдо корхоналарида социал-иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари» мавзусида докторлик илмий даражаси учун иш олиб бораётганди. Бу масала янги муаммо бўлиб, иқтисодий фан учун ҳали очилмаган қўриқ эди.

Домла «Ҳозирча машаққатли ишни бошладик. Бу муаммо ҳал бўлиши керак, чунки ҳаётимиз шунча тез ривожланмоқдаки, у эртанги хулосаларимизни кутиб ўтирмайди. Биз олимлар эса ҳамиша тараққиётдан олдин юришимиз лозим. Машаққат билан бўлса ҳам яхши ишга қўл урдингми, уни бажариш керак, чунки машаққат ўтиб кетади, лекин яхши иш ҳамиша қолади», - деб ўқтиради. Муҳими, шунга ўзи амал қилар эди.

Ниҳоят, 1979 йил 25 январ куни Исмат Тўхтаевич Абдукаримов Г.В.Плеханов номидаги Москва халқ хўжалик институтининг ихтисослашган илмий кенгашида докторлик диссертациясини ёқлади.

Иш юзасидан оппонентлик қилувчилар - иқтисод фанлари доктори, профессор, Украина Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби В.В. Ивоницкий., иқтисод фанлари доктори, профессор В.П. Половников ҳамда Озарбайжон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор И.А.Файзуллаев чиқиш қилдилар. Мана, докторлик диссертацияси ҳам ёқланди. Бир қанча китоблари Тошкент ва Москвада чоп этилган, собиқ Иттифокқа таниқли олим, иқтисод фанлари доктори деган илмий унвонга сазовор бўлди.

Энди ҳар ким илмий раҳбари билан гаплашганда, баҳслашганда, саволлар билан мурожаат қилганда фан доктори ҳузурида эканлигини ҳис этарди.

- Энди мендан жамият, иқтисод фани жуда муҳим нарсаларни кутаяпти. Бир мақола ёзсам ҳам у фан докторининг мақоласи бўлиши керак, - дерди, домла. Биз ўйладик, домла докторлигини ёқлаб олди, энди мазза қилиб дам олиб юрса керак, дердик. Янглишганимизни вақт ўтиши билан тушуниб, иқроор бўлиб бордик. Домла диссертациясини ёқлаганидан кейин икки қарра кўп ишлайдиган бўлди.

Дарҳақиқат илмий иш диссертация ёқлаш билан тугамас экан. Бу бир қанча тажриба, кузатиш ва узоқ ишлаш натижаси, холос. Ҳақиқий илмий иш ёқлаб бўлгандан кейин бошланишини ҳам бизга амалда исботлар кўрсатди. Чунки, ёқлаш пайтидаги музокарада ҳали кўп ғояларнинг энди туғилганлиги, ҳал қилиниши зарурлиги аён бўлар экан. Хуллас, домла ёқлагандан кейин ишни бирор дақиқа ҳам сусайтирмади.

Кафедра олимлари ҳар ҳафта шанба куни лабораторияда тўпланишиб, қилинган ишлар ва матбуотда чиққан янгиликлар юзасидан ўзаро суҳбат қиларди. Дарвоқе, ўша пайтларда институтда иқтисодий муаммолар лабораторияси фаолият кўрсатар эди. Навбатдаги бир баҳсдан кейин ҳамма лаборатория хавлисига бир нафас дам олиш учун чиқишди. Шунда кичик илмий ходимлардан бири Исмат Тўхтаевичга деди:

- Домла, ушбу мақоламни кўриб берсангиз. Ўтган сафарги узоқ хизмат сафарида ўрганган тажрибалар, йиққан материалларни жамлаб ёзган эдим. Агар маъқул бўлса, бирор жойга чоп қилишга жўнатсам.

Домла мақола юзасидан икки кундан кейин учрашишни айтди. Айтилган вақтга белгиланган жойга тўпландик.

«Пишиб етилган фикр - деди домла, - гуё мевага ухшайди. Уни яхши истеъмол қилиш ҳам, пишиб етилгач истеъмол қилинмаса чириши ҳам мумкин. Шу туфайли ҳамиша ўз вақтида дастурхонга қўйиш жуда зийракликни талаб қилади. Дастурхонга ҳам унинг қандай қўйилишига боғлиқ. Негаки, фан фақат фактлар йиғиндиси бўлиб қолмасдан, чинакам изланиш эвазига вужудга келадиган тафаккур маҳсулидир». Дастурхонга қўйиш деганда янги туғулган ғояни нашр қилиб, жамоатчиликка тарқатишни кўзда тутар эди.

Домланинг битта кичик мақолани ўқиб ушбу гапларни айтганлиги биз, шогирдларни ҳар ишга жуда жиддий ёндашишга даъват қиларди. Домланинг «Олим ҳамиша ишлаши керак. Лекин ўн кунлаб қилинган меҳнати эвазига эришилган ишнинг устини бир лаҳзада чизиб, ўзи йўққа чиқариши мумкин. Айни шу йўққа чиқарилган иш балки буюк нарсанинг асоси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳамиша ишлаш керак», деб айтган фикри доимо ёдимизда қолган.

Қадимдан, яхшидан – боғ қолади, деган гап бор. Олимнинг боғи ўзи тайёрлаган шогирдлари бўлар экан. Бундан ташқари олимдан китоб ҳам қолар экан. Китоб – донишмандлик, китобхонлик – одамийлик манбаи сифатида инсонларга маънавий ва илмий озуқа бўлиб турар экан. Домладан катта боғ қолди. Бу Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби номоёндалари, ўнлаб фан докторлари, фан номзодларидир. Катта китоб фонди қолди. Бу келажакка бугуннинг муаммоси ва уларнинг ечимлари ҳақида даракчи сифатида боқий қоладиган манбалардир. Бундай хайрли ишларнинг савоби домлага узлуксиз бориб турса, ажаб эмас. Шундай саодатни Яратгандан сўраб қоламиз.

У.Х.Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: мақолада “Иқтисодий таҳлил” фанини ривожлантириб, мактаб яратган профессор И.Т.Абдукаримовнинг шоғирдлари томонидан ҳар томонлама кенгайтирилиб, иқтисодиёт мактабига асос солинганлиги ҳамда мактабнинг замон талабига мослашиб ривожланаётганлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодий таҳлил, илмий мактаб, иқтисодиёт мактаби, ривожланиш, ўқув ва илмий ишлар.

Кириш. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мамлакатимиздаги энг кекса ва мутахассислар тайёрлашда сезиларли муваффақиятга эришган олийгоҳлардан биридир. 2021 йилда институтнинг ташкил бўлганига 90 йил бўлади. Институт тарихи 1931 йил 6 июнда ТашДУ иқтисод факультети негизида Ўрта Осиё режа-иқтисод институтининг ташкил этилиши билан бошланади. 1936 йил ушбу институт давлат савдоси ва кооперация институти билан бирлаштирилиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги институти деб аталди. 1949 йилдан бошлаб Центросоюзнинг тасарруфига ўтиб, Самарқанд кооператив институти номини олди. Институт бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида ягона бўлганлиги сабабли нафақат Ўзбекистонга, ўша пайтдаги Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикалари матлубот кооперацияси ташкилотлари учун ҳам малакали мутахассислар тайёрлаб берди.

Самарқанд кооператив институти битирувчилари юқори малакали бўлиб, замон талабига жавоб берганлиги сабабли ҳамма жойда кадрлар ва юқори лавозимларга лойиқ топилар эди.

Ўзбекистон 1991 йилда ўзининг сиёсий мустақиллигига эришгач институт “Ўзбек-бирлашув” тизимига ўтиб, матлубот кооперацияси учун мутахассислар тайёрлади. Матлубот кооперацияси тизими (“Ўзбекбирлашув”) иқтисодий хўжалик тизилма сифатида бозор муносабатлари мазмунига мос келмаганлиги сабабли тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги 144-сонли қарори билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилиб Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти деб номланди. Ушбу даврдан бошлаб институт иқтисодиётнинг турли тармоқларига замон талабига жавоб берадиган юқори малакали иқтисодчилар, бухгалтерлар, менежмент, молия, банк иши, маркетинг каби мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Институт ўқув жараёнига дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, илмий ва таълим тарбия ишларида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган профессор-ўқитувчилар муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Натижада институтда Иқтисодиёт илмий мактаби шаклланди. Мақолада Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг шаклланиш тарихи, мактаб аъзоларининг ўқув, ўқув-услубий ва илмий соҳаларда бажарган ишлари, замон талабларига мос равишда мактаб фаолиятини ривожлантириш масалаларини ёритишни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда маълумотларни тўплаш, уларни гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг шаклланиши Собиқ СССР даврида бошланган бўлиб, у даврда фанлардан дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари Москва, Ленинград каби фан ва олий таълим ривожланган шаҳарларда тайёрланар эди. Самарқанд кооператив институтида ҳам мутахассис фанлар рус тилида ўқитилар эди. Шундай шароитга қарамаздан и.ф.д., профессор И.Т.Абдукаримов “Иқтисодий таҳлил” фанидан дастур тайёрлаб, дарслик ёзди ва Москвада кўп нусхада чоп эттирди. Профессор И.Т.Абдукаримов томонидан ёзилган бу дарслик Собиқ СССР ҳудудидаги Центросоюз тизимига қарашли барча олий ўқув юртларида (Москва, Новосибирск, Львов ва бошқа ОТМларда) асосий дарслик сифатида ўқитилди. Кейинчалик профессор И.Т.Абдукаримов раҳбарлигида ҳамда иқтисод фанлари номзоди М.Қ.Пардаев (2002 йилдан и.ф.д., профессор), А.А.Абдиевлар томонидан “Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш” (Т., “Ўқитувчи”, 1989 й.) дарслиги биринчи бор ўзбек тилида тайёрланди ва чоп этилди.

Самарқанд иқтисодиёт мактабининг кенгайишида ва фаолиятининг ривожланишида профессор М.Қ.Пардаевнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу киши ўқув адабиётлари тайёрлашда, илмий ишларда, талаба-ёшларга таълим-тарбия беришда серкирра ижоди билан фаол қатнашмоқда. Профессор М.Қ.Пардаев 2001 йил “Иқтисодий таҳлил назарияси” дарслигини тайёрлади ва кўп нусхада чоп эттирди. Бу дарсликда иқтисодий таҳлил услублари, турлари ва шакллари биринчи марта тўлиқ тартибга келтирилиб баён қилинди ва тарифланди. Бу дарслик мамлакат ОТМларида мутахассислик фани сифатида асосий ўқув адабиёти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу дарслик тўлдирилиб, яна 2014 ва 2019 йилларда 2 марта нашрдан чиқарилди. Дарсликнинг навбатдаги тўлдирилган нашри (588 бетдан иборат) 2020 йилда навбатдаги нашри чиқмоқда. Профессор М.Қ.Пардаевнинг янги номдаги “Лойиҳа таҳлили” (2002 йил), “Бошқарув таҳлили” (2006 йил) фанларидан ёзган маъруза матнлари ва ўқув қўлланмалари “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” танловларида иштирок этиб, махсус совринларга лойиқ топилган. Профессор М.Қ.Пардаев “Хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлили”, “Қиёсий (таққослама) таҳлил”, “Функционал қиймат таҳлили” бўйича ҳам ўқув адабиётлари тайёрлаб, хўжалик фаолияти таҳлилининг услубини (методологиясини) такомиллаштирди. Корхоналар фаолият юрити-ши учун асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва ишчи кучи керак бўлади, шунинг учун ҳам фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилганда, мавжуд барча моддий ва молиявий ресурслардан қандай фойдаланганлигини (самаралими? Ёки самарасиз) ўрганиш лозим бўлди. Шунинг учун ҳам асосий воситалар, молиявий ресурслар ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланганлик даражасини тўлиқ комплекс таҳлил қилиш ижобий натижалар беради.

Фаолият юритувчи субъектлар ички кўринмас имкониятларини (резервларини) аниқлашда қиёслама (таққослама) таҳлил муҳим аҳамиятга эга. Қиёсий таҳлил айниқса бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар (мисол цемент заводлари, нон ишлаб чиқарувчи заводлар кабилар) иқтисодиёт кўрсаткичларини таққослаб ўтказилса, қайси бирларида мавжуд салоҳиятлардан самаралироқ фойдаланганлиги аниқланади, ҳамда уларнинг тажрибаларини бошқаларга ёйиш имконияти пайдо бўлади.

Профессор М.Қ.Пардаев раҳбарлигида иқтисод фанларига оид 20 тадан кўпроқ дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Улардан “Корхона иқтисодиёти” дарслик (2005 йил, 2-нашри, 2013 й.), “Туризмни режалаштириш”, дарслик, (2010 й.), “Молиявий ва бошқарув таҳлили” (2012 й.), “Иқтисодий таҳлил” (2017 й.) “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” (2019 й.), “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” (2014 й.), “Туристтик корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили” (2019 й.), “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” (2019 й.), “Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий” (2019 й. Россия ва Ўзбекистон тажрибасини ўзида ифода этган), “Анализ финансовой деятельности” (2020 й. бу ҳам Россия ва Ўзбекистон тажрибасини ўзида ифода этган) каби дарслик ва ўқув қўлланмаларни алоҳида қайд этиш мумкин. Ҳозирги кунда фақат “Иқтисодий таҳлил” фанидан 10 томлик асар ёзиб тугатган ва уларнинг 6 таси нашрдан чиқарилди ва 4 таси ҳозир нашриётга топширилиш арафасида.

Профессор М.Қ.Пардаев иқтисодий таҳлил муаммолари, хизмат кўрсатиш иқтисодиёти, туризмни ривожлантириш масалалари, оилавий тадбиркорлик, рақамли иқтисодиётни жорий этиш йўналишлари бўйича илмий фаолиятини давом эттирмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг фаолиятини ривожлантиришда профессорлар, и.ф.д. М.М.Мухаммедов, и.ф.д. Ж.Р.Зайналов, и.ф.д. К.Б.Уразов, кейинроқ ушбу сафга профессор И.С.Тўхлиев ҳам қўшилиб, улар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Профессор М.М.Мухаммедов раҳбарлигида иқтисодиёт назарияси, корхона иқтисодиёти ва меҳнат иқтисодиётига оид 5 та дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди ва кўп нусхада чоп этилди. Профессор М.Мухаммедов раҳбарлигида тайёрланган “Иқтисодиёт назарияси” (Т., “Фан ва технология”, 2018 й.). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган.

Профессор К.Б.Уразов мамлакатимизда илм-фанга, салоҳиятли кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У киши томонидан 3 та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув-қўлланмалар бухгалтерия ҳисоби бўйича етук малакага эга бўлган мутахассислар бўлиб етишишда фойдаланилмоқда. Буларга “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Молиявий ҳисоб ва

ҳисобот”, “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларини киритиш мумкин.

Профессор Ж.Р.Зайналов молия, давлат бюджети, солиқ ва солиққа тортиш каби фанлардан ўқув-услубий адабиётлар яратишга катта ҳисса қўшди. У киши раҳбарлигида ёзилган “Молия” (Т., “Иқтисод-молия”, 2018 й.) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. Профессор Ж.Р.Зайналов илмий фаолият давомида бир қанча фан номзодлари тайёрлаб, бугунги кунда ҳам раҳбарликни олиб бормоқда. Корхоналар билан ҳўжалик шартномалари бўйича фаол олимларимиздан.

Самарқанд иқтисодиёт мактабининг фаоллари илмий фаолиятда ҳам муносиб хизмат қилмоқдалар. Профессор М.Қ.Пардаев раҳбарлигида докторантлар, таянч докторантлар илмий ходим-изланувчилар иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ҳозиргача у киши 30 нафарга яқин фан докторлари, номзодлари ва иқтисодиёт бўйича фалсафа докторларини тайёрлади. Бугунги кунда ҳам 10 нафардан ортиқ фан номзодларига илмий маслаҳатчи ва раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Профессор М.Қ.Пардаев институтимизда ташкил қилинган илмий ихтисослашган Кенгаш раиси сифатида қатор йиллар фаолият кўрсатди. Бир қанча ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатиши ҳам таҳсинга сазовар. Жумладан Банк-Молия Академияси қошидаги ихтисослашган илмий Кенгаш аъзоси сифатида 15 йил давомида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда бу киши Тошкент Молия институти ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтларидаги ихтисослашган илмий Кенгаш аъзосидир. Имом Бухорий Халқаро илмий тадқиқот марказида ҳам илмий Кенгаш аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда. Олим 6 та илмий-назарий ва илмий-амалий журналларнинг аъзоси сифатида ҳам Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг салоҳиятини тараннум қилиб келмоқда.

Профессор М.Мухаммедов 1994-1998 йиллар Самарқанд кооператив институти қошидаги номзодлик диссертациясини ёқлаш бўйича ихтисослашган кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Кенгаш аъзоси бўлган. Ҳозирги пайтда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги ихтисослашган Кенгаш аъзоси, ҳамда шу кенгаш қошидаги илмий семинар раисидир. Профессор М.Мухаммедов раҳбарлигида 2 нафар фан номзоди ва 3 нафар мустақил изланувчилар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишган. Профессор М.Мухаммедов илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, 5 та халқаро ва 6 та Ўзбекистон Республикаси Давлат грантлари бўйича лойиҳалар раҳбари бўлган.

Профессор К.Б.Уразов фан докторларига илмий маслаҳатчи, 2 фан номзоди тайёрлашда диссертация ишига раҳбарлик қилди. У киши институт ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи Кенгаш аъзоси. Профессор К.Б.Уразов илмий-педагогик фаолиятини бевосита амалиёт билан боғлаб олиб бормоқда. У киши “Комил-ишонч” аудиторлик фирмасининг, “Ўқув-маслаҳат бухгалтерияси”нинг раҳбаридир. Одатда “Комил-ишонч” аудиторлари текширишдан ўтказган корхоналарда солиқчилар ёки бошқа текширувчиларнинг текшириб вақт ўтказиб ўтиришга ҳолат йўқ деб айтишади. Профессор К.Б.Уразов мамлакатимизда “Бухгалтерия ҳисоби” Қонунини, “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари” лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашган.

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг ривожланишида институт ректори, и.ф.д., профессор М.Э.Пўлатовнинг хизматларини ҳам алоҳида қайд қилиш лозим. Ректор раҳномолигида иқтисодиёт илмий мактабига энг замонавий техника билан жиҳозланган аудитория ажратилди. Бу аудитория оптик талоли тез ишлайдиган интернет алоқаси, электрон доска, энг кейинги замонавий компьютерлар билан таъминланган. Бу аудиторияда халқаро ва бошқа илмий анжуманлар, илмий изланишларнинг докторлик диссертацияларининг ҳимояси, чет эл мутахассислари билан учрашувлар бўлиб туради.

Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, и.ф.д., профессор Қ.Ж.Мирзаев лавозими бўйича ишлари кўп бўлишига қарамасдан, агроиқтисодиёт тармоқлари учун ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда катта ҳисса қўшмоқда. У кишининг илмий ишлари, монографиялари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, агрокластерлар

самарадорлигини яхшилашга бағишланган. Профессор Қ.Мирзаев раҳбарлигида илмий изланувчилар фалсафа докторлиги учун диссертация ишларини тайёрламоқда.

Бугунги кунда Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг нуфузини оширишда профессор И.С.Тўхлиевнинг ҳам ҳиссаси катта. Бу киши ҳам туризм соҳасига оид ўнлаб дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаб, нашрдан чиқарилди. Туризм бўйича мутахассислар учун асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар шу олимнинг қаламига мансуб бўлмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг нуфузини оширишда и.ф.н., доцент Б.А.Абдукаримовнинг ҳиссасини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. “Савдо иқтисодиёти” ва шу соҳага оид дарслик ва ўқув қўлланмалар айнан шу кишининг қаламига мансуб. Бир қанча илмий ходимларга раҳбарлик қилиб, мувоффақиятли ёқлатганлар.

Шундай қилиб, профессор И.Т.Абдукаримов “Иқтисодий таҳлил” фанидан бошлаб берган илмий мактаб, олимнинг шогирдлари томонидан кенгайтирилиб, ривожлантирилиб, деярли барча иқтисодий фанлар камраб олиниб, Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабига айланди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби мамлакат иқтисодиётини модернизацияси ва диверсификация шароитида, янги Ўзбекистоннинг иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади. Бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиб, сифатли, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш;
- назарий билимни амалий кўникмалар билан боғлиқлигини кучайтириш, илғор технологияларга асосланган корхоналарда амалиётни сифатли ўтказишни таъминлаш;
- таҳлилда комплекс ва қиёслама таҳлил усулларида кенг фойдаланиш. Уларнинг натижадорлигини тезлатиш мақсадида автоматлаштирилган дастурни ишлаб чиқиш;
- илмий ишларда ёритилган янги ғояларни (инновацияларни) амалиётга тезроқ жорий этиш. Кўрилган самара натижалари бўйича муаллифларни муносиб рағбатлантириш.

Бу тавсия ва таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги ўйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Самарқанд Иқтисодиёт илмий мактабининг юқоридаги аъзолари ҳар бирининг бажарган ўқув-услугий ва илмий ишлари бўйича алоҳида китоб ёзилса арзийди. Биз фақат илмий ахборот тарзида баён бердик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Президентнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь.
2. Улкан салоҳият соҳиби. Самарқанд, СамИСИ, 2019 й.
3. Исроилов Б.И., Туйчиев А., Сафаров Ф.А. Эътироф. Библиографик рисола. Самарқанд, СамИСИ, 2018 й.
4. Эътиқод ва ибрат шиори бўлган инсон. Библиографик тўплам. Самарқанд, СамИСИ, 2019.

У.Худайбердиев	U.Hudayberdiev
Этапы становления и развития Самаркандской научной школы экономики Аннотация: в статье говорится, что школа экономики была основана профессором И.Т. Абдукаримовым, разработавшим предмет «Экономический анализ» и создавшим школу, и что школа развивается в соответствии с современными требованиями его учениками. Ключевые слова: экономический анализ, научная школа, школа экономики, развитие, обучение и исследования.	Stages of formation and development of Samarkand Scientific School of Economics Abstract: the article states that the school of economics was founded by professor I. Abdukarimov, who developed the subject of "Economic Analysis" and created the school, and that the school is developing in line with modern requirements by his followers. Keywords: economic analysis, scientific school, school of economics, development, teaching and research..

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
С.А.Бабаназарова – СамИСИ катта ўқитувчиси

“КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТ”НИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУШОҲАДАЛАР

Аннотация: мақолада “Коррупциясиз жамият”ни шакллантириш борасидаги муаллифнинг айрим мушоҳадалари келтирилган. Унда коррупцияга қарши БМТнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро конвенцияси, мамлакатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари келтирилган. Буларга асосан мазкур иллатга қандай курашиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциясиз жамият, манфаат, пора, порахўрлик иллоти, жамиятнинг покляниши, тартиб, қонун, қонун устуворлиги.

Кириш. Охирги йилларда коррупция жинояти бутун дунёни, инсониятни ташвишга солиб келаётган, уни турли йўллар билан исканжага оладиган дахшатли иллат сифатида энг глобал муаммолардан бирига айланди. Коррупция жинояти жамиятнинг эркинлигига, демократия ва адолатнинг қарор топишига, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга салбий таъсир қиладиган, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган иллат сифатида баҳоланиб келинган. Бу ҳолат тараққиётнинг ҳар қандай босқичида, унинг ривожланишига қаттиқ зарба берадиган иллат. Шу туфайли бутун дунё миқёсида унга қарши кураш чоралари кўрилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 2003 йил 9 декабрь куни Мерида шаҳри (Мексика)да Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро конвенция имзоланган эди. Айни пайтга қадар ушбу конвенцияга 172 давлат қўшилган¹. 2003 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 53-сессиясида қабул қилинган резолюцияга мувофиқ, ушбу кун Коррупцияга қарши курашиш халқаро куни деб эълон қилинган². Шу тарихи 9 декабрь – Коррупцияга қарши курашиш халқаро куни сифатида нишонланиб келинмоқда.

Мазкур йўналишга алоҳида соҳалар ҳам қўшилмоқда. Халқаро Стандартлаштириш ташкилоти томонидан 2016 йилда ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими жорий қилинган эди³. Бунга асосан 2020 йилнинг 7 сентябрь куни Адлия вазирлиги Ўзбекистоннинг давлат органлари ичида биринчи бўлиб ISO 37001:2016 фаолиятининг барча йўналиши бўйича “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартига мувофиқ деб баҳоланиб, халқаро реестрга киритилди ҳамда тегишли сертификатга эга бўлди⁴. Бундай кенг қўламли иш давом этмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коррупцияга қарши курашмоқ учун нима қилмоқ керак деган савол, бугун пайдо бўлган эмас. Бу олдин ҳам бўлган ва у сақланиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб, коррупция жамиятнинг жадал тараққиёти учун тўсиқ бўладиган омилга айланди. Шу туфайли мухтарам Президентимиз ўз фаолиятини бошлаган биринчи кунданок коррупция элементларини тугатишга қарши курашиб, бутун жамиятни ҳам унга сафарбар қилишга чақириб келмоқда. Зеро, Шарқ давлатчилиги назарияси асосчиси Форобий, фозил одамларга қарата: “Мамлакатда, тузум қанча қатъийлашгани ва иқтисодий муаммолар кўпайгани сари, халқ айёрлашиб бораверади”, деб таъкидлаган. Мутафаккирнинг ушбу фикрига, бугунги кунда бутун иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ишларнинг мазмуни жавоб бўлмоқда. Мамлакатимизда, тузум қатъийлашганлигидан эркинлашишга ўтмоқда ва халқнинг “айёрлашиб” боришининг олдини олиш ва шу билан боғлиқ турли иллатларнинг олдини олиш мақсадида маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг ҳам бир қанча йўллари жорий қилинмоқда. Шунга қарамадан, коррупция, порахўрлик ва давлат мулкани ўмариш борасида ишлар ҳамон давом

¹ Zarnews.uz. (https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml).

² Zarnews.uz. (<https://undocs.org/ru/A/RES/58/4>).

³ Zarnews.uz. (<https://www.iso.org/ru/iso-37001-anti-bribery-management.html>)

⁴ Zarnews.uz. (<https://t.me/huquqiyaxborot/8042>)

этнода. Ачинарлиси бундай ҳолатлар асосан мансабдор шахслар фаолиятида учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг маълумотида кўра “Ўтган 2 йилда 1986 нафар мансабдор шахслар коррупциявий жиноятларни содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Оқибатда етказилган моддий зарар 2 трлн. сўмдан ошган”¹. Шу мақолада берилган маълумотларга кўра иқтисодий соҳадаги коррупциявий ҳолатлар асосан бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида содир этилаётган экан. Ўтган 2 йилда республика бўйича бюджет маблағларини талон-тараж қилганликлари учун 2477 нафар, молия органларидан 41 нафар, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан 22 нафар, банклардан 166 нафар, қурилиш соҳасида 1233 нафар, транспорт соҳасида 57 нафар шахслар коррупциявий жиноятга қўл ўрганлар. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз раҳбари юртимизни коррупциясиз мамлакатга айлантириш, бунинг учун “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш лозимлигини бежиз асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб бермаяпти.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, фош этиш ва унга қарши кескин курашиш борасида тегишли ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Мисол учун, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилиб, мамлакатимизда илк бор 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, кучга ҳам кирди. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси коррупцияга қарши курашни кучайтириш борасида муҳим қадам бўлди. Зеро, қабул қилинган мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Коррупцияга қарши курашда фақат ушбу қонун билан чекланиб қолган эмас. Давр талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президентининг 2019 йилнинг 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Буларга асосан, 2019 йил август ойидан бошлаб олий таълим, қурилиш соҳаларида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш борасида Бош прокуратура томонидан тегишли мутахассислар ва экспертларни жалб қилган ҳолда тасдиқланган “Йўл харитаси” ҳам ишлаб чиқилди. Бу борада, гувоҳи бўлиб турганимиздек, жуда кўп самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Бирорта тушунчанинг амалий аҳамиятини очиб бериш учун, унинг нималигин, мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Агар унинг луғовий маъносига қарайдиган бўлсак, «Коррупция» сўзи латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «бузиш, сотиб олиш» деган маънони билдиради. Юридик энциклопедияда «Коррупция» сўзи амалдор шахслар ўзларига берилган лавозимлардан фойдаланиб, ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб бойлик орттириш мақсадида мамлакат қонунларига қарши келадиган ҳар хил пора олиш, пора бериш жиноятлари билан шуғулланиш деб таърифланган². Мазкур луғовий маъносидан келиб чиқиб, Қундуз Розимова ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берган: “Коррупция деганда, мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишни ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади”³. Ушбу таъриф коррупциянинг мазмунини тўлиқ ифода этади. Аммо бунда айрим чекланишлар мавжуд. Хусусан, коррупцияда фақат олувчи эмас, балки берувчи ҳам иштирок этади.

Мансабдор шахслар қанча олиш истагида бўлмасин, берувчи топилмаса улар қаердан ҳам олиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг бюджет маблағларини ўзлаштиришда ҳам албатта икки ва ундан кўпроқ томонларнинг келишуви асосида пайдо бўлади. Буларни инобатга олиб коррупциянинг таърифини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз. “Коррупция деганда, осонгина бойлик орттиришга мойил мансабдор шахсларга ўзининг муаммосини осонгина ҳал қилиш ёки ўртадаги мулкка шерик бўлиш мақсадида уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан икки ва ундан кўп томонларнинг ҳам шахсий бойлик орттириш мақсадида фирромлик (нопок) йўллар билан фойдаланишни ифодаловчи иқтисодий, сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади”. Бундай жиноий

¹ “Даракчм” газетаси. 2020 йил 16-22 ноябрь. 41-сон. – 4-5 бетлар.

² <http://uza.uz/oz/society/onunga-rioya-etish-korrupsiyaga-arshi-kurashning-mu-im-omil-29-06-2020>

³ Қундуз Розимова. Қонунга риоя этиш – коррупцияга қарши курашнинг муҳим омили. // <http://uza.uz/oz/society/onunga-rioya-etish-korrupsiyaga-arshi-kurashning-mu-im-omil-29-06-2020>

фаолиятнинг олдини олиш, унинг илдиз отишига имкон бермайдиган тартиб жорий қилинсагина коррупциясиз жамият шаклланади.

Коррупциясиз жамиятга эришиш албатта жуда мураккаб, чунки коррупциянинг асосида манфаат турибди. Одатда кўп ишларни амалга ошириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш учун одамлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бу рағбатлантириш, привордида, инсон манфаатга хизмат қилишига қаратилгандир. Бу ерда рағбат ўз-ўзидан мавжуд бўлиб, шу коррупция жараёнининг бардавомлигидан икки тарафлама манфаатдор бўлиб турибди. Шу жиҳатдан ушбу жараёни бартараф қилиш биров мураккаб масалалардан биридир. Қанчалик қийин, қанчалик мураккаб бўлмасин, коррупция иллатидан қутилмаса, жамият соғломлашмайди, мос равишда ривожланиш ҳам қутилгандек бўлмайди. Бунинг учун нималар қилиш керак, қандай тадбирларни қўллаш лозим, деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Бизнинг фикримизча, бунга эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, масабдор шахсларининг ойлик маъошларини бемалол кун кўрадиган, бемалол дам оладиган даражага кўтариш керак ва уларни маънавий жиҳатдан иймонли қилиб, молини ҳалол йўл билан топиб, истеъмол қилиш лозимлигини англатадиган тарбия воситаларидан фойдаланиш керак. Раҳбарлик лавозимида (қайси даражада бўлишигидан қатъи назар) қўйишдан олдин, уларга қисқа вақт мобайнида иймонини мутаҳкамлайдиган, Худодан кўрқадиган, коррупцияга йўл қўйса қонун олдида оддий фуқарога нисбатан жазо қаттиқ ва муқаррар эканлигини сингдирадиган тренинлар ўтказиш лозим. Бундан зерикмаслик ва истаҳола қилиб ўтирмаслик керак.

Иккинчидан, мамлакатимизда ва унинг ҳар бир ҳудудида турли ёшдаги ва касбдаги фаол аҳолидан таркиб топадиган “Коррупцияга қарши жамоатчилик маркази”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу марказ аъзолари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, оқсоқоллар, диндорлар, ёшлар вакиллари, фаолият кўрсатаётган ходимлар, пенсионерлар, хотн-қизлар вакилларида таркиб топган бўлиши лозим.

Учинчидан, “Коррупционер – икки дунё саодатидан маҳрум” принципи асосида коррупцияга йўл қўйилган тақдирда, кимлигидан қатъи назар, булар учун жазо чораларини қучайтириш лозим. Коррупцияга йўл қўйган кишини аҳоли ўртасида оммалаштириш керак. Унга нисбатан одамларда нафрат ҳиссини уйғотадиган руҳият ва тартибни ҳам жорий қилиш лозим бўлади. Мансабдор шахсда шундай ҳис пайдо бўлсинки, у агар шунга йўл қўйса, Худо олдида ҳам, қонун олдида ҳам, жамият олдида ҳам жавоб бериши муқаррарлигини тушинган ҳолда “кўрув ҳисси” билан яшашга ўргатиш керак. Масалан, Хитойда буларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилади.

Тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва улар онгида бефарқликни йўқотиш. Агар коррупция элементларини сезиб қолса, у айниқса ўзига нисбатан қўлланилса, “Коррупцияга қарши жамоатчилик маркази”нинг ҳудудий бўлинмасига мурожаат қилиб, уларни хабардор қилиш механизмининг йўлга қўйиш лозимдир.

Бешинчидан, ҳар бир мансабдор ходимнинг фаолиятини шаффофлик асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, уларнинг миқдор билан мулоқати ёпиқ эшик ортида эмас, балки ойнаванд ҳаммага кўринадиган жойда амалга оширилиши лозим бўлади. Иккинчидан, ҳар бир суҳбатнинг хронологик тарзда ёзиб борилиши ва буни ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда “Мулоқат тўри”, яъни бирданига 3-4 жойда ёзилган бўлиб, буни ўчириб ташлаш имконияти чекланган ҳолда сақланишини жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарига кўра, улар томонидан олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари шакллантирилган. Ушбу кенгашлар орқали коррупция муҳитини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш учун аноним сўровлар ўтказиш йўлга қўйилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри муассаса раҳбарияти ёки вазирликка электрон шаклда мурожаат қилиш (шу жумладан аноним тарзда) имконияти яратилган¹. Аммо ушбу тизимни оммалаштирган тарзда барча олий ўқув юртиларига жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги рақамли иқтисодиёт

¹ <http://uza.uz/oz/society/korruptsiya-illatini-y-ilish-uchun-ilinadigan-ishlar-29-06-2020>.

шароитида бунга жуда катта имкониятлар мавжуд. Коррупция мавжуд жойда тараққий қутилган даражада бўлмайди. Зеро, адолат принциплари бузилади. Адолат йўқ жойда ижобий, ташаббускорлик муҳити ҳам қарор топмайди, одамлар руҳиятида ишонч йўқолади ва мос равишда, уларда чинакамига фаолият кўрсатиш учун ҳафсала ҳам сўниб боради.

Еттиинчидан, коррупцияга қарши курашиш борасида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда янги замонавий электрон тизимни жорий этиш, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиб, мансабдор шахслар ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, коррупция иллатини батамом йўқ қилиш мақсадида ҳамжиҳатликда комплекс назорат чораларини кўриш ҳам мақсадга мувофиқ. Агар коррупция элементлари фoш қилинган бўлса, уни кенг жамоатчиликка ўртасида оммалаштириш ҳам тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.

Беминнат ва ҳаром йўллар билан осон бойлик орттириш истаги шаклланган мансабдор шахсни пора олишга ундайди. Пора олиш ва бериш йўли билан коррупция ҳолати содир бўлади. Оқибатда жамият, инсон ҳаётида муҳим бўлган адолат вайрон бўлади. Бунга асосий сабаб, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатидан фойдаланиб, ўзининг манфаатларини кўзлаб, иш тутишида “қўркмайдиган” руҳиятнинг борлигидир. Нима бўлса ҳам бирор нарсага эришиш, эга бўлиб қолиш истаги, унинг ахлоқ ва одоб қоидаларини бузишига ҳам олиб келади. Натижада коррупция билан боғлиқ бундай “манфаатли” жиноий ҳаракатлар уларнинг кундалик одатига айланиб қолади. Бундай жиноий ҳаракатларга, пора олишга ўрганган одамни шу имкониятдан маҳрум қилмагунча у тўхтамайди. Бир инсофга келиб энди бўлди, шу номақбул ишимни тўхтатай дейдиганлар, афсуски жуда кам учрамоқда. Чунки, пора бир томондан жуда осонгина иш битишини таъминласа, иккинчи томонга “осонгина” бойлик орттириш йўли. Коррупционер “қуйидан” олади, ўзини сақлаб туриш учун эса, “юқорини” ҳам куриқ қўймайди. Шу йўл билан у кўприк вазифасини бажариб, анча “эркинликни” қўлга киритиб олади. Оқибатда “коррупция занжири” пайдо бўлади. Натижада коррупция ортидан бир қанча талон-тороғчиликлар, ноқонуний ўзлаштиришлар, қуфёна иқтисодиёт, контрабанда, солиқ соҳасидаги жиноятлар содир бўлади. Айнан шу жараёнларнинг тараққийига қанчалик салбий таъсир қилишини изоҳлаб ўтиришга ҳолат йўқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, олувчига олиш, берувчига бериш усули ҳар хил бўлиши мумкин, лекин моҳияти битта – пора. Бу ўз навбатида коррупциянинг асосий содир бўлиш жараёнининг бир қисми. Пора олиш, пора бериш коррупцияга қараганда торроқ тушунча бўлса-да, айнан коррупция аталмиш салбий иллатнинг бир кўриниши ҳисобланади. Ҳаётдан кўриниб турибдики, бир қанча йирик жиноятлар майда ҳуқуқбузарликларнинг йиғиндисидан ва уларга чора кўрилмаслиги оқибатида юзага келади. Ушбу жараён қаттиқ назоратга олинса, уни яширишнинг имконияти қолмаса, коррупцияни йўлга қўйиш мумкин бўлган кишилар иймони бутун бўлиб, Худодан қўркадиган даражага келса, ушбу иллатдан бутунлай қутилиш мумкин. Шу йўл билан жамият покланади, адолат қарор топади, жадал ривожланишга, такомилга эришилади.

М.Пардаев, С.Бабаназарова Размышления касательно формирования «Общества без коррупции» Аннотация: в статье приведены некоторые размышления касательно формирования «Общества без коррупции». В ней содержатся Международная конвенция ООН по борьбе с коррупцией, указы и постановления Президента нашей страны. Исходя из этого, показано, как именно бороться с этой напастью. Ключевые слова: коррупция, свободное от коррупции общество, интерес, взятка, взяточничество, очищение общества, порядок, закон, верховенство закона.	M.Pardaev, S.Babanazarova Reflections on the formation of a "Society without Corruption" Abstract: the article contains some reflections on the formation of a "Society without Corruption". It contains the UN International Convention against Corruption, decrees and resolutions of the President of our country. Based on this, it is shown how exactly to deal with this scourge. Keywords: corruption, corruption-free society, interest, bribery, purification of society, order, law, rule of law.
---	---

Ф.А. Ишонкулова – старший преподаватель кафедры «Экономической теории» СамИЭС

ИНТЕРНЕТ – СЕРВИС В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Аннотация: в этой статье исследуется значимость интернет – сервиса в развитии экономики и в жизни общества, а также глобальная сеть как средство получения справочной и сравнительной информации для оптимизации работы предприятия и минимизации издержек

Ключевые слова: интернет-экономика, интернет-сервис, интернет-общество, интернет-технологии, глобальная сеть, оптимизация работы.

Введение. Современное общество в Узбекистане и во всём мире в последнее время тесно связано с интернет – сервисом. Особенно проявления всплеск за последнее время на планете различных эпидемий таких, как COVID-19 делает людей особенно уязвимыми. А интернет экономика даёт мощный толчок для развития информационного сервиса.

Это позволяет говорить о создании информационного общества, в котором информация превращается в основной производственный ресурс. Информация становится объектом купли-продажи. Информационная революция ускорилась в связи с образованием всемирной сети Интернет. К началу третьего тысячелетия число пользователей Интернет в мире превысило 300 млн. человек, а количество сайтов в сети - 14 млн.

Всемирная сеть Интернет, помимо координации уже имеющихся коммуникаций и средств ведения бизнеса, предоставила широкий спектр новых инструментов для эффективной работы всех предприятий, всех видов производства и услуг, что позволяет сделать вывод о зарождении новой экономики - Интернет-экономики.

Под Интернет-экономикой понимают среду, в которой любая компания, находящаяся в любой точке экономической системы, может контактировать легко и с минимальными затратами с любой компанией с целью совместной работы: торговли, обмена идеями и "ноу-хау".

Анализ использованной литературы. В основу работу легли послание президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года. Теоретической основой для выполнения работы послужили труды Лебедева А.Э. «Сервисная деятельность», в его работах описаны вся сервисная деятельность, но мало уделено внимание интернет-сервису, который необходим. Исходя из этого я решила раскрыть необходимость интернет-сервиса для общества в жизненной деятельности.

Методология исследования опирается на методы анализа и синтеза, на теорию и практику переходного периода.

Анализ и результаты: Ядром информационной экономики является информационное производство, а одним из важнейших способов распространения информации выступает Интернет - "кровеносная система" передачи данных. Интернет-экономика может рассматриваться как новый тип производства, в котором информация выступает основным связующим звеном между стадиями материального и нематериального производства, производством и потреблением, главным фактором повышения производительности труда и экономического роста.

Развивается электронная коммерция - такая форма бизнес-процесса, в которой взаимодействие между субъектами происходит электронным образом, т. е. с использованием Интернет-технологий.

2020 год в Узбекистане объявлен годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Использование новых технологий приводит к большей эффективности использования ресурсов и повышению производительности, а следовательно, к увеличению прибыльности фирмы. Интернет-экономика дает возможность более мобильно и своевременно реагировать на изменения в конъюнктуре рынка и поведении партнеров и конкурентов. Предприятие способно обслуживать клиентов круглосуточно и в любой удаленной от офиса фирмы точке мира. Новые возможности снижают время с момента заказа до момента отправки продукции заказчику.

Новые технологии позволяют до начала производственного процесса ответить на основные вопросы: что, как, для кого, когда производить - и сокращать издержки.

Глобальная сеть Интернет является средством получения справочной и сравнительной информации для оптимизации работы предприятия и минимизации издержек, а для потребителей - полного перечня характеристик интересующего их товара или услуги.

Не менее важен поиск через Интернет наиболее выгодных поставщиков, заказчиков, заключение контрактов и контроль за их исполнением, создание виртуальных (не зарегистрированных в качестве юридического лица) компаний по производству конечного продукта на основе кооперирования и специализации.¹

Экономическое регулирование рынка в информационном обществе требует оперативной и постоянно обновляемой информации о макроэкономических тенденциях в мировом хозяйстве, платежеспособном спросе, предложении товаров и услуг во всем мире, их эластичности по отношению к ценам, доходам и т. д.

В информационном обществе продолжается усложнение экономических отношений, расширяется перечень новых продуктов и услуг, в том числе в таких прежде нерыночных сферах, как охрана здоровья людей, распределение частот для телекоммуникаций, разрешений на загрязнение окружающей среды, использование природных ресурсов, учебного продукта и т.д. Информатизация необходима в целях постоянного анализа воздушного пространства для авиасообщений, условий оптимального функционирования современной экономики, кратко-, средне- и долгосрочного планирования, балансирования затрат и результатов, спроса и предложения, потребления и инвестиций, измерения эффективности отдельных факторов и конкурентоспособности производства в целом.

Безусловным преимуществом использования сети Интернет является возможность устранения числа посредников на пути товара к потребителю.

Интернет-технологии создали среду жизнедеятельности, аналогичную той, которая существует в малой группе или общине, все члены которой вступают в непосредственный контакт в процессе информационного обмена. В общинной модели существуют прямые связи всех со всеми, и почти полностью отсутствует какое-либо регулирование со стороны властных органов, так как правила взаимодействия устанавливаются по средствам общественной договоренности, которая учитывает особенности конкретных участников в конкретном контакте. Сетевую экономику, исходя из этого, можно назвать экономикой сообщества людей, находящихся в непосредственных взаимоотношениях друг с другом.

Поэтому становятся возможными новые сервисные технологии в сфере информационной деятельности. Информационные услуги (в отличие, например, от традиционных бытовых) могут предоставляться строго индивидуализированно и независимо от расстояний, разделяющих создателя и потребителя услуги.

Учитывая особенности сетевой модели, следует отметить, что ее агенты, принимая конкретные решения о взаимодействиях, оценивают ситуации исходя не из экономических факторов, которые идентичны в любой точке системы и для любых связей, а из модели поведения, свойственной конкретному индивиду. Эта мотивация при поддержке продолжительных связей становится общей для группы агентов, превращаясь в одно из свойств их поведения. Такую модель поведения часто называют ментальной. Она содержит полученные агентом из внешней среды образы других действующих лиц, а также образы доступных ему фрагментов экономической системы.

Заключение и предложение: Таким образом, участники сетевой структуры обладают копией реально существующих материальных объектов и слепком модели поведения других участников системы, которые существуют в его сознании. В реальной

¹Послание президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 24 январь декабрь 2020 год.

ситуации агент, принимая решения, отталкивается от анализа субстанции ментальной модели, а не от реальных объектов и фактов, тем самым, во взаимоотношениях в общинной экономике существуют два пространства: одно - информационное, которое есть результат ментального отображения, и ему подчиненное - материальное. То есть в современной системе контакты между участниками сети поддерживаются только на информационном уровне, а изменения на реальном объективном уровне происходят как их следствие.

Исходя из выше сказанного, хотелось бы дать следующие рекомендации:

1. Необходимо охарактеризовать проблемы сервисных услуг;
2. Устранить препятствие при пользовании сервисных услуг дистанционно;
3. Всегда информировать население о новых сервисных интернет-услугах.

Список использованной литературы:

1. Послание президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 24 январь декабря 2020 год.
2. УП-4947 от 07.02.2017 год. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан
3. Лебедева А.Э. Сервисная деятельность: Учебное пособие. – Томск: кафедра ТУ, ТУСУР, 2012. – 294 стр.
4. www.google.ru
5. www.may.gov.uz

F.Ishonkulova	F. Ishonkulova
Zamonaviy jamiyatda internet-servis Annotatsiya: ushbu maqolada iqtisodiyotni rivojlanishida, aholi hayotida internet-servisning ahamiyati, shuningdek taqqoslama axborot olish vositasi sifatida hamda korxona harajatlarini kamaytirish, ishlarni optimallashtirish haqida tadqiqot olib borilgan. Kalit soʻzlar: internet-iqtisodiyot, internet-servis, internet-jamoa, internet-texnologiyalar, global tarmoq, ishni optimallashtirish.	Internet service in a modern society Abstract: This article examines the importance of the Internet service in the development of the economy and in the life of society, as well as the global network as a means of obtaining reference and comparative information to optimize the operation of an enterprise and minimize costs. Keywords: internet economy, internet service, internet society, internet technologies, global network, work optimization.

А.А.Бектемиров – Самарканд иктисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

РИСКЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада риск билан боғлиқ назарий-методологик масалалар қараб чиқилган бўлиб, риск бўйича классик ва неоклассик тушунчалар баён қилинган. Айнан шу қарашлар рискларни тадқиқ қилиш ва баҳолаш усулларини ривожлантиришга асос бўлганлиги қараб чиқилган.

Калит сўзлар: риск, риск концепцияси, зиддиятчилик, ахборот очиклиги, стохастчилик, классик ва неоклассик риск тушунчалари.

Кириш. Инсон ҳаётининг замонавий шарт-шароитлари ахборот ҳажмининг доимий равишда ошиб бориши, ижтимоий тизимда ҳам атроф-муҳит билан муносабатларнинг қийинлашиб бориши билан ажралиб туради. Шу билан бирга бугунги кунда глобаллашув, илмий-техника тараққиёти жараёнлари жадаллашиб, табиий ресурсларни истеъмол қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Бундай шароитда инсон меҳнатининг табиати ва йўналишига жуда кўп омиллар таъсир қилади ва бу таъсирнинг олдиндан айтиб бўлмаслиқ эҳтимоли кучаяди. Натижада ривожланишнинг ноаниқлик даражаси доимий равишда ўсиб боради, кўрсаткичларни башорат қилиш, мақсадларни шакллантириш ва уларга эришиш учун тадбирларни амалга ошириш тобора мураккаблашади. Буларнинг барчаси рискларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини англатади. Инсонларнинг иқтисодий фаолияти риск билан ҳамбарчас боғлиқ, бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг

кўплаб қарорларини қабул қилишида очиқлик, зиддиятлик, стохастиклик каби субъектив ва объектив омиллар таъсир кўрсатади ва бу маълум даражада рискка олиб келади.

Бозор муносабатлари шароити ишлаш тўлиқ бўлмаган ахборот очиқлиги, қарама-қаршилиқларнинг мавжудлиги, стохастиклик билан тавсифланади, шунинг учун бошқарув қарорларини қабул қилишда риск таъсирини ҳисобга олиш керак. Риск – бу бизнеснинг ажралмас хусусиятидир. Бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш учун техник ва технологик янгиликларни амалиётга татбиқ этиш ва уларни дадил, одатий бўлмаган қарорлар қабул қилиш орқали тарқатиш зарур. Шу билан бирга, рискдан қочиш, тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади - фойда олиш - амалга оширилмаслигини тахмин қилади, шунинг учун тадбиркор таваккалчилик ҳодисаларини оқибатларини юмшатиш учун таваккалларни баҳолаш ва бошқариш усулларига эга бўлиши керак. Риск тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусияти сифатида рақобат шароитида бизнес жараёнлари иштирокчиларининг зарур ҳаракатларини аниқ башорат қилиш имконини бермайди. Тадбиркорлик қарорлари аксарият ҳолларда бир неча мумкин бўлган муқобил вариантлардан воқеалар ривож сценарийсини танлаш билан боғлиқ ва уларнинг натижаларини башорат қилишда ноаниқлик шароитида қабул қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бизнесда таваккалчилик назариясининг шаклланишини дастлаб А.Смит ёритиб берган. У тадбиркорликда иш ҳақидаги фарқларни риск омили сифатида қаради. Бунда у ишчиларнинг доимий иш билан таъминланганлиги ёки таъминланмаганлиги нуқтаи назаридан қараб чиқиб, доимий иш билан таъминланган ишчига нисбатан доимий иш билан таъминланмаган ишчилар кўпроқ иш ҳақи талаб қилишини таъкидлади. Кейинчалик бу ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси шартларини шакллантиришнинг асосий тамойилига айланиб, ходимнинг рискдан қочиши ва таваккалчиликка йўл қўймайдиган фирма тўғрисидаги назариянинг асосини ташкил этди.

Биринчи марта XVII асрда таваккалчилик, тадбиркорликнинг ажралмас қисми сифатида илгари сурилди. Шу нуқтаи назардан Шотландиялик француз иқтисодчиси Р.Кантильон тадбиркорга қарор қабул қилувчи ва ноаниқлик шароитида ўз манфаатларини қондирувчи сифатида қараган [1]. Риск концепциясини ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, тадбиркорнинг даромадлари моҳиятини ўрганиш билан боғлиқ. Хавфни муҳим хусусият сифатида баҳолашда Кантильон издошлари, асосан, ўхшаш қарашларга риоя қилишди, яъни тадбиркорлик даромади ёки унинг бир қисми у ёки бу шаклда таваккал учун тўлов бўлиб, авансланган капитал ва иш ҳақи бўйича даромад (фойда) дан сифат жиҳатидан фарқ қилишини кўрсатиб ўтдилар.

Рискнинг категория сифатида назарий жиҳатлари фақат XVIII асрдан бошлаб илмий иқтисодий таҳлил объектига айланди. Тадбиркорлик рисклари тўғрисидаги тушунчалар ва тарифлар назарияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий рисклар классик ва неоклассик назариялардан иборат. Қисқача бу назарияларнинг моҳиятига тўхталамиз.

Иқтисодий рискларнинг классик назариясини яратиш Дж.С.Милль, Н.У. Сениор, Ф.Х. Найт (XIX асрнинг биринчи ярми) каби иқтисодчилар билан боғлиқ. Улар тадбиркорлик даромадларини икки таркибий қисмдан иборатлигини кўрсатиб ўтадилар, яъни:

1. Инвестиция қилинган капиталнинг улуши сифатидаги фоизлар (ёки капиталистнинг иш ҳақи).
2. Тадбиркорлик фаолиятида таваккалчилик натижасида рўй бериши мумкин йўқотишларни қоплаш.

Бундай қараш бир тарафлама қараш эди ва натижада XX асрнинг бошларида танқидга учраб, тадбиркорлик рискларининг неоклассик назарияси пайдо бўлди. Неоклассик назариянинг ривожланиш тарихи иқтисодчилар А.Маршалл, А.С.Пигу ҳамда скандинавия иқтисодчилар мактаби намоёндалари номлари билан боғлиқ.

Неоклассик иқтисодчиларнинг фикрича тадбиркорлик рисклари иккита қоидага асосан аниқланади, яъни:

1. Кутилаётган фойда ҳажми.

2. Фойданинг мумкин бўлган тебранишлар (кутилаётган қийматдан четланиш) қиймати[2].

Бу қарашлардан маълум бўладики, тадбиркорлик рискларининг неоклассик қарашлари ва қоидалари рисклар даврида йўқотишларни инкор этмаган ҳолда, олиниши кутилаётган даромад (фойда) миқдорининг маълум четланишларга эга бўлиши мумкинлигини назарда тутади.

Неоклассик назариянинг таниқли вакиллари - инглиз олимлари Алфред Маршалл (1842-1924) ва Артур Пигулар (1877-1959) корхоналар бозор шароитида ноаниқ вазиятда ишлашини ва фойда тасодифий ва ўзгарувчан миқдорлигини кўрсатиш билан бирга, кутилаётган фойда ҳажми; унинг мумкин бўлган тебранишларининг катталигини бошқариш зарурлигини кўрсатиб бердилар[2].

Режалаштирилган натижадан оғиш эҳтимоли сифатида неоклассик хатар тушунчаси Англия ва Францияда 1920-1930 йилларда пайдо бўлган. 1921 йилда америкалик иқтисодчи Френк Найт биринчи марта ўзига хос хавф шароитида одамларнинг оқилона хулқ-атвори муаммосини кўтарган. У биринчи бўлиб таваккалчилик ғоясини ноаниқликнинг миқдорий ўлчови сифатида ифода этган[3].

Рискларни тадқиқ қилиш Акимов В.А., Воронов С.П., Радаев Н.Н. С.М.Васин, В.С.Шутов, Я.Д.Вишняков, Н.Н.Радаев, Г.Мулен ва бошқа шу каби рус иқтисодчи олимлари томонидан ҳам амалга оширилган. Улар таваккалчиликни кўплаб қарама-қарши асосларга эга бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қабул қилган ва таваккалчилик мазмунини, унинг функциялари ва бизнесга таъсирини аниқлаш бўйича қарашларини таклиф қилган. Улар таваккалчиликни кўплаб қарама-қарши асосларга эга бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида тарифлаган ва таваккал мазмунини, унинг функциялари ва бизнесга таъсирини аниқлаш бўйича қарашларини таклиф қилган [4,5,6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти маълум таваккалчиликлар асосида амалга оширилади. Таваккалчилик эса маълум маънода хавф-хатарни(рискларни) англатади. Шундай экан, тадбиркор ўз фаолиятида қабул қилаётган қарорининг қанчалик даражада муваффақиятли эканлигига ишонч ҳосил қилиши жуда ҳам муҳимдир. Худди ана шунинг учун ҳам тадбиркорлик рискларини аниқлашнинг энг прогрессив усулларидан фойдаланиш тадбиркор учун ҳаёт мамот масаласи ҳисобланади.

Ҳозирда "риск" атамаси тушунчасини ёритишда бир хил ёндашувлар мавжуд эмас. Рискнинг энг кенг тарқалган кўриниши бу хавф ёки муваффақиятсизлик эҳтимоли. Иқтисодий нуқтаи назардан, хавф, прогноз вариантыга нисбатан даромадларнинг етишмаслиги ёки етишмаслиги эҳтимоли ҳақида. Хавф деганда салбий иқтисодий оқибатларга олиб келадиган шароитларнинг юзага келиш эҳтимоли тушунилади. Ҳозирги вақтда хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш манфаатлари учун хатарларни тушуниш, хатарларни таҳлил қилиш ва хатарларни бошқариш тушунчалари кўриб чиқилмоқда.

Кўпинча, риск хавф ёки таҳдид; имконият; ноаниқлик тарзида тушунилади. Хавф ёки таҳдид сифатида риск тушунчаси доирасида инсон ва ташкилотларга зарар етказадиган салбий ҳодисалар кўриб чиқилади ва салбий оқибатларга олиб келадиган ҳодисалар эҳтимоли тушунилади, яъни тахмин қилинган хавфни амалга ошириш имконияти.

Имконият сифатида таваккалчилик ва рентабеллик ўртасидаги алоқанинг мавжудлиги концепциясига асосланади. Риск қанча юқори бўлса, потенциал рентабеллик шунча юқори бўлади. Риск ноаниқлик сифатида мумкин бўлган натижаларни (ижобий ва салбий) эҳтимолли тақсимлаш концепциясига таянади. Ушбу концепция доирасидаги таваккалчилик - бу қарорларнинг турли хил натижалари ўртасидаги номувофиқлик ўлчовидир, улар фойдалилиги, зарарли эканлиги, шунингдек танланган мезонларга мувофиқлиги мезонларига мувофиқ самарадорлиги билан баҳоланади. Ушбу концепция

қарорлар қабул қилиш назариясида ноаниқлик шароитида, ўйин назариясида қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, рискларни бошқариш ўз предмети сифатида кутилган натижалар ва ҳақиқий натижалар ўртасидаги фарқни камайтиради.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлар натижасида шуни айтиш мумкинки, неоклассик назариётчиларнинг тадбиркорлик рискларига бўлган қарашлари, ҳар бир тадбиркорга уларнинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш имкониятини яратади. Яъни тадбиркор қабул қилган қарорнинг қанчалик даражада иқтисодий жиҳатдан асосли эканлигини баҳолаш имконини беради. Неоклассик риск назариясига кўра, тадбиркорлик ҳатти-ҳаракатлари маржинал фойдалилик тушунчаси томонидан бошқарилади. Бу шуни англатадики, иккита вариант мавжуд бўлганда, масалан, капитал қўйилмалар, бир хил кутилган фойда бериб, тадбиркор кутилган фойданинг тебранишлари камроқ бўлган вариантни танлайди. Бинобарин, кичик, аммо кафолатланган фойда катта, аммо шубҳали фойдадан кўра фойдалироқ.

XX асрнинг бошларида, рисклар миқдорини аниқлашнинг математик, статистик ва иқтисодий воситалари ишлаб чиқилганлиги ва кейинчалик уни махсус ўрганиш бошланиб, ҳозиргача рисклар уларнинг хусусиятлари ўрганилмоқда ва уларни аниқлашнинг замонавий усул ва услублари ишлаб чиқилмоқда. Бундай усулларга аналитик ҳисоблаш, эҳтимолли, статистик ва эксперт усулларини киритиш мумкин. Бу усул ва услублар тадбиркорлик фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Рисклар жамият ривожланишини таъминлайди. Инновацион фаолиятда эса илмий техник ривожланишга олиб келади. Бундай ривожланиш баъзи бировларнинг муваффақияти билан бирга, баъзи бировларнинг муваффақиятсизлиги натижасида рўй беради. Иккинчидан таваккал қилмаган ютмайди, яъни. иқтисодий фойда олиш учун тадбиркор онгли равишда рискли қарор қабул қилиши зарур.

Рақобат муҳитида юқори даромад олиш учун, аввало, даромад олиш имкониятига мос келадиган шундай бозор ўрнини топиши билан бирга маълум бир лойиҳада жуда кўп ноаниқ омиллар мавжудлигига ва муваффақиятсизликка учраши мумкинлигига қарамай, уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш зарур бўлади. Дунёда бозор иқтисодиётининг чуқурлашиб бориши хатарлар тўғрисида кўпроқ саволларни туғдирмоқда. Бунда энг қийин бўлган маблағ қўйиш, рискларни бошқариш ва ҳал қилишнинг оптимал вариантини танлаш масаласида қараб чиқилган назарий ва амалий илмий қарашлар муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гурнович Т.Г. и другие. Учебник. Оценка и анализ риска. М.: Кнорус, 2019, 252с.
2. Мулен Г. Теория игр с примерами из математической экономики. М. : Мир, 1985.
3. Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль. М. : Дело, 2003.
4. Акимов В.А., Воронов С.П., Радаев Н.Н. Концепции риска и концепции анализа риска // Стратегия гражданской защиты : проблемы и исследования. 2013. Вып. № 2. Т. 3. С. 562-567.
5. Васин С.М., Шутов В.С. Управление рисками на предприятии учебник. М. : КНОРУС, 2007.
6. Вишняков Я.Д., Радаев Н.Н. Общая теория рисков : учебное пособие. М. : Академия, 2008.

А.Бектемиров	A.Bektemirov
Методологические аспекты теории рисков Аннотация: В статье рассматриваются теоретические и методологические вопросы, связанные с риском, и описываются классические и неоклассические концепции риска. Именно эти взгляды были рассмотрены как основа для разработки методов исследования и оценки рисков. Ключевые слова: риск, концепция риска, противоречие, информационная открытость, стохастичность, классические и неоклассические понятия риска	Methodological aspects of risk theory Abstract: the article deals with theoretical and methodological issues related to risk, and describes the classical and neoclassical concepts of risk. It is these views that were considered as the basis for the development of research methods and risk assessment. Keywords: risk, concept of risk, contradiction, information openness, stochasticity, classical and neoclassical concepts of risk

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

М.Ш.Мардонов – ТДИУ Самарқанд филиали “Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялар” кафедраси ассистенти

КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада корхоналар инновацион фаолияти даражасини белгилайдиган инновацион жараённинг учта асосий хусусияти (инновацион йўналиш, инновацион фаолият самарадорлиги, инновацион сезувчанлик) аниқланган. Инновацион йўналиш инновация жараёнининг объектив ва субъектив томонларини акс эттирувчи икки тоифанинг йиғиндиси сифатида қаралади: тизимнинг инновацион ғояларни яратиш ва режаларни амалга ошириш имкониятлари; субъектлар ёки субъектларнинг кўникма ва тажрибага мувофиқ ғояларни яратиш қобилияти, инновацион фаолият самарадорлиги баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, инновацион жараён, инновацион йўналиш, инновациялар самарадорлиги (инновацион маҳсулот)

Кириш. Республикамиз ривожланишнинг ҳозирги босқичи миллий иқтисодиётда инновацион жараёнларнинг фаоллигини оширишга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Инновацион фаолиятнинг асосий тушунчалари, фаолиятнинг асосий принциплари, турлари ва инновацион инфратузилмаларнинг ҳуқуқий асослари “Инновацион фаолият тўғрисида”¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”², “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³, “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ҳамда “Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵ ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида очиб берилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини шакллантиришда инновацион фаолият ролининг ўзгариши мантиқан постиндустриал даврнинг ривожланиши билан боғлиқ. Саноат даврида рақобатбардошлик классик омиллар - моддий ресурслар, хом ашё, энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш имкониятлари ҳисобига шаклланадиз, аммо рақамли иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти асосида шаклланади, бу қобилият рақобатдошлик ва истеъмолчига янги маҳсулотларни тақдим этади. Шунинг учун тадқиқотчилар⁶ жамият фаровонлигининг замонавий ривожланишининг асосий омиллари сифатида миллий иқтисодиётнинг хом ашёдан инновацион эволюциясига ўтишни таклиф қилмоқдалар. Ушбу ёндашувга мувофиқ, мамлакатларнинг ривожланишига оид "иқтисодий" ва "инновацион" тушунчалар синонимдир. Дарҳақиқат, OECD маълумотларига кўра⁶ ривожланган мамлакатларнинг ЯИМда инновацион эволюциясининг улуши 60% дан ортиғини ташкил этмоқда. Республикамизда жорий йилда

¹ “Инновацион фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ЎРҚ-630 24.07.2020й.

² “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПҚ-3899 06.08.2018й.

³ “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-3697 05.05.2018й

⁴ “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-3365 01.11.2017

⁵ Porter, M., Bond, G.C.: Innovative Capacity and Prosperity. The Global Competitiveness Report. World Economic Forum, Geneva (1999)

⁶ OECD Science, Technology and Industry Outlook. OECD (2018)

инновацион ғояларга асосланган техника ва технологияларни ривожлантириш вазифаси қўйилган бўлиб, ҳар бир тадбиркор субъектларидан бу масалада янада фаолроқ бўлишга ундайди. Чунки, республикаимиз иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинганда жами активларга нисбатан номоддий активлар, жумладан интеллектуал мулк объектларининг улуши 1-2,5%ни ташкил этади¹. (ЎРСТ 2016).

Мамлакатимиз ривожланган мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражасидан сезиларли даражада орқада қолмоқда ва юқори технологияли маҳсулотлар нуктаи назаридан импортга боғлиқ бўлиб, бу иқтисодиётнинг реал секторида сифатли ўзгаришларга эҳтиёж сезмоқда.

Тадқиқот методологияси. Корхоналарнинг инновацион фаолияти даражасини баҳолашда, субъектларнинг инновацияларни ривожлантиришдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашувни ишлаб чиқиш давомида қиёсий таҳлил, назарий моделлаштириш, индукция ва умумлаштириш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. *Иқтисодий тизимнинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар.* Инновацион жараёнларда бир нечта асосий субъектларни: инновацияларни яратишга ва инновацион жараёни бошлашга қизиқувчилар; инновацион фаолият билан шуғулланадиган; инновация натижаларини амалга ошириш; инновацион жараён оқимини ва инновацион инфратузилмани ташкил этишни таъминлашга ажратиш мумкин. Бизнинг фикримизча иқтисодий тизимнинг инновацион фаолият даражаси, ушбу субъектларга хос бўлган учта хусусиятдан инновацион йўналиш, инновацион барқарорлик ёки инновацион фаолият самарадорлиги ҳамда инновацион таъсирчанликдан иборат.

Инновацияларни ривожлантиришда иштирок этадиган субъектларнинг хусусиятларига асосланиб, ҳар бир компонентни батафсил кўриб чиқамиз.

Инновацион йўналиш. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация қобилияти ва имкониятларини акс эттиради. Имконият категория сифатида инновацион ғояларни яратиш учун яхлит инновацион тизимдаги шароитларнинг мавжудлигини ифодалайди. Корхонанинг қобилияти - бу инновацион жараён субъектлари томонидан шаклландиган тизимнинг маълум бир потенциалдир. Шу билан бирга, инновацион салоҳият йиғма тизимнинг инновацион ривожланишни амалга ошириш қобилияти ва имкониятига асосланади ва инновацион ривожланиш билан шуғулланадиган бошқа компаниялар фаолиятдан, шу жумладан ягона инноваторлар ва тадбиркорлар ушбу соҳада ҳукмронлик қиладиган ташкилотлар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналар, фан ва таълим муассасалари, инновацион инфратузилма билан боғлиқ ташкилотлар), шунингдек субъектлар (кластерлар) бирлашмаларининг имкониятлари ягона инноваторлар ва тадбиркорларнинг шахсий қобилиятларини потенциал имкониятларини ўз ичига олади. Инновацион салоҳиятни амалга ошириш янги билимларни яратишда иштирок этадиган инсон ресурсларининг мавжудлигини назарда тутди ва субъектнинг инновацион ривожланиши асос бўлган учта компонентнинг: 1) инновацияларни бошлаш потенциали, 2) инновацияларни жорий этувчи субъектнинг салоҳияти, 3) ишбилармонлик муҳитида субъектларнинг ўзаро таъсир ўтказиш қобилияти умумийлиги ва йиғиндисига боғлиқ бўлади.

Инновацион фаолият самарадорлиги. Маҳсулот, жараён, маркетинг, ташкилий: илм-фан сифатида кўриб чиқиладиган натижа инновацион маҳсулотдир. Инновация маҳсулот-бу барча ресурслар инновация жараёнига жалб қилинганида, натижада инновацион салоҳиятнинг тимсоли. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятини амалга ошириш ташқи муҳит омилларига боғлиқ бўлиб, улар орасида ягона стратегия ва инновацион ривожланишнинг тармоқ дастурлари ҳамда ҳукумат даражасида инновацион фаол ташкилотларни қўллаб-қувватлаш тизими мавжудлиги ҳисобланади. Маҳаллий корхоналарни расмийлар ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзбошимчаликларидан, шунингдек рейдерлик фаолиятдан ҳукукий ҳимоя қилиш даражаси; технопарклар,

¹Ризаев Н.К. Республикаимизнинг инновацион ривожланишида интеллектуал мулк объектларнинг роли “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил

бизнес-инкубаторлар, технологияларни узатиш марказларини ўз ичига олган инновацион инфратузилмани ривожлантириш, венчур компаниялари ва минтақавий ва миллий даражадаги инновацияларни ахборот билан таъминлаш тизимлари; иқтисодиётдаги рақобатбардош муносабатларни ривожлантириш; янгиликларни тарқатиш тизими инновацион фаолият самарадорлиги (инновацион маҳсулот)га таъсир қилади.

Инновацион таъсирчанлик. Иқтисодий тизимнинг янгиликка мойиллиги бир қатор таркибий ва ташкилий (мулк шакли, тузилиши, тизимнинг ривожланиш ҳолати), ижтимоий (ижтимоий ривожланиш даражаси, ижтимоий ҳимоя, - инновацияларни ривожлантириш) ва иқтисодий (рақобатдошлиги, ташқи муҳит ўзгаришига реакциялар тури, капитал таркиби), шунингдек бошқарув параметрлари (тизим тури, бошқарув механизмнинг мураккаблиги, ташкилотнинг техник сиёсати ва инновацион маданияти, тадбиркорлик стратегияси) га боғлиқ бўлади.

Инновацияларни тарқатишда икки босқич алоҳида ажратилган¹: (1) ўз-ўзидан тарқалиши; (2) диффузия. Инновацияларнинг ҳақиқий тарқалиши - бу унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида, шунингдек ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида инновацияларнинг ижтимоий фойдали таъсирини қайта тақсимлаш жараёни. Бундай жараённинг шакли ва тезлиги алоқа каналларининг кучи ва имкониятларига, субъектлар томонидан ахборотни қабул қилиш хусусиятларига, уларнинг ушбу маълумотлардан амалда фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Инновацияларнинг тарқалиши бу янгиликнинг ўз вақтида ижтимоий-иқтисодий тизим элементлари ўртасидаги алоқа каналлари орқали узатилиши жараёнидир, яъни диффузия аллақачон ўзлаштирилган ва қўлланилган ёки фойдаланилган янгиликларни янги шароитда ёки қўлланилиш шароитида тақсимлашни ўз ичига олади. Диффузия назарияси билан шуғулланадиган мактаблардан бирининг асосчиси сифатида Хегерstrand таъкидланган². Ушбу жараёнлар кўпроқ йирик саноат зоналари билан боғлиқ.

Инновацион фаолиятни баҳолаш. Иқтисодий тизимнинг инновацион фаолиятининг урта хусусиятини баҳолаш мумкин бўлган кўрсаткичларни инновацияларни ривожлантириш жараёнининг босқичларига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: яратиш, жорий этиш, тарқатиш (1-жадвалга қаранг). Инновацион жараён субъектлари фаолияти ва инновацион фаолиятнинг кутилаётган натижаларини акс эттирувчи эконометрик ўзгарувчиларни қиёсий баҳолаш вазифасини ҳал қилишга имкон беради.

1-жадвал

Ишлаб чиқилган иқтисодий тизимнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларини инновацион ривожланиш босқичлари ўртасида тақсимлаш

Инновацион ривожланиш босқичлари	Расмий ҳисоботдаги инновацион натижалар
----------------------------------	---

Инновацион йўналиш

Инновацияларни яратиш	Илмий-тадқиқот харажатлари ошиши
	Инновацион фаолиятни ривожлантириш учун тижорат кредитлари миқдорининг кўпайиши
	Инновацион фаолият учун инвестиция фондлари ҳажмининг ўсиши
	Инновацион компаниялар учун солиқ имтиёзларини бериш
	Технополислар ва технопарклар сонининг ўсиши
	Бир миллион кишига ишлаб чиқувчилар (тадқиқотчилар) сонининг кўпайиши
	Илмий ва тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган ўқитувчилар ва талабалар улушининг ўсиши
	Илмий тадқиқот ташкилотлари сонининг кўпайиши

¹ Kiseleva, I.A., Tramova, A.M.: Innovative strategy of the development of the industrial complexes as a condition for sustainable economic growth. Reg. Econ. Theory Pract. 1(328), 2–9 (2014)

² Hegerstrand, T.: Diffusion of innovation as a spatial process, Moscow (1993)

Инновацион фаолият самарадорлиги

Инновацияларни жорий этиш	Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига берилган патентлар сонининг ўсиши
	Товарлар турини, иш турларини, хизматларни кенгайтириш
	Товарлар, ишлар, хизматлар сифатини ошириш
	Эскирган маҳсулотлар ва жиҳозларни алмаштириш
	Анъанавий савдо бозорларини сақлаб қолиш
	Савдо бозорларини кенгайтириш

Инновацион таъсирчанлик

Ахборотнинг тарқалиши	Иш билан бандликнинг кўпайиши
	Ишлаб чиқариш мослашувчанлигини ошириш
	Ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши
	Иш ҳақи нархини пасайтириш
	Моддий харажатларни камайтириш
	Ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш (пасайиш энергия манбаларини истеъмол қилиш ёки йўқотиш)
	Меҳнат шароитлари ва хавфсизлигини яхшилаш
	Мижозлар ёки етказиб берувчилар билан алоқа қилиш вақтини қисқартириш
	Ташкилот ичида ёки бошқа ташкилотлар билан алоқани яхшилаш
	Атроф муҳит ифлосланишини камайтириш
	Замонавий техник регламентлар, қоидалар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш

Иқтисодий тизимнинг инновацион фаолияти даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар 1-жадвалда ишлаб чиқилди. Инновацион жараённинг иқтисодий натижасини аниқлашга имкон берадиган шаклланган асосий модел, бухгалтерия ҳисоби ўзгарувчилари ёрдамида ҳисобланади, тенгламалар тизими билан ифодаланади:

$$\begin{cases} P + \Delta P = (Q + \Delta Q) - (CD + \Delta CD) - (CM + \Delta CM) \\ Q + \Delta Q = (QN + \Delta QN) \times (p + \Delta p) + QPL \\ CD + \Delta CD = (PN + \Delta PN) \times (c + \Delta c) - (CP + \Delta CP) \end{cases}$$

Бу ерда: $P, \Delta P$ - корхона (ташкилот) фойдаси, унинг инновацион фаолияти натижасида ўсиш (кўрсаткичнинг динамик ўзгариши (Δ));

$Q, \Delta Q$ - субъектнинг даромади (даромади), унинг инновацион фаолияти натижасида даромаднинг кўпайиши;

$CD, \Delta CD$ - корхонанинг тўғридан-тўғри харажатлари, унинг инновацион фаолияти натижасида ишлаб чиқариш фаолиятининг тўғридан-тўғри харажатларини камайтириш;

$CM, \Delta CM$ - хўжалик юритувчи субъектнинг қўшимча (билвосита) харажатлари (маъмурий, умумхўжалик, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар), унинг инновацион фаолияти натижасида фаолиятнинг қўшимча харажатларини камайтириш;

$QN, \Delta QN$ - маҳсулот сотиш ҳажми, инновацион фаолият натижасида сотиш ҳажмининг ўсиши;

$p, \Delta p$ - маҳсулот нархи, нархларнинг ўсиши, бу инновацион фаолият натижасида эришилган рақобатбардошликнинг ўсиши билан боғлиқ;

QPL - илмий тадқиқотлар натижаларини (патентлар, лицензиялар, франчайзалар, ноу-хаулар) амалга оширишдан олинган даромадлар ва фойда миқдори;

$PN, \Delta PN$ - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, инновацион фаолият натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;

$c, \Delta c$ - маҳсулот бирлигига тўғри келадиган маҳсулот таннархи нархи, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

$CP, \Delta CP$ - ишлаб чиқариш фаолияти субъектининг доимий харажатлари, инновацион фаолиятни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариш фаолиятининг тўғридан-тўғри харажатларини камайтириш.

Инновацион фаолиятни баҳолаш моделида учта ўзгарувчи кўрсатилган: харажатлар, фойда, сотиш, бу субъектнинг инновацион ривожланиши натижаларининг учта ўзгарувчисини

ташкил қилади. Ҳар бир гуруҳ ўзгарувчиси кўрсаткичлар билан ифодаланади, бу эса ўз навбатида иқтисодий тизимнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ўзгариши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолият натижаларини ишлаб чиқариш, жорий этиш ва амалга ошириш қобилияти сифатида тушуниладиган инновацион фаолият ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби (харажатлар, фойда, сотиш) кўрсаткичлари орқали баҳоланади.

Таклиф этилаётган модел – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш параметрлари билан ифодаланган субъектларнинг инновацион ривожланиши натижаларини бошқарув ҳисобининг ўзгарувчилари билан таққослаш имконини берадиган илмий ишлаб чиқилган усул. Шаклланган ёндашувнинг илмий қиймати бошқарув ҳисобининг стандартлаштирилган ўзгарувчиларини таъкидлашнинг назарий муаммосини ҳал қилиш билан белгиланади, бу иқтисодий тизимнинг инновацион фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасини баҳолашга имкон беради. Миллий иқтисодиётнинг инновацион фаолиятининг ривожланишига инновацион фаолияти йўналишларини белгилайдиган, ўзгаришларнинг суръати ва натижаларини белгилайдиган ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолияти ёрдам беради, улар янги маҳсулотларни чиқариш ва жорий этиш таъминлайди, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдаги янги технологиялар ва қўшимча фойда олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Инновацион фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ЎРҚ-630 24.07.2020й.
2. “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПКҚ-3899 06.08.2018й.
4. “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПКҚ-3697 05.05.2018й
5. “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПКҚ-3365 01.11.2017
6. Porter, M., Bond, G.C.: Innovative Capacity and Prosperity. The Global Competitiveness Report. World Economic Forum, Geneva (1999)
7. OECD Science, Technology and Industry Outlook. OECD (2018)
8. Ризаев Н.К. Республикамизнинг инновацион ривожланишида интеллектуал мулк объектларнинг роли “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил
9. Kiseleva, I.A., Tramova, A.M.: Innovative strategy of the development of the industrial complexes as a condition for sustainable economic growth. Reg. Econ. Theory Pract. 1(328), 2–9 (2014)
10. Hegerstrand, T.: Diffusion of innovation as a spatial process, Moscow (1993)

М.Мардонов	M.Mardonov
Вопросы оценки и показателей инновационной деятельности предприятий и ее результатов	Issues of evaluation and indicators of innovation activities of enterprises and its results
Аннотация: В статье определены три основных характеристики инновационного процесса (инновационная направленность, эффективность инновационной деятельности, инновационная чувствительность), которые определяют уровень инновационной активности предприятий. Инновационное направление рассматривается как сочетание двух категорий, отражающих объективные и субъективные аспекты инновационного процесса: способность системы создавать инновационные идеи и реализовывать планы; способность субъектов или субъектов генерировать идеи в соответствии со своими навыками и опытом, разработана методика оценки эффективности инновационной деятельности. Ключевые слова: инновационная деятельность, инновационный процесс, инновационная ориентация, инновационная эффективность (инновационный продукт).	Abstract: The article identifies three main features of the innovation process (innovation orientation, efficiency of innovation activity, innovation sensitivity) that determine the level of innovation activity of enterprises. The innovation orientation is considered as a combination of two categories that reflect the objective and subjective aspects of the innovation process: the ability of the system to create innovative ideas and implement plans; the ability of subjects or subjects to generate ideas according to their skills and experience, a methodology for evaluating the effectiveness of innovative activities has been developed. Keywords: Innovative activity, innovative process, innovative orientation, innovation efficiency (innovative product).

Б.Ш.Мусаев – СамИСИ, Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЯРАТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация: ушбу мақолада сифатли ва рақобатбардош маҳсулот яратишнинг бугунги кундаги зарурияти, аҳамияти ҳамда унга таъсир этувчи омиллар чуқур ўрганилган шунингдек, таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ишда сифатли маҳсулот яратиш бўйича хулосалар қилинган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳсулот, сифат, рақобат, раҳбар, бошқариш, иқтисодий, ижтимоий, корхона, жараён, истеъмолчи, ташкилий, интеграция.

Кириш. Бугунги инновацион ривожланиш даврида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сифатли ва рақобатбардош маҳсулот яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки, ҳар бир соҳа ривожланган сари рақобат курашига дуч келади ва бу рақобат курашида устун чиқишнинг ягона йўли – маҳсулотни сифатли қилиб яратишдир. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт”¹ деб таъкидланган эди.

Таъкидлаш лозимки, маҳсулотни сифатли қилиб яратиш бу мураккаб жараёндир. Шунинг учун, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичидан бошлаб, якуний босқичигача (маҳсулотни истеъмолчи етказиб, истеъмол қилгунигача) сифатни таъминлаш масалалари раҳбарларнинг диққат марказида бўлиши керак. Чунки, маҳсулот яратилгандан кейин сифат ҳақида қайғуриш самарали бўлмайди. Бунда маҳсулот ишлаб чиқарилганидан кейин унинг сифатини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларга қисман яқин ясалади. Агар маҳсулотнинг сифатини ошириш керак бўлса, корхона ортиқча харажат қилиши керак бўлади. Бунда сифатни таъминлаш корхонада фақат ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилади ва ҳар бир корхона рақобатбардош маҳсулот яратиш истаги бўладиган бўлса, барча ҳаракатларни ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига қаратиш керак. Аммо масалани иккинчи томони ҳам бўлиб, маҳсулотнинг сифат хусусиятларини нафақат ишлаб чиқариш жараёнида, балки қадоклаш жараёнида ҳам маҳсулот сифати бузилишини унутмаслик керак. Маҳсулотни сифатли қилиб яратишни Исиқава фикри билан айтадиган бўлсак – бу мажмуавий жараён бўлиб, оддий ходимдан бошлиқча, ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичидан то сотишгача бўлган барча босқичларни ўз ичига олади. Мана шунда маҳсулот сифатли қилиб яратилади ва бундай маҳсулот сифати бозордаги истеъмолчи талабига мос келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бугунги кунда, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот яратишга оид кўплаб илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган. Жумладан, Н.Қ.Юлдошев ва Д.Т.Юсуповаларнинг “Сифат менежменти” ўқув қўлланмаси бўлиб, унда маҳсулот сифати ва сифатни бошқаришнинг назарий масалалари, корхоналар-га сифат менежментини жорий қилиш йўллари каби мавзулар ёритилган [2]. Ҳ.И.Турдибеков, К.М.Ибодов ҳамда Ш.М.Исломовлар томонидан ёзилган “Меҳмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш” номли ўқув қўлланмасида эса, ишлаб чиқариш корхоналарида, хизматлар соҳасида жумладан, меҳмонхона хўжалиги хизматларини сифатли ташкил қилиш ва бошқариш бўйича мавзулар батафсил ёритиб берилган [3]. Шунингдек, П.Р.Исматуллаев, Б.М.Ахмедов, П.М.Матякубова, Ғ.Х.Хамроқулов ва Ш.А.Тураевлар томонидан “Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш” номли дарслиги [4] ҳамда Ғ.Хожаҳмедов, И.Яхяева, М.Умарова ва А.Усмоновларнинг “Сифат менежменти” дарслиги [5] чоп этилган бўлиб, бу китобларда сифат менежменти ва уни бошқаришга оид маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, М.Шарифхўжаев ҳамда Ё.Абдуллаевларнинг менежмент дарслигида маҳсулот сифати, уни бошқариш, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда сифат менежменти тизими бўйича маълумотлар берилган [6].


¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг мақсади бевосита сифатли маҳсулот яратишга таъсир этувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф қилишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш бўлганлиги учун, уни ёритиш давомида монографик кузатув, мантикий таҳлил, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Сифатли маҳсулот яратиш мураккаб жараён бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатига бир қанча омиллар таъсир этишини ҳисобга олиш лозим. Бу омилларни таҳлил қилиш ва ўрганиш маҳсулотни истеъмолчи талабига бутунлай мос қилиб, ишлаб чиқариш (яратиш) имконияти вужудга келади. Шундай қилиб, маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларга: тасодифий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, техникавий, маҳаллий, объектив ва субъектив ва бошқа омиллар киради. Жумладан, сифатга таъсир этувчи *тасодифий* омилга сифатни режалаштириш жараёнида кўзда тутилмаган, корхонада бир неча йиллардан буён содир бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг юз бериши натижасида маҳсулот сифатининг ўзгаришига олиб келишидир. Бу турдаги омилга ёнғинлар, об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офатлар, авариялар ёки мол етказиб берувчилар билан боғлиқ тасодифий ҳодисалар киради. Уни бартараф этиш учун эса, сифатни режалаштириш жараёнида қўшимча вариантларни ишлаб чиқиб, шундай вазиятга тайёр туришга ёки улар билан боғлиқ таваккалчиликларни камайитишга ҳаракат қилиш керак бўлади. Бунда сифатни тасодифий омиллар таъсири натижасида пасайиб кетишининг олди олинади.

Яна шундай омиллардан, *маҳаллий* омиллар бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қайси истеъмолчилар гуруҳи учун деган саволларга олдиндан жавоб топиш керак. Чунки, ишлаб чиқариш корхонаси ўз истеъмолчиларининг географик жойлашувини, жамиятнинг корхонага бўлган муносабатини, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миллий, диний қадриятлар асосида ишлаб чиқарилиши кабиларни билиши лозим.

Бундан ташқари, маҳсулот сифатига ҳар доим тўғридан-тўғри таъсир қилиб турадиган омил - бу *субъектив* омилдир. Унга инсон фаолияти натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши тушунилади. Ушбу омилнинг қолган омилларга нисбатан энг муҳимлиги шундаки, маҳсулот сифатига инсон кўпроқ таъсир қилади. Агар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган ишчиларнинг малака, тажрибаси паст ёки ўз ишидан қониқиш ҳосил қилмаётган бўлса, энг яхши хом-ашёдан фойдаланса ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир кўрсатаверади. Бундай вазиятда корхона харажатлари ортади, истеъмолчиларининг сони ўз-ўзидан камайиб боради. Аксин-ча, агар корхонада ходимнинг малакаси, тажрибаси юқори бўлса ва ўз ишидан қониқиш ҳосил қилса, бундай ходимга сифати пастроқ хом-ашё берилганда ҳам, у бор имконияти ва маҳоратини ишга солиб, ундан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришади.



1-расм. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи энг асосий омиллар.

Шу билан бирга, махсулот сифатига яна кўпгина омиллар (1-расм) таъсир кўрсатиб, бу омилларнинг ҳар бирини ишлаб чиқариш жараёнида, бошқарувда ва ходимлар фаолиятига таъсир этишда ҳисобга олиб ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, корхонада яратилаётган махсулотларни истеъмолчилар талабига бутунлай мос қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунда ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда тизимли ва комплексли, шу билан бирга, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, техник ва ҳуқуқий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда махсулот сифати такомиллаштириб борилиши керак.

Шу сабабли, корхонада сифат менежментини режалаштирилаётганда, унга таъсир қилувчи ҳар бир омилни диққат билан ўрганиш ва режалаштиришда уни эътибордан қочирмаслик лозим. Сифатни бошқариш тизими – бу сифатни режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг мажмуаси ҳисобланиб, у ўз ичига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам олади.

Хулоса ва таклифлар. Сифатли ва рақобатбардош махсулот яратиш ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектларнинг энг асосий мақсади ҳисобланади. Чунки, ҳар бир соҳа ривожланган сари рақобат курашига дуч келиши аниқ бу рақобат курашида устун чиқишнинг ягона йўли – махсулотни сифатли қилиб яратишдир. Махсулотни сифатли қилиб яратиш бу мураккаб ва мажмуавий жараён бўлиб, оддий ходимдан бошлиқча, ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичидан то сотишгача бўлган барча босқичларни ўз ичига олиши керак. Ана шунда махсулот сифатли қилиб яратилади ва бундай махсулот сифати бозордаги истеъмолчи талабига тўла мос келади. Сифатли махсулот яратишга ўз навбатида юқорида келтирилган бир қанча омиллар таъсир қилиб, бу омилларнинг ҳар бирини ҳисобга олиб ишни ташкил қилиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сифатли ва рақобатбардош махсулот яратиш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ходимларида “Ишидан қониқиш” ҳосил қилишига эришиши керак. Чунки бажараётган ишидан қониқиш ҳосил қилмайдиган бўлса, бундай ходимлар биринчи навбатда махсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади.
- Махсулот яратилиш жараёнида унинг сифатига таъсир этувчи омилларни (1-расм) ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида мунтазам назоратни амалга ошириш лозим. Чунки махсулот яратилиш жараёнининг дастлабки босқичида сифатга салбий таъсир этилса, кейинги босқичларда сифатни ошириш имконияти юқолади.
- Корхонада кўнгилли равишда сифатни бошқариш муаммолари билан шуғулланадиган малакали, билимли, тажрибали ва профессионал ходимларидан “сифат тўғрақлари”ни ташкил қилиш лозим. Бу эса, сифатни назорат қилиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Yuldoshev N.Q., Yusupova D.T. Sifat menejmenti. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2019. -277 b.
3. Турдибеков Х.И., Ибодов К.М., Исломов Ш.М. Меҳмонхона ҳўжалигида хизматлар сифатини бошқариш. Ўқув қўлланма. – T.: 2018. -382 б.
4. Ismatullayev P.R., va boshqalar. Sifat menejmenti tizimi va uni sertifikatlashtirish. Darslik. – T.: “Sano-standart”, 2014. -336 b.
5. Hojiahmedov G'., va boshqalar. Sifat menejmenti. Darslik. – T.: “Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uy”, 2012. -228 b.
6. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – T.: Ўқитувчи, 2001. -704 б.

Б.Мусаев	В.Мусаев
Факторы, влияющие на качество производства Аннотация: эта статья представляет собой углубленное исследование и анализ актуальной необходимости, важности и факторов, влияющих на создание качественного и конкурентоспособного продукта. В то же время работа делает выводы о создании качественной продукции и вырабатывает соответствующие предложения и рекомендации. Ключевые слова: продукт, качество, конкуренция, лидер, менеджмент, экономический, социальный, предприятие, процесс, потребитель, организация, интеграция.	Factors affecting quality production Abstract: this article provides an in-depth study and analysis of the current necessity, importance and factors influencing the creation of a high quality and competitive product. At the same time, the work draws conclusions on the creation of high quality products and develops appropriate proposals and recommendations. Keywords: product, quality, competition, leader, management, economic, social, enterprise, process, consumer, organizational, integration.

F.O.O‘roqov – SamISI “Iqtisodiy tahlil va statistika” kafedrası assistent-stajyori

RAQAMLI IQTISODIYOT TUSHUNCHASINING NAZARIY JIHATLARI VA UNI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi vaqtda dolzarb hisoblangan raqamli iqtisodiyot va uni rivojlantirishning muammolari va imkoniyatlari borasida so‘z boradi. Shuningdek, “raqamli iqtisodiyot” nazariy tushunchasi, uning mazmun-mohiyatiga ham alohida to‘xtalib o‘tilgan. Maqolada O‘zbekistonda “raqamli iqtisodiyot”ni rivojlantirishda mavjud muammolar va ularni bartaraf etish yo‘llari ham keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, intensiv rivojlanish, elektron to‘lovlar, internet-banking, internet reklama, mehnat samaradorligi, kompaniyalar raqobatbardoshligi, “raqamli” qullik, “raqamli” davlatlar.

Kirish. Mamlakatimizning rivojlanishi va ravnaq topishida raqamli iqtisodiyotni ahamiyati beqiyosdir. Keying yillarda "raqamli iqtisodiyot" tushunchasi juda ko‘p marta ishlatilmoqda. Darhaqiqat, ko‘plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot ularning rivojlanish omillariga sezilarli darajada ta‘sir o‘tkazgan. Jamiyat hayotida raqamli iqtisodiyot muhim rol o‘ynaydi. Raqamli iqtisodiyot tushuncha nisbatan uzoq bo‘lmagan vaqtda, 1995-yili Massachusets universiteti amerikalik olimi Nikolas Negroponte tomonidan aniqlab berilgan¹. Olim axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o‘tishda, qanday o‘zgarishlar sodir bo‘lishi mumkinligini aytib o‘tgan.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinishidagi ma‘lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tatbiq qilishdir. Qisqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko‘rsatish, elektron to‘lovlar amalga oshirish, internet savdo va boshqa turdagi sohalarini raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘langan faoliyatdir.

Mavzuga oid manbalar va adabiyotlar tahlili. Hozirgi global pandemiya sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish darajasi mamlakatlar taraqqiyot rejasining asosiga aylandi. Shu boisdan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish ham ijtimoiy ham iqtisodiy ahamiyatga egadir. Ushbu maqolani tayyorlashda bir qancha ilmiy adabiyotlar va internet saytlaridagi ilmiy maqolalar muhim metodologik manba bo‘lib hisoblanadi².

Tadqiqot metodologiyasi. Mazkur tadqiqot ishida dialektik yondashuv, abstrakt-mantiqiy fikrlash, induksiya va deduksiya, baholash va boshqa usullardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Asosan raqamli iqtisodiyotni rivojlanishining asosiy elementi sifatida elektron tijorat, internet banking, elektron to‘lovlar, internet reklama va shu bilan birga, internet o‘yinlari ko‘riladi. Axborot texnologiyalarini rivojlanishi va tatbiq qilinishi hisobiga kundalik hayotimizda juda ko‘plab qulayliklar paydo bo‘lmoqda.

Albatta, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi, zamonaviy texnologiyalarining hayotimizga tatbiq etilishi har bir inson hayotida ko‘plab ijobiy imkoniyatlar berishi mumkin. Raqamli texnologiyalar rivojlanishi ortidan inson, unga kerakli xizmatdan tezroq foydalanishi, internet orqali o‘ziga kerakli mahsulotlarni arzon sotib olish bilan ko‘plab pul mablag‘larini tejashi mumkin. Masalan biron bir kitobning elektron ko‘rinishda sotib olish sizga, shu kitobni chop etilgan ko‘rinishini sotib olish ancha arzonga tushishi mumkin. Yoki bo‘lmasa oddiy iste‘molchi o‘zi ham tadbirkor bo‘lishi, uyidan chiqmagan holda onlayn savdo-sotiq bilan shug‘ullanishi mumkin.

Hozirgi vaqtda hamma uchun rivojlanishni ta‘minlaydigan raqamli iqtisodiyotni yaratish uchun inklyuzivlik juda muhimdir. Yangi texnologiyalar, ayniqsa sun‘iy intellekt, muqarrar ravishda katta tub burilishga olib keladi. Bularga misol qilib, mehnat bozoridagi siljish, shu jumladan ayrim tarmoqlarda ish o‘rinlari yo‘qolishi va keng miqyosda boshqalarda imkoniyatlar yaratishni aytishimiz mumkin. Raqamli iqtisodiyot bir qator yangi va turli ko‘nikmalar, shu jumladan yangi avlod ijtimoiy

¹ <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>

² <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>, https://unctad.org/system/files/official_document/der2019_overview_en.pdf, <https://ec.europa.eu/jrc/en/research-topic/digital-economy> va boshqalar.

himoyasini talab qiladi, siyosat, ish va bo'sh vaqt o'rtasidagi yangi munosabatlarni shakllantirishga olib keladi¹.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini boshqa afzalliklari quyidagilardan iborat:

- ishlab chiqarishda mehnat samadorligini oshishi;
- kompaniyalarning raqobatbardoshligini o'sishi;
- ishlab chiqarishdagi xarajatlarning kamayishi;
- yangi ish o'rinlari yaratilishi;
- yangi zamonaviy kasblar paydo bo'lishi;
- kambag'allikni yengish va ijtimoiy tengsizlikni yo'qolishi.

Bular raqamli iqtisodiyotning bor yo'gi bir nechta afzalliklari xolos. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bizning kundalik hayotimizga ijobiy ta'sir qiladi, oddiy foydalanuvchiga ko'plab qo'shimcha imkoniyatlar beradi va qolaversa, bozorni o'sishi va rivojlanishini ta'minlab berishi mumkin. Shu bilan bir qatorda, raqamli iqtisodiyot keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan xavflar ham mavjud. Jumladan:

- Kiber hujum xavfi, shaxsiy ma'lumotlar himoyasi bilan bog'liq muammolar;
- "raqamli qullik" (millionlab insonlar ma'lumotlaridan keyinchalik ularni o'zlarini tutishini boshqarish uchun foydalanish);
- ishsizlikni oshishi, axborot texnologiyalarini rivojlanishi va uni tatbiq qilinishi ortidan bir qancha sohalar va kasblar yo'q bo'lib ketishi mumkin.

"Raqamli" davlatlar bugungi kunda **Norvegiya, Shvetsiya va Shvetsariya** hisoblanishadi. Raqamli iqtisodiyot rivojlangan **10 ta** davlatlar qatoriga **AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya, Finlandiya, Singapur, Janubiy Koreya va Gonkong** va h.k.lar kiradi.

Hisoblash narxining tez pasayishi, aloqa vositasi sifatida internetning paydo bo'lishi, mobil internetning jadal rivojlanishi, kundalik dasturlarning ko'payishi va internetdagi ijtimoiy tarmoqlar va tijorat platformalarining roli ortib borishi, iqtisodiyotning ishlashiga va biznes, ijtimoiy tashkilotlar va shaxsiy hayotga jiddiy ta'sir ko'rsatdi. Raqamlashtirish axborot va bilimlarni saqlashni, ularga kirishni va o'zgartirishni osonlashtiradi. Raqamli texnologiyalar ijtimoiy va iqtisodiy hayotning barcha jabhalarini tobora bir-biri bilan bog'lab turadigan media va kommunikatsiya tizimini yaratadi. Shuningdek, foydalanuvchi va kontent o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik, bilim va texnologiyalarning ijodiy qayta kombinatsiyalarining tarqalishiga yordam beradi².

Dunyo tajribasini o'rganish natijasida shu narsa aniq bo'ldiki, raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotda davlat (hukumat) bozor "**o'yin**" qoidalarini o'yinning barcha ishtirokchilari uchun belgilaydi va bunda davlatning eng muhim vazifasi sifatida o'yin ishtirokchilari uchun bir xil, teng huquqli va imkoniyatli sharoit yaratib berish hisoblanadi. Ya'ni, bozorda katta kompaniya bo'ladimi yoki kichik biznes, ular teng huquqli hisoblanadi. Ularga bir xil imkoniyatlar beriladi. Davlat qoidalarga amal qilinishi va oxir oqibatda oddiy iste'molchi sifatli, zamonaviy xizmat yoki mahsulot olishi ta'minlanadi. Demak, raqamli iqtisodiyot rivojlanishi uchun davlat hamma uchun teng sharoit yaratib berishi, iloji boricha bozor qoidalari, qonunlar, shartnomalar shaffof bo'lishi, qonunlar bozor talabidan kelib chiqqan holda (ya'ni bozordagi rivojlanish tendensiyalarini oldindan aniqlay olishi va kerakli normativ hujjatlarni qabul qilishi) o'yin ishtirokchilari uchun erkinlik berishi zarur.

Dunyo mamlakatlari singari O'zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanib bormoqda. Kundalik hayotimizga axborot texnologiyalarni tatbiq qilinishi ortidan oddiy insonlar uchun ko'plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Lekin shuni ta'kidlash kerakki, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoqda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotni O'zbekistonda rivojlanishini bir qancha to'siqlarini ko'rsatib o'tish mumkin:

- ko'plab sohalaridagi monopoliya;
- internet tezligining pastligi va uni sifatsizligi;
- axborot texnologiyalari sohasida qonunchilikning zamondan orqada qolganligi;
- fuqarolarda komputer savodxonligining o'ta pastligi;
- qonunchilikning shaffof emasligi;

¹ https://unctad.org/system/files/official-document/der2019_overview_en.pdf

² <https://ec.europa.eu/jrc/en/research-topic/digital-economy>

- axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislarning yetishmasligi yoki ularni boshqa mamlakatlarga ketib qolishi;
- axborot madaniyati, axborot gigiyenasi pastligi;
- axborot texnologiyalari xavfsizligi yaxshi emasligi;
- boshqaruv organlarida sohani tushunadigan mutaxassislarning kamligi yoki (ba'zilarida) ularning umuman yo'qligi;
- ilm-fan va ayniqsa aniq fanlarning rivojlanishi sustligi (yoki rivojlanishdan to'xtab qolganligi).

Xulosa va takiflar. Olib borilgan tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

- hozirgi global pandemiya sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish juda ahamiyatlidir;
- raqamli iqtisodiyotni yaratish uchun inklyuzivlik juda muhimdir;
- raqamlashtirish axborot va bilimlarni saqlashni, ularga kirishni va o'zgartirishni osonlashtiradi;
- O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoqda;
- Olib borilgan tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

Olib borilgan tadqiqot natijasida quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

- internet tezligini va uning sifatligini oshirish lozim;
- imkon qadar tez va salmoqli ravishda fuqarolarda komputer savodxonligi ko'nikmasini hosil qilish lozim;
- boshqaruv organlarida IT sohasini tushunadigan mutaxassislarni tanlov asosida ishga(amaliyoga) jalb etish lozim;
- ilm-fan va ayniqsa aniq fanlarning rivojlanishiga yanada keng imkoniyatlar yaratish zarur;
- Kiber hujum xavfi, shaxsiy ma'lumotlar himoyasi bilan bog'liq ma'lumotlar xavfsizligini davlat o'z zimmasiga olishi zarur;
- axborot texnologiyalarini rivojlanishi va uni tatbiq qilinishi ortidan bir qancha sohalar va kasblar yo'q bo'lib ketishi xavfi bor bo'lganligi sababli yangi kasb (IT) xodimlarni sonini ko'paytirib, agar kerak bo'lsa ularni qayta o'qitib, malakasini oshirib ishsizlikni oldini olishi lozim va hokazo.

Yuqorida keltirilgan xulosalar bosqichma-bosqich, tizimli, dunyo tajribasidan kelib chiqib hal qilinsa, O'zbekiston ham bimalol raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlardan biri bo'la oladi deb bimalol ayta olamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>
2. https://unctad.org/system/files/official-document/der2019_overview_en.pdf
3. <https://ec.europa.eu/jrc/en/research-topic/digital-economy>
4. www.ziyounet.uz
5. www.wikipedia.uz va boshqalar.

Ф.Уроков	F.Urokov
Теоретические аспекты концепции цифровой экономики и важность ее развития Аннотация: В статье рассматриваются актуальные вызовы цифровой экономики, а также проблемы и возможности ее развития. Подчеркивается также теоретическое понятие «цифровая экономика» и его сущность. В статье также освещаются существующие проблемы в развитии «цифровой экономики» в Узбекистане и пути их преодоления. Ключевые слова: цифровизация, цифровая экономика, интенсивное развитие, электронные платежи, интернет-банкинг, интернет-реклама, эффективность труда, конкурентоспособность компании, «цифровое» рабство, «цифровые» государства.	Theoretical aspects of the concept of digital economy and the importance of its development Abstract: This article discusses the current challenges of the digital economy and the challenges and opportunities for its development. The theoretical concept of "digital economy" and its essence are also emphasized. The article also highlights the existing problems in the development of the "digital economy" in Uzbekistan and ways to overcome them. Keywords: digitalization, digital economy, intensive development, electronic payments, internet banking, internet advertising, labor efficiency, company competitiveness, "digital" slavery, "digital" states.

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Б.Х.Азизкулов – СамИСИ доценти в.б., PhD.

ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАН-ТИРИШДА КЛАСТЕР ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: мақолада ҳудуд ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига хизмат қилувчи, ўзаро тажриба алмашинув муҳитидаги жамоавий уйғунлашув билан ички ва ташқи бозор конъюктурасига мос қўшимча қийматга эга маҳсулотларининг яралишини таъминловчи, ягона технологик занжирга бирлаштирилган инновацион фаолиятнинг афзалликлари баён этилган.

Калит сўзлар: бошқариш, интеграция, инновация, ҳамкорлик, кластер, соҳа, ихтисослик, фан, таълим, ишлаб чиқариш.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда инновация катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, инновацияни қўллаган ҳолда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириб, юқори натижаларга эришиш кластер моделига хосдир. Миллий иқтисо-диёт рақобатбардошлигини оширишда кластер стратегиясидан фойдаланиш АҚШ ва Европа Иттифоқи учун янгилик эмас. Жаҳон тажрибасидан маълумки, сўнги йигирма йил ичида, кластерларни жорий этиш жараёни жуда тезлашган.

Умуман олганда, ривожланган хорижий давлатларда иқтисодиётни 50% ни кластерлар камраб олган [1]. Жанубий – Шарқий Осиёда, хусусан Сингапур ва Японияда ҳамда Хитой ва бошқа давлатларда ҳам кластерларни ташкил этиш фаоллиги кескин ошган. Европа иқтисодиёти учун, ишлаб чиқариш кластерларини ривожлантириш ўтган асрнинг 90-нчи йиллардан алоҳида эътибор қозонди.

Унинг муҳимлигини шундан ҳам билиш мумкинки, Саноатни ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (UNIDO), хусусий секторни ривожлантириш (Private Sector Development Branch) бошқармаси кўмагида, Европа давлатлари ва Европа хусусий тадбиркорлиги учун кластер ва кичик корхоналар тизимини ривожлантириш дастури ҳамда таклифлар тўпламини ишлаб чиқилган. Европа ҳамжамияти 2006 йил июлда “Европа ҳамжамияти давлатларида кластерлаштириш манифестини”ни қабул қилди ва 2007 йил декабрида “Европа кластер-меморан-думи”ни маъқуллади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Меморандум 2008 йил 21 январидида Стокгольмда ўтказилган “Инновация ва кластерлар” Европа Президенти конференциясида қабул қилинди ҳамда қўллаб-қувватлаш ўз якунига етиб ўз тасдиғини топди. Ҳамдўстлик давлатларидан Россия, Украина ва Белоруссияда иқтисодга кластер нуқтаи назаридан қарашга эътибор кучайган [2,3]. Хозирда, Россияда 200 га яқин кластерлар, Украинада эса 25 та кластер фаолият кўрсатмоқда. Украина далад дастурида, юқори даражада ихтисослаштирилган ҳудудий-ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш агросаноат кластерларини шакллантириш ва жамлаш йўли билан мамлакат қишлоқларини ривожлантириш самарасини ошириш мақсад қилиб олинган [4].

Шу нуқтаи назардан, кластер концепцияси; фан, техника, таълим, ишлаб чиқаришга янгиликлар киритиш каби давлатнинг аграр ва иқтисодий сиёсатини инновация шаклида ривожланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида, миллий иқтисодиёт, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаларининг рақобатбардошлигини ҳам янада оширади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кооперацияси тадқиқотларини “Иқтисодий тадқиқот маркази” Ўзбекистонда БМТ ривожлантириш дастури доирада олиб бормоқда [5].

Тадқиқотлар, Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари орасида кластер бирлашмаларни шакллантириш орқали самарали кооперацияни ривожлан-тиришга қаратилган тавсиялар тизимини ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Кластер, корхоналарнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий бирлашмасидан муҳим фарқи шундаки, у маълум ҳудуддаги турли соҳа корхоналарини, бозорни ўрганиш-дан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишгача бўлган ягона тизимга бирлаштиради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот инновацион бўлиши ва доимий такомиллаштириб борилиши кластер ишлаб чиқаришининг асосий хусусиятидир. Кластерлар, ижодий активлик ва инновацияликни амалга оширувчи муҳит сифатида қаралади.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда, вилоят ва шаҳар саноат кластерлари томонидан инвестиция-ларни жалб этган ҳолда қўшма корхоналар тузиш, шерикчилик ва индустрия-лаштирилган ҳамда бошқа ишлаб чиқариш тизимларини ташкил этиш орқали ҳудудларни ривожлантиришни бошқариш, замон талабига айланди.

Ривожланган мамлакатларда, кластер тизимига кўпроқ корхоналарни қамраб олиш мақсадида кластерлар турлари бўйича классификацияланади:

- рақобатлашувчи кластерлар (бир ҳудудда бир хил маҳсулот етиштиради, қайта ишлайди ва реализация қилади)
- стратегик кластерлар (асосан бошқа қолоқ қишлоқ ҳудудлари иқтисодиётини кўтаришга тузилади)
- пайдо бўлувчи кластерлар (юқори ривожланиш суратига эга кластерлар: биотехнология, биоэнергетика, нанотехнология ва х.к.)
- етук кластерлар (ишга жойлаштириш даражаси паст бўлган тикувчилик, тўқувчилик, мебелсозлик, устачилик кластерлари ва х.к.)
- потенциал кластерлар (ҳудудлар иқтисодиётини кўтариш учун ташкил этиладиган юқори даражадаги салоҳиятли мутахассисларга эга кластерлар)
- мувофиқлаштирувчи кластерлар (иқтисодни диверсификация қилиш ва ишчи ўринларини яратиш (туризм, хизмат кўрсатиш) ва х.к.

Кластер тузишга мотивация сифатида; шаҳарчалар ва қишлоқлар иқтисоди-ётини яхшилаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш, тадбир-корлик, хусусий корхоналарини ривожлантириш, ишлаб чиқариш техноло-гияларини такомиллаштириш, маҳаллий корхоналар фаолиятини жонлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот экспортини ошириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини танлаш мумкин.

Кластер тизимида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари орасидаги муносабатлар янада такомил-лаштирилади. Айниқса, кластер тизимига кирувчи корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-лаиш нархлари барқарорлашади. Кластер тизими қишлоқлараро, туман ёки туманлараро ҳудудларда ташкил этилиши ва бу тизимга кирадиган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлик даражасини, қуйидаги маълум давр учун тузилган тенгсизлик ёрдамида ифодалаш мумкин.

$$\Phi_k > \Phi_1 + \Phi_2 + \Phi_3 + \dots + \Phi_i + \dots + \Phi_n.$$

Ушбу тенгсизлик кластер тизимини шакллантиришнинг етарли шarti ҳисобланади.

Бу ерда;

Φ_k -кластер тизимига кирган корхоналарнинг тизим асосида ишлаши натижасида оладиган умумий фойдаси

n - кластерга кирувчи субъектлар сони.

Φ_i - кластерга кирувчи i -нчи субъектнинг кластер тизимига кирмаган ҳолда оладиган фойдаси.

Иқтисодий самарадорлик таҳлили, асосан бир йиллик фаолиятни қамраб олади. Ушбу таҳлилда, корхоналарнинг ҳозирги молиявий аҳоли ва кластер тизимидаги фаолияти молиявий натижадари ҳисобланади ва таҳлил қилинади.

Маълум ҳудудларда, агроластер тизимини шакллантириш ҳақидаги қарор вилоят ёки туман ҳокимликлари томонидан қабул қилинади. Туман ҳокимликлари томонидан

килинг қарор, қоида тариқасида вилоят ҳокимлиги тасдиғидан ўтиши мақсадга мувофиқ. Тажрибадан маълумки, бизнес, фан ва маҳаллий ҳокимият кучларини бирлаштириб сарфланган маблағларни тезда қайтариш ва фойда кўриш мақсадида мувофиқлаштирувчи кластерлар тузилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган олимлар ва профессор-ўқитувчилар салоҳиётидан фойда-ланган ҳолда хўжаликларда маҳсулот етиштиришга маҳаллий ҳокимлик органлари ёки алоҳида бошқарув органи бажаради.

Хулоса ва таклифлар. Ўтироф этиш керакки, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги кластерларни бошқа-риш тизими, талаб даражасидан орқада қолмоқда. Буларга асосий сабаб, нархлар номутанносиблиги ва замонвий ахборот тизимларидан фойдаланиш даражасининг пастлигидир. Агрокластер ташкил этилган ҳудудларда геoinформацион маълумот-ларни олиш ва замонвий алоқа - ахборот воситалари самарали ишлашини таъмин-лаш муҳим.

Иқтисодий рақобат кучайган ҳозирги даврда, мамлакат иқтисодий рақобат-бардошлигини ва ривожланишини таъминлаш турли кластер тизимларини тезликда жорий қилишга боғлиқ. Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва бозор-ларни кенгайтириш мақсадида тузиладиган кластерлар маҳаллий шароит имко-ниятларидан фойдаланиш муҳим. Самарқанд вилоятида агротуризм, экотуризм, зиёраттуризм, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва логистика ҳамда бошқа кластерларини ривожлантириш юқори самара бериши мумкин.

Ҳозирги даврда, агрокластер нуктаи назаридан қишлоқ хўжалигида ривож-ланишни таъминлаш, ривожланган иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган ўзига хос қонуниятдир. Кластерга кирувчи корхоналар капиталини жамлаш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали рақобатбардошлик ошириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ортириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулот кўринишига келтириш ва сотиш орқали оладиган фойда кўпайтиради.

Натижада, Ўзбекистоннинг экспорт потенциали кўпаяди. Агрокластер услуги асосида фаолият кўрсатадиган қишлоқ хўжалиги мажмуаси тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик. У қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор иқтисодиётнинг бошқа соҳалари самарадорлигини ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади, давлат молиявий ресурслари тақсмотини ҳамда қишлоқ хўжалигини вилоятларда ва регионларда қўллаб-қувватлашни уйғунлаштиради, қишлоқларда хўжалик юритиш ва очиқ бозор амалий механизмини шакллантиради, ўзаро рақобатда корхоналар бор имкониятлардан янада тўлиқроқ фойдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Е.Б. Ленчук, Г.А. Власкин. **Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран.** *Статья подготовлена при финансовой поддержке Российского гуманитарного научного фонда (Проект № 09-02-00546 а/У)* <http://institutiones.com/strategies/1928-klasternyj-podxod-v-strategii-innovacionnogo-razvitiya>.
2. Иванов А.А. Достижение продовольственной безопасности России посредством формирования региональных экономических сельскохозяйственных кластеров 2. *Красноярск, Россия* [lomonosov- http://msu.ru/archive/ Lomonosov _2012/1945/28944_da3d.pdf](http://lomonosov-2012/1945/28944_da3d.pdf)
3. В.И.Самаруха. **Проблемы развития кластеров в сельскохозяйственном производстве.** *Известия 2007. № 1 (51)* [http:// izvestia.isea.ru /pdf.asp](http://izvestia.isea.ru/pdf.asp)
4. А.В.Ульянченко. Повышение конкурентоспособности аграрного сектора эконо-мики Украины на кластерных основах Вестник аграрной науки. – 2010. - №10. – С.56-59. [http:// ulyanchenko.com.ua/ru/publications/](http://ulyanchenko.com.ua/ru/publications/)
5. Center for Economic Research. A joint project of the government of Uzbekistan and United Nations Development Program. www.cer.uz/

К.Мирзаев, Б.Азизкулов Преимущества использования кластерной системы в социально-экономическом развитии сельских территорий Аннотация: в статье описаны преимущества интегрированной инновационной деятельности в единую технологическую цепочку, способствующую социально-экономической стабильности региона, созданию продукции с добавленной стоимостью в соответствии с условиями внутреннего и внешнего рынков путем коллективной координации в среде взаимного обмена опытом. Ключевые слова: менеджмент, интеграция, инновации, сотрудничество, кластер, промышленность, специализация, наука, образование, производство.	К.Mirzaev, B.Azizkulov Advantages of using the cluster system in the socio-economic development of rural areas Abstract: The article describes the advantages of innovative activities integrated into a single technological chain, which contributes to the socio-economic stability of the region, the creation of value-added products in accordance with the conditions of domestic and foreign markets through collective coordination in an environment of mutual exchange of experience. Keywords: management, integration, innovation, cooperation, cluster, industry, specialization, science, education, manufacturing.
--	--

М.М.Ибрагимов – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

УЗУМЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада узумчилик тармоғининг ривожлананиш тенденциялари, қишлоқ хўжалигидаги ўрни, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва узумчилик тармоғида харажатлар ҳисобининг хусусиятлари баён қилинган. Харажатлар ҳисобини такомиллашти-риш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида фермер хўжаликларида узум ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар шакллантирилган. Калит сўзлар: фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш, узумчилик тармоғи, харажатлар, харажат объекти, маҳсулот таннархи, самарадорлик.
--

Кириш. Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни сифатли мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида агросаноат мажмуида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини эса хомашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини бериши билан биргаликда, узумни янги ҳолида ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини экспорт қилиниши натижасида валюта тушуми манбаи ҳамдир.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, Ўзбекистонда қиймати 18,9 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган 21,5 минг тонна узум маҳсулоти хорижға экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давриға нисбатан 9,1 минг тоннаға кўп. Пандемия шароити бўлишиға қарамай 13 та давлатға Ўзбекистон узумларининг экспорти амалға оширилган. Айниқса, бу йил Германия, Литва ва Туркменистон давлатлари бозорларида мамлакат сарҳадларида етиштирилган узум маҳсулоти биринчи бор сотилмоқда.¹

Республикамизда узумчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг

¹ Интернет сайти: Kun.uz

2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388 сонли “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ 4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланган вазифалар қаторига қишлоқ хўжалигида “... пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш” вазифаси қўйилган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлар ҳисобини такомиллаштириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида фермер хўжаликларида узум ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инглиз олимлари Ч.Т.Хорнгрен ва Дж.Фостерлар бу ҳақда ўз фикрларини қуйидагича баён қилишган: “Харажатлар ҳисоби тизимини ташкил этишга иқтисодий асосланган ҳолда ёндошиш – бу ҳал этувчи гуруҳлар турини аниқлаб олиш (масалан, меҳнат харажатлари ёки материаллардан фойдаланиш назорати) ва уларга мос келувчи харажатлар ҳисоби объектларини танлаш (масалан, маҳсулот ёки бўлинма)”[4,20-бет]. Ушбу фикр, бухгалтерия ҳисобида узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишда харажат объектини тўғри танлаш лозимлигини белгилаб беради.

Харажат объектини тўғри танлаш билан биргаликда, уларда харажатларни мезонлари бўйича ҳисобини тўғри ташкил этиш бир-бирини тўлдиради. Бу ҳақда иқтисодчи олимлар А.К.Ибрагимов, И.К.Очилов, И.Н.Қўзиев, Н.Қ.Ризаевлар қуйидагича фикр билдиришган “Харажатларни тўғри ҳисобга олинишини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқ ҳисоблаш мақсадида харажатларни мезонлари бўйича туркумлаштириш илмий ва амалий жиҳатдан мукамал ва реал бўлади” [7,327-бет].

Иқтисодчи олимлар К.Б.Уразов, С.В.Вахидовлар ишида деҳқончилик, жумладан узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш, маҳсулотлар таннархини аниқлаш тартиби келтирилган. Ишлаб чиқариш харажатларини моддалар бўйича ҳисобга олиш тартиби батафсил очиб берилган.(5,188-189-бет)

Тадқиқот методологияси. Мавзуга оид республикамізда қабул қилинган меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар, соҳа иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, узумчилик тармоғида экин майдони, ҳосилдорлик, ялпи ҳосилни акс эттирувчи статистик маълумотлар ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг материалларидан фойдаланилди. Илмий-тадқиқот ишларини бажаришда қўлланиладиган кузатиш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикамізда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида узумчилик ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса, “2013-2015 йиллар давомида республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан 23,5

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

минг гектар янги тоқзорлар барпо этилиб, 17,4 минг гектр майдондаги эски, самарасиз тоқзорлар реконструкция қилинди. Ўтган йиллар давомида барча тоифа хўжаликларида тоқзорлар майдони 141,7 минг гектардан 148,6 минг гектарга етказилиб, узум етиштириш 136 минг тоннага кўпайди. 2016 йилда ялпи ҳосил 1,7 млн.тоннани, 2017 йилда эса эса 1,9 млн. тоннани ташкил қилган”¹.

Узумчилик соҳасига ҳукуматимиз томонидан берилаётган турли имтиёзлар тармоқнинг янада ривожланиши, Республикамизда узум етиштиришни кўпайтириш имкониятини беради. Маълумки, ҳозирда Республикамизда етиштирилаётган узум ҳосилининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2019 йилда мавжуд жами 39283 гектар тоқзорларнинг 27150 гектари ёки 69,1 фоизи фермер хўжаликларида бўлиб, ушбу хўжаликлардаги узумзор майдони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1850 гектарга ёки 4,9 фоизга кўпайган. Вилоят бўйича жами узум ҳосилининг 299020 тоннаси ёки 53,0 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган.

Узумчилик тармоғининг жадал ривожланиши, ушбу тармоқда маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш билан бирга маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулот

1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2018-2019 йилларда тоқзорлар майдони ва узум ялпи ҳосили кўрсаткичлари²

Т/р	Хўжаликлар тоифаси	Тоқзорлар майдони, га			Ялпи ҳосил, тонна			Ҳосилдорлик, ц/га		
		2018 й.	2019 й.	Ўсиш суръати, %	2018 й.	2019 й.	Ўсиш суръати, %	2018 й.	2019 й.	Ўсиш суръати, %
1	Барча тоифадаги хўжаликлар	37433	39283	104,9	559903	564278	100,8	149,6	143,6	96,0
1.1	Ш.ж. фермер хўжаликлари	25685	27150	105,7	300468	299020	99,5	117,0	110,1	94,1
1.2	Дехкон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар	10071	10588	105,1	245452	250365	102,1	243,7	236,5	97,0
1.3	Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар	1677	1545	92,1	13983	14623	104,5	83,4	94,6	113,4

рақобатбардошлигини таминлаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга оширишда тармоқда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил қилиниши ва юритилиши муҳим рол ўйнайди. Ҳозирда узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларида тармоқда бажариладиган агротехник тадбирларнинг маълум бир қисми яъни, токни қирқиш, ток тупларини кўмиш ва очиш, хомток ўтказиш, узум ҳосилини йиғиштириб олиш асосан фермер хўжалигининг ўз ишчилари ва ёлланма ишчи кучидан фойдаланган ҳолда қўл кучи асосида бажарилади. Натижада ушбу агротехник тадбирларни бажариш учун иш ҳақи ва иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта ажратмалари, баъзи бошқа харажат моддалари бўйича қилинган харажатлар ҳам бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс эттирилмасдан қолмоқда. Бу эса узумчиликда харажатлар ҳисобининг тўлиқ ва тўғри юритилмаслигига натижада етиштирилаётган маҳсулот таннархининг ва узумчилик маҳсулотлари сотиш натижаларининг реал аниқланмаслигига олиб келади. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ва тўлиқ ҳисобга олиш учун белгиланган харажат моддалари бўйича амалга оширилаётган барча харажатларни тўлиқ ҳисобга олиб борилиши лозим.

¹ Интернет сайти: vinsanoat.uz.

² Вилоят статистика бошқармси маълумотлари

Фермер хўжаликларида узумчилик ишлаб чиқариш харажатларини 2-жадвалда келтирилган тартибда ҳисоб–китоб қилиниши ва бухгалтерия ҳисобида қатъий ҳисобга олинишини таклиф қиламиз.

2-жадвал

Фермер хўжаликларида узумчилик ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга тартиби⁵

Т/р	Харажат моддалари	Ҳисоблаш тартиби	Расмийлаштирилган ҳужжат
1.	Меҳнат ҳақи харажатлари. (Ток тупларини очиш, ток тупларига ишлов бериш, суғориш, ҳомток қилиш, касалликларга ва зараркунандаларга қарши дорилаш, ҳосилни узиб олиш, токни қирқиш ва кўмиш ишлари)	Наряд бўйича бир бирлик ишни бажариш учун белгиланган таърифни бажарилган иш ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади	Наряд, табель, ҳисоб - тўлов қайдномаси
2.	Ижтимоий суғуртага ҳисобланган ажратмалар	Ҳисобланган иш ҳақини белгиланган ставкага кўпайтириш йўли билан аниқланади	Махсус ҳисоб-китоб
3.	Минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда кимёвий дорилар сарфи	Узумзор майдонини 1 га майдонига сарфланган минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар миқдорига ва уларнинг бир бирлигининг ҳақиқий таннархига кўпайтириш йўли билан аниқланади	Минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар сарфи далолатномаси
4.	Ёқилғи сарфи	Фермер хўжалигида мавжуд экин турлари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасининг ҳар бир экин турида ишлаган вақтига (соат) ёки иш ҳажмига (эталон/гектар) қараб тақсимланади	Нарядлар, тракторчи-машинистнинг ҳисоб варақаси, тракторнинг йўл варақалари
5.	Суғурта тўловлари	Токзор майдони бўйича ҳисобланган суғурта тўлови бўйича	Суғурта полиси, шартнома
6.	Иш ва хизматлар	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби
7.	Амортизация харажатлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича ҳисобланади	Махсус амортизация (эскириш) ҳисоблаш ҳисоб-китоби
8.	Умумишлаб чиқариш харажатлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби

Фермер хўжаликларида узумчилик ишлаб чиқариш харажатларининг харажат моддалари бўйича тўғри ҳисоб-китоб қилиниши ва ҳисобининг тўлиқ ҳамда тўғри юритилиши етиштириладиган маҳсулотнинг таннархини ҳамда молиявий натижаларни тўғри аниқлаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- Тармоқда бажариладиган агротехник тадбирлар, барча иш ва хизматлар учун қилинган харажатларни белгиланган тартибда тўлиқ ҳисобга олиш;
- Ишлаб чиқариш харажатларини харажат моддалари бўйича қатъий чегаралаган ҳолда ҳисобга олиб бориш;

⁵ К.Б.Уразов, С.В.Вахидов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т., «Адиб нашриёти» МЧЖ, 2011. 188-189б.

– Узумчилик агротехикасига асосан сарфланаётган моддий ресурслар минерал ва органик ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа материалларни меъёрлар бўйича сарфланишини таъминлаш;

– Ишлаб чиқариш технологиясига қатъий риоя қилиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;

Мазкур тадбирларни амалга ошириш узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг тўлиқ ва тўғри юритилиши, бунинг натижасида эса узумчилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори
4. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж.. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. Пер. с англ./Под ред. Я.С.Соколова.- М: “Финансы и статистика”. 2001.-416 с.
5. К.Б.Уразов, С.В.Вахидов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.- Т., «Адиб нашриёти» МЧЖ, 2011. 188-189б.
6. Э.Ф.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма. Икки жилдлик. -Т.: “Норма” 2010 йил, 2-жилд, 424 бет.
7. Молиявий ва бошқарув ҳисоби/Ўқув қўлланма. А.К.Ибрагимов ва б., Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2007 - 467 б.
8. Интернет сайтлари: vinsanoat.uz, Kun.uz.

М.Ибрагимов Совершенствование учета затрат в фермерских хозяйствах специализированных виноградарству.	M.Ibragimov Improving the calculation of production costs on farms specializing in viticulture
Аннотация: в настоящей статье изложены тенденции развития виноградарства, ее роль в сельском хозяйстве и при обеспечении продовольственной безопасности а также особенности учета затрат отрасли виноградарства. В результате исследований по совершенствованию учета затрат и снижения себестоимости продукции разработаны предложения по повышению эффективности производства винограда в фермерских хозяйствах. Ключевые слова: фермерское хозяйство, производство, отрасль виноградарства, затраты, объекты затрат, себестоимость продукции, эффективность.	Abstract: This article describes the development trends of the viticulture sector, its role in agriculture, its role in ensuring food security in the country, and the characteristics of cost accounting in the viticulture sector. As a result of research on improving cost accounting and reducing the cost of production, recommendations have been developed to increase the efficiency of grape production on farms. Keywords: farms, production, viticulture, costs, cost object, product cost, efficiency.

МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Х.А.Улашев – СамИСи катта ўқитувчиси, и.ф.н.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги ва ишсизлик даражаси қатор йиллар учун таҳлил қилинган, аҳоли бандлиги ошириш, ишсизлик даражасини камайтириш бўйича бир қатор таклифлар билдирилган

Калит сўзлар: ишсизлик, ишсизлик даражаси, меҳнат, меҳнат бандлиги, иқтисодий фаол аҳоли, кичик бизнес, тадбиркорлик,

Кириш. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида меҳнат бозорини ривожлантириш, унга амал қилиш самарадорлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини оширишнинг назарий жиҳатларни тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш Республикамизда олиб ижтимоий ислохотнинг асосини ташкил қилади “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи бўлимининг 4.1 қисмида “ Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш: меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш;”¹ деб кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли республикамизда аҳоли бандлиги ошириш ва ишсизликни камайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бандлик, ишсизлик турлари, ишсизлик даражасининг ошиши ва унинг ялпи ички маҳсулотга таъсирининг назарий ва методологик асослари яқин хорижлик иқтисодчи олимлар Агабекян Р.Д., Прокопов Ф.Т., Волген Н.А, Адегов Ю.Г. Плаксия В.И, Червенино Т., Гимпельсон В.²

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини ошириш, самарали бандлик сиёсатини амалга оширишнинг тажрибаси, аҳоли бандлигини оширишда ва ишсизлик даражасини камайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли, иш кучи экспорти каби масалалар республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари Вахабов А.В., Абдурахманов Қ.Х., Абдуғаниев А.А., Д. З.Таджибаева, Ш.Х. Хажибакиевлар томонидан ўрганилган³

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, киёсий таҳлили, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, умумлаштириш, омилли таҳлил ва бошқа таҳлилий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда иқтисодий, ижтимоий ислохотларни ўтказиш натижасида жуда кўп миқдорда янги иш ўринлари яратилди. Аммо янги иш ўринлари сонига нисбатан иқтисодий фаол аҳоли сони ўсиши орасидаги фарқнинг катталиги республикамизда ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда 2010-2019 йиллардаги ишсизлик даражаси 1-жадвалда кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган йилларда Ўзбекистонда ишсизлик даражасида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Агар 2010 йилда ишсизлик даражаси 5.4 % ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 9% ни ташкил қилди ёки 3,4 % га кўпайди. 2018 йилда ишсизлик даражаси олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.

² Агабекян Р.Л., Абаган Г.Л., Современные теории занятости: Учебное пособие для вузов.- . ЮНИТИ- ДАНА 2001. – 190 с.; Прокопов Ф.Т. Безработица и эффективность государственной политики на рынке труда в переходной экономике России. – М. Экономический факультет МГУ. ТЕИС. 2009. – 311с.; Экономика труда. Под ред. Н.А.Волгина, Ю.Г. Одогова. – М.:Издательство “ЭКЗАМЕН”, 2003. – 736 с.;Плаксия В.И. Безработица: теория и современная Российская практика. – М.: РАГС, 2004. – 384 с.;Нестандартная занятость в российской экономике. Под ред. В.Е.Гимпельсона и Р.И.Капелюшников. – М.: Издательский дом ГУВШЭ, 2006. – 400 с.

³ Абдуғаниев А., Таламетова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салохияти. Т.: “Меҳнат”, 2008. 96 б.; Абдурахмонов Қ.Ж.: Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. 671 б.; Вахабов А.В. Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2011.708 б.

Ўзбекистон республикасида иқтисодий фаол аҳоли сони, бандлик ва ишсизлик даражаси¹

Йиллар	Иқтисодий фаол аҳоли сони минг киши	Шулардан		Иқтисодий фаол аҳолининг улуши %	Ишсизлик даражаси %
		Иқтисодиётда бандлар сони минг киши	ишсизлар минг киши		
2019	14876,4	13537,6	1338,8	71,6	9
2018	14641,6	13279,9	1361,7	74,2	9,3
2017	14357,3	13520,3	837	73,5	5,8
2016	14022,4	13298,4	724	72,5	5,2
2015	13767,7	13058,3	709,4	71,9	5,2
2014	13505,4	12818	687,4	71,3	5,1
2013	13163	12523,3	639,7	70,5	4,9
2012	12850,1	12223,8	626,3	70	4,9
2011	12541,5	11919,1	622,4	69,7	5,0
2010	12286,6	11628,2	658,4	70,2	5,4

Ушбу кўрсаткичнинг 2018 йилда бошқа йилларга нисбатан кўпайишининг асосий сабаби ишсизлик даражасини ҳисоблаш методикасида ўзгаришлар ҳисобига рўй берди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси орасида ишсизлик даражаси 13,2% ни ташкил . Ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 9,1% ни ташкил этган эди , яъни 4,1 % га кўпайди.

“COVID-19” пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Ишга муҳтож бўлганлар сони 1,94 млн. кишини ташкил этди. 16–30 ёшдаги ишсизлик даражаси 20,1 фоизга, аёллар орасида 17,4 фоизга етди.

Дастлабки маълумотларга кўра, меҳнат ресурслари сони 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайди ва 19 млн. кишини ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига COVID-19 нинг салбий таъсири сабабли иш билан банд бўлганлар сони 5 фоизга камайиб, 12,7 млн. кишига етди.² Ўзбекистонда ижтимоий муаммолардан бири ёшлар орасида ишсизлик даражасининг юқорилигидир. Юқорида қайд этилгандек 2020 йил январь –июнь ҳолати бўйича жами ишсизларнинг 20 ортиқ фоизи 16—30 ёшдагилардир.

Халқаро ташкилотлар ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш бўйича турли йўналишлар беришмоқда. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилот куйидаги йўналишлар бўйича ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш деб ҳисоблайди.

1. Ёшларнинг меҳнат қobiliятини ошириш. Ушбу сиёсат меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқликни таълим, малака ошириш ва иш берувчиларнинг ўзаро ривожлантириш музокораларини орқали бартараф этиш.
2. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш.
3. Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини қўллаб қувватлаш.

Ўзбекистон юқоридаги йўналишлар бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда.

Бу яққол мисол қилиб 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги “Таълим тўғрисида”ги қонунни кўрсатиш мумкин. Ушбу қонунга кўра техникумларнинг ташкил этилиши, мактабларнинг юқори синф ўқувчиларни маълум бир касбга ўқитилиши ва ОЎЮ учун қабул квоталарини кўпайтирилиши иш берувчилар талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлашга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар. Республикамизда ишсизлик даражасини камайтириш ва бандликни оширишнинг куйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида иқтисодий ресурслар, шу жумладан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланадиган хусусий корхоналар ташкил этишни давом эттириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, уларда янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан

¹ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси материаллари асосида тузилган.

² Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.

- юқори технологик ва даромадли иш ўринларини кўпайтириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш. Айниқса, бу борада қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳаси “Кластер” тизимини кенгайтириш ишсизлик даражасини камайитиришга катта ижобий таъсир кўрсатади ;
- фаолият кўрсатаётган корхоналарга ва янги корхоналарни барпо этиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишни кенгайтириш;
- касаначилик ривожланишини рағбатлантириш орқали кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва бошқаларга мос иш жойларини вужуга келтиришга йўналтириш;
- янги иш ўринларини яратишда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайитириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан қисман бўлсада қоплаш.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш учун қуйидагиларга эътибор берилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- ёш тадбиркорларга банклардан кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш;
- ёш тадбиркорларга солиқ имтиёзларни кенгайтириш;
- ёш тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш ва қўллаб қувватлаш;
- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш.

Умуман қилиб олганда аҳоли бандлигини ошириш, ишсизлик даражасини камайитиш тадбирлари ишлаб чиқишда юқорида таклифларни эътиборга олиш бу борадаги муаммоларни хал қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.
2. Агабекян Р.Л., Абагян Г.Л., Современные теории занятости: Учебное пособие для вузов. - . ЮНИТИ-ДАНА 2001. – 190 с.;
3. Прокопов Ф.Т. Безработица и эффективность государственной политики на рынке труда в переходной экономике России. – М. Экономический факультет МГУ. ТЕИС. 2009. – 311с.
3. Экономика труда. Под ред. Н.А.Волгина, Ю.Г.Одегова. – М.:Издательство “ЭКЗАМЕН”, 2003. –с.736.
- 4.Плаксия В.И. Безработица: теория и современная Российская практика. – М.: РАГС, 2004. – 384 с.
5. Нестандартная занятость в российской экономике. Под ред. В.Е.Гимпелсона и Р.И.Капелюшниковой. – М.: Издательский дом ГУВШЭ, 2006. – 400 с.
6. Абдуғаниев А., Таламетова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: “Меҳнат”, 2008.- 96 б.
7. Абдурахмонов Қ.Ж.: Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. - 671 б.
8. Вахобов А.В. Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқоро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2011.-708 б.
9. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси материаллари. www.stat.uz
10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари

Х.Улашев Основные пути повышения занятости населения и снижения уровня безработицы в Республике Узбекистан	Н.Уласhev The main ways to increase employment and reduce unemployment in the Republic of Uzbekistan
Аннотация: в данной статье анализируется уровень безработицы и занятости Республики Узбекистан за ряд лет, предложены ряд направлений по повышению занятости и снижению уровня безработицы в том числе среди молодежи. Ключевые слова: безработица, уровень безработицы, труд, трудовая занятость, экономически активное население, малый бизнес, предпринимательство	Annotation: This article analyzes the level of unemployment and employment of the Republic of Uzbekistan for a number of years, offers a number of directions for increasing employment and reducing unemployment, including youth. Keywords: unemployment, unemployment rate, labor, employment, economically active population, small business, entrepreneurship

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Ж.М.Қурбонов – СамИСИ профессори, т.ф.д.,

Р.Ж.Курбанова – СамИСИ катта ўқитувчиси, PhD,

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада рақамли технологиянинг маҳаллий, бошқа даражадаги рақамли платформаларини яратиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, унинг манбаи ҳисобланган ташкилотлар, корхоналар серверини ташкил этиш лозим масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, платформа, сервер, генерация, электроника

Кириш. Маълумки, хизмат кўрсатиш корхоналарига: умумий овқатланиш (ресторанлар, ошхоналар, кафе, барлар ва ҳ.к.), меҳмонхона (отеллар, ботеллар, хостеллар ва ҳ.к.), савдо (дўконлар, магазинлар, мини-, супер-, гипермаркетлар) ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи корхоналар киради. Хизматлар соҳасининг 2019 йилдаги ЯИМдаги улуши 35,5%, шундан алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ва бошқа турдаги хизматлар улуши – 20,9 %, ташиш ва сақлаш, ахборотлаштириш ва алоқа -7,7 %, савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари - 6,9 %ни ташкил этади. [1]

2020 йил пандемия шароитида узлуксиз давом этган карантин натижасида кўплаб корхоналар катта зарарга учрадилар ва ходимларини ишдан бўшатишга мажбур бўлдилар. Лекин, шундай шароитда ҳам ўз иш фаолиятларини анъанавий усулдан online усулига ўзгартириб, корхонадаги мавжуд электрон ресурсларни ишга солган ҳолда қисман бўлса ҳам, ўз иш фаолиятларини тўхтатмаганлар ҳам бўлди. Бунда, улар аҳолининг турар ёки хоҳиши бўйича кўрсатилган манзилга: овқатланиш маҳсулотларини, тайёр таомларни ва бошқа хизматларни олдиндан буюртма асосида хизмат кўрсатишни давом эттирдилар. Лекин, бунда ҳам, корхона эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни олиш қийин бўлди. Худди шундай, ташқи алоқаларнинг сустиги, хизматлар инфраструктурасининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли ҳозирги вақтда корхона асосий фондларини сотиш ёки ижарага беришда тўсиқларга учраптилар. Бунда, корхоналар ҳақидаги маълумотлар банкининг йўқлиги, бу жараёни самарасизликка олиб бормоқда. Фикримизча, бунинг асосий ечими барча корхоналарни рақамли иқтисодиётга ўтказиш керак. Президентимиз айтганидек: «...Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини егаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради...қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.... Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳалари тўлиқ рақамлаштирилади. Шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими ...» [2] комплекс ҳал этилади. Лекин бу дегани, бошқалар қараб ўтириши керак дегани эмас, ҳозирдан бошлаб мавжуд ресурслардан фойдаланилган ҳолда рақамли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтишни бошлашлари керак.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизматлар соҳасини рақамлаштириш усуллари бўйича таклифлар Гулямов С.С.[3], Грибанов Ю.И.[4],[5] ларнинг ишларида, иқтисодиётнинг соҳаларини рақамлаштириш ва уни корхоналар рақобатбардошлигига Скруг В.С.[6], Бабкин А.В.[7] ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Ўрганилаётган адабиётларнинг хулосалари асосида биз ўз тадқиқотимизни хизмат кўрсатиш(овқатланиш ва турар жой ҳамда сотиш) корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларини ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқаришга қаратдик. Рақамли технологиянинг маҳаллий, бошқа даражадаги рақамли

платформаларини яратиш, шунингдек унинг манбаи ҳисобланган ташкилотлар, корхоналар серверини ташкил этиш лозим.

Тадқиқот методологияси.Тадқиқотда «Тизимли таҳлил» ва «Мантиқий таҳлил» методикасидан фойдаландик.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда дунёда рақамли иқтисодиётнинг бир якунга келинган таърифи мавжуд бўлмасда,[8],[9] унинг рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият [10] эканлигини инобатга олиб, хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамлаштириш деганда (маълумотни электрон шаклда тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш [11] жараёнлари) биринчи ўринда корхонанинг маълумотларини генерациялаш назарда тутилади.

Генерациялаш жараёнида корхонадаги фаолият жараёнлари ҳақидаги маълумотлар рақамлаштирилади ёки рақам шаклига келтирилади. Бунинг учун, корхонадаги мавжуд электрон фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic фирмаларга қарашли ҳисобланиб, улар ҳақидаги маълумотлар ўқув қўлланмамизда келтирилган [12]. Биз тадқиқотимизнинг пандемия даврида Самарқанд шаҳар «Оби –Раҳмат» МЧЖ (“Юлдуз” ресторани ва савдо маркази») ва бошқа корхоналарда, бўлажак маҳаллий ёки тармоқлараро рақамли платформаларга қўшилиш, корхона фаолиятидаги жараёнлар ҳақидаги маълумотларни рақамлаштириш ёки рақам шаклига келтириш учун, улардаги мавжуд электрон техникадан фойдаланган ҳолда, ягона серверини ташкил этиш ва бунинг ёрдамида айрим ташқи алоқаларни ўрнатишни таклиф этдик.



1 - расм. Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси таснифи

Самарқанд шаҳар «Оби –Рахмат» МЧЖ (“Юлдуз” ресторани ва савдо маркази)да, ҳозирги вақтда жами 2 та POS-система, 12 та электрон касса аппарати, 8 та электрон тарози ва 3 та персонал компьютерларнинг ҳаммаси HPE ProLiant DL120 Gen9 серверига уланди. Бунда, корхонадаги мавжуд ВЭ-15Т электрон тарозилари электрон касса аппарати билан боғланишини ОНЦ-ВГ -4-5/16 В ва III Н-1-5 вилкали махсус кабеллар ёрдамида уланди. POS-системалар, фискал регистратор асосидаги назорат-касса машинаси, фақат компьютер-касса тизимида ишловчи, алоқа тармоғидан маълумот олиб ишловчи комплекс тизимга киради. Улар асосан магнит карта тўловида ишласада, тезликда смарт-картага ва PIN PADга ҳам мослаштирилади. Улардаги мавжуд портлари: 2xRJ-11 2/6 портли (телефон линияси ва телефон учун), 1xRJ-11 4/4 порти PIN PAD (RS-232)ни улашга, 1xRJ-45 порти RS-232 учун; акумлятор учун, модеми 14400 бит/сек, смарт-карт қабул қилувчиси ва 32 битли процессори, маълумотларни ҳимояловчи RAM диски билан таъминланган. POS-система BEETLEPOS-Kга турли периферий жихозларни улаш билан бирга, касса терминали “локал” алоқа тармоғи билан администрациядаги савдо зали менеджери иш жойи билан боғлаш ва унинг ёрдамида товар ҳаракатини, қолдиғини, сотиш назоратини, кунлик тушумни кузатиш билан, бошқа вазифаларни ҳам бажариш мумкин. Корхонадаги SAMSUNGER 4615RF– электрон назорат-касса машинаси ҳам, кўп функцияли бўлиб, ўзаро турли тармоқлар (касса, секция, ошхона, администрация ва ҳ.к.) боғланиш учун қулай интерьер билан таъминланган ва RS-232 интерфейси билан персонал компьютерга ёки электрон тарозига чиқиши мумкин. Ушбу электрон техникаларга асосан, «профи-Т», «Штрих-М: Кассир», «Frontol», «Advanced Stores Retail» дастурлари қўлланилади. Корхонада олинган HPE Pro Liant DL120 Gen9 Servericham 1U шасси ва юқори ишлаш самарадорлиги учун Intel® Xeon® E5-2600v3 / v4 ёки E5-1600v3/v4 процессорига, 2400 МГц частотада, максимал 256 Гбайт қувватга эга. Ушбу яратилган корхонада ягона тизим ёрдамида корхона кўпгина юқорида келтирилган қўшимча хизматларни йўлга қўйиб ишламоқда. Худди шундай ягона тизим Ургут шаҳар “Ургут Файз савдо” МЧЖ савдо маркази ва ошхонасида, Жума шаҳар “Жума Файз” МЧЖда тузиш тавсия этилди, лекин бу корхоналарнинг қуввати кичиклиги учун ва мавжуд электрон техника воситаларининг камлиги учун, сервер компютери ўрнига қуввати каттароқ персонал компютердан фойдаланилди. Корхонада ички бошқарув ва назоратдан ташқари, ташқи алоқага чиқиш имконияти туғилди ва кўпгина қўшимча хизматлар ва бошқа ишлар олиб борилмоқда. Умуман олганда, корхонанинг самарадорлиги ўртача 14 – 17% га ошди.

Юқорида келтирилган методика асосида, Самарқанд шаҳар меҳмонхоналарида ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш ишлари тавсия этилди. Бундан ташқари, меҳмонхоналарни мавжуд электрон воситалари билан «HRS» компаниясини «Fidelio» ва «Micros» дастурий аппаратлари тизими ёрдамида тўлиқ бир тизимга келтирилиши мумкинлиги асосланди. Худди шунингдек, «Рексофт» Россия фирмаси ишлаб чиққан «Еделвейс» меҳмонхонасини автоматлаштиришнинг стандарт комплекси (АБТ) билан ҳам, меҳмонхонани барча бўлим ва бўлинмаларини (меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш, халқаро интернет тармоғи орқали бронлаш, омбор, бухгалтерия, ресторан ва бар, банкет хизмати, техник бўлим, сотув ва маркетинг ва бошқалар учун дастурлар) рақамли бир тизимга келтирилиши тавсия этилди. Юқорида келтирилганлар ёрдамида, хизмат кўрсатиш корхоналарида: автоматик равишда бошқарув тизимлари инвестицияларни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув, режалаштириш ва йўқотишларни камайтириш, турли янги қўшимча хизматларни кўрсатиш, умуман олганда турли рақамли платформаларга боғланиш билан корхоналар самарадорлигини (20-25%) кескин ошириш мумкинлиги кўрсатилди.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бунда:

I–босқичда хизмат кўрсатиш корхоналарида сервер тизимини ташкил этиш учун рақамли технология базаси яратилади; маҳаллий-, тармоқлараро-, республика, халқаро

микёсдаги рақамли платформаларни ташкил этиш асоси яратилади ҳамда фойдаланишга топширилади;

II–босқичда корхоналарнинг рақамли платформаларга киришини рағбатлантириш асосида изчиллаштириш, республика ва халқаро микёсда алоқалар ўрнатилиши учун кўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади;

III–босқичда корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга ўтиши, республика ва халқаро тизимлардан тўлақонли фойдаланишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси “Зарафшон” газетаси, 2020 йил 25 январь.10-11-сон, 4- саҳифа.
3. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. 396 b
4. Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.
5. Грибанов Ю.И. Основные модели создания отраслевых цифровых платформ / Ю.И. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234. – 1,1 п.л
6. Скруг В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208
7. Бабкин А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – С. 40874102. doi: 10.18334/гр.18.24.38670
8. Волошин, А.В. Обзор подходов к определению сущности цифровой экономики/Экономический механизм как инструмент повышения эффективности деятельности предприятий: сб. науч. статей / ФГАОУ «Сибирский федеральный университет», 2019г.-342 с.
9. Головенчик Г. Теоретические подходы к определению понятия цифровая экономика //Наука и инновации. 2019. №1. С. 54 - 59. <https://doi.org/10.29235/1818-9857-2019-1-54-59>
10. <https://investiture.ru/edu/articles/tsifrovaya-ekonomika-v-rossii>
11. Абдрахманова Г. И., Вишневецкий К. О., Гохберг Л. М. и др. ; науч. Ред Гохберг. Л. М. ; Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение. Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. — 82, [2] с. — 250 экз.
12. Курбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж. Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент: Ношир нашриёти, 2019. -168 б.

Д.М.Курбонов, Р.Д.Курбанова	J.Kurbanov, R.Kurbanova
Организационно-экономические механизмы обслуживающих предприятий в условиях перехода к цифровой экономике	Organizational and economic mechanisms of service enterprises in the transition to a digital economy
Аннотация: в статье рассматриваются вопросы, связанные с созданием локальных цифровых платформ другого уровня цифровых технологий. Кроме того, были рассмотрены вопросы организации сервера, являющегося их источником. Ключевые слова: цифровая экономика, платформа, сервер, генерация, электроника.	Abstract: the article discusses issues related to the creation of local, other level of digital platforms of digital technology. In addition, were considered the issues of establishing a server for organization and enterprises, which is their source. Keywords: digital economy, platform, server, generation, electronic.

С.А.Исхакова – СамИСИ доцент в.б., (PhD)

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларининг таркибий тузилиши таҳлил қилинган ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларининг таснифи ва таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳоли даромадлари, иш ҳақи даромадлари, меҳнатли даромадлар, номехнат даромадлари, мулкдан олинадиган даромадлар, трансфертлар, хизмат кўрсатиш соҳасидан олинадиган даромадлар

Кириш. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал юксалтириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.¹ Бу унинг жамият тараққиётининг муҳим ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишдаги ролининг ошиши билан боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг «...аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш...»² каби ўта долзарб вазифаларни ҳал қилишда роли бекиёс.

Иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан ушбу соҳа ходимлари даромадларининг шакллантириш механизмини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларининг таркибий тузилиши ва шакллантириш муаммоларини ўрганиш жуда долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аҳоли даромадларининг умумназарий асослари иқтисодиёт назарияси классиклари - А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти ва уларнинг жуда кўп издошлари асарларида ўз ифодасини топган. Муаммонинг турли жиҳатларига неоклассик, неолиберал ва неоинституционал йўналишлари намоёндалари Ф.Хайек, Л.Мизес, Ж.Р.Хикс ва бошқалар илмий тадқиқотлари бағишланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари Л.И.Абалкин, Н.А.Волгин, Н.А.Горелов, Б.М. Жеребин, Т.Н.Заславская, В.Ф.Майер, Л.С.Ржаницына, А.Е.Суринов, Н.Романов, А.Ю.Шевяковлар аҳоли даромадларининг шаклланишини ўрганишга катта ҳисса қўшганлар.

Республикаимизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, А.Ў.Ўлмасов, Х.Аллакулов, Н.У.Бекназов, Т.Т.Джумакулов, Қ.Х.Абдурахмонов, Ё.А.Абдуллаев, М.М.Мухаммедов, А.А.Рахматов, М.Рахимов, Н.Қаландарова, Б.Б.Ахмедов, У.С.Юлдашев, Р.Ф.Джуманова, Р.Р.Хасановлар тақсимот муносабатлари ва даромадлар билан боғлиқ бўлган кўпгина назарий ва методологик масалаларни тадқиқ этишган. Мазкур муаллифларнинг илмий ишлари асосан қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ходимларининг даромадларини тадқиқ этишга бағишланган. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли даромадларининг шакллантириш муаммоларига эса етарлича эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Даромадлар, муҳим иқтисодий категория сифатида, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва турмуш кечириши, ҳаётини эҳтиёжларини қондириш даражасини белгиловчи, моддий фаровонликни таъминлашнинг ва юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Даромадлар инсоннинг маънавий ривожланиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Улар инсоннинг табиати, руҳияти, кайфияти ва дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ № 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.

Аҳоли даромадларининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда аҳолининг умумий даромадларини шакллантирувчи таркибий элементларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳоли даромадларини ҳар томонлама ва янада тўлиқроқ даражада таҳлил қилиш мақсадида биз даромадларни аҳолининг бандлик соҳаларига боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, аҳолининг умумий даромадлари иқтисодиётнинг икки соҳасида – моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланади. Шу сабабли даромадларнинг куйидаги турларини фарқлашни тақлиф этамиз:

1. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг даромадлари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг даромадлари.

Аҳоли даромадларини бундай гуруҳлаш иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларидаги ходимлар даромадлари ва ўсиш тенденцияларини аниқлашга имкон беради ва шу асосда уларни янада оширишнинг йўллари белгилаш мумкин бўлади.

Мамлакат иқтисодиётининг энг истиқболли соҳаси сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг даромадлари таркиби ва шаклланиш масалаларига эътибор қаратишни истардик.

Бизнинг фикримизча, хизматлар соҳаси аҳоли даромадларига иккиёқлама, яъни бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади:

- бевосита – ушбу соҳада банд аҳоли пул даромадларининг ўсиши (бандликдан даромаддан), шунингдек турли хизмат соҳаларидаги тадбиркорлик фаолиятдан даромад, шу жумладан хизматлар соҳасидаги мулкдан даромад;

- билвосита – истеъмол харажатларини пасайтириш, самарали ҳордиқ, бўш вақтни кўпайтириш, бепул хизматлар олиш ва бошқалар орқали. Хизматлар соҳаси истеъмол харажатларини пасайтириш, яъни товарлар ва хизматлар сотиб олиш харажатларини пасайтириш орқали аҳоли даромадларига билвосита катта таъсир кўрсатади.

Илмий адабиётларда “аҳоли даромадлари” категориясига жуда кўп иқтисодчи олимлар томонидан турли таърифлар берилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иқтисодий адабиётларда келтирилган таърифларда, “аҳоли ялпи даромадлари” тушунчаси бир томонлама талқин этилиб, улар аҳолининг фақат пул ва натура шаклидаги даромадларини ўз ичига олиши таъкидланади.¹ Лекин ушбу таърифларда аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ даромадлари, уларнинг ялпи даромадлари таркибида салмоқли улушга эга бўлишига, яъни хизматлар соҳаси ЯИМни ишлаб чиқаришда унинг умумий ҳажмининг 47,3% ни ташкил этиб, етакчи ўринни эгаллаши ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг ярмидан кўпроғини (49,7%) ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлашига қарамадан, берилган таърифларда ўз аксини топмаган.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг истеъмол харажатларини тежашдан, бўш вақтнинг кўпайиши ва самарали ҳордиқ чиқариш ҳисобидан кўрадиган нафларини ҳам даромад, деб ҳисоблаш мантиқан тўғри бўлади.

Шунингдек, адабиётларда келтирилган таърифларнинг биронтасида пулсиз хизматларни ҳам аҳоли даромадларининг ўзига хос бир тури сифатида қараш қабул қилинмаган.

Мазкур муаммо бўйича ватанимиз ва чет эл иқтисодчи олимларининг асарларини ўрганиш аҳоли даромадларининг турли мезонларга асосланган жуда кўп таснифлари ишлаб чиқилганлигини кўрсатди². Бунда мезон сифатида даромад олишнинг шакли, даврийлиги, ялпи даромаддаги аҳамияти, қонунийлиги, ўзлаштириш субъекти, эгалик усули, шаклланиш манбаи кабилар қўлланилганлигини таъкидлаш лозим. Биз мавжуд таснифларни танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси

¹ Борисов Е.Ф. Экономическая теория в вопросах и ответах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2007.-256 с.; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик, -Т., 2009. – 512 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Занятость, доходы и уровень жизни. Монография.//– Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 252 б.

² Горелов Н.А. Политика доходов и качество жизни населения. Учебное пособие. // - СПб.: Питер, 2003. – С.47.; Суринов А.Е. Статистика доходов населения./ М.: ЗАО «Финстатинформ», 2002. – С.12.;


ходимлари ялпи даромадларининг ўзгача таснифини ишлаб чиқдик.

Ушбу таснифга асосан, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг меҳнатли (меҳнат асосига эга бўлган) даромадларига ушбу соҳада бандликдан келадиган даромадларни, яъни ишчи-ходимнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи, шу жумладан ёлланма бошқарувчининг ҳам иш ҳақи, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасининг турли тармоқларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан, шахсий томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромадлар киритилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар даромадларининг кейинги гуруҳига ижтимоий тўловлар ҳамда капиталга боғлиқ даромадлар, яъни молия тизимидан тушадиган тушумлар, жумладан суғурта қопламалари, кредит ва ссудалар, жамғармалар бўйича фойзалар, мулкдан олинадиган даромадлар, шу жумладан кўчмас мулкдан олинадиган даромадларни киритиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромадларга истеъмол харажатларини тежаш ҳисобидан, вақтни тежаш, самарали харид, бўш вақтни кўпайтириш ва пулсиз хизматлар ҳисобидан олинадиган даромадларни киритиш мумкин.

Юқорида айтилганларга асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадларини қуйидаги 2 гуруҳга ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз (1-расм):



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ялпи даромадларининг таркиби.¹

- Меҳнат фаолияти натижасида олинадиган (меҳнатли) даромадлар;
- Меҳнат қилмасдан олинадиган (номеҳнат) даромадлар.

Ўз навбатида, меҳнат қилмасдан олинадиган (номеҳнат) даромадларни ҳам икки гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- ижтимоий тўловлар ва капиталга боғлиқ бўлган даромадлар;
- хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромадлар.

Ушбу таснифдан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг ялпи даромадларини қуйидагича формула ёрдамида ифодалаш таклиф этилади:

$$\sum Y_{aD} = \sum D_M + \sum D_{NM}, \quad (1)$$

бунда,

$\sum Y_{aD}$ - хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ялпи даромади;

$\sum D_M$ - меҳнат фаолияти натижасида олинадиган (меҳнатли) даромадлар;

$\sum D_{NM}$ - меҳнат қилмасдан олинадиган (номеҳнат) даромадлар.

Ўз навбатида, номеҳнат даромадларини қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш таклиф этилади:

$$\sum D_{NM} = \sum D_{ik} + \sum D_x, \quad (2)$$

бунда,

$\sum D_{ik}$ - ижтимоий тўловлар ҳамда капиталга боғлиқ бўлган даромадлар;

$\sum D_x$ - хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромадлар.

Юкорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда, “хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ялпи даромадлари” категориясининг қуйидаги таърифини таклиф этамиз - “хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ялпи даромадлари ходимларнинг меҳнат фаолиятидан олинган (меҳнатли) даромадларининг ва меҳнат қилмасдан олинган (номеҳнат) даромадларининг, яъни хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромадлар, ижтимоий тўловлар ҳамда капиталга боғлиқ бўлган даромадларнинг йиғиндиси”дан иборатдир.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган таҳлиллар хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари даромадлари таркибининг уни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан фарқ қилишини кўрсатди.

“Аҳоли даромадлари” тушунчасини таърифлашда биз таклиф этаётган ёндашув хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар меҳнатига, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрнига баҳо беришда ўзгача назар билан қараш, унинг миллий иқтисодиётда тобора мустаҳкамланиб бораётган мавқеини эътироф этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ № 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. -Т.: 2009.
4. Борисов Е.Ф. Экономическая теория в вопросах и ответах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2007.
5. Горелов Н.А. Политика доходов и качество жизни населения. Учебное пособие. // - СПб.: Питер, 2003.
6. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Занятость, доходы и уровень жизни. Монография.//– Т.: Иқтисодиёт, 2016.
7. Суринов А.Е. Статистика доходов населения. М.: ЗАО «Финстатинформ», 2002.

С.Исхакова	S.Iskhakova
Структура доходов работников сферы услуг Аннотация: в статье проанализирована структура доходов работников сферы услуг, разработана классификация и определение доходов работников сферы услуг. Ключевые слова: сфера услуг, доходы населения, заработная плата, трудовые доходы, нетрудовые доходы, доходы от собственности, трансферты, доходы получаемые из сферы услуг.	Income structure of service workers Abstract: The article analyzes the structure of incomes of service workers, elaborates the classification and definition of incomes of service workers. Keywords: service sector, population income, wages, labor income, unearned income, income from property, transfers, income received from the service sector.

А.Бектемиров – СамИСИ доценти, и.ф.н.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада хизматлар соҳаси тушунчаси, унинг чегараси, умумий тавсиф ва таснифларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу тавсифларнинг алоҳида хизмат турларига трансформация қилиниши жараёнлари тадқиқ этилиб, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда иссиқлик таъминоти хизматларининг ўзига хос ўрни ва аҳамиятини аниқлаш методологик жиҳатдан кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: турмуш даражаси, турмуш сифати, турмуш тарзи, экспериментал баҳолаш усули, эксперт баҳолаш усули, статистик баҳолаш усули.

Кириш. Хизматлар соҳаси ривожланишининг ҳозирги вақтдаги асосий хусусияти унинг технологик ва такрор ишлаб чиқаришнинг моддий ишлаб чиқариш билан бўлган ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришидан иборат. Айнан шу билан хизматлар соҳасининг иқтисодийётдаги ва аҳоли турмуш сифатини ошириш муаммоларини ҳал қилишдаги тутган ўрни намоён бўлади.

Хизматларнинг таснифланишига оид ёндашувларнинг умумлаштирилиши шуни кўрсатадики, хизматлар таснифига етарли даражадаги асос яратилган бўлса-да, ушбу жараён ўз якунини топди деб ҳисоблаб бўлмайди.

Хизматлар соҳасининг миллий иқтисодийётдаги муҳим жиҳатига институционал ўзгаришларни киритиш мумкин. Халқаро ва миллий амалиётнинг уйғунлашиб бораётганлиги, хизматлар соҳасининг иқтисодийёт таркибининг муҳим омили сифатида шаклланиши институционал тизимда ўзгаришларни вужудга келтиради. Бир томондан, мавжуд институтлар (расмий ва норасмий) ўзаро мувофиқлаштирилади ва янги институционал муҳитга мослаштирилади, иккинчи томондан, янги институтлар яратилади (мазкур амалиёт ривожланаётган давлатларда одатда ривожланган давлатлардан олинади, ривожланган давлатларда эса ижодий шаклланади). Бунинг натижасида иқтисодийёт институционал таркибининг ўзига хос кўриниши шаклланадики, унда хизматлар ва хизматлар соҳаси асосий ўринда туради.

Хизматлар соҳаси тушунчаси, унинг чегараси, умумий тавсиф ва таснифларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу тавсифларнинг алоҳида хизмат турларига трансформация қилиниши жараёнларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу алоҳида хизматлар турларининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Шу ўринда бу жараённи иссиқлик таъминоти хизматлари мисолида кўриб чиқамиз.

Мавзу бўйича адабиётларни таҳлил қилиш. Маркетинг асосчиларидан бири, хорижлик олим Ф.Котлер хизматларга “Хизматлар бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирор нарсага эғалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат”¹ деб таъриф берган. Россиялик иқтисодчи олим В.Ширай фикрига кўра эса “Service (хизмат) – бевосита истеъмолчига йўналтирилган ҳаракат (муносабатдир). Хизмат – алоҳида олинган инсон ёки бир бутун жамиятни қандайдир эҳтиёжини қондирувчи, натижалари самарали фойдада гавдаланувчи, мақсадли меҳнат фаолиятидир”². Р.Нуреев фикрига кўра эса “Хизмат – қандайдир моддий объект сифатида мулкка эғалик ҳуқуқи қўлга киритиш имкониятига эга бўлмаган наф келтирувчи тушунча ёки (ҳаракат) муносабатдир”³. Профессор М.Қ.Пардаев ва И.Очиловлар фикрича хизматлар деганда “... инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”⁴. Профессор Ж.Қурбонов эса хизматларга “Хизмат инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириши йўлидаги ҳаракатидир”⁵, деб тариф берган.

¹Ф.Котлер. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / пер. С.англ.; под ред. С.Божук. – СПб.: Питер. 2005. – С.301


²В.Ширай. Мировая экономика и международные отношения: учебное пособие. – М.: С. 226

³Р.Нуреев. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. – М.: 2002. С. 25

⁴М.Пардаев, И.Очилов. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. 11 б.

⁵Қурбонов Ж. “Хизмат, хизмат кўрсатиш. Сервис”. С.: “Servis” ilmiy-ommabop jurnal. 2009 й. 1-сон, 56 б.

Хизматлар сифатининг аҳоли турмуш сифатига таъсирини умумий ҳолда куйидагича ифодалаш мумкин (1-расм):




1-расм. Турмуш сифатини оширишга хизматлар сифатининг таъсир кўрсатиш модели

Хизматлар соҳасининг турмуш сифатига таъсир кўрсатишини асослаб берувчи иқти-

содий қонунларга қуйидагилар киритилади: сотиш, таклиф, талаб, вақтни тежаш, такрор ишлаб чиқариш, пул муомаласи, рақобат қонунлари. Анъанавий ёндашувга кўра самарадорликни баҳолаш харажатлар ва натижаларни солиштириш асосида амалга оширилади. Турмуш сифати элементларига ташки муҳит, жамиятнинг ташкил этилиши, истеъмол, ижтимоий соҳа, инфратузилмалар кабилар киради. Шулардан иссиқлик таъминоти хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг нормал фаолият юритишида у қерда бўлмасин иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган эҳтиёж у пайдо бўлган пайтдан бошлаб сезилади. Бунда иссиқлик таъминоти хизматлари сифати алоҳида эътиборга лойиқ. Бу элементни ажратиш иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасидаги истеъмолнинг турмуш шакли ва тарзига боғлиқлигини асослаб беришга имкон беради. Иссиқлик таъминоти хизматлари истеъмоли орқали инсон ўзини маълум жамоа аъзоси сифатида намоён қилади, ижтимоий маконда маълум интилишларини намоён қилади. Шу билан биргаликда истеъмол орқали кониқиш, тўғри танланганлик ва обрўилик хиссиёти вужудга келиши жуда муҳимдир. Иссиқлик таъминоти хизматлари умумий хизматлар тушунчасининг таркибий қисми сифатида намоён бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг иқтисодий тенглиги бўлиш мумкин эмас. Иқтисодий эркинлик, бир томондан, жамият аъзоларига турмуш сифатини оширишга тенг ҳуқуқ ва



2-расм. Истеъмолчилар турмуш сифати мезони асосида иссиқлик таъминоти хизматлари сифатини тадқиқ қилиш методологиясини шакллантириш

имкониятларни яратиб берса, иккинчи томондан турли иқтисодий фаоллик, меҳнат қобилятидаги ва индивидуал эҳтиёжлардаги фарқлар туфайли ушбу ҳуқуқ ва имкониятлар даражасини чеклайди.

Ушбу диалектик карама-қаршилик қуйидаги омилларнинг биргаликда-ги таъсири остида аҳолининг иқтисодий тенгсизлигини белгилаб беради: шахсий даромад ва хусусий мулк ҳажми, маълумот даражаси ва сифати, меҳнатдаги шахсий ютуқлари, ёш бўйича ва физиологик фарқлар, моддий бойликларга эришиш даражаси ҳамда товар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси. Инсон ўз фаолиятида иссиқлик таъминоти хизматлари истеъмоли даврида бу омилларнинг тадбиқини қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Хонадон мисолида қарайдиган бўлсак, унда истиқомат қиладиган инсонлар ўзларининг оилавий даромадларига нисбатан иссиқлик манбаидан тежамли фойдаланишини тақозо қилади. Агар ҳар бир хонадонга иссиқликни ишлаб чиқиш ва истеъмолчини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни реал қайд этадиган терморегуляторли ўлчагичларни ўрнатилса, аҳолида иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотади. Натижада иссиқлик энергияси тежаладаи ва оилавий даромадда қолдиқ сальдоси кўпаяди. Бунда гап турмуш сифатининг энг қулай даражаси ҳақида эмас, балки белгиланган даражадан паст бўлмаган қониқарли эришилган даража тўғрисида кетмоқда. Физиологик нуқтаи назардан иссиқлик таъминоти хизматларида хона ҳарорати 18⁰ С дан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Истеъмолчиларнинг турмуш сифати мезони ҳамда хизматлар сифатини тадқиқ қилиш умумий методологияси асосида иссиқлик таъминоти хизматлари (ИТХ) сифатини тадқиқ қилиш кетма-кетлигишаклантиради (2-расм)

Ушбу методология умумлаштирилган мезонга асосланиб, иссиқлик таъминоти хизматлари сифатини тадқиқ қилишнинг кетма-кетлигини белгилаб беради.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш сифатини оширишга хизматлар сифатининг таъсир кўрсатиш модели асосида қуйидаги муҳим методологик хулосага келиш мумкин:

- аҳоли турмуш сифатига таъсир кўрсатиш нуқтаи назардан иссиқлик таъминоти хизматлари сифатини шу хизматнинг алоҳида тавсифидан кенгрок кўриш лозим бўлади;
- иссиқлик таъминоти хизматлари сифатини баҳолаш предмети ташқи муҳитнинг турмуш сифатини таркибини белгилаб берувчи қуйидаги параметрларини қамраб олади: инфратузилма, яшаш муҳити, истеъмол ва ҳаттоки инсонни ўзини ҳам;
- иссиқлик таъминоти хизматлари сифатини баҳолаш истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти хизматлари сифатига нисбатан шахсий кутишлар даражасини сифатнинг ҳақиқий даражасини солиштиришни кўзда тутати. Ўз навбатида уларнинг ўртасидаги фарқлар эса – турмуш сифатининг яратилиши лозим бўлган тасаввурни шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ф.Котлер. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / пер. С. англ.; под ред. С.Божук. – СПб.: Питер. 2005. – С.301
2. В.Ширай. Мировая экономика и международные отношения: учебное пособие. – М.: С. 226
3. Р.Нуреев. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. – М.: 2002. С. 25
4. М.Пардаев, И.Очилов. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. 11 б.
5. Ж.Қурбонов. “Хизмат, хизмат кўрсатиш. Сервис”. С.: “Servis” ilmiy-ommabop jurnal. 2009 й. 1-сон, 56 б.

А.Бектемиров Роль услуг теплоснабжения в повышении уровня и качества жизни населения	A.Bektemirov The role of heat supply services in improving the level and quality of life of the population
Аннотация: в статье рассматривается понятие сферы услуг, ее границы, общие характеристики и классификации, анализируются и процессы трансформации этих характеристик в конкретные виды услуг, методологически определяется роль и значение услуг теплоснабжения в повышении уровня и качества жизни населения. Ключевые слова: уровень жизни, качество жизни, образ жизни, экспериментальный метод оценки, экспертный метод оценки, статистический метод оценки.	Abstract: the article examines the concept of the service sector, its boundaries, general characteristics and classifications, analyzes the processes of transforming these characteristics into specific types of services, methodologically determines the role and importance of heat supply services in improving the level and quality of life of the population. Keywords: standard of living, quality of life, lifestyle, experimental evaluation method, expert evaluation method, statistical evaluation method.

D.Malikova – assistant SamIES

BASIC MODEL FOR IMPROVEMENT THE ORGANIZATION OF CONSULTING SERVICE

Abstract: The paper deals with the consideration of various basic models of the consulting process proposed by foreign scientists in the field of consulting. The article presents an improved universal model for constructing the process of providing consulting services.

Keywords: consulting, consulting model, consulting process, stages of consulting

Introduction. All over the world, professional business support is a necessary element of the market infrastructure. This support is provided through a suite of professional services. The reforms carried out in the economy of Uzbekistan require the rapid and comprehensive development of the service sector.

In accordance with the priority directions of development and liberalization of the economy are envisaged the accelerated development of the service sector, an increase the role and share of services in the formation of GDP, and a radical change in the structure of services provided, primarily due to modern high-tech types of services [1].

In Uzbekistan, at present, intellectual human labor is acquiring special development and value, the division of which creates a huge number of specialties and professions that require special scientific training, a large number of jobs, a high degree of integration of joint human efforts and an increase in social welfare. These trends are directly related to the service sector and management, that determines its accelerated growth relative to other spheres of human activity. It is characterized by higher profits than the industrial and agricultural sectors of the economy. At the same time, the list of services is constantly expanding. In this connection, the growth potential of the consulting services market is also observed in Uzbekistan.

Literature Review. Consulting is a paid service in the form of information and advice that allows the client to improve the efficiency of its business [2].

The process of consulting goes through several stages. Scholars and practitioners in the consulting industry distinguish different stages of the consulting life cycle. Models of the consulting stages of Mick Cope, Peter Block, Milan Kubr were considered in the research.

Research Methodology. In a scientific article, empirical research methods were used, such as observation, comparison, as well as analysis, induction and deduction.

Analysis and Results. According to the world-renowned consultant Mick Cope, the consulting process consists of several dynamic stages (Fig.1). Each of the stages is a specific phase to be overcome in the counseling process. Consulting begins with the concept of a person and its problem, then it is necessary to determine the essence and features of the problem that should be resolved, identify risk areas; use creative techniques to develop a sustainable solution, identify potential options; explore the main aspects that can contribute to change; use quantitative and qualitative indicators to ensure that changes have actually taken place; ensure the sustainability of change, building on the knowledge gained during the change; and finally, to complete the joint work with the client, which is associated with the need to comprehend the final results.




Figure 1. Process of consulting.

Peter Block notes that any consulting project goes through five stages (Fig.2). Consulting starts with the initial contact with the client about the consulting project, research of the problem, then is necessary the perception of the problem; planning, i.e. setting the final goals of the project, choosing the best stages of action or changes; implementation of the planned; evaluation of the implemented actions and consulting ends with the extension, repetition or completion of the work [3].




Figure 2. Stages of consulting.

Milan Kubr proposed the following universal model of the main stages of counseling (Fig.3) [4]. The first stage of consulting is the formation of a task plan, the conclusion of a contract. At the second stage, a diagnosis is made, the necessary facts are identified and analyzed, then alternatives are developed and evaluated. After that, implementation is carried out, and at the last stage of consulting, the results are evaluated and the obligations are calculated, the final report is formed, and plans for the future are drawn up.

In our opinion, the process of consulting services occurs in the following sequence (Fig.4). Although it should be noted that consulting projects they are not identical. They can't be implemented according to the standard plan.




Figure 3. Steps in the counseling process.




Figure 4. Basic consulting model.

The consulting life cycle, depending on the consultant and the client – the consumer of services, can go through different stages. Therefore, this model should be used as a basic model for the development and planning of consulting projects.

Conclusion/Recommendations

In conclusion, we can say that the effectiveness of consulting services largely depends on how rationally the consulting process will be built. Since it is the consulting process that affects the quality of expected changes, the degree of achievement of the results necessary for the enterprise, the efficiency of using the resources involved and, ultimately, the success of cooperation between the parties.

References:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” (On a strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan) (reg. No УП-4947, February 2, 2017).
2. Alexandre Momparler, Pedro Carmona and Carlos Lassala. Quality of consulting services and consulting fees// Journal of Business Research – 2015. vol. 68, issue 7. – С. 1458-1462. https://www.researchgate.net/publication/272529021_Quality_of_consulting_services_and_consulting_fees
3. Block Peter, Markowitz Andrea, The Flawless Consulting Field book and Companion. Hoboken, NJ: Pfeiffer (2012).
4. Kubr M., Management consulting. 4-th edn. Geneva, International Labour Organization (2002), 3-5.

Д. Маликова	Д. Маликова
Консалтинг хизматларини такомиллаштиришнинг асосий модели	Базовая модель совершенствования организации консалтинговых услуг
Аннотация: мақолада консалтинг соҳасидаги хорижий олимлар томонидан таклиф этилган консалтинг жараёнининг турли асосий моделлари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, мақолада консалтинг хизматлари кўрсатиш жараёнининг такомиллаштирилган универсал модели ўз аксини топган. Калит сўзлар: консалтинг, консалтинг модели, консалтинг жараёни, консалтинг босқичлари.	Аннотация: В статье рассматриваются различные базовые модели процесса консультирования, предложенных зарубежными учеными в сфере консалтинга. Помимо этого, в статье представлена усовершенствованная универсальная модель построения процесса предоставления консалтинговых услуг. Ключевые слова: консалтинг, модель консультирования, процесс консалтинга, этапы консалтинга.

Ф.А.Ишанкулова – СамЙСИ тадқиқотчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар, таълим тизимидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ёритиб берилган. Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, олий таълим, олий таълим хизматлари, кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, электрон таълим, рақамли таълим, рақамли технологиялар.
--

Кириш. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётга ўтиш дастури ишлаб чиқилган ва унга ўтиш бўйича аниқ чоралар кўриб келинмоқда. 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий мажлисга мурожаатномасида "Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном беришни таклиф этаман. Рақамли иқтисодиётга ўтиш - келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади"¹, - деб таъкидлаган. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича давлат дастури қабул қилинди.

Рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор чет эл ва республикамиз олимлари томонидан таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов "Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит"² - деб таъриф берган. Россиялик олим

¹ Президент Мирзиёев Ш.М.нинг Олий мажлисга мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь

² В.В.Иванов "Цифровая экономика: мифы, реальность, перспектива"

М.Л.Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган.

Профессор М.Қ.Пардаев "Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади"¹, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Ф.А.Сафаровнинг фикрича, "Рақамли иқтисодиёт инновацион ғоялар ва рақамли технологияларга асосланиши, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллашни тақозо этиши, инновациялар ва инвестицияларни рағбатлантиришни ҳамда жамият, бизнес ва давлат манфаатлари учун хизмат қилади"².

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида мантикий фикрлаш, тизимли ёндашув ҳамда хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш мақсадида илмий мушоҳада усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Рақамли иқтисодиёт” иқтисодиётнинг маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модели ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт - бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизимидир.

Рақамли технологиялар ҳаётнинг барча соҳаларига фаол кириб бориши кадрлар инкилобига олиб келади. Бу эса нафақат меҳнат бозорида, балки кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келади, хусусан, олий таълим тизимида рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатадиган мутахассислар малакасига нисбатан янги ёндашувларни талаб қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони айтиши мумкин бўлди.

Мазкур Фармонга кўра таълим тизимидаги истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди³, жумладан олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усуллари жорий этиш белгиланган. Олий таълимда тайёрланаётган кадрларга қўйиладиган талабларнинг энг муҳими уларнинг рақамли иқтисодиётда зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишини таъминлашдир.

Мамлакатимизни ривожлантиришда зарур кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва шу каби кўникмаларни шакллантириш учун технологияларни ривожлантириш вазифаси марказий ўринда туради. Табиий саволлар пайдо бўлади. Қандай қилиб талабага қўйилган натижани берадиган таълим бериш керак? Иш берувчилар томонидан керакли малакага эга бўлган кадрни қаердан топиш керак?

Рақамли иқтисодиётда ишлайдиган ходимлар мураккаб маълумотларни яратиш ва қайта ишлаш, тизимли ва танқидий фикрлай олиш, қарорларни қўп мезон асосида тўғри қабул қила олиш, қўп тармоқли характердаги доимий жараёнларнинг моҳиятини тушуна олиш, янги маълумотларга мослашувчан бўлиш, рақамли дунёнинг ҳақиқий муаммоларини аниқлай ва ҳал қила олиш даражадаги кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Бундай кадрларни "етиштириш" учун кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашга янги ёндашувлар зарур. Бунинг учун иш берувчидан таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талабларни аниқ билиш ва таълим хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларини қондириш учун олий таълим муассасаларидан таълим фаолиятини қандай амалга ошириш кераклигини тушуниш талаб этилади. Ҳозирги кунда фақат касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни мақсад қилган олий ўқув юртлари жиддий стратегик хатога йўл қўймоқда, чунки яқин келажакда нафақат касбий билим, балки ўрганиш қобилияти билан боғлиқ кўникмалар, жамоада ишлаш қобилияти, шахсий тажриба ва ҳ.к. талаб қилинади.

¹ Пардаев М.Қ. "Рақамли иқтисодиётнинг таъриф, мақсади, ижобий ва салбий томонлари". "Сервис" илмий-амалий журнали, 2019 йил, №1

² Сафаров Ф.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий ахборот технологияларининг ўрни. "Сервис" илмий-амалий журнали, 2019 йил, №4

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"

Рақамли технологияларга асосланган иқтисодиёт янги мутахассисларни ва ривожланишнинг янги шароитларини талаб қиладиган янги технологик ишлаб чиқариш усулини ўз ичига олади. Бу мутахассисларни тайёрлаш учун янги талаблар қўйилишини, олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги ўзгаришларни англатади. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим мақсади таълим хизматлари истеъмолчиларига ахборот хизматларини кўрсатиш, ахборот маҳсулотлари - билим базаси ва ахборот технологияларини ишлаб чиқариш ҳамда олинган маълумотларни қайта ишлаш ва қўллаш бўйича билимларини шакллантиришдан иборат.

Бугунги кунда таълим рақамли иқтисодиёт шароитида янги касбларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўзгариб бормоқда, амалий фанлар ва амалиётга эътибор кучаймоқда. Энг асосийси, таълим мақсади ўзгариб бормоқда, бу энди билимларни узатишдан иборат эмас, балки ушбу билимларни ҳосил қилиш учун шароит яратишдан иборат. Билимларни ўтмишга эмас, келажакка айлантириш керак. Бундай шароитда нафақат олий маълумотли диплом, балки билим, кўникма ва шахсий тажрибани ўз ичига олган умумий ваколат талаб этилади. Рақамли иқтисодиётдаги меҳнат бозори учун инсон билганидан кўра кўпроқ нимага қодирлиги, нимани ўрганиши муҳимроқ. Бошқача қилиб айтганда, бугун кўп нарсани билган эмас, кўп иш қилган ютади. Бу билимларни ўзлаштириш эмас, балки кўникмаларни эгаллаш, шунингдек, индивидуал кўникмаларни эмас, балки билим, кўникма ва шахсий тажрибани ўз ичига олган умумий ваколатни эгаллаш билан боғлиқ. Ҳозир муҳим нарса билимнинг ўзи эмас, балки олинган билим ва кўникмаларни тўғри ва ўз вақтида қўллашдир.

Олий таълим тизими глобал ўзгариш арафасида. Айниқса, 3-Реннесанс даври бошланиши арафасида ўқув жараёнини сўнгги ўн йилликларда амалга оширилган тарзда амалга ошириш мумкин эмас. Ҳар куни келадиган ва кунлик керак бўладиган маълумотлар миқдори, уларнинг эскириш эҳтимоли жуда баланд. Бугунги кунда барча билимларни янгича тарзда ўрганиш керак, чунки билим жиҳатидан ахборот тармоқлари доимо янгиланиб боради ва биз ўрганган нарсалар эскиради. Рақамли иқтисодиёт таълим тизимидан нафақат индивидуал жараёнларни рақамлаштиришни, балки янги мақсадларни белгилайдиган, ўқув жараёнининг тузилишини, усулларини, шакллариини ўзгартирадиган ёндашувни талаб қиладди.

Шу билан бирга шуни таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётда таълимнинг асосий принципи ахборотлаштириш бўлганлиги сабабли инсонпарварлик тамойиллари иккинчи даражали бўлиб бормоқда. Ўрта, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида шаклланган асосий ваколатлар турли хил ахборот оқимларини таҳлил қилиш қобилиятидир. Таълимнинг асосий шакли эса электрон ёки рақамли таълим бўлиб, таълим жараёни субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизми ўзига хос хусусиятга эга. Балки ҳозирги кунда электрон таълимни анъанавий таълим билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқ. Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, энг юқори самарага эришиш учун аралаш таълим турига ўтиш лозим. Шу билан бирга, электрон таълимнинг ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда анъанавий таълимдан фарқ қилиниши ҳақида аниқ тушунча мавжуд эмас.

Рақамли технологияни мамлакатимиз олий таълим тизимида киритиш объектив ва субъектив сабабларга кўра қийин кечмоқда: электрон таълимнинг яхлит жараёнини қўллаб-қувватлаш учун таълим ташкилотлари ахборот-таълим муҳитининг тайёр эмаслиги; электрон муҳитда ўқитиш усулларининг етишмаслиги, электрон технологиялар соҳасида малака оширишнинг мажбурий тизими; рақамли таълим бўйича ўқув қўлланмаларнинг етишмаслиги; таълим муассасасини ахборотлаштиришнинг кўп факторли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли миқдордаги юқори малакали дастурчиларнинг етишмаслиги; ўқитувчиларнинг рақамли таълимни методик қўллаб-қувватлашга тайёр эмаслиги ва ҳ.к. Рақамли иқтисодиётдаги кадрлар тайёрлашнинг максимал самарасига эришиш учун иқтисодиёт, меҳнат бозори, иш берувчилар талабларини таълим оловчилар, яъни таълим муассасалари талабалари талабларига мувофиқлаштириш зарур. Ушбу позициялар тўғри келадими ёки йўқлигини тушуниш учун олий ўқув юртлари талабаларининг асосий талабларини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда олий таълимда рақамли технологияларни жорий қилишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мавжуд:

- рақамли иқтисодиётда олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланмаган;
- электрон таълим рақамли иқтисодиётда таълимнинг асосий шакли сифатида кенг қўриб чиқилмоқда. Шу боисдан ушбу таълим шаклида иш берувчилар ва талабалар талабларининг мувофиқлиги мавжуд эмас;
- анъанавий таълим шаклидан қандай фойдаланиш мумкин?

Шу муносабат билан олий таълимнинг ўзгартирилган мақсадини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларида фанларни эмас, балки бошқа нарсаларни ҳам ўргатиш кераклигини ҳисобга олиш керак: ташқи дунёдан қандай маълумот олиш, уни қаердан излаш ва қандай текшириш, диққат ва хотирани қандай бошқариш, маълумотларни тўғри таснифлаш ва бошқалар. Ушбу ўрганиш кўникмаси талабаларнинг ижодий салоҳиятини шакллантириш, билим фаоллигини ошириш ва энг муҳими, турли хил ахборот манбаларини мустақил ўрганишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар. Рақамли иқтисодиётда таълимнинг асосий шакли электрон ёки рақамли таълим ҳисобланади. Тахмин қилинишича, электрон таълим - бу материалларни компьютерда ўрганиш ва қайта ишлаш, кўпинча Интернетдан фойдаланиладиган таълим тури. Лекин шу билан бирга муайян даражада анъанавий ўқитиш "blended learning", "face to face" шаклларида ҳам фойдаланиш зарур.

Юқоридаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун қуйидагилар зарур:

1. Рақамли иқтисодиётни ҳаёт тарзи сифатида, дунёқараш сифатида, таълимдаги мақсад сифатида жорий этиш бугунги даврнинг зарурияти ҳисобланади.
2. Ўқитишнинг янги технологиялари учун педагогларни қайта тайёрлаш, ўқувчиларнинг интеллектуал даражасини ҳисобга олган ҳолда уларда янги инновацион услубий тайёргарликни шакллантириш.
3. Технологиялар, услубий таъминот мазмуни ва услубий таъминотдаги ўзгаришларни ўз ичига олган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини амалга ошириш ёндашувини ўзгартириш.
4. Ўқитишнинг метод ва услубларини фаол равишда ўзгартириш.
5. Иш берувчилар талабларини кондириш учун талабаларнинг малакасини тўлиқ қайта баҳолаш.
6. Ўқув дастурларини, ўқув адабиётларини ахборот технологияларни жорий этиш талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2019 йил 8 октябрдаги Фармони.
3. Баракаев Н. Рақамли иқтисодиётда олий таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, - Т.:2019 й.
4. Калужский М.Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход. – М.; Берлин: Директ-Медиа, 2014. – С.402.

Ф.Ишанкулова	F.Ishankulova
Особенности предоставления услуг высшего образования в условиях цифровой экономики	Peculiarities of higher education services in the digital economy
Аннотация: в статье описана специфика предоставления услуг высшего образования в условиях цифровой экономики, изменения в системе образования, проблема цифровизации, предложения по их решению.	Abstract: the article describes the specifics of the provision of higher education services in digital economy, changes in the education system, the problem of digitalization and suggestions for their solution.
Ключевые слова: цифровая экономика, высшее образование, услуги высшего образования, обучение, переподготовка, электронное обучение, цифровое образование, цифровые технологии	Keywords: digital economy, higher education services, training, retraining, e-learning, digital education, digital technologies.

З.Ш.Сувонов – СамИСИ ассистенти,
Ж.А.Қаҳҳаров – СамИСИ ассистенти,
У.Т.Мукимова – СамИСИ ассистенти

РЕСТОРАНЛАРДА “ҲАЛОЛ” ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада умумий овқатланиш корхоналарида дунё стандартларидан бири бўлган “ҳалол” стандартлари асосида “ҳалол” овқатланиш хизматларини Республикаларимизда жорий этилишининг истиқболлари ва уни ресторанлар концепциясини танлашдаги афзаликлари тўғрисида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, “ҳалол”, ҳалол овқатланиш, ресторан концепцияси, “ҳалол” туризм, мусулмон аҳоли, “ҳалол” стандарт.

Кириш. Ўзбекистоннинг қадимий археологик объектлари ва муқаддас қадамжолари, ноёб миллий таомлари, замонавий миллий овқатланиш тизими, халқимизнинг бетакрор меҳмондўстлиги ҳамда юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар туристларни ўзига жалб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми ...гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”¹ деб таъкидлаб ўтган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда турист-меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш анъаналари кенг шаклланган бўлиб, бу борада сервиснинг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий овқатланиш хизматларининг заруриятини талаб қилмоқда. Айниқса, Ислом давлатларидан ташриф буюрган мусулмон туристларни овқатлантириш бугунги туризм глобаллашувининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизга Ислом давлатларидан ташриф буюраётган туристларнинг кўпайиши овқатланиш хизматларига бўлган янги замонавий талабнинг ҳам ортиб боришига олиб келади.

Диёримизда туризм соҳасида бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, овқатланиш тизимида ҳам янги талабларни қўймоқда. Айниқса, бугунги глобал туризм бозорда бўлаётган “ҳалол туризм”, “ҳалол овқатланиш” каби атамаларнинг кириб келиши ва бу билан боғлиқ масалаларнинг ечимини кутмоқда.

Мусулмонларни саёҳат чоғида ҳалол стандартлари асосида ишлаб чиқарилган ҳалол маҳсулотлар билан таъминотини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ислом дини қоидаларига кўра, ҳар бир мусулмон, диннинг муқаддас китобларида кўрсатилган меъёр ва қадриятларга мос овқатланиш тартиб-қоидаларига риоя қилиши ҳамда масъулият билан унга итоат этишни талаб қилади. Шу туфайли ресторанларда “ҳалол” овқатланиш хизматларини жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимизда “Ҳалол” стандартини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида “Ўзстандарт” агентлиги қарори билан 2018 йил 1 февралдан Oz DSt 3286:2018 давлат стандарти “Ҳалол” озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича умумий қўлланма жорий этилди². ISO 22000 стандартлари бу озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги менежмент тизими учун халқаро стандарти ҳисобланади.

“Ҳалол” стандартларида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва маркалаш жараёнлари ислом қоидаларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Стандартларнинг жорий этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун сотув бозорларини кенгайтириш ва туризм соҳасида зиёрат туризмининг ривожлантиришга кўмак беради.

“Ҳалол” атамаси, “қонуний” ёки “руҳсат этилган”, Исломда шарият ҳукмига мувофиқ

¹ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

² <https://sputniknews-uz.com/society/20180209/7470433.html>

эса “ичса, фойдаланса бўладиган, харом эмас”¹ деган маънони англатади. Ҳалол озиқ-овқат, ҳалол турмуш тарзи ва ҳатто ҳалол хизматлар ҳам мавжуд. Ҳалол тушунчаси озиқ-овқат ва ичимликлар билан бирга банк ва молия, сайёҳлик, фармацевтика, иш жойлари, технология ва транспорт хизматлари билан шуғулланувчи ҳар қандай исломий шариат талабларга мос маҳсулот ва хизматларни ҳам ўз ичига олади.

Исломий ҳалол муносабатлари ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этиб, Исломий шариатнинг икки манбаси Қуръон ва Суннат асосида ўрнатилади. Ҳалол озиқ-овқат ва озиқ-овқат истеъмоли исломий қонунлар асосида истеъмоли қилинишига рухсат этилганлигини билдиради. Ҳаром эса дин буйича таъқиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини англатади.

Ҳалол кўрсатмаларга амал қилиш айниқса кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, овқатланиш тизимига риоя қилиш исломий муносабатларнинг энг муҳим шартидир.

Исломий нуқтаи назардан келиб чиқиб инсон истеъмоли учун харом бўлган маҳсулотлар қуйидагилар²:

- * нотўғри ўлдирилган ҳалол ҳайвон гўштлари;
- * аллоҳдан бошқа исм билан сўйилган ҳайвон гўштлари;
- * ҳачир, эшак, чучқа ва фил гўштлари;
- * алкоголь ва захарли моддалар;
- * захарли бўлган барча ўсимликлар;
- * шер, итлар, бурилар ёки йўлбарс каби тирноқли ҳайвонлар;
- * бойкуш, бургут, лочин, қирғий каби қушлар;
- * сичқон, чаён, илон, чумоли, суварак, ўргимчак, ари каби зараркунандалар.

Юқорида санаб ўтилганлар билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлар.

Ҳалол концепциясида мусулмонлар учун тайёрланадиган озиқ-овқатлар сифатли, хавфсиз, гигиеник бўлиши шу билан бирга ҳалол бўлиши керак. Алоҳида таъкидлаш керакки, энг муҳим жиҳати мусулмонлар ўзларининг ҳар бир лўқма таомлари, ҳалол меҳнат ила топиши зарур бўлади. Яъни озиқ-овқатнинг жисми ҳалол бўлиши билан бирга, улар ишлаб топган касб ҳам ҳалол бўлиши шарт. Қароқчилик, ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик, алдамчилик, каби шариат харом қилган йўллар билан топилган пулга сотиб олинган озиқ-овқатларнинг барчаси харом ҳисобланади³.

Ислом илми тарғиб қилган юқоридаги таълимотга барча мусулмонлар эътиқод этишади. Шу билан бирга ўз сайёҳатлари даврида бу эътиқодларга амал қилишади. Шундай экан уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб Республикамизда “Ҳалол” туризм бозорини таҳлил қилишни тақозо этади.

«Ҳалол туризм»⁴ хизмати – бу оилавий ҳордиқ чиқариш, ҳамёнбоп турар жойларда тунаб, сифатли, озода овқатланиш шахобчаларида таомланиш асосида камчиқимликни хуш кўрувчи ва исрофдан ўзини тиядиган кишилар учун яратилган хизматдир.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани таҳлил қилиш ва тадқиқот жараёнларида кузатиш, қиёслаш, тажриба, таҳлил ва синтез усуллари билан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон статистикаси маълумотларга кўра мусулмон туристларининг йилдан-йилга тез суръатларда ўсиш даражаси кузатилмоқда.

Mastercard ва Crescent Rating томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 230 миллион мусулмон сайёҳ 2026 йилга бориб, маҳаллий ва хорижий саёҳатга чиқиши кутилмоқда. Мусулмон саёҳатчиларининг жаҳон иқтисодиётига 2026 йилга бориб 300 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлашлари кутилмоқда⁵.

Мусулмон сайёҳлар бозорининг ўсиб боришига қуйидаги асосий факторлар таъсир кўрсатмоқда:

- Мусулмон аҳолисининг ўсиб бориши. Айниқса бунда 2010-2050 йиллар мобайнида

¹“Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси”, “Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент; 494-бет

² Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар”, “Ҳилол-Нашр”. Тошкент. 2018 й. 80-81бетлар

³ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар”, “Ҳилол-Нашр”. Тошкент. 2018 й. 82-бет

⁴ www.uzbekistonovozi.uz

⁵Global Muslim Travel Index 2019, Mastercard-CrescentRating, APRIL 2019.

ислом динига эътиқод қилувчи аҳолининг 75% га ўсиши;

- Ўрта синф аҳолисининг даромадлари ошиши;
- Сайёҳатлар тўғрисидаги маълумотларнинг кўпайиши;
- Мусулмон сайёҳатчиларига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки дунёдаги кўпчилик давлатлар жумладан, Ҳиндистон, Австралия, Миср, Бангладеш, Хитой, Европа давлатлари, ва Канада каби давлатларда кўплаб мусулмонлар яшайди. Таъкидлаш керакки бугунги кунда дунё аҳолиси таркибининг салмоқли ҳиссаси мусулмонлар улушига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида мусулмон аҳолининг замонавий озиқ-овқат бозорида сезиларли ўзгаришларни, айниқса “ҳалол” маҳсулот саноатини жадал ривожлантиришни талаб этади.

Дунё мамлакатларидан Малайзия, Индонезия каби Осиё давлатлари “ҳалол” стандартларни ва “ҳалол” фан маркаларини ривожлантириш асосида бу соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда туризмни ривожлантириш учун мусулмонлар учун яратилган “Ҳалол” стандартлари остидаги “ҳалол овқатланиш” хизматларининг ривожлантириш долзарблигини билдиради.

Мамлакатимизга келаётган туристлар сонининг ўсиши ўз навбатида туризм хизматлари экспортининг ортишига олиб келмоқда.

Шунингдек, зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳиятини ҳисобга олиб, зиёратчиларга зарур қулайликлар яратиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита таркибида Зиёрат туризмининг қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилиши ва Малайзия, Туркия, Индонезия каби давлатлар учун визасиз режим жорий этилиши, юртимизга мусулмон - туристларнинг ташрифи кўпайишига олиб келди.

Мамлакатимизга келаётган мусулмонлар учун ҳалқаро “ҳалол” стандартлар асосида “ҳалол” овқатланиш хизматларига бўлган талаб ҳам ошиб бораётганлиги сабабли, ҳалол овқатланишни ташкил этиш долзарб ҳисобланади.

Бу борада туристларга “ҳалол” овқатланиш хизматларини тақдим этишда, ресторан алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар. Ресторан фаолиятини йўлга қўйишда, унинг “ресторан концепцияси”ни танлаш ҳалол овқатланишни ташкил этиш жуда зарур бўлиб, қуйидагиларга эътибор қаратишни талаб этади, жумладан:

1. Ресторанда овқатланиш тизимини ҳалол маҳсулотлар билан таъмин- лашни ташкил этишга йўналтириш.
2. Мусулмон сайёҳларга тезкор овқатланиш хизматларни таклиф этиш.
3. “Ҳалол” овқатлантириш бўйича рақобатчиларининг мавжудлигини таъминлаш ва шу асосида фаолиятни йўлга қўйиш.
4. “Ҳалол” овқатланишнинг янги замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш шакллари ва даражасини доимо ошириб бериш кабилар ҳисобланади.

“Ресторан концепцияси”нинг энг муҳим шартини бу бугунги кунда меҳмонлар ресторанда қандай таом, атмосфера ва янги замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш шакллари ҳамда даражалари тўғрисида олдиндан аниқ билишни истагани ҳисобланади.

Ресторан концепциясида меҳмоннинг ресторан томонидан қабул қилинишига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани акс эттириши керак. Концепцияни ишлаб чиқиш - ресторан қиёфасини яратадиган ғояларни яратиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш жараёнидир¹. Ресторан эгаси ва ишлаб чиқарувчиси бир нечта мураккаб қарорларни қабул қилишлари, ҳар бир элементнинг меҳмонларга доимий мижозлар бўлишлари учун қулай имконияти яратиши зарур.

Ресторан концепциясини танлашда асосан озиқ-овқат маҳсулотларни танлашга аҳамият бериш, оила имтиёзларини, даромад даражасини, меҳнат муҳити, турмуш сифати, ижтимоий шароитлар, диний эътиқодлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

¹ Катсигрис Костас, Томас Крис. Учебник ресторатора: проектирования, оборудования, дизайн [пер.с англ. Пракофьев С.В.].-М: ООО «Издательский дом «Ресторанные ведомости », 2008.-576с.-ISBN 978-5-98176-059-4

Ресторанларда “ҳалол” овқатланиш хизматларини тақдим этишда қуйидагилар эътиборга олиниши зарур. Булар:

- ресторанларни озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мусулмон туристлар учун ҳалол стандарт талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш;
- мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил ресторан сервиси ва унда кўрсатилаётган хизматларни амалга оширишда юқори хизмат кўрсатиш маданиятини шакллантириш;
- ресторанда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг муомила ва кийиниш маданиятига қатъий амал қилиниши назоратини ташкил этиш;
- ресторанлар ва бошқа овқатланиш корхоналарида эргономик талаблар, техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;
- ресторан ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқ бўлишини инобатга олиб уларда меҳнат вазифасига бўлган мотивацияни шакллантириш;
- ресторанларга категориялар берилишининг миллий тизимини ишлаб чиқиш ва бунда стандарт талаблари билан бирга янги инновацион дастурлар ҳамда технологияларнинг доимий равишда қўлланилишини инобатга олиш;
- умумий овқатланиш корхоналарининг турлари, таркиби, тақдим этиладиган хизмат шакллари ва нархлари тўғрисида мамлакат ва ҳудудлар миқёсида ягона электрон база яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномаси.
2. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Тошкент ш., 2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон
3. “2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 март, ПҚ-3609-сон Қарори
4. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар”, “Ҳилол-Нашр”. Тошкент. 2018 й. 80-81бет
5. Global Muslim Travel Index 2019, Mastercard-CrescentRating, APRIL 2019.
6. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикма- си”, “Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.Тошкент.
7. Катсигрис Костас, Томас Крис. Учебник ресторатора: проектирования, оборудования, дизайн [пер.с англ. Пракофьев С.В.].-М: ООО «Издательский дом «Ресторанные ведомости», 2008.- 576с.-ISBN 978-5-98176-059-4
6. www.islam.ru/ исламский информационный портал 31 Март 2019 йил
7. www.stat.uz
8. www.uzbekistonovozi.uz
9. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

З.Сувонов, Д.Каххаров, У.Мукимова Перспективы внедрения в ресторанах услуг питания "халяль" Аннотация: в данной статье приведены перспективы внедрения услуг питания «Халяль» на основе одного из мировых стандартов «Халяль» и даны рекомендации по его преимуществу при выборе концепции ресторанов в Республике Узбекистан Ключевые слова: сервис, "халяль", халяльная еда, концепция ресторана, халяльный туризм, мусульманское население, стандарт "халяль".	Z.Suvonov, J.Kahharov, U.Mukimova Perspectives of introduction of the "halal" catering services in the restaurants Abstract: this article presents the prospects for the introduction of Halal catering services on the basis of one of the international standards Halal and gives recommendations on its advantage when choosing a restaurant concept in the Republic of Uzbekistan Keywords: service, halal, halal food, restaurant concept, halal tourism, muslim population, halal standard.
---	---

М.Б.Каланова – СамИСИ ўқитувчиси

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш даражада мос ҳолда умумий овқатланиш корхоналарини кўпайтириш ва туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари қараб чиқилган.

Калит сўзлар: турист, меҳмонхона, туризм, умумий овқатланиш корхоналари, овқатлантириш хизматлари, хизмат кўрсатиш.

Кириш. Ҳозир бутун дунёда глобаллашув жараёни барча соҳаларни ўзига хос тарзда ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бу ҳолат умумий овқатланиш соҳасига ҳам сезиларли таъсирини ўтказмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистон ҳақиқий туристик давлатга айланиб бормоқда. Бунда охириги йилларда туризм соҳасига бўлган эътибор, уни оммалаштиришга қаратилган саъй ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатмоқда ва Ватанимизда туризмни ривожланиши кўплаб бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Умумий овқатланиш соҳасини мисол сифатида оладиган бўлсак, туризм ривожланганидан кейин ишлаб чиқарувчиларга янада янги ва қулай хизмат турларини туристлар таъбиға муносиб тарзда тақдим этишни талаб қилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур мавзуда тадқиқот олиб боришни тақозо қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Умумий овқатланиш хизматлари масаллари билан билан мамлакатимиз ва хорижий олимлардан Иватов И. Кучер Л. С., Шкуратова Л. М. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Исроилов Ж.И. кабилар¹ шуғулланиб келмоқдалар. Аммо туристларга кўрсатиладиган овқатланиш хизматларига кам аҳамият берилган. Шу туфайли мазкур мақола туристларга умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризмнинг соҳаларида туристларни овқатлантириш масаласи ҳам ўта нозик. Чунки турли давлатлардан, турли одатлар билан келади. Ҳаммасига мос хизмат қилиш керак. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш ва улар учун барча шароитларни яратиш мақсадида янги туристик мажмуалар, меҳмонхоналар, кемпинглар, ресторанлар, барлар, транспорт соҳалари, қурилиш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Бундай суръатда туризмни ривожлантириш албатта умумий овқатланишни ҳам ривожлантиришини тақозо этади, чунки барча туристлар гоҳ ички турист бўлсин, гоҳ ташқаридан келсин, улардан қатъий назар ресторан хўжалигига ёки овқатланиш тармоғидан фойдаланишга мажбур.

Акс ҳолда инсонлар овқатланиш учун барча маҳсулотларни ўзлари билан олиб юриши керак ёки уй шароитларида тайёрлаб, истеъмол қилиши лозим бўлади. Аммо туристларда бундай имкониятлар йўқ, шунинг учун ҳам улар овқатланишдан фойдаланишга мажбурдир ва мана шу ҳолатларнинг мавжуд бўлиши туризм умумий овқатланишни уйғун ҳолда ривожлантириши учун имкон беради. Шунинг учун ҳам туризмда асосий хизмат турларидан бирини овқатлантириш хизмати бўлиб ҳисобланади. Буларни тўғри ташкил қилиш ҳам ўзига хос нозик хизматлардан бири ҳисобланади.

Туристларни овқатлантиришнинг ягона кўрсатмаси ёки тавсияномаси йўқ. Бундай кўрсатмалар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш ҳам ўта мураккаб ҳисобланади. Чунки,

¹ Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие. -Т.: ТГЭУ, 1998. -131 с., Кучер Л. С., Шкуратова Л. М. Умумий овқатланиш хизматларини ташкил қилиш: дарслик. - М.: "Ишбилармон адабиёт" нашриёт уйи, 2002. - 544с., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: Фан ва технология, 2007. -16 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография) -Т.: Фан ва технология, 2007.-163 б., Пардаев м.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 384 б., Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. М.Қ.Пардаев умумий таҳрири остида. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 504 б.

туристларни овқатлантириш туризмнинг соҳаларида ҳам туризмнинг турларида ҳам ўзига хос бўлган, бири-бирига ўхшамаган хизматларни талаб қилади. Дастлаб туризмнинг соҳаларида туристларни овқатлантиришни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ички туризмда туристларни овқатлантириш.
2. Халқаро туризмда туристларни овқатлантириш.

Ички туризмда ҳам туристларни овқатлантиришнинг турли ташкилий усуллари мавжуд. Ички туризмда шартнома ёки турни сотиб олган туристларни овқатлантириш муаммоларни келтириб чиқармайди. Чунки турпакетни олдиндан сотиб олган турист ёки туристлар турпакетдаги овқатлантириш хизматларини (таомларни ҳам) биладилар (турпакетда уларга кўрсатиладиган барча хизматлар номма-ном ёзилган, нархлари кўрсатилган бўлади).

Иккинчи йўналишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон ички туризмида туристларнинг овқатланиши уларнинг хоҳишлари бўйича, ихтиёрий келишув асосида амалга оширилмоқда. Бунда туристлар туроператордан транспорт, жойлаштириш ва гид-бошловчи хизматларини сўрашади. Овқатланишни ўзларининг танлови асосида амалга оширишади.

Ички туризмда келтирилган иккала йўналишда ҳам кўп ҳолларда туристларнинг овқатлантириш умумий овқатлантириш корхоналарида ёки ҳаммага қулай ва манзур бўлган чойхоналарда амалга оширилади.

Халқаро туризмда туристларни овқатлантиришда анча муаммолар бор. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

- Халқаро турист ёки туристлар олдиндан сотиб олган турпакетида қўйилган миллий таомлардан воз кечиши мумкин;
- Халқаро турист ёки туристлар овқатлантириш турпакетда белгиланган овқатлантириш корхонасида овқатланишга қарши бўлиши мумкин;
- Халқаро турист ёки туристлар овқатлантириш хизматларидан қониқмаслиги мумкин ва бошқалар.

Келтирилган ҳар уччала ҳолатлардан чиқиш учун тадбиркор туроператор уларга ўзларининг танлови бўйича овқатланишни таклиф қилади ва улар олдиндан сотиб олган турпакетдаги овқатлар ва овқатлантириш хизматларининг нархлари албатта ўзгаради.

Туризмнинг турларида туристларни овқатлантириш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Туризмнинг турларида туристларни овқатлантиришнинг ҳам ўзига хос бўлган хусусиятлари, талаб ва тартиблари мавжуд. Бундай ҳолат асосан, туризмнинг бир турида ҳар-хил ёшдаги туристлар бўлиши мумкин. Буларни овқатлантириш ҳам бироз нозикроқ, чунки ёшларнинг талаби, кексаларга ва мос равишда кексаларнинг талаби ёшларга тўғри келмаслиги мумкин. Бу мураккабликларнинг олдини олиш учун ҳам овқатланиш корхоналари олдиндан тайёр бўлишлигини тақозо қилади.

Зиёрат туризмида туристларни овқатлантириш хизматлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Зиёрат туризмида туристларни овқатлантириш анча жиддий ва эътиборлилиқни талаб қилади. Халқаро зиёрат туризмида шундай ҳоллар ҳам бўладики, замонавий таҳоратхоналар йўқлигидан зиёратчи халқаро туристлар турпакетда ваъда қилинган жойлаштириш хизматларидан ҳам, овқатлантириш хизматларига ҳам рад жавобини бериши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолатда халқаро андозаларга мос овқатлантиришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Зиёрат туризмида зиёратчиларга барча хизматларни кўрсатувчи туроператор халқаро динлар ва улардаги тартиб-қоидаларни жуда яхши билишлари лозим бўлади.

Иккинчидан, овқатлантиришда танланган таомларнинг таркиби билан ҳам зиёратчи туристларни олдиндан таништиришга тўғри келади. Агар овқатларнинг таркиби уларга ёқмаса, турли кўнгилсизликлар вужудга келиши мумкин. Масалан, Доғистондан келган зиёратчи туристларнинг дастурхонига ноёб колбасалар қўйилганда, улар тушликдаги бу ҳолатни кўриши билан дастурхондан тезликда узоклашган. Туроператор ва гид-бошловчи Доғистонликларнинг мусулмон динида эканлиги ва улар колбаса маҳсулотларини умуман

истеъмол қилмасликларини билишмас эканлар. Шу туфайли овқатлантириш масаласида жуда эҳтиёткорликни талаб қилади.

Учинчидан, зиёрат туризмида зиёратчи туристларни овқатлантиришда дастурхонга спиртли ва шунга яқин (пиво, вино ва бошқа) ичимликларнинг қўйилиши мутлақо мумкин эмас. Чунки улар истеъмол қилишмайди ва бир дастурхонда бошқаларнинг ҳам истеъмол қилишларини хохлашмайди. Агар битта гуруҳда ҳам ичувчи ва мос равишда ичмайдиганлар бўлса, уларни алоҳида жойлаштириб, ҳар бирига ўзига хос тарзда хизмат қилиш лозим бўлади.

Тўртинчидан, овқатлантириш хизматлари амалга ошириладиган корхонада ёки унинг яқинида албатда барча диний талабларга жавоб берадиган (тахоратхоналар, номозхоналар, қандайдир диний амалларни бажарадиган, бошқа динлар учун ҳам тоат-ибодатни эркин амалга оширадиган шароитларнинг бўлиши ва бу ҳақида зиёратчиларнинг ахборотланганлиги уларнинг яхши кайфият ва иштаҳа билан овқатланишини таъминлайди.

Экологик туризмда туристларни овқатлантириш хизматлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жаҳон туризмида шиддат билан ривожланиб бораётган туризмнинг яна бир тури – экологик туризм бўлиб, унда овқатлантириш хизматлари ўзига хос бўлган, бошқа турларда ишатиладиган овқатлантириш хизматларини талаб қилади. Яна бир хусусияти шундаки, экологик туризмда овқатлантириш хизматлари жойлаштириш ва дам олиш хизматлари билан бир мажмуада кўрсатилади. Бу мажмуада овқатлантиришнинг турлари ва тартиблари Р.Ҳайитбоевнинг¹ ўқув қўлланмасида батафсил ёритилган.

Экотуристларни жойлаштириш шаҳарларда муаммо эмас. Экотурист ёки экотуристларнинг хоҳиш-истакларига қараб уларни турли даражадаги меҳмонхоналарга жойлаштириш мумкин. Жойлаштириш муаммолари шаҳардан узоқ масофалардаги туристик объектларга сайёҳатлар давомида юзага келади. Республикамизда туризмни ривожлантиришдаги энг оғриқли, муаммоли масала ҳам экотуризм, археологик туризм, овчилик туризм каби туризм турларига маршрутлар ишлаб чиқишда бу масалаларни албатта инобатга олиш лозим бўлади. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлигининг асосий сабаблари ҳам бу туристик маконларда туристлар учун тунаш жойларининг йўқлигидир.

Экотуризм, археологик туризм ва овчилик туризмни ривожлантириш режалаштиришда, биринчи навбатда туристларнинг тунаши (жойлаштириш) шароитларини яратишимиз керак бўлади. Шаҳарлардан узоқда бўлган туризм ресурсларида (экотуризм, рекреация туризми) туристлар учун тунаш жойларини ҳозирча туристик базалар ёки туристик лагерлар усулида яратиш имкониятлари мавжуд. Лекин, туризмда экологик туризм тадбиркорлигининг кенгаймаётганлигидан бундай тунаш жойлари ҳозиргача яратилмаяпти.

Ҳозирги пайтда экотуризмни ривожлантириш учун шинам меҳмон уйлари, экологик уйлар ташкил қилинмоқда. Бу объектларда туристларнинг яшаши билан бирга овқатлантириш масаласи ҳам жуда яхши ташкил қилинган бўлади.

Агарда табиат бағридаги экотуризм масканида (ресурсида) ҳам бундай тунаш жойлари яратилганда эди, туристларнинг тунаш, дам олиш ва овқатлантириш муаммолари бирданига ҳал қилинган бўларди. Бу муаммоли ҳолатдан чиқишнинг яна бир йўли экотуризм, рекреация туризми ёки овчилик туризмдаги туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқишда ресурсга яқин жойдаги аҳоли уйлари ижарага олиш ҳисобланади. Лекин, унутмаслик лозимки, халқаро туристлар ҳар қандай шароитларда ҳам тунаб қолавермайди. Шунинг учун ҳам бундай шароитлардан маҳаллий туризмдаги туристларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табиат ландшафтларидаги туризм масканларига (ресурсларига) маршрут ишлаб чиқишдан олдин бундай жойларда туристик базалар ва туристик лагерлар барпо қилишга қатъий равишда киришишимиз лозим. Туристлик лагерларни палаткали ёки юрта

¹ Ҳайитбоев Р., Экологик туризм, Ўқув қўлланма, «Барҳаёт файз медиа», Тошкент, 2016-248 б.

(чўпоннинг қора уйи) усулида тезкор вақтларда мавсумларга мослаштириб куриш имкониятлари жуда катта. Бу бўйича ўзимизда тегишли тажрибалар ҳам бор.

Экотуристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқатлантириш муаммо эмас. Чунки, экотурист жойлашган меҳмонхонада ҳам, шаҳарнинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторан, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган экотуристларни овқатлантиришда халқаро меъёрлардаги таклифлар қуйидагича:

1. тўлиқ пансион – 3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);
2. ярим пансион – 2 маротаба овқатланиш (нонушта–тушлик, нонушта-кечки овқат ёки тушлик-кечки овқат);
3. фақат нонушта;
4. фақат тушлик;
5. фақат кечки овқатланиш.

Овқатланишда хизматлар шакли анъанавий тарзда қуйидагича амалга оширилади:

1. «Швед столи» - ўз-ўзига хизмат. Бу усулда ресторан ёки ошхонада турли-туман овқат хиллари тайёрланган бўлади. Экотуристлар (мижозлар) ўзлари ёқтирган овқат ва ичимлик хилларини ҳоҳлаганларича (эҳтиёжаларига яраша) олиб, еб-ичишлари мумкин. Овқатланиб бўлгандан кейин турист (мижоз) идиш–товокларни йиғиштирмайди.
2. «Табльдот» - ҳамма мижозлар учун фақат битта меню тайёрланади (мижозларга овқат танлаш ҳуқуқи берилмайди).
3. «А ля карт» - ресторан менюсида туристлар овқат хилини эркин танлайдилар.

Овқатланишнинг қайси шакллари бўлмасин шаҳарда ва туман марказларида туристларни овқатлантириш юқорида қайд қилганимиздек муаммо туғдирмайди. Фақат туристик маршрутда шаҳарда (туманда) овқатлантириш жойи ва шароитлари ёзиб қўйилса етарли бўлади. Туристларни овқатлантиришдаги муаммолар шаҳарлардан (туманлардан) узоқ масофадаги туристик объектларга маршрут ишлаб чиқишда қийин вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда туристларни (ички ва хорижий) овқатлантириш масаласи ўта нозик масалалар сирасига кирар экан. Боз устига ушбу соҳа туризмнинг асосий йўналишларидан бири сифатида катта эътиборни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие. -Т.: ТГЭУ, 1998. -131 с.,
2. Кучер Л. С., Шкуратова Л. М. Умумий овқатланиш хизматларини ташкил қилиш: дарслик. - М.:
3. "Ишбилармон адабиёт" нашриёт уйи, 2002. - 544с., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А.
4. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: Фан ва технология, 2007. -16 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И.
5. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография) -Т.: Фан ва технология, 2007.-163 б., Пардаев м.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.
6. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 384 б.,
7. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. М.Қ.Пардаев умумий таҳрири остида. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 504 б.
8. Ҳайитбоев Р., Экологик туризм, Ўқув қўлланма, «Барҳаёт файз медиа», Тошкент, 2016-248 б.

М.Каланова	M.Kalanova
Особенности туристических услуг на предприятиях общественного питания	Features of tourist services in catering enterprises
Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы увеличения количества заведений общественного питания и повышения качества туристических услуг в соответствии с уровнем развития туризма в Узбекистане. Ключевые слова: турист, гостиница, туризм, кейтеринг, кейтеринговые услуги, сервис.	Abstract: this article discusses the issues of increasing the number of catering establishments and improving the quality of tourist services in accordance with the level of tourism development in Uzbekistan. Keywords: tourist, hotel, tourism, catering, catering services, service.

ТУРИЗМ ВА МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ

Ш.У. Ташматов – СамИСи ўқитувчиси

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ МАЗМУНИ

Аннотация: мақолада “механизм” тушунчасининг таърифлари кўриб чиқилган, иқтисодий фанда ушбу тушунчадан фойдаланишнинг тарихий жиҳатлари ўрганилган, “иқтисодий механизм” тушунчаси моҳиятига турли олимларнинг қарашлари тадқиқ қилинган ва муаллифнинг талқини берилган.

Калит сўзлар: механизм, иқтисодий механизм, хўжалик механизми, ташкилий-иқтисодий механизм, туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми, иқтисодий манфаатлар.

Кириш. Мамлакатимизда чинакам бозор муносабатларининг қарор топиши иқтисодий механизмларнинг нечоғлиқ ривожланиши ва такомиллашувига боғлиқ. Мураккаб тизим бўлган иқтисодиётни самарали бошқариш зарурияти иқтисодий механизмларни тадқиқ қилишнинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Ҳозирги кунгача иқтисодий адабиётларда “хўжалик механизми” ва “иқтисодий механизм” тушунчаларининг мазмуни бўйича ягона фикр шаклланмаган. Айрим тадқиқотчилар бу икки тушунчани синонимлар дейишса, бошқалари, ҳақли равишда, улар ўртасида фарқлар мавжудлигини таъкидлашади. Ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқларга тўхталиш-дан олдин, “механизм” тушунчасининг ўзини батафсил тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “механизм” – машина, асбоб, аппарат ва шу кабиларнинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши деб таърифланади¹. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида эса, “механизм (юн. *mechanē* – қурол, иншоот) – бир ёки бир неча жисмнинг ҳаракатини бошқа жисмларнинг маълум ҳаракатига айлантириб берадиган қурилма. Вазифасига қараб, механизмлар ҳаракатни узатувчи; ижрочи (иш бажарувчи); бошқарувчи, назорат қилувчи ва ростловчи; таъминловчи, сараловчи, ташувчи; маҳсулотларни ҳисобловчи, тортувчи ва жойлашувчи механизмлар бўлади”² дейилган. Фалсафий энциклопедик луғатга кўра механизм – ҳаракатлар ёки ҳодисалар тизими, шунингдек, қурилма ёки мослама бўлиб, унда ва унинг ёрдамида ушбу ҳаракатлар табиий қонунлар асосида амалга ошади³.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, “механизм” тушунчаси, техник бўлмаган маънода, асосан муайян жараённинг амал қилишини англатиб, у тизим тузилиши, унинг таркибий элементларини ўзаро ҳаракатга келтириш усуллари ва йўллари билан белгиланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий фанда механизмларни кенг тадқиқ қилиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. Л.Гурвицнинг таърифлашича, механизм – бу “субъектлар ва марказ ўртасидаги ўзаро таъсир бўлиб, у уч босқичдан иборат: ҳар бир субъект алоҳида марказга m_i хабар юборади; марказ барча хабарларни олган ҳолда тахминий натижани ҳисоблаб чиқади: $Y=f(m_1, \dots, m_n)$; марказ Y натижани эълон қилади ва зарур ҳолларда уни амалга оширади”⁴. Шундай қилиб, Л.Гурвиц механизми ўз таркибий элементларининг ўзаро муносабати жараёни сифатида таърифлайди.

А.Кулманнинг таъкидлашича, “биз иқтисодий механизм ҳақида гапиримиз, қачонки аллақандай бошланғич иқтисодий ҳодиса ўзи билан бир қатор бошқа иқтисодий ҳодисаларини олиб келса ва уларнинг юзага келишида ҳеч қандай қўшимча импульслар талаб қилинмаса. Ушбу иқтисодий ҳодисалар маълум тартибда содир бўлади ва қандайдир аниқ натижага олиб келади”⁵. А.Кулман иқтисодий механизмни нафақат маълум бир натижага олиб келувчи

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). – 584 б.

² «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти (2000-2005). М ҳарфи. – 467 б.

³ Философский энциклопедический словарь / Ред.-сост. Е.Ф.Губский и др., 2003. [Электронный ресурс] // <http://terme.ru/dictionary/184/word/mehanizm>.

⁴ Измалков С., Сонин К., Юдкевич М. Теория экономических механизмов (Нобелевская премия по экономике 2007 г. часть №1) // Вопросы экономики . – 2008. – № 1. – С 8.

⁵ Кузьман А. Экономические механизмы: Пер. с. фр. / Общ. ред. Н.И. Хрустальной. – М.: Издательская группа «Прогресс», «Универс», 1993. – С 12.

жараён сифатида таърифлади, балки иқтисодий механизмларни улар амал қиладиган шароитлардан келиб чиқиб турли типлар ва шаклларга ажратди.

Л.И. Абалкин иқтисодий механизмни ўзига хос шакллари ва усуллари, иқтисодий рағбатлантиришлари ва ҳуқуқий нормалари билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули сифатида таърифлайди. Шу билан бирга у хўжалик механизми мулкчилик шакллари ва ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасида боғловчи восита эканлигини таъкидлайди¹.

И.С. Аверина хўжалик механизмини “мақсадларга эришишнинг усуллари ва воситаларини такомиллаштириш йўли билан “ўйин” қоидалари ҳамда шартларини ўзгартириш орқали хўжалик фаолиятини ўзгартиришга кодир субъект-объект муносабатлар тизими” сифатида ифодалайди².

Шундай қилиб, иқтисодий адабиётларда “механизм” тушунчаси ўзига хос шакл, усул ва институтларига эга бўлган жараён ёки ўзаро боғлиқ элементлар тизими сифатида талқин қилинади. Иқтисодий механизм назарияси иқтисодиётда жараёнларнинг содир бўлиш қонуниятларини тасвирлашга ва юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга имкон беради.

Тадқиқот методологияси. Иқтисодий механизмлар тўғрисидаги олимлар қарашларини ўрганишда тадқиқот методологияси сифатида таққослаш ва солиштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Хўжалик механизми”, “ташкилий-иқтисодий механизм”, “иқтисодий механизм” каби тушунчаларнинг туб моҳиятини англаш учун кўп учрайдиган ёндашувларни кўриб чиқамиз. Кўпчилик тадқиқотчилар (И.С. Аверина, Н.В. Биковская, Н.Н. Лебедева ва б.) хўжалик механизми ва иқтисодий механизм тушунчалари ўртасида фарқ мавжудлигини, иқтисодий механизм хўжалик механизмининг таркибий қисми эканлигини таъкидлашади. Бироқ, айрим олимлар бу икки тушунчаларни синонимлар сифатида қарашади. Бизнинг фикримизча, иқтисодий механизм ташкилий, сиёсий, маданий ва бошқа механизмлар билан бирга хўжалик механизмининг таркибий қисмини ташкил этади.

Ташкилий-иқтисодий механизм тўғрисида гап кетганда, кўпчилик олимлар унинг ташкилий ва иқтисодий томонларини ажратиб кўрсатишади. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай механизмнинг ташкилий томонлари мавжуд бўлади. Иқтисодий механизм аниқ иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришда намоён бўлади, аммо бу жараён у ёки бу ташкилий шаклдаги субъектларнинг иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас. Бундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ташкилий таркибий қисмига эга бўлган иқтисодий механизмни ташкилий-иқтисодий механизмдан фарқлаш айрим чалкашликларга олиб келади.

А.Н. Семиннинг таъкидлашича, “иқтисодий механизмларнинг турли-туманлиги уларнинг амал қилиш шароитларини ифодалайди”³. Механизмларнинг турли шакллари, яъни “иқтисодий механизм”, “молия-кредит механизми”, “бозор механизми”, “инқирозга қарши механизм”, “хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми” ва бошқаларга ажратилиши бутун иқтисодиётнинг амал қилиш шароитлари ҳамда алоҳида иқтисодий жараёнларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ. Иқтисодий механизмларни биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган А.Кулман аввалбошиданоқ айтганидек, “... кўпсонли иқтисодий механизмларнинг мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин, агар механизмлар бошланғич импульс таъсири остида муайян шароитларда юзага келадиган иқтисодий ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари тизимини ўзида намоён этса, унда назарий жиҳатдан муайян шароитларда ўзаро алоқадор ҳодисаларнинг ҳар бир тизимида турлича импульслар қанча кўп бўлса, иқтисодий механизмлар шунча кўп бўлади”⁴. Бироқ, механизмларнинг турли шаклларга ажратилиши уларнинг мазмун моҳиятини англашдаги чалкашмовчиликларга олиб келмаслиги зарур.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини кўриб чиқишда шу

¹ Абалкин Л.И. Собственность, хозяйственный механизм, производительные силы // Экономическая наука современной России. – 2010. – № 1(5). – С. 52-53.

² Аверина И.С. Эволюция и классификация феномена «хозяйственный механизм» // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – 2012. – № 2(21). – С. 12-16.

³ Семин А.Н. Научные основы формирования экономических механизмов: формы, типы, виды // Агропродовольственная политика России. – 2012. – № 5. – С. 5–12.

⁴ Кузьман А. Экономические механизмы: Пер. с фр. / Общ. ред. Н.И. Хрустальной. – М.: Издательская группа «Прогресс», «Универс», 1993. – С 16.

нарсга эътиборга олиниши керакки, ҳар қандай иқтисодий фаолият ушбу фаолиятнинг бевосита ва билвосита иштирокчилари (субъектлари) манфаатларини амалга ошириши зарурлиги билан белгиланади. Булар иқтисодий фаолиятда етакчи бўлган иқтисодий манфаатлар, шунингдек, ижтимоий, маданий, экологик ва бошқа манфаатлар бўлиши мумкин. Уларнинг амалга ошиши товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг у ёки бу шаклида содир бўлиб, у жамият, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Иқтисодий фаолиятнинг манфаатлари устувор бўлган ҳамда ўйин шартларини белгилайдиган ва уларнинг бажарилишини назорат қиладиган иштирокчилари ишлаб чиқилган махсулотнинг қўшимча бирликлари шаклида энг катта фойда олишади. Одатда, уларнинг устувор мавқеи ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ва зарурий қонунларнинг қабул қилинишига таъсир қилиш имконияти билан белгиланади. Шу билан бирга, хўжалик юритиш механизмининг бошқа иштирокчилари ҳам ўзларининг манфаатларини камроқ фойда билан бўлсада амалга оширишади. Манфаатларнинг ёки уларни амалга ошириш имкониятининг йўқлиги хўжалик юритишнинг иқтисодий механизминини ҳаракатга келтирувчи кучнинг бўлмаслиги сабаб бўлади.

Ёлланма ишчилар ўзларининг меҳнатга бўлган қобилиятларини сотишади, чунки тўланадиган иш ҳақи уларга физиологик ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Туризм соҳасида фаолият юритувчилар учун турли хил моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланишидан ташқари бажараётган ишининг кадри, жамият учун керакли фаолият билан шуғулланаётганлигини англаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Капитал эгалари қўшимча даромад олиш ва капитал ҳажмининг ортишидан, давлат солиқ ва турли йиғимлар кўпайишидан, истеъмолчилар туристик хизматлар сифатининг ошиши ва нархларининг пасайишидан манфаатдор.

Бозор инфратузулмасини ташкил қилувчи фирмалар: банклар, суғурта компаниялари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, транспорт компаниялар ва бошқалар ҳам ўз манфаатларига эга. Уларнинг ўз манфаатлари йўлида биргаликдаги ҳаракати пировардида нафақат соҳа, балки бутун иқтисодиётнинг ўсишига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошишига олиб келади.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари субъектлари фаолиятига ички ва ташқи омиллар, шунингдек, у амалга ошаётган шароит таъсир қиладди.

Хулоса ва таклифлар. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари – бу туристик хизматларни ишлаб чиқаришнинг барча иштирокчилар, шунингдек, истеъмолчилар ва давлат манфаатларини амалга ошириш жараёни бўлиб, у махсулот ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ташкил этишнинг турли шакллари орқали амалга оширилади.

Юқорида фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифларни беришни лозим топдик:

1. Туризм соҳасини ривожлантириш имкон қадар иқтисодий механизмларга асосланиши лозим.
2. Иқтисодий механизмларнинг амал қилиш учун зарур бўлган барча шароитларни бозор муносабатларига мос равишда яратишга эътибор қаратиш зарур.
3. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари турли шароитларда қўшилган қийматни доимий ошириб боришга қаратилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абалкин Л.И. Собственность, хозяйственный механизм, производительные силы // Экономическая наука современной России. – 2010. – № 1(5). – С. 52-53.
2. Аверина И.С. Эволюция и классификация феномена «хозяйственный механизм» // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – 2012. – № 2(21). – С. 12-16.
3. Кульман А. Экономические механизмы: Пер. с. фр. / Общ. ред. Н.И. Хрустальной. – М.: Издательская группа «Прогресс», «Универс», 1993. – 192.
4. Семин А.Н. Научные основы формирования экономических механизмов: формы, типы, виды//Агропродовольственная политика России. 2012. № 5. – С. 5-12.

Ш.Ташматов Сущность экономического механизма развития сферы туризма	Sh.Tashmatov The essence of the economic mechanism of tourism development
Аннотация: В статье рассмотрено определение понятия «механизм», изучен исторический аспект использования этого понятия в экономической науке, исследованы взгляды различных ученых на сущность понятия «экономический механизм», дана авторская его трактовка. Ключевые слова: механизм, экономический механизм, организационно-экономический механизм, экономический механизм развития туризма, экономические интересы.	Abstract: the article examines the definition of the concept of "mechanism", studies the historical aspect of the use of this concept in economic science, studies the views of various scientists on the essence of the concept of "economic mechanism", gives the author's interpretation. Keywords: mechanism, economic mechanism, organizational and economic mechanism, economic mechanism of tourism development, economic interests.

S.B.Kipchakova – Samarkand Institute of Economics and Service, teacher

THE ROLE OF TOURISM SERVICES IN UZBEKISTAN

Abstract: This article details the development of the tourism services sector and its role in the socio-economic development of the country. The article also describes in detail the measures taken in this area and the work to be done in the future.

Keywords: service sector, tourist services, welfare of the population.

Introduction. Tourism is an important component of the country's rapidly developing national economy. It plays a leading role in the socio-economic development of the country, in particular, in the formation of the gross domestic product, employment, raising the standard and quality of life, and most importantly, the formation of the state budget. Also, this sector is inextricably linked with other sectors and branches of our national economy, which affect the development of each other. On the one hand, the tourism sector has a significant impact on the development of other sectors and sectors of the national economy, on the other hand, the opportunities and prospects for its development are determined by indicators of the development of other sectors and sectors. Uzbekistan is a country of different nationalities, religions and cultures.

Materials and methods. Its rich historical heritage is a region populated in harmony with the development of modern architecture and high technology. There are high mountains, hot deserts, endless lakes, magnificent valleys and gardens. Undoubtedly, the tourist and recreational potential of Uzbekistan is enormous. There are more than 7000 cultural heritage sites, more than 200 are located in 4 historical cities - Khiva, Bukhara, Shakhrisabz and Samarkand. All of them are included in the UNESCO World Heritage List. In addition, the country has 8 reserves, 2 natural and 1 national park, 6 natural monuments, 11 reserves, more than 50 water protection zones, which are also attractions of tourist sites. Therefore, in our opinion, in recent years, the country has gradually implemented comprehensive measures to diversify the national economy, accelerate regional development, create new jobs, increase income and living standards, and increase the country's investment attractiveness. increases. A striking example of this is the following changes:

- From February 10, 2018, citizens of the State of Israel, the Republic of Indonesia, the Republic of Korea, Malaysia, the Republic of Singapore, the Republic of Turkey and Japan, as well as crew members of foreign airlines operating regular flights to the Republic of Uzbekistan, will be issued visas for a period of 30 days. the regime has been established;
- Target parameters for the construction of hotels in the Republic of Uzbekistan for 2019-2021, promising investment projects for their organization and creation of cultural facilities and institutions using modern information technologies;

• The procedure for the temporary registration of foreign citizens in the country has been simplified, and this procedure has been transferred to a completely electronic format "Electronic Guest". This system gives foreign citizens the right to register foreign citizens who travel on their own through residential and medical institutions, travel agencies, private houses, guest house owners, as well as via the Internet and mobile applications.

Methodology of the research. The current condition of tourism industry in Uzbekistan has been analyzed by using “mathematical modeling”, “eco-mathematical”, “eco- statistic” methods. Statistics are made by the help of official statistic sites of Uzbekistan.

Results. Development of the Concept for the Development of Tourism in the Republic of Uzbekistan for 2019-2025 with the aim of creating favorable conditions for the development of tourism, especially in the private sector, increasing the competitiveness and quality of services, active and comprehensive promotion of the national tourist product in the world market. these include a number of facilities aimed at the rapid development of the industry. In his address to the Parliament on January 24, 2020, the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev said: “One of the important tasks facing the state is to ensure an increase in the flow of tourists to our country this year to 7.5 million people. It is known that a number of influential foreign publications have included Uzbekistan in the list of countries worth visiting in 2020. We need to use this attention and trust effectively, ”he said. Research shows that Uzbekistan is becoming an increasingly popular destination for tourism lovers. At the end of 2018, the number of tourists visiting our country doubled - from 2.6 million to 5.3 million, and in 2019 this figure reached 6.7 million, which is 26% more than in the previous year. In general, the growth trend in the development of the tourism sector can be seen in the figure presented in the diagram below. As in other sectors and branches of the economy, the issue of employment is an important indicator in defining the characteristics of the tourism services industry from an industrial, socio-economic and strategic point of view. Since the development of the tourism services sector is usually associated with a labor force, in different countries the government focuses on the contribution of tourism to employment and job creation.

In each country, the state employment policy is considered as part of the country’s socio-economic development policy. The reason is that the rapid development of sectors of the economy affects the level of employment. In many developed countries, the tourism sector plays an important role in shaping the country’s GDP, creating additional jobs and employment, and enhancing the foreign trade balance. In other words, the tourism industry plays a unique catalyst for the country’s socio-economic development. According to the forecast of the World Tourism Organization, the number of tourists will reach 1.6 billion in 2020, and revenues from world tourism will grow to \$ 2 trillion by 2020. In Uzbekistan, the share of the population employed in the tourism sector in total employment is significantly lower than in other developed countries. At the current stage of development, employment in the tourism industry and related sectors of the country’s economy is about 13273.1 thousand people. 46.9 thousand of them - workers in the tourism industry.

Conclusion and proposals. In conclusion, we believe that the great attention paid in recent years to the tourism sector and the huge efforts aimed at developing this sector determine the role of our country in accelerating socio-economic processes.

LITERATURE:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2017 йилдаги №137 сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3137499>
2. Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташқиллий чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2018 йилдаги № ПФ-5326 сонли фармони.
3. Ш.М.Мирзиёев. “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги № ПҚ-4095 сонли қарори.
4. Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги № ПФ-5611 сонли фармони

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Қонунчилик палатасига килган мурожаатномасидаги нутқи. 2020 йил 24 январ
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

С. Кипчакова Роль туристических услуг в Узбекистане	С. Кипчакова Ўзбекистонда туризм хизматларининг роли
Аннотация: в данной статье подробно освещается развитие сектора туристических услуг и его роль в социально-экономическом развитии страны. В статье также подробно описаны меры, принимаемые в этой сфере, и работа, которую предстоит проделать в будущем. Ключевые слова: сфера услуг, туристические услуги, благосостояние населения.	Аннотация: ушбу мақолада туризм хизматлари соҳасининг ривожланиши ва унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли батафсил ёритилган. Шунингдек, мақолада ушбу соҳанинг муаммо ва камчиликлари ҳамда келгусида амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар ифода этилган. Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, туризм хизматлари, аҳоли турмуш фаровонлиги.

И.Р.Бердиқулова – СамИСИ катта ўқитувчиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ МАВЖУД ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизнинг шу жумладан, Самарқанд вилоятининг туристик салоҳияти соҳага оид амалий маълумотлар асосида ўрганилди ва ўрганилган статистик маълумотлар таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, таҳлил натижалари асосида келгуси давр учун вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб олинди. Калит сўзлар: туризм, сайёҳлик, хорижий сайёҳ, инфратузилма, меҳмонхона, оилавий уй меҳмонхона, туристик маршрут, туризм салоҳияти.

Кириш. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида келажакда катта салоҳиятга эга бўлган тармоқлардан бири – бу туризм инфратузилмасидир. Ушбу соҳага эътиборнинг қаратилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган, туризм орқали дунёни билиш, бошқа мамлакатларнинг фаол аҳолисини бу ерларга жалб қилиш, мамлакат хазинасига валюта тушириш ва шу орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда катта имкониятлар туғдиради.

Мамлакатимиз қадимий маданиятини, халқимизнинг узоқ тарихи ва анъаналарини, ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда эришилган ва эришилаётган ютуқларимизни дунё мамлакатлари ва халқларига таништиришда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишда, чет эл инвестициясини иқтисодиётга жалб этишда туризм ва сайёҳликнинг роли бекиёсдир. Шу боис ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳукуматимиз томонидан сайёҳликни ривожлантиришга, туристик хизматлар билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини янада яхшилашга уларни рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Республикамиз ҳудуди шу жумладан, Самарқанд вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришга оид масалалар билан мамлакатимизнинг М.Қ.Пардаев, Р.Атабоев [1], И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсунова [2] М.Т.Алимова [3] каби олимларимиз шуғулланиб келмоқда. Олимларимиз томонидан мазкур тадқиқот мавзуси доирасида бир нечта адабиётлар ва илмий мақолалар нашр қилинган. Мазкур илмий тадқиқот ишларида туризмга оид барча тушунчалар, атамалар, туризм соҳасининг мамлакат доирасидаги салоҳияти каби тадқиқот натижалари келтириб ўтилган бўлиб, Самарқанд вилояти туризм салоҳияти борасида олиб борилган ушбу илмий тадқиқотимиз юқоридаги олимларимизнинг ишини бевосита давом эттиради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантикий ёндашув, замон ва макон, киёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда сўнгги икки йилдан зиёд вақт ичида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

Ҳукуматининг **30 га яқин Фармон ва қарорлари Самарқанд вилоятида** ташқи ва ички туризмни кенг ривожлантиришга ҳамда туристлар ташриф буюрадиган инфратузилмани янада яхшилашга **катта имкониятлар яратиб берди.**

Бундай қарор ва фармонлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармонида кўра, 45 та мамлакат фуқароларига 30 кун муддатда визасиз режим, 76 та мамлакат фуқароларига электрон кириш визаларини олиш имкониятини берилиши натижасида 2019 йилнинг январь-август ойлари давомида вилоятга жами **2,0 млн.** туристлар ташриф буюрган бўлиб, шундан 157 та мамлакатдан **359 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳларни** ташкил этади [4]. 2018 йил давомида 351 минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилганлигини инобатга олсак, **хорижлик сайёҳлар сони ўтган даврга нисбатан икки баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.**

Ҳозирда Самарқанд вилоятида **551 та** туристик намоиш этиш объектлари, **138 та** меҳмонхона (5823 ўрин) ва **118 та** оилавий уй меҳмонхоналари (1045 ўрин), **100 га яқин** миллий ва европа таомлари тайёрлайдиган ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, **164 та** туроператорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, **230 та** туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, **230 та** ҳамроҳ-таржимонлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

2019 йил давомида туризм соҳаси экспорт ҳажми **111,1 млн. АҚШ долларини** ташкил қилди. Сайёҳларнинг асосий қисми Европа мамлакатларидан, жумладан, 37,1% - Италия, Франция, Германия, Испания, Буюк Британиядан, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрганлар 21,7% ва қўшни мамлакатлардан 15,9%ни ташкил қилган.

2019 йил январь-август ойлари давомида қарийб 220 млрд. сўмлик 95 та лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, **1033 ўринга** эга бўлган **22 та** меҳмонхоналар, **13 та** ресторанлар ва кафелар, **37 та** туроператорлик субъектлари ташкил қилинди. **26 та** туристик классдаги автобус ва **42 та** микроавтобуслар, **2 та** электромобиллар олиб келинди. Шунингдек, **7 та туристик ахборот марказлари** ҳамда **32 та** миллий ва хорижий валюталарда пул айирбошлаш шаҳобчалари (банкоматлар) ўрнатилди.

2019 йилнинг январь-август ойларида 57 та йўл кесишмаларида йўл кўрсаткичлари ва белгилари ҳамда Самарқанд вилояти ҳудуди туристик объектларида 35 та ва йўл бўйларида 13 та янги санитария-гигиена шаҳобчалари ташкил этилди.

Шу билан биргаликда, тасдиқланган Дастурлар доирасида имконияти чекланган шахсларнинг туризм инфратузилмаси ва маданий мерос объектларида эркин ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитларни (“тўсиксиз муҳит”) яратиш чораларини кўриш бўйича барча маданий мерос объектларида ногиронлик аравачалари учун йўлаклар барпо этилди. Амир Темур макбараси, Бибихоним масжиди, Нодир девонбеги мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Ўлкашунослик музейи, Афросиёб музейи, Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейи ва Регистон ансамблида ногиронлар аравачалари қўйилди.

Туристик салоҳиятни кенг реклама қилиш мақсадида **60 та** хорижий оммавий ахборот воситалари жалб қилиниб, тарғибот ишлари олиб борилди.

Булардан Al-Jazeera, Россия-1, Айгак Тв, “France television”, Япониянинг TBS, Россиянинг МИР телеканали ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, Дунёда машҳур кинорежиссёр Киеси Куросава бошчилигида фильм тасвирга олиниб, Канский фестивалида намоиш этилди.

Жумладан, Индонезиянинг “Sahid group” компанияси билан ҳамкорликда туризм соҳасида (меҳмонхона, франчайзинг, таълим) лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Натижада:

а) Имом ал-Бухорий ҳудудида “SAG” МЧЖ билан шерикчиликда 100 хонали 4 юлдузли меҳмонхона қуриш;

б) Саҳид бренди остида хусусий тадбиркор Саъдуллаҳон Мавлюдов билан ҳамкорликда 3 юлдузли “**Sahid Royal Palace**” меҳмонхонаси фаолиятини йўлга қўйиш;

в) “Ипак йўли” туризм халқаро университетига Индонез профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш бўйича меморандум имзоланган бўлиб, бугунги кунда улар томонидан ўқувлар ташкил этилиб келинмоқда.

АҚШнинг “GMFR” компанияси томонидан Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳудудида 3 юлдузли меҳмонхона қурилиши учун ер майдони ажратилди.

Самарқанд шаҳридаги университет хиёбонининг бир қисми қайта реконструкция қилинди. Алишер Навоий кўчасининг тунги ёритиш тизимлари тўлиқ янгиланди ва пиёдалар кечки сайр қилишлари учун шарт-шароитлар яратилди.

Юртимизга, хусусан Самарқанд вилоятига ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ортиб боришида, уларнинг ташриф муддатларини узайтириш ҳамда мазмунли дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришларида улар томонидан дастур давомида фойдаланиладиган объектлар яъни, маршрутлар роли алоҳида аҳамиятга эга.

2019 йил давомида вилоятимизда кўплаб маданий-мерос, архитектура, археологик, агро, эко, зиёрат каби туризм йўналишлари объектлари мавжуд бўлиб, аҳамиятлиси яъни, сайёҳлик фирмалари томонидан асосан 100 дан ортиқ маршрутлардан фойдаланиб, сайёҳлар ташрифи амалга оширилди. 2019 йил давомида эса уларнинг сони яна 17 тага кўпайганлиги кузатилди. Шулар билан биргаликда яна **8 та янги туризм йўналишлари бўйича жами 17 та объектлар** тўғрисида маълумотлар сайёҳлик фирмаларига тақдим этилиб, янги туристик маршрутлар рўйхатига киритилди ва дастур давомида фойдаланиб келинди.

Жумладан;

1. **Таълим туризми йўналиши бўйича 1 та** яъни, Самарқанд вилояти Пайарик туманида жойлашган “Имом Ал-Бухорий” мажмуаси ёнида Илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Ушбу Илмий-тадқиқот Марказида аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча керакли шароитлар яратилган.

2. **Археологик туризм йўналиши бўйича 1 та** яъни, Булунғур тумани Болғали қишлоғида жойлашган “Шероз қалъа” археологик ёдгорлиги.

3. **Зиёрат туризми йўналиши бўйича 2 та** яъни, Самарқанд вилояти Жомбой туманининг Ғазира қишлоғида жойлашган Ҳазрати Шайх Худойдод Вали мақбараси хонақоҳи ва зиёратгоҳи ҳамда Самарқанд тумани Пулимугоб қишлоғидаги XII-асрда тикланган “Саид Иброҳим Ибн Имоми Мусои Козим” зиёратгоҳи.

4. **Гастрономик туризм йўналиши бўйича 1 та** яъни, Самарқанд тумани Кониғил маҳалласида жойлашган “Konigil House” гастрономик ва этник-анимацион маркази.

5. **Маданий-маърифий туризм йўналиши бўйича 3 та** яъни, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбонидаги буюк Хитой мутафаккири Конфуций ҳайкали ўрнатилди ҳамда ҳайкал атрофидаги мўъжаз майдонда қадимги Хитой анъаналарига хос айвонлар барпо этилди, Самарқанд шаҳри, Мотрид маскани, Хўжағунжойиш маҳалласидаги миллий кулолчилик ишлаб чиқариш “Sharq durdonasi” тарихий-маъданий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий маркази ҳамда Самарқанд шаҳридаги “Чехов” номли рус драма театрида миллий-тарихий кинолар (рус, инглиз тилларда) намоиши ташкил этилди.

6. **Агро-экотуризм йўналиши бўйича 6 та**, жумладан, Жомбой туманидаги “Зарафшон миллий боғи”да ташкил этилган экотуризм маскани, Самарқанд тумани Катта Ўзбек Тракти йўлида жойлашган “Боғишамол Гарден” масканида ташкил этилган Амир Темур боғи “Боғишамол” тематик парки, Самарқанд туманининг Бўзи маҳалласида жойлашган “Chinaras” агро-эко туризм маскани, Самарқанд тумани Кониғил маҳалласидаги “Миллий кулолчилик буюмлари устахонаси” жойлашган экотуризм маскани, Самарқанд шаҳридаги Ориф Гулханий уй-музейида ҳар йили 1-апрел санасида ўтказиладиган “Лола сайли” кўргазмаси ва Самарқанд шаҳри Боғибаланд МФЙда жойлашган “Анжирзор” масканида ташкил этилган Амир Темур боғи “Боғибаланд” масканларидир.

7. **Тиббиёт-соғломлаштириш туризми йўналиши бўйича 2 та**, Тайлоқ тумани Қўтирбулоқ қишлоғидаги “Далер Мед Сервис” санатория ва дам олиш маскани ва Самарқанд шаҳри Ислохот кўчасида жойлашган “Gamma Med Clinic” тиббиёт маскани.

8. **Спорт ва Ёшлар туризми йўналиши бўйича 1 та** - Самарқанд шаҳри, Гагарин

кўчасида жойлашган “Якка курашга ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби”да ташкил этилган музей ва “Мастер класс” намоиши каби объектлар тўғрисида маълумотлар сайёҳлик фирмаларига тақдим этилиб, янги туристик маршрутлар рўйхатига киритилди ва дастур давомида фойдаланиб келинмоқда.

Буларнинг барчасининг замирида сайёҳларнинг қўшимча яна **1 кеча** вилоятимизда қолиш муддатларини узайтириш, бой тарихимиз ва маданий-маърифий ҳаётимизга бўлган қизиқишларини орттириш, янги сайёҳлик йўналишлари ва маршрутлари пайдо бўлиши орқали аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлар даромадини кўпайтириш ҳамда туризм соҳасида фаолият кўрсатувчилар сонини тобора ортиб боришига хизмат қилиши каби мақсад ётганлигининг далолатидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги туристик маршрутлар очилиши, шунингдек қарор ва фармонлар ҳамда Дастурлар ижросини таъминлаш натижасида 2016 йилда сайёҳларнинг вилоятда қолиш муддатлари 1,3 кунни ташкил этган бўлса, 2019 йил давомида эса 2,6 кунни ташкил этди.

Энг қувонарлиси, 180 дан ортиқ туристик шаҳарлар аъзолигига эга бўлган Бутунжаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерацияси (WTCF)га Самарқанд шаҳри аъзо сифатида киритилди. Яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши натижасида 2019 йилнинг ноябр ойи бошида Самарқанд шаҳрида мазкур федерациянинг минтақавий конференциясини ташкил этишга имконият яратилди.

Шунингдек, Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари асосида 2019 йилнинг 9-10 июль кунлари Самарқанд шаҳрида МДХ мамлакатлари Туризм кенгаши ҳамда 1-халқаро туризм ярмаркаси ўтказилди. Натижада 54 дан зиёд шартномалар имзоланди, Ипак йўли халқаро туризм университетининг филиалларини МДХ давлатларида очиш таклифи қўллаб-қувватланди, янги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш белгилаб олинди.

Сайёҳлар ташрифини янада мазмунли ташкил этиш ва кўпроқ қолишини таъминлаш бўйича **2019 йил давомида 15 та йирик** оммавий тадбирлар, ҳар куни Регистон мажмуасидаги Шердор мадрасасида Ўзбекистон этнографик фольклор ва мумтоз куй-қўшиқлар концерт дастурлари намоиш қилиниб келинди. Жумладан, 2019 йилнинг 16-17 февраль кунлари “MOTION” замонавий ракс фестивали, 16 март куни Ургут шаҳрида “Миллий таомлар” сайли, 17 март куни Жомбой тумани Халқаро “Кўпқари” мусобақаси, 20 март куни “Кураш” мусобақаси, Бахшилар сайли ва бошқалар.

Сайёҳлар талабидан келиб чиқиб, шунингдек Дастурлар доирасида фақатгина 2019 йил давомида Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг табиати мафтункор тоғли ҳудудларида бир вақтнинг ўзида 841 нафар меҳмонга сифатли хизмат кўрсатиш имконияти мавжудлигини ва 95 та уй меҳмонхоналар фаолияти йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 204 ўринли 23 та меҳмон уйлари мавжуд бўлган. Худди шундай 2019 йилнинг январь-август ойлари давомида барча қулайликларга эга замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 2 та тиббиёт соғломлаштириш маскани ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Дастур доирасида 2019 йилнинг ўзида 28 та янги WiFi нуқталари ўрнатилиб, уларнинг сони жами 40 тага етказилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, яратилган барча қулай шарт-шароитлар натижасида фақатгина 17 та янги туристик маршрутлар ҳисобидан хорижий сайёҳлар сони 150 минг нафар ҳамда маҳаллий сайёҳлар сони эса 600 минг нафардан зиёдни ташкил этди.

2019-2020 йилларда Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ўстувор вазифалар этиб 2019 йил якунига қадар қўшимча 16 та меҳмонхона ишга тушурилиши, 25 та турфирмалар, 50 нафар гид-экскурсоводлар фаолияти йўлга қўйилиши, бунинг натижасида эса қўшимча хоналар сони 562 тага, ўринлар сони 1200 тага кўпайиши, шунингдек жисмоний шахс мақоми остида 80 та меҳмон уйлари ташкил этилиши, 815 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган эди ва улар бўйича барча ишлар амалга оширилиб келинди.

2019-2021 йиллар давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси орқали туризм инфратузилма объектларини ривожлантириш мақсадида 74 та лойиҳаларни ўз ичига олган 1311,8 млрд.сўмлик манзилли дастур ишлаб чиқилди. Лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 2828 та янги иш ўринлари яратилади. Бундан ташқари, 13 та қишлоқларни ўз ичига олган (этно, эко, агро, экстремал ва тоғ туризми)

инфратузилмасини яхшилаш ва ҳудудда янги туризм йўналишларини ташкил этишга қаратилган истикболли лойиҳалар амалга оширилади.

Бугунги кунда, Самарқанд вилоятидаги мавжуд 5 та археологик объектлар ҳудудида қазув ва тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу объектларни археологик туризм йўналишига мослаштириш, ҳудудга сайёҳларни жалб қилиш мақсадида мавжуд инфратузилма ҳолатини яхшилаш ва ҳудудда янги туризм йўналишини ташкил этишга қаратилган муддатли лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида хорижий сайёҳлар оқимини 200 мингтага ошириш, ҳар бир объект жойлашган ҳудуд атрофида камида 5 тадан меҳмон уйлари, 2 тадан миллий услубдаги овқатланиш шаҳобчалари, 5 тадан миллий ҳунармандчилик уйлари, 3 тадан эсдалик совғалари дўконлари ва 2 тадан замонавий санитария-гигиена шаҳобчалари ташкил этилади. 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Хулоса ва таклифлар. Туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йилларда қиймати 1324,6 млрд.сўм (тадбиркорларнинг ўз маблағлари 579,4 млрд.сўм, банк кредити 184,4 млрд.сўм) ҳамда 65,4 млн. АҚШ долларида иборат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига 164 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳамда 2355 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Жумладан:

- меҳмонхоналар ва оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш бўйича 846,4 млрд.сўм маблағлар ўзлаштириш ҳисобига 142 та, яъни 65 та меҳмонхона ва 200 та оилавий уй меҳмонхоналар ташкил этиш;

- транспорт инфратузилма соҳасини ривожлантириш бўйича 12,4 млрд.сўм маблағлар ўзлаштириш ҳисобига 21 та туризм тоифасидаги транспорт воситалари (12 та автобус ва 9 та микроавтобус) харид қилиш;

- экологик туризм соҳасини ривожлантириш йўналиши бўйича 170,6 млрд. сўм маблағлар ўзлаштириш ҳисобига жами 8 та лойиҳа, 2 та тематик парклар ҳамда 6 та дам олиш масканларини ташкил этиш;

- бошқа туристик инфратузилма объектларини куриш бўйича 295,1 млрд.сўм ҳисобидан 5 та йирик қўнғилочар ва савдо марказлари ҳамда муз саройи ва аквапарк ташкил этиш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида **хорижий туристлар сонини 509,0 мингга етказиш**, уларни вилоятда қолиш муддатини **2,6 кундан 3,0 кунга ошириш** кутилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг тўғри ва ўз вақтида бажарилиши вилоятда туризм салоҳиятининг янада ошишига ва соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ., Атабоев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ – 2006
2. Тухлиев И.С., Р.Хайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсунова. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент: Фан ва технология, 2014.
3. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2017. – 95 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йилги маълумотлари.

И.Бердикулова Приоритеты развития туристической отрасли и туристический потенциал Самаркандской области	I.Berdikulova Development priorities of the tourism industry and the tourism potential of Samarkand region
Аннотация: в статье на основе практических данных в данной области исследуется туристический потенциал страны, в том числе Самаркандской области, и проводится анализ изученных статистических данных. Также по результатам анализа были определены приоритеты дальнейшего развития туристической отрасли региона на ближайший период. Ключевые слова: туризм, иностранный турист, инфраструктура, гостиница, семейная гостиница, туристический маршрут, туристический потенциал.	Abstract: the article examines the tourism potential of the country based on practical data in this area, including the Samarkand region, and analyzes the studied statistical data. Also, based on the results of the analysis, priorities were identified for the further development of the tourism industry in the region for the near future. Keywords: tourism, foreign tourist, infrastructure, hotel, family hotel, tourist route, tourist potential.

С.Ш. Тўрабеков – СамИСИ мустақил изланувчиси

ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМий-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм хизматлари соҳасининг аҳамияти ва унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли атрофлича ёритилган. Шунингдек, туризм хизматларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари статистик маълумотлар ва фактлар асосида очиқ берилган. Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида мавжуд муаммо ва қачиликлар таҳлил қилиниб, уларга илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги, хизматлар соҳаси

Кириш. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизация ва деверсификациялаш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш асосида юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, мулк шакллариининг ўзгариши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиши каби кўрсаткичлар билан бир қаторда ишсизлик даражаси билан ҳам баҳоланмоқда.

Шубҳасиз, ишсизлик даражаси иқтисодиётнинг, халқ фаровонлигининг муҳим белгиларидан биридир. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси давлатнинг ижтимоий барқарорлик истиқболларига бевосита боғлиқ кўрсаткич сифатида қаралади. Иқтисодий нуқтаи назардан, бандлик бу ишчиларга бўлган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражасини ҳамда аҳолининг меҳнат бозоридаги иштирокини ўз ичига оладиган тизимдир.

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатининг бир қисмига айланиб улгурган. Кўпгина мамлакатларда туризм ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида, қўшимча иш ўринлари яратилишида ва савдо балансининг фаоллашувида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, туризм хизматлари соҳаси иқтисодиётнинг транспорт ва алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатиши билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бир қаторда туризм соҳасининг иқтисодий ривожланишини жаҳон бозоридаги статистик фактлар орқали характерлаш мумкин. Яъни Халқаро туризм ташкилотининг (ХТТ) прогноз маълумотларига қараганда 2018 йилда туристлар сони 1,4 миллиард кишини (2017 йилдагидан 6% ортик) ташкил этган бўлиб, дунё бўйича туризм соҳасидан кўрилган даромад 1,7 трл. АКШ долларини ташкил этган. 2019 йилда эса ХТТ томонидан туристлар сони 3-4%га ўсиши башорат қилинмоқда¹. Юқоридаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, туризм хизматлари соҳаси жаҳон иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиб бораётган тармоқларидан бири. Унинг ривожланиши ўз навбатида янги ишчи ўринлар яратилишида платформа вазифасини бажаради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризм хизматлари соҳасини жадал суръатларда ривожлантиришнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган аҳолининг иш билан бандлик масалалари борасида кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан бир қатор илмий-амалий ишлар олиб борилган. А.Смит, Ж.Б. Сей, А. Маршал, Ж.М. Кейнс ва бошқалар шулар жумласидандир.

МДХ мамлакатлари иқтисодчилари орасида ҳам бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, А. Косолапов, А. Гранберг, Е. Джанджугазова, А. Дружинин, А. Колесников, В. Ильин, И. Исаев, З. Зайнашева ва бошқалар туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига катта эътибор қаратишган.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни ҳамда уни ривожлантириш масалалари борасида илмий изланиш олиб борган

¹ <https://www2.unwto.org/press-release/2019-01-21/international-tourist-arrivals-reach-14-billion-two-years-ahead-forecasts>

олимлардан С.С. Ғуломов, Н.Т. Тухлиев, Ё.А. Абдуллаев, М.М. Мухаммедов, М.Қ. Пардаев, Ғ.Ҳ. Қудратов, И.С. Тухлиев, Қ.Ж. Мирзаевларни кўрсатиш мумкин. Улар ўз илмий изланишларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик муаммоларини тадқиқ этганлар.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Лекин иқтисодий-тадқиқот хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантириш масалалари чуқур ва атрафлича ўрганилмаган. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасини ва унинг алоҳида тармоқларини жадал ривожлантириш, хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, тизимли, қиёсий ва омилли таҳлил, иқтисодий-математик статистика, эконометрик моделлаштириш, истиқболли башоратлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда глобаллашув шароитида халқаро майдонда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, фан, таълим, маъданият ва халқаро иқтисодий-ижтимоий алоқаларни яхшилаш масалалари билан бир қаторда туризм соҳаси ҳам актуал мавзуга айланиб улгурган. Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида туризм иқтисодий-тадқиқотнинг барча соҳа ва тармоқларига таъсир кўрсатувчи ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи омил сифатида саналади.

Ҳозирда туризм хизматлари соҳаси иқтисодий-тадқиқотнинг энг муҳим таркибий қисмига айланиб бориши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашдаги, шунингдек, улар бандлигини таъминлашдаги ролининг тобора ошиши унинг жадал суръатлар билан ривожлантириш заруриятини кучайтирмоқда. Бу эса туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришни устувор вазифа қилиб белгилайди ва уни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кескин тараққиёт даврида туризм хизматлари соҳаси ривожланган мамлакатларнинг ички ва ташқи бозорида устувор йўналишлардан бирига айланиб улгурган. Чунки туризм замонавий иқтисодий-тадқиқотнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган муҳим йўналишлардан биридир. Шу билан бирга иқтисодий-тадқиқотнинг бошқа кўплаб тармоқларидан фарқли ўлароқ, туризм табиий ресурсларни камайтирмайди. Шунингдек, экспортга йўналтирилган соҳа сифатида туризм жаҳон бозорларидаги беқарор вазиятларга бошқа тармоқлар билан таққослаганда юқори барқрорликни намоён этади.


Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда туризм валюта тушумининг асосий манбаи сифатида қаралиб, жаҳон майдонига чиқишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Бунинг натижасида эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва фуқароларининг фаровонлиги ошади.

Халқаро Туризм Ташкилотининг маълумотида кўра, 2019 йил январь-март ойларида дунё бўйича ташриф буюрувчилар (Бир кечада ташриф буюрувчилар) сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4% га ўсган. 2018 йил якунларига кўра, дунё бўйича жами ташриф буюрувчилар сони 1,4 млрд. киши ва халқаро туристик хизматлардан тушган умумий тушум эса 1,7 трлн АҚШ долларини ташкил этган.¹ Дунё бўйича жами ташриф буюрувчилар сони йилдан йилга тез суръатларда ошиб бораётганини қуйидаги диаграммада кўриш мумкин. (1-расм).

Туризм хизматлар соҳасининг самарали фаолият олиб бориши дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ривожланиш ва янги иш ўринларининг яратилишига ёрдам бермоқда. Шу сабабли, мамлакатлар туризм соҳасининг барқарор ривожланишини, шу жумладан саёҳатларни осонлаштириш, инсон ресурсларини ривожлантириш ва умуман бу соҳада барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган сиёсатни илгари суришмоқда.

Туризм хизматлари соҳаси дунёда юқори суръатлар билан ривожланаётган ва юқори даромадли соҳалардан бири бўлибгина қолмай, давлатлар ўртасида халқаро ижтимоий-

¹ <http://www2.unwto.org/ru>



1-расм. 1995-2018 йилларда дунё бўйича ташриф буюрувчилар динамикаси (млн. киши)¹

иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшади. Дунё ялпи ички маҳсулотининг 11% и туризм хизматларининг экспортига тўғри келиши сўнги йилларда туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг йирик экспорт саноатига айланиб улгурганидан далолат беради. Сўнги 40 йил ичида эса бошқа мамлакатларга саёҳат қилувчилар сони 20 баравар, туризм фаолиятдан олинган тушум 60 баравар, халқаро туризмдан олинган даромад эса 400 миллиард АКШ долларидан ошди. Туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар сони 292 млн. кишини ташкил этади. Умуман, халқаро туризм иқтисодиётни диверсификация қилишга ва туризм соҳасига хизмат қиладиган янги соҳа ва тармоқларни яратилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.²

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасини ривожлантириш борасида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши тўғридан тўғри ўз самарасини бермоқда. Янги қурилатган меҳмонхоналар ва ресторанлар, йўллар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо ушбу дастурларни амалга оширилиши иқтисодиётнинг қурилиш, ишлаб чиқариш каби тармоқларига фаол инвестицияларнинг жалб қилинишини талаб қилади. Бироқ, Ўзбекистонда бир қатор сабабларга кўра кўплаб мамлакатларга нисбатан туризм хизматлари соҳаси етарли даражада ривожланмаган. Жаҳон Туризм Ташкилотининг прогноз кўрсаткичларига кўра, ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон йилига тахминан 10 млн.дан зиёд туристларни сиғдириш потенциалига эга. Бироқ, 2019 йилнинг 9 ой давомида Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар сони 4,9 млн. кишини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26% юқори (2018 йил 9 ой ичида – 3,9 миллион киши).³ Шундай бўлсада бу кўрсаткич унинг туристик салоҳиятига мос эмаслигини кўриш мумкин. Бироқ Ўзбекистонда Ўрта Осиёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда сайёҳлик манбаларининг сони ва хилма-хиллиги бўйича катта имкониятларга эга.

Биринчидан, Ўрта Осиёдаги марказий географик ҳудудда жойлашуви, яъни бунда куруқликдаги, ҳаво ва темир йўл траспорти ривожланган;

Иккинчидан, Республикада кўплаб ноёб, тоза ва баҳаво диққатга сазовор жойларнинг мавжуд. Бундай биоклиматик шароитларнинг мавжудлиги саломатлик ва спорт туризмнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Учинчидан, мамлакатимизда касалликларни даволаш ва олдини олишни ташкил қилиш, шунингдек, аҳолининг қулай дам олиши учун гидроминерал ресурслар мавжуд.

Тўртинчидан, минтақанинг кўп асрлик тарихини акс эттирувчи Ўзбекистоннинг тарихий ва маънавий мероси, биринчи навбатда Буюк Ипак йўли тарихи билан боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар. Бизнинг фикримизча, яқин истикболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш ва бунинг асосида мамлакатда аҳоли бандлигини ошириш учун энг аввало туризм хизматлари соҳасини диверсификация қилиш лозим. Бунда

¹ <http://www2.unwto.org/ru>

² «Развитие туризма в Узбекистане: проблемы, международное сотрудничество, перспективы». Научный проект «Эволюция национальной государственности Узбекистана». www.uzstathood.uz

³ <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=813>

янги туристик маҳсулотларни яратиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, туризм соҳасида кадрлар тизими такомиллаштириш каби масалалар муҳим рол ўйнайди. Бироқ ўтказилган тадқиқотлар туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ва ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Бизнингча, туризм хизматлари соҳасининг ривожланишига салбий таъсир қиладиган муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Туризм хизматлари соҳасида инвестициялар улушининг камлиги;
- Глобаллашув жараёнларининг туризм хизматлари соҳасига таъсири;
- Туризм хизматлари соҳасини давлат томонидан қўллаб қувватлаш сиёсатини амалга тадбиқ этишда камиликларнинг мавжудлиги;
- Соҳада юқори малакали ишчи ходимларнинг етишмаслиги;
- Мамлакатда мавжуд туристик потенциалдан максимал фойдаланиш механизмларининг кучсизлиги;

Соҳа мутахассислари томонидан таклиф қилинаётган инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб қувватланиши ва уларнинг молиялаштирилиши масалаларининг жиддий эътиборга олинмаганлиги.

Юқорида келтирилган муаммоларнинг таҳлили ўлароқ туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш юзасидан қуйидагиларни устувор йўналишлар сифатида белгилашни тавсия этамиз:

1. Туризм хизматлари соҳасини диверсификациялаш, таркибий жиҳатда чуқур ўзгартиришлар киритиш ва модернизациялаш асосида соҳада кучли рақобат муҳитини шакллантириш;
2. Туризм хизматлари соҳасининг фан ва таълим, маъданият, соғлиқни сақлаш, банк-молия ва кредит тармоқларида давлат эътиборини кучайтириш. Соҳанинг ушбу тармоқлар билан узвий алоқаларини таъминлаш;
3. Мамлакатимизда мавжуд тарихий мерос объектларининг тўлиқ рўйхатини шакллантириш. Улардан туристик объект сифатида шаклланмаган объектлардан туристик мақсадларда фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;
4. Мамлакатда миллий урф-одатларимиз, кадрлар ва анъаналаримизни акс эттирадиган янги туристик хизмат турларини ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилиш(Гострономик, эко-туризм);
5. Туризм соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида имтиёзли солиқ сиёсатини юритишни давом эттириш. Яъни меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ёки туристик фирмаларнинг айланма маблағларини шакллантириш учун ажратиладиган кредитларни мисол тариқасида келтириш мумкин.
6. Туризм хизматлари соҳасини малакали ва ёш кадрлар билан таъминлаш;
7. Мамлакатнинг қишлоқ жойларида туристик мақсадларда фойдаланиш учун янги жойларни кашф қилиш. Бунда олий таълим муассасаларидаги малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.
8. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш.

Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш ва унинг самдорлигини ошириш, унда аҳоли бандлигини таъминлашда соҳа тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун туризм хизматлари соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. // “Сервис”- Самарканд: 2009.№1.Б 47-52
2. Мардонов Б.Б. Some theoretical problems of service sector//Theoretical and Applied Science. – Philadelphia, USA 2018. Pp 13-15
3. Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари//Бизнес-эксперт, - Тошкент, 2017.-№4.-Б. 29-35
4. www.my.gov.uz
5. www.edu.uz
6. www.stat.uz
7. www.minfin.uz
8. www.worldbank.com

9. www.knoema.com
10. www.lex.uz
11. www.mineconomy.com

С.Турабеков	S.Turabekov
Научно-теоретическая основа повышения занятости на основе развития туристических услуг	Scientific and theoretical basis for increasing employment based on the development of tourism services
Аннотация: в данной статье подробно рассматривается роль туристических услуг в социально-экономическом развитии страны и их роль в обеспечении занятости. Возможности трудоустройства за счет развития туристических услуг также раскрываются на основе статистики и фактов. Проанализированы существующие проблемы и недостатки в сфере трудоустройства на основе развития туристических услуг и даны научные рекомендации. Ключевые слова. туристические услуги, трудоустройство, социальное обеспечение, услуги	Abstract: this article examines in detail the role of tourism services in the socio-economic development of the country and its role in providing employment. Employment opportunities through the development of tourism services are also revealed based on statistics and facts. The existing problems and shortcomings in the field of employment based on the development of tourist services are analyzed and scientific recommendations are given. Keywords. travel services, employment, social security

Н.Б.Тагирова – СамИСИ таянч докторанти

МЕҲМОНХОНАЛАР ЎРТАСИДА РАҚОБАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада меҳмонхоналар ўртасида рақобатларнинг шаклланиши, келиб чиқишидаги асосий кўрсаткичлар, рақобатларнинг турлари, усуллари, фаолияти тавсифлари келтирилган. Шунингдек, меҳмонхоналарнинг рақобатбардошлигини ташкил қилиш бўйича тавсиялар берилган. Калит сўзлар: рақобат, рақобатчилар, бозор баҳоси, барқарорлик, дифференциация, баҳоли рақобат, баҳосиз рақобат, функционал рақобат, очик рақобат, ёпик рақобат.
--

Кириш. Жойлаштириш – туризм индустриясининг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Меҳмонхона хўжалиги меҳмондўстлик тизимининг моҳиятидир. У инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий формацияга хос бўлган, меҳмонни ҳурмат қилиш, уни қабул қилиб олиш ва хизмат кўрсатиш тантаналари каби энг қадимги анъаналаридан келиб чиққан.

Меҳмондўстлик индустрияси-бу минтақа ёки туристик марказ хўжалигининг энг кучли тизимидир ва туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Меҳмон қабул қилиш индустриясини жамоавий ва яқка жойлаштиришнинг турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апартаментлар, туризм қишлоқлари, туризм уйлари шунингдек, туристларни жойлаштиришда иштирок этувчи хусусий сектор воситаларини ташкил этади.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитларида маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи барча ташкилотлар, корхоналар, заводлар ва фабрикалар албатда эркин бозордаги рақобатларга дуч келади. Ҳаётда "тараккиёт- қарама-қаршиликлардан иборат" деган тушунча бор. Инсониятнинг бозорни ихтиро қилгани ва ташкил қилганидан бошлаб ҳар қандай бозор рақобат маркази, ҳисобланади. Лекин рақобат қандайдир салбий жараён деган тушунчадан чиқиш айнан туризм соҳасида устиворликни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ва молиявий жихатдан барқарорликни сақлаб туриш ва самарали ривожланишга эришиш-бозорнинг асосий қонуни ҳисобланади. Бу қонун бозордаги рақобат натижасида юзага келиб чиқади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Рақобат” атамаси латин тилидаги «concurrentia» сўзининг таржимаси бўлиб, бизнинг тилимизда «тўқнашув», «беллашув» маъноларини

англатади. Рақобатни-бозор хўжалигининг аъзолари ўртасида энг яхши ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва сотиб олиш шароитларини яратиш бўйича рақобатлашиш-беллашиш деб тушунсак бўлади¹.

Рақобатдаги тўқнашиш бозордаги ҳар бир субъектлар ўртасида келиб чиқиши албатда тайин бўлган очик жараён бўлиб, субъектлар бу жараёндан ўзларини четга олаолмайдилар. Чунки, бозордагиларнинг ҳаммаси фақат имконият даражаларда фойда олишни режалаштиради.

Адабиётларнинг маълумотларидан маълумки, меҳмонхона хўжаликларидаги рақобатнинг келиб чиқишидаги асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади^{2,3}:

- Бозорга товарлар ва хизматларни қўювчи меҳмонхоналарнинг сони;
- Меҳмонхона хўжаликларининг бозорга эркин шароитларда кириши ва чиқиб кетиши;
- Меҳмонхона хўжаликларининг товарлар ва хизматларини табақалаштириш-дифференциациялаш (товар ва хизматнинг аниқ турига турли яқкалик хусусиятларини-бренд, сифат ва бошқа кўрсаткичларини бериш ва ҳ..).
- Меҳмонхоналарнинг бозор баҳоси назоратига қатнашиши.

Таҳлил ва натижалар. Рақобатнинг яна бир қонуни шундан иборатки, рақобат инновацион жараёнларни (янги ғоялар, янги технологияларни жорий қилиш, янги хизматларни таклиф қилиш ва бошқ..) рағбатлантиришни, баҳоларни тартиблантириш омилларини аниқлаштирини ҳам ўзининг таркибига олади.

Иқтисодиётда рақобатни шартли равишда қуйидаги турларига бўлишади:

- ҳалол (инсофли, виждонли) рақобат;
- инсофсиз (виждонсиз) рақобат;
- баҳоли рақобат;
- баҳосиз рақобат;
- тармоқлар ўртасидаги рақобат;
- тармоқлар ичидаги рақобат;
- функционал рақобат.

Ҳалол, инсофли рақобатнинг асосий усуллари қуйидагилар:

- товарлар ва маҳсулотларнинг сифатларини ошириш;
- «баҳолар уруши»да баҳоларни пасайтириш;
- маълумотларга асосланган очик реклама тизимини йўлга қўйиш;
- сотиш ва сотишдан кейинги хизматларни ривожлантириш;
- илмий-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиб янги товарлар ва хизматларни яратиш ва бошқ..

Баҳоли рақобатда товарларни сотиш ва хизматларни таклиф қилиш баҳолари рақобатчининг баҳоларига нисбатан пасайтирилади. Рақобатчилар ўртасидаги бу рақобат анча жиддий рақобатлардан ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг стратегик режаси фақат кўпроқ фойда олишни мақсад қилиб олган.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида маҳсулотлар ва хизматларнинг баҳоларини пасайтириш ишлаб чиқаришда чиқим, сарфнинг пасайишида ёки фойданинг камайишида кўпроқ қўлланилади. Унча катта бўлмаган меҳмонхоналар ўзларининг товарлари ва хизматларининг баҳоларини рақобат стратегияси учун қисқа вақтларда пасайтириши мумкин.

¹ Майкл Портер. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 456 с.; Косвинцева Е.Н. Обеспечение конкурентоспособности гостиничного предприятия промышленного центра. – Пермь: Перм. гос. ин-т искусства и культуры, 2008. – 217 с.

² Шемякина Ю.А. Управление конкурентоспособностью предприятий гостиничного бизнеса // Экономика и бизнес: теория и практика – 2017. – №6. – С. 125-127; Бабанчикова О. А. Управление конкурентоспособностью гостиничного предприятия: теория и практика // Сервис в России и за рубежом. 2010. – №3. – С. 5-10.

³ Косвинцева Е.Н. Обеспечение конкурентоспособности гостиничного предприятия промышленного центра. – Пермь: Перм. гос. ин-т искусства и культуры, 2008. – 217 с.; Кошелева Л.А., Кошелева Е.А. Факторы, влияющие на конкурентоспособность предприятия гостиничного хозяйства // ИНТЕЛЛЕКТ. ИННОВАЦИИ. ИНВЕСТИЦИИ. – 2014. – № 1. – С. 71 – 74.

Катта меҳмонхоналар занжири эса рақобатчиларни меҳмонхона бозоридан сиқиб чиқариш учун узоқ муддатларда фойдадан воз кечиши ҳам мумкин. Кейинчалик бу меҳмонхоналар албатда йўқотилган фойдани тиклаш учун баҳоларни сезиларли даража-ларда кўтаришади. Баҳоли рақобат шароитида баҳоларни пасайтириш одатда маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати, хизматлар ассортиментининг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

Баҳоли рақобатда тўғри (очиқ) ва ёпиқ рақобат ҳам кузатилади. Тўғри баҳоли рақобатда меҳмонхона товарлар ва хизматларнинг баҳолари пасайтирилганлигини очиқ эълон қилади. Ёпиқ баҳоли рақобатда меҳмонхона товар ва хизматларнинг хусусиятлари ва сифатини яхшилади ва шу яхшилашга кетган харажатлар товарлар ва хизматларнинг турларига майдаланган усулда унчалик сезилмаган равишда қўшишади.

Баҳосиз рақобат технологик имкониятлардан фойдаланишни мақсад қилиб олади (товарлар сотилгандан кейинги кафолат ва хизматлар, маҳсулотларнинг рекламаси бозорга юқори сифатли маҳсулотларни таклиф қилишни келтириб чиқаради). Баҳосиз рақобат шароитида ишлаб чиқарувчи замонавий омилларни-меҳмонхона хизматларининг экологиялашганлиги, меҳмонхонада яшашнинг, хизматларни истеъмол қилишнинг хавфсизлиги, соғлиқга зарарсизлиги кафолатлари, меҳмонхона интерьер и экстерьерларининг юқори дизайнда эканлигини ҳисобга олади.

Баҳосиз рақобатнинг инструментлари сифатида савдо брендлари ва белгиларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирда баҳосиз рақобат баҳоли рақобатга нисбатан анча фарқларда аҳамиятли ҳисобланмоқда.

Меҳмонхона бизнесида рақобат курашининг анъанавий шаклларида бири- товарлар ва хизматларнинг баҳосини «ўйинга тортиш» (юзаки ўзгартириш ва бошқ.) яъни «баҳолар уруши» ҳисобланади. Бу–баҳо урушида баҳони пасайтириш, баҳони ҳудудий ўзгартириш, баҳони мавсумларда ўзгартиш, ҳаракатдаги баҳо билан катта ҳажмларда хизматларни таклиф қилиш каби кўплаб усуллар қўлланилади. Баҳоли рақобатдан фойдаланишнинг асосий мақсади-бозордан кучсиз рақибларни сиқиб чиқариш ва ўзлаштирилган бозорнинг бошқа сегментларига кириб боришдан иборат.

Рақобат курашидаги *инсофсиз рақобатнинг* ҳам мавжуд қонун ва қоидаларни эътиборга олмайдиган, бўйсинмайдиган, оммавийлашган усуллари ҳам мавжуд бўлиб улар қуйидагича изоҳланади:

- иқтисодий жосуслик, айғоқчилик;
- рақобатчининг маҳсулотларини сифатларини бузган ҳолатларда сохталаштириш;
- пора орқали ўз томонига ўтказиб олиш, қўрқитиш;
- истеъмолчини алдаш;
- ишчанлик ҳисоботларида хийла-найрангларни амалга ошириш;
- валюта найрангларини қўллаш;
- камчиликларни, нуқсонларни яшириш, ошкор қилмаслик ва бошқ;
- шартномаларга амал қилмаслик ёки кечиктириш;
- ёлғон рекламлар тарқатиш ва бошқ... .

Инсофсиз рақобатнинг юқорида келтирилганларига ҳозирги вақтда илмий-техника тараққиётидаги натижаларни ўғрилашни ҳам киритиш мумкин. Кўп ҳолатларда маълум бир корхонанинг товар ва хизматлар сифат кўрсаткичларини юқори даражаларга етказишдаги ва янги маҳсулотлар чиқаришдаги тугалланмаган ва амалиётга жорий қилинмаган натижалари бу ишлар билан умуман шуғулланмаган бошқа бир корхона томонидан қисқа муддатларда ишлаб чиқарилиши тобора кучайиб бораётганлиги ҳам маълум бўлмоқда.

Тармоқлар ўртасидаги рақобат турли хил талабларни қондирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида келиб чиқади. Бу рақобатда рақобатчилар катта фойда оладилар. Чунки истеъмолчилари кўп бўлган маҳсулотлар сифатини ва ҳажмини пасайтириш рақобатчига бозордаги ўрнини бериш билан тенглигини рақобатчилар яхши билишади.

Тармоқлар ичидаги рақобат бу-ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида юз беради. Бу товар бир хил талабни қабул қилади ва бир хил истеъмолчига эга.

Функционал рақобат-аниқ товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида келиб чиқади.

Меҳмонхоналар бозоридаги рақобат курашининг энг самарали ва замонавий шакли меҳмонхонанинг бозорга таклиф қилган товар ва хизматларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Бозорга юқори сифатли маҳсулотнинг ёки янги истеъмол баҳосининг кириб келиши рақобатчининг қисқа вақт ичида қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишига имконият яратишдан маҳрум қилади. Чунки, сифатли товар ва хизматларнинг шаклланишига ҳам, анча вақт кетганлиги ҳам рақобатчига маълум бўлади.

Ҳозирда меҳмонхоналар бозорида очик, ҳалол, виждонли рақобатнинг икки йўналишини эътиборга олишимиз мумкин. Биринчиси, меҳмонхоналарга мижозларни жалб қилишда турли мақсадли маркетинг тақдиротларини ўтказиш ҳисобланади. Бунда асосий эътибор истеъмолчиларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари ва талабларини ўрганишдир. Бу йўналишда бўлғуси истеъмолчиларга мўлжалланган товар ва хизматлар яратишнинг аниқ башоратлари ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш анча осон кечади, таваккалчилик хавфларини анча пасайтиради.

Очик рақобатнинг иккинчи йўналиши товарлар ва хизматлар ҳақидаги рекламаларни оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликнинг диққатини жалб қилиш ҳисобланади. Албатда, рекламада меҳмонхонадаги товарлар ва хизматларнинг юқори даражалардаги сифатлари берилиши мижозлар ва меҳмонларнинг эътиборини тортади. Бу ҳолатда мижоз ёки меҳмон рекламалардаги товарлар ва хизматларнинг ўзига макул бўлишини ҳам маркетинг тақдиротлари натижаларидан аниқлаш мумкин бўлади.

Аслида меҳмонхоналар хўжаликларининг таркиб топиши, шаклланиши тарихида очик рақобатлар бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки, меҳмонхоналарнинг ривожланишидаги дастлабки рақобатлар очикчасига ва ўзаро ҳамкорлик беллашувида бўлганлиги дастлабки меҳмонхоналарнинг тарихидан маълум.

Келтирилган таҳлил ва фикрлардан маълум бўладики, меҳмонхона хўжалигининг рақобатбардошлиги биринчи навбатда меҳмонхонанинг янги қўшимча хизматларни доимо таклиф қилиши ва такомиллаштириб бориши, сервис хизматларида доимо янги, замонавий технологияларни қўллаши, хизматларни табақалаштириб бориши, шунингдек, меҳмонхонани доимо қайта жиҳозлаб бориши билан боғлиқ ҳисобланади.

Фикримизча, меҳмонхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолашда Е.Н. Косвинцеванинг қуйидаги илмий тавсияларидан (формула) ҳам фойдаланиш мумкин: Меҳмонхоналарнинг рақобатбардошлиги = меҳмонхоналардаги хизматларнинг рақобатбардошлиги + меҳмонхоналарнинг имиджи (бренди) + сегментлаштириш. Бу ерда меҳмонхоналардаги хизматларнинг рақобатбардошлиги = Сифат + Баҳо + Хизмат кўрсатиш.

Хулоса ва таклифлар.

1. Ҳозирда меҳмонхоналар бозорида очик, ҳалол, виждонли рақобатнинг икки йўналишини эътиборга олишимиз мумкин. Биринчиси, меҳмонхоналарга мижозларни жалб қилишда турли мақсадли маркетинг тақдиротларини ўтказиш ҳисобланади. Бунда асосий эътибор истеъмолчиларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари ва талабларини ўрганишдир. Бу йўналишда бўлғуси истеъмолчиларга мўлжалланган товар ва хизматлар яратишнинг аниқ башоратлари ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш анча осон кечади, таваккалчилик хавфларини анча пасайтиради.

2. Меҳмонхоналарнинг рақобатбардошлиги = меҳмонхоналардаги хизматларнинг рақобатбардошлиги + меҳмонхоналарнинг имиджи (бренди) + сегментлаштириш. Бунда меҳмонхоналардаги хизматларнинг рақобатбардошлиги = Сифат + Баҳо + Хизмат кўрсатиш.

1. Самарқанд шаҳаридаги меҳмонхоналар ўртасида очик рақобатни ташкил қилиш меҳмонхоналар фаолиятини самарали ва даромадли бўлишига ҳақида, меҳмонхона менежерлари, туризм тадбиркорлари, туризм мутахассислари ва назарийчилари билан мақсадли семинарлар ўтказиш лозим.

2. Самарқанд шаҳаридаги меҳмонхоналар халқаро туризмдаги энг машҳур меҳмонхоналар ҳам рақобатбардошликда дастлаб ўзаро бирлашганлиги ва меҳмонхоналар занжирини тизимида фаолият олиб бораётганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабанчикова О. А. Управление конкурентоспособностью гостиничного предприятия: теория и практика // Сервис в России и за рубежом. 2010. – №3. – С. 5-10.

2. Бекетов Н.В. Понятие конкурентоспособности и его эволюция//Маркетинг в России и зарубежом.– 2007. № 6. – с. 83–86.
3. Майкл Портер. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 456 с.
4. Мокроносов, А.Г. Конкуренция и конкурентоспособность: учебное пособие / Екатеринбург : Изд-во Урал ун-та, 2014. – 194 с.
5. Косвинцева Е.Н. Обеспечение конкурентоспособности гостиничного предприятия промышленного центра. Пермь: Перм. гос. ин-т искусства и культуры, 2008.-217 с.
6. Кошелева Л.А., Кошелева Е.А. Факторы, влияющие на конкурентоспособность предприятия гостиничного хозяйства //Интеллект.Инновации.Инвестиции. 2014. № 1. С. 71 – 74.
7. Шемякина Ю.А. Управление конкурентоспособностью предприятий гостиничного бизнеса // Экономика и бизнес: теория и практика. 2017. №6. – С. 125-127

Н.Тагирова Теоретические основы формирования конкуренции среди гостиниц	N.Tagirova Theoretical basis for the formation of competition between hotels
Аннотация: в статье раскрываются вопросы формирования конкуренции среди предприятий гостиничного бизнеса. Приводятся основные показатели происхождения конкуренции между гостиницами, виды, методы конкуренции и их характеристики. А также, даны рекомендации по организации конкурентоспособности гостиниц. Ключевые слова: конкуренция, конкуренты, рыночная цена, устойчивость, дифференциация, ценовая конкуренция, неценовая конкуренция, функциональная конкуренция, прямая конкуренция, скрытая конкуренция.	Abstract: the article deals with the issues of competition formation in the hotel business. The main indicators of the origin of competition between hotels, types, methods of competition and their characteristics are given. Recommendations are also given on how to organize the competitiveness of hotels Keywords: competition, competitors, market price, stability, differentiation, price competition, non-price competition, functional competition, direct competition, hidden competition

Н.Х. Рузубаева – СамИСИ, катта ўқитувчи

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ХАҚИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Аннотация: мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилаётган чора-тадбирлар ҳамда молиявий барқарорлик тушунчасининг моҳияти тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, молиявий барқарорлик, туристик корхона, молиявий ресурслар, турмахсулот.

Кириш. Сўнгги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Иқтисодиётни аралашуви бир қанча давлатлар иқтисодий барқарорлигига, айниқса туристик корхоналар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Туристик корхоналарни норақобатбардош бўлиши ёки банкротликка юз тутиши бир қанча давлатларда тез-тез учрамоқда.

Ҳозирги пайтда асосан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида туристик корхоналарнинг нобарқарорлик ҳолати кўп учрамоқда. Халқаро туризмни интеграллашиб бориши ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиб, иқтисодий нобарқарорлик туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Глобаллашув жараёни ва коронавирус пандемияси шароитида юз бераётган ҳолатлар айнан туризм инфратузилмаси мамлакатларнинг тажрибалари етишмаслиги, номутаносиб интеграция билан бирга молиявий-иқтисодий инқироз хавфини ҳам солмоқда. Шу муносабат билан туристик корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш мамлакат

рақобатбардошлигини муҳим омилларидан бири сифатида кўриб чиқилиши лозим. Шунинг билан керакки, молиявий барқарорлик муаммоси сингари микро даражада бирламчи иқтисодий субъектлар даражасида кўпроқ ўрганилган. Сўнгги йилларда макро даражада молиявий барқарорлик ва рақобатбардошликка бағишланган илмий ишларнинг сезиларли сони пайдо бўлди. Бироқ, туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлиги муаммоси маҳаллий адабиётларда энг кам ўрганилган бўлиб қолмоқда ва қўшимча ўрганиш талаб қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Молиявий рақобатбардошлик” тушунчаси илмий адабиётларда уни фақатгина баҳолаш нуқтаи назаридан келтириб ўтилмоқда ва уни икки хил ҳолатда талқин қилишга эътибор қаратиш лозим¹:

1) молиявий рақобатбардошлик – корхонанинг молиявий ресурслари сифатини рақобатчи корхоналар билан таққослаш натижасида;

2) молиявий рақобатбардошлик – корхонанинг молиявий салоҳиятини шакллантириш, ривожлантириш, кўпайтириш ва такрор ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Молиявий рақобатбардошлик кенг маънода корхонанинг молиявий барқарорлигини, тўловга қобилиятлигини, ишбилармонлик фаоллигини ва рентабеллигини қисқа ва узок муддатли даврда таъминлаш қобилияти. У рақобатбардош салоҳият, молиявий стратегия ва молиявий бошқарув сифати билан белгиланади². Молиявий рақобатбардошликнинг моҳиятини тушуниш учун “молиявий салоҳият” тушунчасини англаб олишимиз керак. Молиявий салоҳият – бу корхонанинг мавжуд молиявий ресурслари йиғиндиси, қўшимча ресурсларни жалб қилиш имконияти ва улардан фойдаланиш корхонанинг молиявий натижаларини максимал даражага оширадиган самарали бошқарув тизимидир³. Олимлар И.Н Кивелиус, Л.С Сосненко, Е.Н Свиридоваларнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик – бу омон қолиш кафолати ва корхонанинг барқарорлиги учун асос бўлиб хизмат қилади⁴. М.Гельвановский, И.Трофимова ва В.Жуковскаялар рақобатбардошликни иқтисодий субъект учун иқтисодий рақобатда ғалаба қозониш учун афзалликларни яратадиган хусусиятга эга бўлиш сифатида тавсифлайди⁵.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, истикболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига таянилган ҳолда айтиш мумкинки, “барқарорлик” категорияси кўп сонли тасодифий омилларнинг таъсирига дучор бўлган мураккаб динамик тизимларнинг тавсифи сифатида қўлланади. Туристтик корхона ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи мураккаб динамик тизим бўлгани учун ҳам уни тизимли ёндашув нуқтаи – назаридан кўриб чиқиш лозим. Г.Г. Фетисов “... барқарорлик бу – фаолиятда турли жараёнларни қабул қилиш, прогрессга қараб ўзгариш” деган фикрни олға суради⁶. Молиявий барқарорлик ва рақобатбардошлик – бу иқтисодий субъектнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир қилувчи хусусиятларидир. Бу бир томондан, молиявий барқарорлик корхонанинг рақобатбардошлигини, фаолият хажмини сақлаб қолиш ва ошириш қобилияти белгилайди, шунингдек, корхона ва унинг шерикларининг иқтисодий манфаатларига риоя этишининг кафолатлигини англатса, иккинчи томондан у юқори рақобатбардошлик тижорат корхонасининг молиявий барқарорлигининг энг муҳим омили эканлигини англатади,

¹ Мансурова Н.А. Алгоритм оценки конкурентоспособности // Экономические исследования, 2015. № 1. – С. 47-59.

² Катков В.В. Управление конкурентоспособностью предприятия промышленности: теоретические аспекты и практические методы. СПб.: СПбГИЭУ, 2013. 198 с.

³ Еремин И. Финансовая устойчивость и конкурентоспособность: точки соприкосновения // Финансовая жизнь, 2011. № 4. – С. 41-42.

⁴ Гельвановский М. Конкурентоспособность в микро-, мезо- и макроуровневом измерениях / М. Гельвановский, В. Жуковская, И. Трофимова // Рос. экон. журн. – 1998. – № 3. – С. 18–68.

⁵ <https://euroasia-science.ru/ekonomicheskie-nauki/>

⁶ Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы и методология ее оценки. М.: Экономика, 2003.

чунки у уни нафақат пул оқими, балки инвестицион жозибадорлиги билан ҳам таъминлайди. Шу муносабат билан иқтисодчи олим М.М. Доброва молиявий барқарорликни бошқариш усуллари ўрганиш нафақат молиявий, балки молиявий бўлмаган кўрсаткичларни, шу жумладан рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаш асосида кўп омилли асосда амалга оширилиши керак деб таъкидлаб ўтган¹.

О.И. Лаврушин² эса барқарорликни динамик ҳолат деб, мустаҳкамликка қараганда кенг тушунча, барқарорликка мустаҳкамлик асосида эришиш мумкин деб таъкидлайди. Бироқ, барқарорлик ва мустаҳкамлик ўзаро бир-бири билан рақобатлашадиган тушунчалар ҳисобланмайди, балки улар бир кўринишнинг тавсифлари сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, ушбу жараёнда туристик корхона молиявий барқарорлигининг асосий тамойилларига эътибор қаратишимиз ҳам жуда муҳим ҳисобланади, яъни:

- тизимлилик тамойили. Бунда туристик соҳа корхоналарининг барча қўйилган талабларга мувофиқлиги, улар моҳиятининг мослиги ўрганилаи;

- ҳукукийлик тамойили. Ушбу тамойилда туристик соҳа корхоналарига оид қонунчилик меъёрий ҳужжатларнинг муқобил ҳукукий таъминоти мавжудлиги орқали белгилаб олинади;

- баланслилик тамойили. Бу тамойил туристик корхона фаолиятнинг баланслашганлиги ва унинг иқтисодий – ижтимоий ўзгаришларга мослашувчанлиги, молиявий ресурсларнинг тақсимооти яхши йўлга қўйилганлигини ифодалайди;

- ахборотлашганлик тамойили. Бунда туристик соҳа корхоналарида ахборотлар очиклиги ҳамда фойдаланиш мумкинлиги, маълумотларнинг шаффофлик даражаси ва б.

Маълумки, туристик корхоналарни самарали ривожланиши инвестицион фаолликка ва яхлит ҳолда иқтисодий ўсишга ҳам таъсир қилади. Бошқа томондан, туристик корхоналар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг ҳолатига ва айниқса хизмат соҳа корхоналарини ривожланишига боғлиқ, чунки инвестицион фаолликнинг нобарқарорлиги шароитида туристик корхона фаолиятининг асосий “оғирлик маркази” юқори рискли туристик хизматлар кўрсатиш томонига оғиб кетади.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ресурслар ва харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Шунининбатта олиш керакки, барқарорликни таъминлаш керагидан ортиқ ресурслар сарфлашни талаб этади³. Бирор бир йирик туристик корхонанинг банкротликка учраши барча туристик корхоналарнинг молиявий муносабатларига таъсир этади ёки мамлакат иқтисодиётида чуқур асорат қолдиради. Туристик корхоналарнинг молиявий ҳолати барча хўжалик молиявий ҳолати иқтисодий муносабатларни бевосита ифодалайди, чунки унда ижтимоий-иқтисодий вазиятни белгилаш хусусиятига эга потенциал мавжуд. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “туристик корхона молиявий барқарорлиги” ибораси янги пайдо бўлган дефиниция эмас. Туристик корхона барқарорлигини белгиловчи турли хил индикатор ва омиллар жуда кўпдир. Унинг моҳиятини очишда икки предметни таҳлил қилишга эҳтиёж сезилади. Энг аввало, бирламчи сифатида “молиявий барқарорлик” тушунчаси бўлса, ундан кейин “туризм” тушунчаси майдонга чиқади. Акс ҳолда, таҳлил мавҳум бўлиб, аниқликни йўқотади. Бизнинг фикримизча, туристик корхоналар молиявий барқарорлигини методологик жиҳатдан қуйидаги йўналишлар билан биргаликда қараш муҳимдир:

- мамлакат иқтисодий барқарорлиги билан яхлитликда. Бунда кўпгина ривожланган давлатларда туристик соҳа корхоналарини барқарорлигини таъминлаш методологияси шуни кўрсатадики, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги таъминланган давлатлардагина туристик соҳа корхоналари молиявий барқарорлиги тўғрисида гапириш

¹ Доброва М.М. Финансовая устойчивость и конкурентоспособность российских авиакомпаний в условиях структурных преобразований экономики России // Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 4-4.

² Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. – М.: КНОРУС, 2011. – С. 14.

³ Зайналов Ж.Р., Саттаров Т. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари // Молия ва бюджет, 2010. № 2. С. 12-17.

мумкин. Бу эса мамлакат ЯИМ ўзгариш динамикаси, давлат бюджети, тўлов баланси, инфляция даражаси, валюта курси билан боғлиқлигини кўрсатади;

- алоҳида олинган туристик корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш туристик корхоналар ўртасидаги ва улар билан туристларга хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларга боғлиқлиги тизимдаги мавжуд алоҳида олинган туристик корхоналар молиявий барқарор бўлса, унда туристик хизмат соҳаларини барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Туристтик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги – бу хизматлар бозорида, рақобат шароитида уларни яшовчанлиги ўзига хос белги бўлиб қолмай уларнинг ривожланиш стратегияси ҳам бўлиб ҳисобланади. Албатта ҳозирги шароитда туристик корхоналарга узоқни кўра билган ҳолда ўз фаолиятининг ўрта муддатларга мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Макроиқтисодий ҳолатга кўра туристик соҳа ривожланиб бораверади. Кўпчилик туристик соҳа ривожланиш ҳолатидан банкротлик ҳолатига келиши мумкин, лекин бу билан иқтисодиётнинг барқарорлиги ёмонлашмайди, ўсиш тенденцияси сақланиб қолаверади.

Туристтик корхоналар молиявий барқарорлигининг назарий асослари бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар берилди:

- туристик корхоналарда молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик хусусан уларда харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантиришда қўлланиладиган тамойиллар ҳамда уларни иқтисодий таҳлил қилиш зарурати илмий – назарий жиҳатдан асослаб берилди.

- айтиш мумкинки, туристик соҳа корхоналарини молиявий барқарорлиги масаласи бугунги кунда инқирозий омиллар туфайли вужудга келган тушунча эмас. Балки асрлар оша баҳолаш мезони ўзгариб, такомиллашиб келаётган тушунчадир. Шунингдек, туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг ягона кўрсаткичлари ҳанузгача ишлаб чиқилмагани ушбу масалада бир талай долзарб ишлар қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

- туристик корхоналар учун қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб қилиш, шунингдек, тегишли молиявий инвестицияларни жалб қиладиган манбаларни тегишли соҳаларга тақсимлашда катта мустақилликни таъминлайдиган иқтисодий жиҳатдан фойдали ва бутун туризм соҳаси учун самарали молиявий ривожланишини таъминлаш ва ташкил этиш хусусиятларини таъкидлашга имкон беради.

Н.Рузибаева	N.Ruzibaeva
Теоретические взгляды на финансовую стабильность туристических предприятий Аннотация: в статье описывается финансовая стабильность туристических предприятий в контексте модернизации экономики, меры по обеспечению финансовой стабильности туристических предприятий при модернизации экономики, а также основные принципы финансовой стабильности туристических предприятий. Ключевые слова: стабильность, финансовая стабильность, туристическое предприятие, финансовые ресурсы, турпродукт.	Theoretical views on the financial stability of tourism companies Abstract: the article describes the financial stability of tourism enterprises in the context of modernization of the economy, measures to ensure the financial stability of tourism enterprises during the modernization of the economy, as well as the basic principles of financial stability of tourism enterprises. Keywords: sustainability, financial sustainability, tourism company, financial resources, tourism product.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Ш.С.Олтаев – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг асосий муаммолари: Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари учун қурилишга рухсат олиш даврининг узоклиги; банк кредитларини олиш жараёнининг узок давом этиши; электр тармоқларига уланишнинг жаҳондаги бошқа мамлакатларга нисбатан кўп вақтни талаб этиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, “Doing business”, банк кредити, халқаро савдо, экспорт ҳажми, импорт ҳажми, солиққа тортиш, электр тармоқларига уланиш.

Кириш. Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этишда тобора муҳим ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо ҳозирги даврда тадбиркорлик ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

- биринчидан, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун қурилишга рухсат олиш даврининг узоклиги;
- иккинчидан, банк кредитларини олиш жараёнининг узок давом этиши; учинчидан, ташқи савдони амалга оширишдаги харажат ва ҳужжатларнинг кўплиги;
- тўртинчидан, электр тармоқларига уланишнинг жаҳондаги бошқа мамлакатларга нисбатан кўп вақтни талаб этиши асосий муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқот олиб боришдан мақсад мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва глобаллашувига тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни аниқлаш.

Ушбу тадқиқот доирасида юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечимини топиши, мамлакатда тадбиркорлик субъектларининг сон жиҳатдан кенгайиши билан бирга, сифат жиҳатдан такомиллашиб, инновацион рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Тадбиркорлик, унинг ривожи ва йўналишларини ўрганган олимлар. Ж.Б.Сей, А.Маршалл [1], В.Ё.Шумпетер[2], Ф.Нойт, В.Валеслар тадбиркорликнинг илмий асосчилари ҳисобланади.

Ё.Шумпетер тадбиркорликка "Тадбиркорлик - иқтисодиётни юритувчи куч. Тадбиркорнинг вазифаси эса кашфиётларни ишлатган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини қайта қуришдан иборат", дея таъриф берган [2].

Мамлакатимизда эса М.Қ.Пардаев [3,4], С.Ғуломов[5], Ё.Абдуллаев, А.Ўлмасов[6], А.Вахабов, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев, Р.Ходжаев, Н.Тухлиев, томонидан тадбиркорлик ва унинг назарий-услубий асослари каби масалалар ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган.

Жумладан, М.Қ.Пардаевнинг илмий ишларида тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ва шакллари чуқур таҳлил қилиниб, ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор берилган.

Тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашга корхонада фаолият юритаётган ходимларнинг билими, уларнинг таълими, иш тажрибасини юқорилиги ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади.


Тадқиқот методологияси - тадқиқот давомида тадбиркорликнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ этишда дедукция усулидан самарали фойдаланилди,

тадбиркорликнинг ривожланиш динамикаси ва ҳолатини ўрганишда таҳлил усулидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар - Ўзбекистон Республикаси аҳолиси бандлигини таъминлашда тадбиркорлик асосий улушга эга бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10128,8 мингги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият олиб боради.

1-диаграмма.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқларидаги асосий курсаткичлари ҳажми



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2017 йилда 3810,8 млн. долларлик экспорт (2019 йил маълумотларига кўра) ҳажми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келса, импортнинг 10916,2 млн. долларлик ҳажми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссасига тўғри келган экспорт ҳажми импорт ҳажмидан деярли 3 баробарга кўп эканини, ушбу статистик кўрсаткичнинг асоси тадбиркорлик субъектларининг ўзига эмас, балки давлат миқёсида ечилиши лозим бўлган муаммоларга бориб тақалади.

Ўзбекистоннинг Жаҳон Бизнесни юритиш "Doing business" 2016-2020 йил кўрсаткичларига мувофиқ, 2016-йилда Ўзбекистон "Корхонани расмийлаштириш" позицияси бўйича 23-ўринни забт этган бўлса, 2020- йилдаги ҳисоботларга мувофиқ 8-ўринни эгаллаган. Бунга асосий сабаб янги корхонани расмийлаштириш вақтининг 3 кунга ва керакли процедураларнинг ҳам 3 тага қисқартирилганлиги бўлди. Аммо қурилишга рухсат бериш кўрсаткичи тўғрисида бундай деб бўлмайди. 2016-йилда ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон 147-ўринни эгаллаган бўлса, 2020-йилга келиб, 132- ўринни кўрсатиб турибди. Мамлакатда қурилишга рухсат бериш 246 кун вақт олиб, қурилишга рухсат олиш давомида 17 та жараёндан ўтилади.

Аммо ушбу рейтингдаги яна бир кўрсаткич борки, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилапти. Ушбу кўрсаткич "Халқаро савдо" кўрсаткичи бўлиб, ушбу бўйича 2016-йилда 166, 2017-йилда 165, 2020-йилда 152-ўринларда Ўзбекистон рейтингини кўришимиз мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда экспортга кетадиган

вақт чегара ва божхона назоратида 112 соат, Европа ва Марказий Осиёда эса 28 соатни ташкил этади. Экспортга кетадиган вақт: ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистонда 174 соат, Европа ва Марказий Осиёда эса 27,9 соатни ташкил этади. Демакки, асосий муаммо вақт сарфининг узоқлигида. Чегара ва божхона назоратида товар ва маҳсулотларнинг узоқ қолиши уларнинг сифатига ҳам таъсир этган ҳоллари кузатилган.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома шартларини 2019-йилдан бошлаб тўлиқ бажариши натижасида ҳамда мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёни қизгин давом этаётган бир даврда 2020-йилда "Халқаро савдо" позицияси бўйича кўтарилиш кузатилди. Жумладан, экспортга кетадиган вақт 32 соатгача қисқарди. Импорт ҳужжатларини расмийлаштириш учун 150 соат вақт талаб этиладиган бўлди. Аммо бу кўрсаткичлар ҳали ҳам қониқарли эмас, импорт баҳосининг 2016-2020-йиллар давомида 278 долларни ташкил этаётгани, экспортнинг ҳам худди шу қийматни кўрсатиши асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ЖСТ 164 та мамлакатни ва жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 98%ини бирлаштириб, давлатлар ўртасидаги глобал савдо қоидаларини тартибга солишчи асосий халқаро орган ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши учун кўп йиллик тайёргарлик талаб этилади. Корхоналаримизнинг рақобатбардошлигини ошириш, товарлар сифатини яхшилашга эришиш, бунинг учун техник базани янгилаб, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш талаб қилинади.

Товар ва хизматлар бозорига киришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида субсидияларни кенгайтириш, давлат қўллаб-қувватлашини амалга ошириш, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясига эътибор бериш керак бўлади.

Барча режалаштирилаётган чора-тадбирлар "Йўл харитаси"га киритилган. Ҳужжат Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлиги иштирокида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҚҚС ставкасининг 20%дан 15%гача пасайтирилиши туфайли октябрь ойининг ўзида корхоналар, ТИФ иштирокчилари импорт қилишда 307,6 млрд. сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур товарларнинг аксарият қисми (2/3) импорт божхона божи ундирилмасдан МДХ мамлакатларидан импорт қилинган.

Божхона – тариф жиҳатдан тартибга солиш давлатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига кўмаклашади, шунингдек миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун шароитлар яратади. Божхона божининг ўртача арифметик ставкаси 2019-йилдаги 5,6%дан 2020-йил 1-январдан бошлаб 8%гача ошди. Халқаро стандартларга кўра Ўзбекистон божхона божлари билан иқтисодиёт тармоқларини ҳимоя қилиш даражаси "паст" ва "мўътадил" сифатида баҳоланади [9].

Шуни таъкидлаш жоизки, илгари ставкаларнинг оширилиши нархларнинг ошишига таъсир кўрсатмасди. Келгусида тариф-божхона чоралари нотариф чоралари билан бирга қўлланилиши лозим. Хусусан, лабораторияларни модернизация қилиш ишлари бошланди, янги ускуналар келтирилмоқда. Белгиланган ставкалар зарурат бўлганда қайта кўриб чиқилади.

Тарифларнинг пасайтирилиши "Халқаро савдо" кўрсаткичининг ҳам юқорилашишида муҳим аҳамият касб этади.

Яна битта муҳим жиҳат – божхона ставкаларининг ўзгартирилиши Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши шартларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши бўйича қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш;
- ҳудудлардаги бўш ётган биноларни тадбиркорлик субъектларига тақдим этиш жараёнларини самарали ташкил этиш;
- жойлардаги тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига тўсқинлик

- киладиган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиш;
- тижорат банклари томонидан тадбиркорларга бериладиган кредит фоизларини камайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилишда вужудга келадиган муаммоларга оид чора-тадбирлар кўриш.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига замин яратиб, ишлаб чиқарилган товарларни жаҳон бозорига сотиш имкониятига эга бўлади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маршалл А. Принципы экономической науки// [Электрон ресурс]: <https://www.library.fa.ru/files/Marshall.pdf>
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры / Пер. сангл. - М.: Прогресс, 1982.;
3. Пардаев М.Қ. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Услубий қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 132 бет.
4. Пардаев М.Қ. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.
5. Ғуломов С. умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Т.: "Fan va texnologiya"-2005;
6. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). -Т.: Иқтисод-молия, 2014, - 460 б.
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/globalashuv-sharoitida-tadbirkorlik-havfsizligini-taminlash-va-tadbirkorlik-faoliyatini-rivozhlantirishning-ustuvor-y-nalishlari> (дата обращения: 12.02.2020).
8. <http://russian.doingbusiness.org/ru/data/exploreconomies/uzbekistan>
9. Л.Абдуазимова. Янги божхона божлари нархларда қандай акс этади? <https://buxgalter.uz/yangiliklar/yangi-bojhona-bojlari-narhlarda-qanday-aks-etadi>

Ш.Олтаев Проблемы развития предпринимательства в нашей стране	Sh.Oltaev Problems of entrepreneurship development in our country
Аннотация: В данной статье изучены основные проблемы субъектов хозяйствования, действующих в нашей стране, такие как: продолжительность периода получения разрешения на строительство для субъектов хозяйствования в Узбекистане; длительность банковского кредитования; подключение к электросети занимает больше времени, чем в других странах мира. Ключевые слова: предпринимательство, «Doing Business», банковский кредит, международная торговля, объем экспорта, объем импорта, налогообложение, подключение к электросети.	Abstract: This article describes the main problems of business entities operating in our country: the length of the period for obtaining a building permit for business entities in Uzbekistan; long duration of the bank loan process; connecting to the electricity takes more time than other countries in the world. Keywords: entrepreneurship, "Doing business", bank credit, international trade, export volume, import volume, taxation, connection to the electricity grid.

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

М.М Мухаммедов – профессор СамИЭС, д.э.н.

НЕОБХОДИМОСТЬ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МАРКЕТИНГА В СФЕРУ МАЛОГО И ЧАСТНОГО БИЗНЕСА (статья-1)

Аннотация: в статье рассматриваются необходимость и перспективы развития маркетинга в сферу малого и частного бизнеса. Обоснована, что развитие малого и частного бизнеса - составная часть государственной экономической политики, дается сравнительный анализ современного и перспективного маркетинга, ориентация на потребителя - ключ к успеху, потенциал маркетинга должен быть востребован. Все эти вопросы обоснованы как в теоретическом, так и методологическом аспекте.

Ключевые слова: маркетинг, малый бизнес, предпринимательство, бизнес, частного бизнеса, государственная политика, потенциал маркетинга.

Исключительно важный и ответственный период переживает ныне наша страна. Проводимые в стране крупномасштабные экономические реформы и преобразования в жизни общества создают необходимые предпосылки для ускоренного развития общественного производства на основе перехода к инновационной и потому высокоэффективной модели рыночной экономики. Во всех сферах её жизни всё большую силу приобретают важные процессы модернизации общества, технического и технологического обновления, развития инновационных процессов, формирования цивилизованных, подлинно рыночных отношений. Конечная цель преобразований в сфере экономики – глубокое обновление всей системы экономических отношений с учётом достижений мирового опыта и создание на этой основе процветающей, инновационной экономики, которая и должна обеспечить достойную жизнь многомиллионному населению Республики Узбекистан. Однако для успешного достижения поставленных целей и задач предстоит ещё немало приложить сил как в плане выработки кардинальных решений относительно выбора путей, так и тактики и стратегии экономического развития, настойчиво добиваясь воплощения принятых решений в нашу действительность. Промежуток времени, который необходим для реконструкции плановой системы и формирования взамен современной модели рыночной экономики, во многом определяется становлением и эффективностью функционирования малого и частного бизнеса, который за все годы самостоятельного развития не случайно стал предметом всеобщей заботы и внимания.

Развитие малого и частного бизнеса - составная часть государственной экономической политики

Из-за чрезвычайной сложности экономической системы варианты возможного развития событий в экономике колеблется в довольно широких пределах, что и обуславливает значительные трудности при принятии ответственных и в то же время верных решений на макроэкономическом уровне.

Современная жизнь ставит на повестку дня ещё много, причём не очень простых вопросов, умелое решение которых способствовало бы созданию желаемой, социально ориентированной рыночной экономики кратчайшим путем, как можно быстрее и с наименьшими затратами. Среди механизмов, создающих предпосылки для реализации намеченных государством программ экономических реформ с целью перехода к цивилизованной рыночной экономике, важное место занимает малый и средний бизнес. Новизна и неординарность решаемых в этой сфере проблем требуют особого, более

тщательного подхода к принятию решений, к совершенствованию правовых основ малого и частного бизнеса, к системе налогообложения её субъектов и т.д.

О необходимости и значении развития малого и частного бизнеса в Узбекистане, о той роли, которое отводится ему в государственной экономической политике, свидетельствует тот факт, что задачи его развития были предметом особого внимания на публичных выступлениях Президента страны, специально обсуждались на сессии Олий Маджлиса и на заседаниях Кабинета Министров Республики Узбекистан. На этих форумах, проводимых на высшем государственном уровне, обсуждаются назревшие проблемы развития малого и частного бизнеса, указываются узкие места и прогнозируются конкретные пути его дальнейшего развития. Много внимания проблемам развития малого и частного бизнеса уделяется учёными республики. Изучение опубликованных работ, число которых растёт с каждым днём, показывает, что ученые в своих исследованиях стремятся выявить характер и причины негативных явлений и турбулентного состояния малого и частного бизнеса, дают глубокий критический самоанализ, выдвигают обоснованные предложения и научные рекомендации, направленные на его дальнейшее развитие.

Особое значение приобретает проблемы развития малого предпринимательства в условиях корон вирусной пандемии, от которой пострадала вся мировая экономика и бизнес. Крайне негативно повлияла она на малые, маломощные предприятия особенно те, которые зависимы от импорта и экспорта. По некоторым оценкам серьёзные потери понесут примерно 75 процентов малых и средних предприятий, 20 процентов из которых не смогут оправиться от нанесенного пандемией экономического ущерба, обанкротятся окончательно и навсегда уйдут из сферы бизнеса. Для современного общества это действительно огромные потери.

Разумеется, всякая научная статья для привлекательности и убедительности в той или иной мере, содержит элементы научной фантазии, утрирования, а её автор претендует на правомерность своих суждений и выдвинутых предложений. Тем не менее в каждой из них покоится реальное положение дел, не опровергаемые факты, аргументированные выводы о нашей действительности.

Авторы большинства статей обращают особое внимание на анализ сложившегося положения дел в сфере малого и частного бизнеса и на необходимость выявления факторов и условий, препятствующих дальнейшему развитию данного сектора экономики, указывают возможные пути их устранения. Такой подход не случаен и вполне оправдан, ибо без глубокого и тщательного анализа причинно-следственных связей между важнейшими макроэкономическими показателями, выявления факторов и условий развития малого и частного бизнеса невозможно выдвинуть обоснованные, с научной точки зрения, предложения и рекомендации, выводить логически выверенные суждения и умозаключения.

Что мы знаем о современном маркетинге

Известно, что концепцией управления в условиях так называемой плановой экономики являлось присущее только ей плановое распределение всех без исключения видов ресурсов (сырьевых, товарных, финансовых, трудовых и др.), со всеми вытекающими из этого, прямо скажем, негативными для экономического роста и прогресса, последствиями. Примечательно, что у хозяйствующих субъектов не было головной боли ни с конкурентами, ни со сбытом, ни с банкротством. От трудовых коллективов и их руководителей требовалось прежде всего выполнение утверждённых сверху планов, которые разрабатывались практически без их участия. В те времена торговля и предприятия материально-технического снабжения обязаны были принять продукцию, производимую в соответствии с планом, независимо от того, нужна она или нет потребителю, отвечает ли по своим качественным параметрам его нуждам и запросам. В то же время бюджет покрывал колоссальные издержки неэффективных производств, создавая тем самым все необходимые условия для возобновления производства даже не

пользующихся у покупателей спросом товаров и средств производства. Результаты подобного подхода к управлению экономикой нам известны: скопление огромных сверхнормативных товарных запасов по одним товарам при наличии большого неудовлетворённого спроса на другие, непреодолимое замедление оборачиваемости средств в запасах, относительно низкое качество товаров и иждивенческие настроения, и безответственное отношение к работе и т.д.

В отличие от этого, концепцией управления в условиях рынка становится маркетинг. Теперь уже правила поведения хозяйствующих субъектов совсем иные и диктуются эти правила рынком: объём и структура производимой продукции и цены на неё формируются на рынке на основе законов спроса и предложения, торговля может отказаться от ненужной, недоброкачественной продукции, которая не пользуется спросом. В условиях жёсткой рыночной конкуренции на высоте могут оказаться только эффективно работающие, слабые же неминуемо окажутся банкротами и здесь у менеджеров предприятий возникают самые разнообразные, ранее малоизвестные проблемы: приобретение ресурсов и их рациональное использование, принятие самостоятельных экономических решений и полная материальная ответственность за них, производство высококачественной конкурентоспособной продукции и организация сбыта, умение зарабатывать деньги и многое другое. Важное место в решении названных и других проблем принадлежит маркетингу, его умелому использованию. Однако для того, чтобы использовать концепцию маркетинга на практике, прежде всего, необходимо хорошо знать сущность и принципы маркетинга, осознать его высокое значение в достижении конечной цели предприятия, владеть навыками проведения маркетинговых программ.

Проведённые нами исследования указывают на то, что диапазон применения маркетинга у наших предпринимателей не очень велик, а качество не отвечает возросшим требованиям сегодняшнего дня. Одна из главных причин этого - отсутствие у них необходимых знаний и практических навыков в области маркетинга, а также непризнание, по крайней мере, недооценка весомой роли и значения маркетинга, как основного инструмента достижения поставленной цели в условиях рыночной экономики. Опрос, проведённый среди предпринимателей свидетельствует том, что у многих из них нет даже элементарных знаний о маркетинге (о происхождении самого слова "маркетинг", о его сущности, значении, принципах и функциях), не говоря уже о более сложных проблемах современного маркетинга, как, например, рационализация организационного построения службы маркетинга, совершенствование и оптимизация производственной программы, выявление конкурентоспособности продукции, возможности применения инновационно-маркетинговой стратегии и т.д.

Между тем, необходимость маркетингового подхода к организации производственной и служебной деятельности, к инвестициям и реализации многих других проектов стало в настоящее время неоспоримой. Мировая практика свидетельствует, что абсолютное большинство известных в мире фирм и компаний активно и со знанием дела приняли маркетинг на вооружение и в результате добились немалых успехов.

Чтобы иметь более чёткое представление о роли и значении, которое придают маркетингу в странах с развитой рыночной экономикой, достаточно отметить, что более 80% фирм и компаний на Западе уделяют ему очень большое внимание и используют его как эффективную основу управленческой и хозяйственной деятельности. В этих странах численность занятых в сфере маркетинга растёт удвоенными темпами, а в некоторых из них оно уже сейчас превышает численность занятых в сельском хозяйстве, в строительстве и на транспорте, вместе взятых. Если при этом учесть, что маркетинг одно из самых молодых направлений экономической науки и зародился он лишь к концу прошлого столетия, то не трудно себе представить, что произойдёт с ним спустя ещё несколько десятилетий.

Ориентация на потребителя - ключ к успеху

Результаты проведённых нами исследований показали, что в общей проблематике

2.5.	Фармон бўйича иш ҳақини ошириш	маротаба	1,12	1,15	1,15
3.	Маблағларнинг йиллик камо-мади (-) ёки ортиқчалиги (+)	млрд. сўм	1 085,5	3 577,3	-1 903,8
4.	Йил охирига қолдиқ	млрд. сўм	3 396,3	6 973,6	5 069,8
5.	ПЖ харажатларининг ЯИМга нисбати	фоизда	5,5%	5,0%	5,1%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-саҳифаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

3-жадвал маълумотларига кўра, нафақахўрлар сонининг ошиши натижасида жамғарма 2019 йилни камомад билан якунлаган. Бироқ, таъкидлаш керакки, харажатларнинг бошқа харажатлар бандида ҳам катта ўзгариш бўлиб, у 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 27 марта ошган ва 39,9 млрд. сўмни ташкил қилган.

2019 йилда хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларига солиқ юқини камайтириш билан бир қаторда Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўлов миқдорлари ҳам бекор қилинди. 2019 йилга қадар фуқароларнинг ойлик даромадидан ушлаб қолинадиган 8 фоиз миқдордаги суғурта бадали фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинган.

Фикримизча, Пенсия жамғармаси даромадларини кўпайтиришнинг ҳозирги кун шароитни инобатга олиб, энг маъқул йўли – бу унинг маблағларини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларга инвестиция сифатида киритишдир. Зеро, аҳолига нисбатан йилдан йилга солиқ юқини камайтириш ўз-ўзидан давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси даромадларининг камайтишига олиб келади. Бундай вазиятда мавжуд захира маблағ-

ларидан оқилона фойдаланиш эвазига даромадлар ҳажмини ошириш ва давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий таъминотни янада яхшилаш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш билан бир қаторда Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўлов миқдорлари ҳам бекор қилинди. 2019 йилгача фуқароларнинг ойлик даромадидан ушлаб қолинадиган саккиз фоиз миқдордаги суғурта бадали фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинган.

Йилдан-йилга солиқ юкини камайтирилиши ўз-ўзидан давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси даромадларини камайтиришга олиб келмоқда, бунинг натижасида Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлар ўртасида номуносибликлар мавжуд.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш, иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан тегишли тўловларни амалга ошириши ҳамда юридик шахслардан айрим турдаги пенсия тўловлари учун харажатларни қоплаш борасида таъсирчанликни кучайтириш;

- юридик шахслардан айрим турдаги пенсия тўловлари учун харажатларни қоплаш бўйича топшириладиган ҳисоб-китобларини енгиллаштириш;

- аҳолига нисбатан йилдан-йилга солиқ юкини камайтириш ўз-ўзидан давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси даромадларини камайтиришга олиб келмоқда, бундай вазиятда мавжуд захира маблағларидан оқилона фойдаланиш эвазига даромадлар ҳажмини ошириш ва давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий таъминотни янада яхшилаш имконияти пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4161-сон Фармони.
3. “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2020 йил 28 майдаги 94-сони.
4. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-саҳифаси маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий веб-саҳифаси маълумотлари.
6. Манзарова Э. Д. Особенности организации современной пенсионной системы России // Журн. правовых и экон. исслед. – 2015, № 1. – С. 238-244.
7. Турсунов Ж. П. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси. – Иқтисод ва молия, 2018, № 3.
8. Косимова Г. А. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала. – “Бозор, пул ва кредит”, 2007, № 3. – 30-32 б.

У.Ҳакимов Перспективы развития пенсионной системы в Узбекистане	U.Khakimov Prospects for the development of the pension system in Uzbekistan
Аннотация: в последние годы реформа пенсионной системы в Узбекистане, особенно в условиях пандемии, стала одной из важнейших задач страны. Одним из основных условий социальной защиты является пенсионная система. В данной статье рассматривается история возникновения и развития пенсионной системы Республики Узбекистан. Проанализирована литература по вопросам формирования пенсионной системы и ее фондов. Представлен анализ мероприятий, проведенных за последние годы в пенсионной системе. Ключевые слова: доходы и расходы Пенсионного фонда, социальное обеспечение, самозанятое население.	Abstract: in recent years, the reform of the pension system in Uzbekistan, especially in the context of a pandemic, has become one of the country's most important tasks. One of the main conditions for social protection is the pension system. This article examines the history of the emergence and development of the pension system of the Republic of Uzbekistan. The literature on the formation of the pension system and its funds is analyzed. An analysis of the measures taken in recent years in the pension system is presented. Keywords: pension system, history of the pension system, income and expenses of the Pension Fund, social security, self-employed population.

Н.Э.Эрназаров – СамИСИ, “Молия” кафедраси ассистенти

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада реал сектор корхоналарини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг аҳамияти, инвестициялаш усуллари, реал сектор корхоналарини кредитлашни ривожлантириш истикболлари ёритилган, банклар томонидан инвестициялаш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: реал сектор, инвестиция муҳити, тижорат банклари, диверсификация, кредит, инновацион ривожлантириш, қимматли қоғозлар, инвестициялаш, имтиёз, барқарорлик.

Кириш. Ҳар бир мамлакатни узоқ муддатли даврда ўз барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда унинг инвестиция муҳити муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Реал сектор корхоналари инвестицион самарадорлигини ошириш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга хизмат қилувчи кўплаб молиявий институтлар ташкил қилинмоқда. Мамлакатимизда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит, қатор имтиёз ва преференциялар тизими мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкый ҳуқуқларни имтиёзли ёки ногат тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш, солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар тақдим этиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш [1] каби имтиёз ҳамда преференцияларни ўз ичига олган.

Реал сектор корхоналарида инвестиция муҳитини ривожлантиришнинг асосий муаммоси баъзан лойиҳанинг аниқ самарадорлиги бўйича ёндошувлар тизимининг тўлиқ мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Реал сектор корхоналари учун инвестицион қарорларни қабул қилиш жараёнида асосий масала инвестиция муҳитининг самарадорлиги масаласидир.

Мамлакатимизда ялпи инвестицияларнинг сезиларли даражада кўпайиши корхоналарда инвестиция муҳитининг сифат кўрсаткичлари ва хилма-хиллигининг ўсишини англатади. Инвестиция муҳити ва асосий фондларни янгилаш, юқори техника ва ахборот технологияларини жорий этиш иқтисодий ўсишни асосини белгилайди. Бугунги иқтисодий ривожланишларга мувофиқ инвестиция муҳитининг юқори технологик томони уларнинг инвестиция муҳити бўйича услубий базани такомиллаштириш [2] билан бирга олиб борилиши зарур.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Маҳаллий адабиётларда реал сектор иқтисодиётини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларнинг ўрни ва ролини ошириш масаласида ҳамда инвестицион кредитлаш амалиёти ҳақида Г.Х.Розиқова, Д.Г.Ғозибеков каби олимларнинг илмий ишларида ўрганилган. Г.Х.Розиқованинг (2018) фикрича, «Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларни ривожлантириш учун мақбул шароитларнинг яратилиши технологик базани модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш имконини беради ва бунда тижорат банклари муҳим рол ўйнайди»[3]. Д.Г.Ғозибеков ўз илмий адабиётларида инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва унда тижорат банкларининг роли инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш масалаларини ёритган. Унинг таъкидлашича, бизда молиялаштиришнинг муҳим манбаси ҳисобланган тижорат банкларисиз миллий ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожланишини қўллашнинг имкони мавжуд эмас [4].


Инвестиция муҳити муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки бу корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилиш айнан инвестиция муҳити орқали рўй беради.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақоламизни ёзишда диалектик дунёқараш тамойиллари, тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, қиёсий ва тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, реал секторга киритилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда инвестицияларни реал сектор корхоналарига оқилона тақсимлаш инвестиция сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Шу мақсадда асосий капиталга киритилган инвестицияларни реал сектор корхоналари бўйича паст самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган корхоналарга йўналтириш, айниқса реал сектор корхоналарига инвестицияларни жалб қилишда ҳар бир ҳудуднинг нисбий устунликларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш инвестиция сиёсатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда шакллантирилган қулай инвестиция муҳити яратилганлигини асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидан ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган 2005-2019 йилларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори амалда ўсишга эришилган (1-расмга қаралсин).

Шу билан бирга, реал сектор корхоналарининг барқарор ўсишини таъминлаш учун таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш ва технологик янгилаш жараёнларини янада тезлаштириш лозим. Бу эса йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ва мазкур жараёнда инвестиция муҳити муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори режага нисбатан амалда бажарилиши 2005 йилда 105.7 фоиз, 2006 йилда 109.3 фоиз, 2010 йилда 104.2 фоиз, 2015 йилда 109.4 фоиз, 2016 йилда 104.1 фоизни ташкил этиб, ўртача 106.5 фоизни ташкил этган.



1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиши фоизда [5]

Бу кўрсаткич 2017 йилда 119.4 фоизга, 2018 йилда 129.9 фоизга, 2019 йилда 138.1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2016-2019 йиллар давомида ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши 104.1-138.1 фоиз оралиғида бўлганлиги мамлакатимизда яратилган инвестиция муҳитининг самарадорлиги натижасидир.

Инвестицион муҳитни янада яхшилаш шарт-шароитларидан бири сифатида меъёрий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш устивор вазифа бўлиши керак. Шу ўринда, реал сектор корхоналарини инвестициялаш жараёнидаги бюрократияни йўқотиш ва мавжуд ваколатларни қайта кўриб чиқиб, бу жараёнга кўпроқ тижорат банкларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Асосий эътиборни тижорат банкларининг реал сектор

корхоналарини молиялаштиришда анъанавий кредитлаш усулидан воз кечиб, корхона устав фондида улуш билан кириши ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун узлуксиз инвестициялаш методикасини яратишга алоҳида эътибор бериш керак.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш жоизки, реал сектор корхоналарининг инвестицион молиялаштириш фаолияти объекти – иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаридаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва инновацион ривожлантириш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалардир. Шунини таъкидлаш керакки, корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим:

- корхоналарда замонавий ускуналарни харид қилиш учун етарли маблағлар йўқлиги, маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги ҳамда ускуналар нархининг юқорилиги;

- реал секторда инновацион инфратузилмаларни ташкил этиш, инновацион маҳсулотларни яратиш учун тадқиқот ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга кўп маблағлар талаб этилаётганлиги.

Реал сектор корхоналарига капитал қўйилмаларнинг манбаларини кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш лозим:

- инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида тижорат банкларида алоҳида – реал сектор корхоналарини инновацион ривожланишини инвестициялаш бўлимини яратиш мақсадга мувофиқ;

- реал сектор корхоналарининг инновацион ривожланишини молиялаштириш учун чиқариладиган акцияларда тижорат банкларининг иштирокини таъминлаш учун меъёрий хужжатларни мустаҳкамлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

2. Мирзарайимов Д.У. Мамлакатда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш истикболлари. “Молия ва банк иши” илмий электрон журнали 2019 йил 5-сон. 146 б.

3. Розикова Г.Х. (2018) —Инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келувчи рискларни бошқариш: назария ва амалиёт. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 3-б.

4. Ғозибеков Д. (2003) Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Шарқ, 10 б.

5. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Н.Эрназаров	N.Ernazarov
Значение инвестиционной среды в развитии предприятий реального сектора Аннотация: в статье рассматривается роль инвестиционного климата в развитии предприятий реального сектора, методы инвестирования, перспективы развития кредитования предприятий реального сектора и научные предложения, направленные на дальнейшее совершенствование инвестиционного процесса банками. Ключевые слова: реальный сектор, инвестиционная среда, коммерческие банки, диверсификация, кредит, инновационное развитие, ценные бумаги, инвестиции, привилегии, устойчивость.	The importance of the investment environment in the development of enterprises in the real sector Abstract: the article discusses the role of the investment climate in the development of enterprises in the real sector, investment methods, prospects for the development of lending to enterprises in the real sector and scientific proposals aimed at further improving the investment process by banks. Keywords: real sector, investment environment, commercial banks, diversification, credit, innovative development, securities, investments, privileges, sustainability

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Э.Д. Мўйдинов – Андижон Қишлоқ хўжалиги институти, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит"
кафедраси доценти, и.ф.н, доцент

ЎЗАРО БОҒЛИҚ ТОМОНЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ (2-мақола)

Аннотация: ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектларда ўзаро боғлиқ томонлар ҳамда улар ўртасида амалга ошаётган молиявий-хўжалик муомалалари аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишнинг услубий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: ўзаро боғлиқ томонлар, аффилиланган шахслар, ўзаро боғлиқ молиявий муомалалар, аудиторлик текшируви, халқаро стандартлар

Кириш. Ўзаро боғлиқ томонлар ҳамда улар ўртасидаги молиявий-хўжалик муомалаларининг макон ва замонда мавжудлиги уларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг илмий асосланган услубий тартибларини яратишни аудит фани олдида кўндаланг қилиб қўймоқда. Изланишлар республикамізда чоп этилган дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ўзаро боғлиқ томонлар аудитининг услубий жиҳатларини етарлича очиб берилмаганлигини, аудиторлик ташкилотлари амалиётида эса бундай ишланмаларга катта зарурат борлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга тадқиқотлар халқаро аудиторлик ташкилотларида компанияларнинг ўзаро боғлиқ томонлари ва улар ўртасида юз берган молиявий муолажаларга катта эътибор қаратаётганлигини, ушбу операциялар аудитини халқаро стандартларга асосан ўтказиш бўйича катта тажрибалар тўпланганлигини кўрсатмоқда. Мазкур тажрибаларни умумлаштириш ва уларни республикамізда кенг қўламда қўллашга эришиш ҳозирги пайтда долзарб масалалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида компаниялар молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини режалаштириш, ўтказиш, текширув натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш, бунда турли усулларни ва амалларни қўллаш жиҳатлари бир қатор халқаро аудиторлик стандартлари билан тартибга солинган. Бундан ташқари корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти аудитининг услубий жиҳатлари кўплаб хорижий давлатлар, МДХ мамлакатлари, шу жумладан республикаміз олимлари томонидан чоп этилган адабиётлар ва илмий ишларда ўз аксини топган [1]. Бироқ, чоп этилган аксарият адабиётларда ўзаро боғлиқ томонлар аудитининг услубий жиҳатлари тўлиғича очиб берилган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида синтез, анализ, статистик гуруҳлаш ва жамлаш, индукция ва дедукция, тест савол-жавоблари, баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Хорижий мамлакатларда корхоналарнинг ўзаро боғлиқ томонлари аудити халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган “Ўзаро боғлиқ томонлар” номли 550-сон АХСга [2] асосан штказилади. Ушбу стандартнинг мақсади аудиторлик текшируви тайинланган объектда компания ходимлари томонидан ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва хўжалик муомалалари тегишли тартибда аниқланганлиги, ҳисобга олинганлиги, мазкур муносабатларни фирибгарлик ва муҳим бузиб кўрсатишлар ҳолатларига боғлиқлик даражаси белгиланган тартибда молиявий ҳисоботда очиб берилганлиги тўғрисида етарлича тегишли аудиторлик далилига эга бўлиш ҳисобланади. Мазкур стандартга мувофиқ ўзаро боғлиқ томонлар аудити текширув бошида мижоз компания раҳбарияти томонидан аудиторга тақдим қилинган “Ёзма баёнот” маълумотларини ўрганишдан бошланади. Ушбу ҳужжат “Ёзма баёнотлар” деб номланган 580-сонли АХС [3] талабига асосан тузилиб, унда компания раҳбарияти ўзаро боғлиқ томонлар билан муносабатлар ва хўжалик муомалалари тегишли

равишда ҳисобга олингани ҳамда улар тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ очиб берилгани таъкидланиши лозим. Агар бундай “Ёзма баёнот” тақдим қилинмаган бўлса, аудитор компания раҳбарияти ёки корпоратив бошқарув вазифаси юклатилган шахс(лар)га сўровнома юбориши лозим бўлади. “Ёзма баёнот”ни аудиторлик далили сифатида қабул қилиш мумкин бўлсада, бироқ у ўзаро боғлиқ бўлган ҳар қандай масалага нисбатан етарлича тегишли аудиторлик далиллари таъминламайди. Шунинг учун аудитор мазкур стандартга асосланиб компанияда ҳисобот даврида ўзаро боғлиқ томонларнинг мавжудлиги ва уларни ҳисобини юритилганлигини аниқлаш учун қуйидаги йўналишларда аудиторлик таомилларини бажариши лозим:

■ корхона раҳбариятини ўзаро боғлиқ томонларни аниқлаш ва уларни ҳисобини тўғри юритишга муносабатини баҳолаш;

■ компаниянинг асосий акциядорлари (мулкдорлари) ни аниқлаш мақсадида таъсис ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, уларнинг рўйхатини тузиб чиқиш;

■ компания раҳбариятига боғлиқ томонларнинг шахслари ва уларни ўтган даврга нисбатан ўзгариши; тадбиркорлик субъекти ва боғлиқ томон ўртасидаги муносабатларнинг тавсифи; ҳисобот даврида амалга оширилган йирик битимларга нисбатан маълумот тақдим қилиниши бўйича сўровнома юбориш.

■ ҳисобот даврида амалга оширилган йирик инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш;

■ йирик инвестиция лойиҳалари ва манфаатдор томонлар билан тузилган битимлар муҳокамасига бағишланган акциядорлар ва кузатув (директорлар) кенгаши йиғилиши баённомаларини ўрганиб чиқиш;

■ тадбиркорлик субъектининг қимматли қоғозларни тартибга солувчи давлатнинг расмий идорасига тақдим этган аризалари билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;

■ агар аввалги йили компания молиявий ҳисоботини бошқа аудиторлик ташкилоти текширувдан ўтказган бўлса, улар томонидан аудит якунига кўра тақдим қилган ёзма тақдимномани ўрганиб чиқиш;

■ ички назорат тизимининг боғлиқ томонларга тааллуқли йўналишини тушунишга эришиш;

■ ички аудитор ҳисоботини ўрганиб чиқиш ва ҳ.к.

Аудит амалиётида компанияда ўзаро боғлиқ томонларнинг мавжудлигини аниқлашда кенг қўлланиладиган аудит таомилларидан бири – бу моҳияти бўйича тест ўтказишдир. Бундай тест варағини қуйидаги шакл ва мазмунда тузиш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

МЧЖ « XYZ » аудиторлик ташкилоти

Ўзаро боғлиқ томонлар бўйича муомалаларни тестдан ўтказиш варағи

Мижоз:	“Шарқ” Акциядорлик жамияти				
Шартнома:	11.03.2020 й № 03-2020	Бажарувчи:	Раджибаев Ф.П	Тузилди:	23.03.2020
Аудит ўткази- зилаётган давр	01.01.2019 й- 31.12.2019 й	Текширувчи:	Маҳсудов А.А	Текширилди:	25.03.2020

Т/р	Тест саволлари	Жавоб
Боғлиқ томонлар тўғрисидаги ахборотни текшириш ва уни очиб бериш		
1	Компания раҳбариятидан боғлиқ томонларга оид маълумотларни тўлиқ тақдим қилинганлиги ва уларни молиявий ҳисоботда тўғри очиб берилганлигига оид ёзма тасдиқнома олинди?	
2	Компания раҳбарияти томонидан тақдим қилинган маълум боғлиқ томонлар рўйхати ўтган йил учун ишчи ҳужжатлар асосида улар тўғрисида олинган маълумотларга мос келадими?	
3	Корхона раҳбарияти боғлиқ томонларни аниқлаш бўйича чораларни кўриб борадими?	
4	Компания мансабдор шахсларини боғлиқ томонларга таълуқлилиги тўғрисида раҳбарият тақдим қилган маълумотлар мансабдор шахсларни ўзларидан олинган маълумотларга мос келадими?	

5	Акциядорлар реестрини ўрганиш натижасида аниқланган йирик акциядорларнинг барчаси боғлиқ томонлар рўйхатига киритилганми?	
6	Акциядорлар йиғилиши баённомалари, йирик битимлар, инвестиция лойиҳалари, ишчи ёзишмалар, йирик дебитор ва кредиторлар билан олиб борилган музокаралар бўйича ҳисоботларни таҳлил қилиш корхона раҳбарияти томонидан боғлиқ томонлар рўйхатига киритилмаган шахсларни аниқлаш имконини бердими?	
7	Хозир текширувда иштирок этаётган ёки аввалги аудит текширувида қатнашган аудиторлар билан ўтказилган суҳбатлар боғлиқ томонлар рўйхатига қўшимча киритишга олиб келмадими?	
8	Компания томонидан солиқ ва ҳукуматнинг бошқа идораларига топширилган ҳисоботларни текшириш компания раҳбарияти томонидан боғлиқ томонлар тўғрисида аудиторга тақдим қилган ахборотларда номутаносиблиklar мавжудлигини юзага чиқардими?	
Боғлиқ томонлар билан муомалаларни текшириш		
1.	Боғлиқ томонлар билан муомалаларнинг ҳисобини назорат қилувчи таомиллар унинг ҳаққонийлигини таъминлай оладими?	
2.	Хўжалик муомалалари ва ҳисобварақлардаги қолдиқларни мукамал таҳлили натижасида қўшимча тарзда боғлиқ томонлар билан амалга оширилган муомалалар аниқландими?	
3.	Акциядорлар ва Кузатув кенгаши йиғилишлари баённомалари-рини ўрганиш қўшимча тарзда боғлиқ томонлар билан амалга оширилган муомалалар аниқландими?	
4.	Бухгалтерия ҳисоби регистрларини таҳлил қилиш қуйидаги йирик ёки ноодатий муомалаларни аниқлаш имконини бердими?	
■	ҳисобот даврининг охири ёки шунга яқин санада йирик хўжалик муомалаларини;	
■	маҳсулот (ишлар,хизматларни) таннарх ва таннархдан паст баҳода сотишга оид хўжалик муомалаларини;	
■	ностандарт баҳолар, фоиз ставкалари, кафиллик ва сўндириш шартлари мавжуд бўлган шартномаларни;	
■	бизнес мантиқи нуқтаи назаридан зарурий сабабсиз амалга оширилган хўжалик муомалаларини;	
■	мазмун шаклидан фарқ қилувчи хўжалик муомалаларини;	
■	ғайри табиий тарзда расмийлаштирилган хўжалик муомалаларини;	
■	айрим харидор ёки мол етказиб берувчилар билан кўплаб ёки катта суммаларда амалга оширилган хўжалик муомалаларини;	
■	текинга олинган ёки текинга бериб юборилган активларни.	
5.	Олинган кредит ва берилган қарзлар ва банкка тақдим қилинган кафолат хатларини таҳлил қилиш боғлиқ томонларга тегишли бўлган йирик гаров мажбуриятлари мавжудлигини юзага чиқардими?	
6.	Инвестицион битимларни таҳлил қилиш жараёнида боғлиқ томонларга оид хўжалик муомалалари аниқландими?	
7.	Ҳисобот даврида амалга оширилган компаниянинг йирик активларини сотиш ёки бошқача тарзда тасарруф қилиш муомалалари таҳлил қилинганда уларда боғлиқ томонлар иштирок этган ҳолатлар аниқландими?	

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунига [4] кўра (86-модда) аффилиланган шахслар (боғлиқ томонлар) билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилиланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун аудитор ҳисобот йилида бу борада қонун талаблари қандай бажарилганлигини ўрганиб чиқиши лозим. Шу мақсадда юқорида келтирилган тестга қўшимча тарзда “қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш”

бўлимини назарда тутиш ва ушбу бўлимга қуйидаги тест савол-жавобларини ҳам киритиш фойдадан холи бўлмайди:

1. Аффилланган шахс жамият билан битим тузишда боғлиқ томон эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириши юбориши орқали жамиятнинг хабардор қилганми?

2. Жамиятнинг ижроия органи жамият кузатув кенгашини аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиши натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилганми?

3. Аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни жамият ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиб чиқилганми, ўрганиши натижалари баённома билан расмийлаштирилганми ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланганми?

4. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинганми?

5. Жамиятнинг ижроия органи тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ёзма шаклда хабардор қилганми?

6. Аффилланган шахс билан тузилган битим (лар) бўйича жамият акциядор(лар) и мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарор(лар)дан ёзма тарзда норози бўлган ҳолат(лар) и мавжуд бўлганми?

7. Ҳисобот йилида аффилланган шахс (лар) билан тузилган битим (лар) натижасида жамиятга зарар етказилган ҳолатлар мавжуд бўлганми?

8. Аффилланган шахс билан тузилган битим(лар)ни зарар етказилиши мумкин деб ҳисоблангани учун, акциядор (лар)ни ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан судга мурожаат қилган ҳолат(лар) мавжуд бўлганми?

9. Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилланган шахси етказилган зарарнинг, жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни суммасини ва даъвои судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳолат(лар) мавжуд бўлганми?

10. Аффилланган шахс билан тузилган битимни ўрганишини амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва яқунларнинг ишончилиги учун жавобгар бўлади.

Кейинги босқичда аудитор тест натижасида аниқланган ўзаро боғлиқ томонларни хар бирини мукамал ўрганиб чиқиши ва уларнинг хар бири бўйича аудиторнинг ишчи ҳужжати сифатида “Ўзаро боғлиқ томонлар бўйича йиғилган маълумотлар қайдномаси”ни тузиши лозим.

Кейинги босқичда аудитор ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва операциялари билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатиш рискларининг аниқлаши ва баҳолаши керак.

Муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича 315-сон АХС [5] талабини қаноатлантиришда, аудитор ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва муомалалари билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаши ва баҳолаши ҳамда ушбу рискларнинг бирортаси аҳамиятли рисклар бўлиши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Ушбу қарорни қабул қилишда, аудитор тадбиркорлик субъекти бизнесининг одатий йўналишидан ташқарида бўлган ҳолда аниқланган аҳамиятли ўзаро боғлиқ томон муомалаларини аҳамиятли рискларни юзага келтирадиган сифатида инобатга олиши керак.

Агарда аудитор ўзаро боғлиқ томонларга нисбатан рискни баҳолаш тартиб-таомиллари ва тегишли тадбирларни амалга оширишда фирибгарлик rischi омиллари (жумладан аҳамиятли таъсирга эга ўзаро боғлиқ томоннинг мавжудлигига тегишли ҳолатларни) аниқласа, аудитор 240-сон АХСга [6] мувофиқ фирибгарлик оқибатидаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш пайтида бундай маълумотларни кўриб чиқиши лозим.

Аудитор ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва муомалалари билан боғлиқ муҳим

бузиб кўрсатиш рискларига тегишли жавоб ҳаракатларини амалга ошириши керак. Аудитор баҳоланган рискларга муносабат билдириши бўйича 330-сон АХС [7] талабининг қисми сифатида аудитор ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва муомалалари билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рисклари тўғрисида етарлича тегишли аудиторлик далилига эга бўлиш учун кейинги аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши лозим.

Аудитор ўзаро боғлиқ томон алоқадорликлари ва муомалалари билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатиш рискларига аудиторнинг жавоб ҳаракатлари учун танлаши мумкин бўлган кейинги аудиторлик тартиб-таомилларининг хусусияти, муддати ва кўлами ушбу рискларнинг хусусиятига ва тадбиркорлик субъектининг ҳолатларига боғлиқ бўлади.

500-сон АХСга [8] кўра (А32 банд) аудитор раҳбариятнинг ҳоҳ фирибгарлик, ҳоҳ хато оқибатида молиявий ҳисоботни тақдим этишда ўзаро боғлиқ томон муомалаларини тегишли тартибда ҳисобга олмаганлиги ёки очиб бермаганлиги бўйича аҳамиятли рискни баҳолашда моҳияти бўйича текширувни ўтказди. Аудитор томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган моҳияти бўйича текширишда қўлланиладиган аудиторлик тартиб-таомиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- агарда қонун, меъёрий ҳужжат ёки ахлоқий қоидалар орқали амалий мумкин ва тақиқланмаган бўлса муомалаларнинг муайян жиҳатларини банклар, юридик фирмалар, кафолатчилар ёки агентлар каби воситачилар орқали тасдиқлаш ёки улар билан муҳокама қилиш,

- ўзаро боғлиқ томонлар билан муомалаларнинг мақсадларини, муайян шартлари-ни ёки суммаларини тасдиқлаш

- ўринли бўлганда, ўзаро боғлиқ томонларнинг бухгалтерия ёзувларида муомалаларни ҳисобга олинишининг далили учун ўзаро боғлиқ томонларнинг молиявий ҳисоботларини ёки агарда мавжуд бўлса бошқа ўринли молиявий маълумотларини ўқиш.

Агарда аудитор аҳамиятли таъсирга эга ўзаро боғлиқ томоннинг мавжудлиги натижасида фирибгарлик оқибатидаги муҳим бузиб кўрсатишнинг аҳамиятли рискин баҳолаган бўлса, аудитор бундай ўзаро боғлиқ томон тадбиркорлик субъекти билан бевосита ёки билвосита ташкил этиши мумкин бўлган бизнес алоқадорликлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш ва қўшимча тегишли моҳияти бўйича текшириш аудиторлик тартиб-таомиллари зарурлигини аниқлаш учун, “Молиявий ҳисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари” номли 240-сонли АХСнинг умумий талабларига қўшимча тарзда, қуйидагилар каби аудиторлик тартиб-таомилларини амалга ошириши мумкин:


- раҳбарият ва бошқарув юклатилган шахслардан сўровлар ва улар билан муҳокама;
- ўзаро боғлиқ томонлардан сўровлар;
- ўзаро боғлиқ томонлар билан тузилган йирик шартномаларни текшириш;
- ўринли фундаментал изланиш, масалан интернет ёки муайян ташқи бизнес маълумоти базалари орқали;

- агарда улар сақланса, ходимининг ишора берадиган ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Аудиторлик текширувининг кейинги босқичида компания томонидан молиявий ҳисоботда ўзаро боғлиқ томонлар ва улар билан амалга оширилган хўжалик муомалаларини “Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш” номли 24- МҲХС (IAS) [9] талаблари асосида очиб берилганлик даражаси баҳоланади. Мазкур баҳолашни амалга ошираётган пайтда аудитор қуйидаги 1-чизмада келтирилган ҳолатларни эътиборга олиши тавсия этилади.

550-сон АХСга мувофиқ қуйидагилар очиб берилиши талаб этиладиган ўзаро боғлиқ томон билан амалга оширилган хўжалик муомалалари ҳисобланиши мумкин:

(а) маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олиш; (б) мулк ва бошқа активларнинг сотилиши ёки сотиб олиниши; (в) хизматларнинг кўрсатилиши ёки олиниши; (г) ижара келишувлари; (д) тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларнинг ўтказилиши; (е) лицензия шартномалари бўйича ўтказишлар; (ж) молиялаштириш келишувлари бўйича ўтказишлар (шу жумладан кредитлар ва пул маблағлари ёки натура шаклида капитал қўйилмалар); (з) кафолатлар ёки таъминотлар берилиши; (и) келгусида маълум ҳодиса рўй бериши ёки руй бермаслигига боғлиқ равишда қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятлари, шу жумладан охиргача бажарилмаган



1-чизма. Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги ахборотни очиб бериш тартиби

шартномалар (тан олинган ва тан олинмаган); (к) ХЮС номидан мажбуриятлар сўндирилиши ёки ўша ўзаро боғлиқ томон номидан тадбиркорлик субъекти мажбуриятларни сўндириши.

Аудиторлик текширувининг якунида ўзаро боғлиқ томонлар ва улар билан амалга оширилган муомалалар, уларда мавжуд бўлган муҳим (муҳим бўлмаган) четга чиқишларни мукамал тарзда ўрганиб чиққан ва етарли ҳамда ҳужжатлаштирилган аудиторлик далиллариغا эга бўлган аудитор уларни компаниянинг фойда зарарлари ва молиявий ҳолатига таъсирини баҳолайди ва текширувдан ўтказилган мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз фикрини шакллантиради.

Хулоса ва таклифлар. Ўзаро боғлиқ томонлар, улар ўртасида амалга ошириладиган молиявий-хўжалик муомалалар аудитини халқаро стандартлари асосида юқорида тавсифи келтирилган тартибларда ва усулларда амалга ошириш, уларни республикамизнинг миллий аудиторлик ташкилотларида кенг қўламда қўллаш, қолаверса, ушбу услубий тартибларни республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш фойдадан холи эмас. Улар республикамизда халқаро андозаларга ўтиш жараёнларини тезлаштиришга имкон беради, шунингдек турли коррупцион ҳолатлар, чунончи шахсий манфаатлар йўлида амалга ошириладиган шубҳали операциялар олдини олиш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни рўёбга чиқаришда амалий дастак бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ендовицкий Д. А, Панина И. В. Международные стандарты аудиторской деятельности. Учебное пособие. – М. Юнити-Дана, 2017; Тўлаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит.1,2-томлар. - Т.: Национальная Ассоциация Бухгалтеров и Аудиторов Узбекистана, 2004; Аудит: Учебник/ под ред. Проф. В.И. Подольского.- М.:»Экономист», 2005; . Шелегенов В. МСФО (IAS) 24 «Раскрытие информации о связанных сторонах», Журнал «МСФО. Практика применения». <http://www.msfo-mag.ru/>.
2. АХС № 550. “Ўзаро боғлиқ томонлар”.
3. АХС № 580 “Ёзма баёнотлар”.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370- сон қонуни билан тасдиқланган.
5. АХС № 315 “Муҳим бузиб кўрсатишлар riskини тадбиркорлик субъектини ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш”.

6. АХС № 240 “Молиявий ҳисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари”
7. АХС № 330 “Баҳоланган рискларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари”.
8. АХС № 500 “Аудиторлик исботлари”.
9. МХХС(IAS) № 24 “Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ бериш”.

К.Уразов, Э.Муйдинов. Методические аспекты аудита взаимосвязанных сторон (2-ая статья) Аннотация: в данной статье раскрыты методические аспекты аудита взаимосвязанных сторон и финансово-хозяйственных операций между ними в соответствии с международными стандартами. Ключевые слова: взаимосвязанные стороны, аффилированные лица, взаимосвязанные финансовые операции, аудиторская проверка, международные стандарты	K.Urazov, E. Muydinov Methodological aspects of audit of related parties (2nd article) Abstract: this article reveals the methodological aspects of audit of related parties and financial transactions between them in accordance with international standards. Keywords: related parties, affiliates, related financial transactions, auditing, international standards
---	---

С.Н.Ташназаров – СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири,
и.ф.д., доцент

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишлар, жумладан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш, халқаро стандартларни ўзбек тилига таржима қилиш, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишида ўтиладиган фанлар таркиби ва мазмунини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган. Калит сўзлар: молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари, молиявий ҳисобот ахборотлари фойдаланувчилари
--

Кириш. Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам жадал ислохатлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори [1] қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисобот тақдим этиш ҳамда шу соҳада мутахассисларни тайёрлаш ишларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, АССА талабларига мувофиқ амалиётчи бухгалтерларни, олий таълимда ишлаётган профессор-ўқитувчиларни сертификатлаш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича ваифалар юклатилди. Илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда МХХС ва мазкур соҳада инсон ресурслари самарадорлигини оширишнинг замонавий усуллари жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Қарорда юклатилган ваифаларни бажариш соҳага доир тадқиқотларни олиб бориш, профессионал ташкилотлар иштирокини кенгайтириш, МХХСларига ўтишнинг самарали йўллари белгилаш, олий таълимда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ўтилатган фанларнинг таркиби ва мазмунини тубдан ислоҳ қилишни талаб этади. Шу боис, ушбу масалаларда тадқиқотлар олиб бориш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Иқтисодчи олимлар А.А. Каримов, М.Раҳимов, И.Қўзиевлар [2] МХХСга ўтишнинг истиқболлари, А.З.Авлоқулов [3] молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни акс эттириш хусусиятларини тадқиқ этганлар. Тадқиқотчиларнинг ушбу ишлари мамлакатимизда халқаро стандартларни жорий қилишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бироқ, бугунги кунда МХХСлагига ўтишда энг долзарб бўлган ишларни белгилаб берувчи тадқиқотлар ҳиссаси ҳали

етарли деб бўлмайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” Қарорида юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун 2016 йили қабул қилинган эди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтиш бўйича юқорида қайд қилинган Президент қарори қабул қилингандан сўнг, унга маълум бир ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тадқиқотлар асосида қуйидаги ўзгартиришларни киритишни таклиф этамиз. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни бўйича таклифлар¹

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонунда [2]	Таклиф этилади
3-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари Узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир.	3-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари Узлуксизлик асосий фундаментал принцип ҳисобланади. Фундаментал сифат тавсифи принципларига уйғунлик (аҳамиятчилик) ҳамда объектив ва ҳаққоний тақдим этиш киради. Таққосланувчанлик, текширувга оидлик, ўз вақтидалик ҳамда тушунарчилик принциплари фойдали ахборотларнинг сифат тавсифини белгилайди. Ҳисоблаш принципи даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг асосий тамойилидир.
7-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир.	7-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир.
17-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш Асосий воситалар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ қоплангунига ёки объект ҳисобдан чиқиб кетгунига қадар эскиришни (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.	17-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш (учинчи хатбоши) Асосий воситалар ва номоддий активларга нисбатан амортизация амалга оширилади. Амортизация активларнинг амортизацияланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати мобайнида маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига уларнинг қиймати тўлиқ қоплангунига ёки объект ҳисобдан чиқиб кетгунига қадар тақсимлаш кўринишидаги эскиришнинг қиймат ифодасидир.

Молиявий ҳисоботларни МҲХСлари асосида тақдим этишда муҳим масалалардан бири бу молиявий ҳисоботнинг кимга мўлжалланганлигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Олимлармиз А.А. Каримов, М.Раҳимов, И.Қўзиев “Бу борада Ушбу ахборотларнинг аниқлиги ва шаффофлигида дунё тан олган мезонлардан анча ортда қолинганлиги, амалдаги тартибларда асосан солиқлар, тўловлар ва ижтимоий муаммоли вазиятларни ҳал қилишдаги жиҳатларга устунлик берилиши, расмий ва чоп этиладиган манбаларда фақат давлат органлари томонидан белгилаб берган тартибларга риоя қилиниши, корхона ва

¹ Таянч докторант Б.Баронов билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

ташкilotларни молиялаштиришда энг муҳим иштирокчилар бўлган инвесторлар, қарз берувчи ва кредиторларнинг иккинчи ўринга қўйилганлиги ривожланишда турғунлик ва муваффақиятсизликларга сабаб бўлиб келди” [2] деган фикрига тўлиқ қўшилаемиз. Шу боис, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларимизда инвесторлар, қарз берувчилар ва кредиторларни асосий ахборот фойдаланувчилар қаторига киритишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг ташқи ахборот фойдаланувчиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: Асосий ахборот фойдаланувчилар; Бошқа ахборот фойдаланувчилар (1-расм):



1-расм. Молиявий ҳисоботнинг ахборот фойдаланувчилари¹

Биринчи гуруҳ, асосий ахборот фойдаланувчилар деб аталиб, бунга корхона фаолиятига пул киритган инвесторлар, таъсисчилар, қарз берувчилар, кредиторлар киритилган. Бунга асосий сабаб шундан иборатки, молиявий ҳисобот асосан инвесторларнинг ахборот эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги ҳисобланади. Чунки, инвестор риск билан ўз маблағларини бизнесга йўналтиради, у корхонани очади, одамларни иш билан таъминлайди, халқ эҳтиёжига хизмат қиладиган товарлар ишлаб чиқаради, хизматларни кўрсатади. Шу боис, инвесторлар асосий ахборот фойдаланувчига айланиши керак. Компанияларнинг бухгалтерия ҳисоби биринчи навбатда инвесторларнинг манфаатларига хизмат қилиш керак. Шундагина инвесторларнинг ахборот ҳуқуқларини таъминлаган бўламиз. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида биринчи ахборот фойдаланувчи сифатида “давлат солиқ органлари” қайд қилинган ва ушбу моддада орган сўзи уч марта (давлат солиқ органлари, давлат статистика органлари, қонунга мувофиқ бошқа органлар) ишлатилган.

Тадқиқот жараёнида бухгалтерия ҳисобининг муҳим концептуал масалаларидан бири бу ахборот фойдаланувчиларни таркибини белгилаш бўлганлиги учун, биз халқаро концептуал асослардаги қоидалардан келиб чиқиб, ушбу моддани қонунда қуйидаги тахрирда ёритишни таклиф этамиз (2-жадвал):

Ушбу таклиф этилган тартибда молиявий ҳисобот ахборот фойдаланувчиларнинг ўрни тўғри белгиланган, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, бугунги кунда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига сифатли ўтишимиз учун МХҲСларни ўзбек тилига таржима қилиш ва таржима қилинган МХҲСларини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари Кенгашидан расмий тан

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Молиявий ҳисоботнинг асосий ахборот фойдаланувчилари қаторини белгилаш бўйича таклифлар²

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун	Халқаро концептуал асосларга мувофиқ таклиф этилади
24-модда. Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади: давлат солиқ органларига; таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга; давлат статистика органларига; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга;	24-модда. Молиявий ҳисобот асосий ва бошқа ахборот фойдаланувчиларга тақдим этилади. Асосий ахборот фойдаланувчилар: амалдаги ва потенциал инвесторлар; қарз берувчилар ва кредиторлар. Бошқа ахборот фойдаланувчилар: корхона бошқарувчилари; тартибга (назорат қилувчи) солувчи органлар; бошқа қизиқувчи томонлар

олдириш масаласи ҳисобланади. Халқаро стандартларни ўзбек тилига таржима қилиш ўта масъулиятли вазифа бўлиб юқори профессионал ёндашувни талаб этади. Бизнинг фикримизча, **МХХСларини ўзбек тилига таржима қилиш бир қанча босқичларда** амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. МХХСларни таржимаси юқори профессионал ёндашувни талаб этганлиги боис, уни масъул ходимларга тақсимлаб бериш, сўнгра уларни умумлаштириш йўли билан эришиб бўлмайди. Бу жараёнга мамлакатимизда юқори профессионал тажрибага эга бўлган олимлар ва амалиётдаги етакчи мутахассислардан иборат **нуфузли гуруҳ** тузиш керак ёки бухгалтерия ҳисоби бўйича **профессионал институт** ташкил этиш керак. Профессионаллардан иборат ишчи гуруҳ ушбу таржимани амалга оширишлари керак. Ушбу босқичда ўта муҳим аҳамият касб этадиган масалалардан бири МХХСлар бўйича атамаларнинг ўзбек тилидаги версиясини яратиш. Бу жараёнга етакчи олимлар, амалиётчи мутахассислар, иктисодиёт ва молия соҳасидаги тилшунослар жалб қилиниши керак. Олдин атамалар яратилиши керак. Кейин эса МХХСлар ўзбек тилига таржима қилишимиз керак. Таржима қилинган МХХСларининг ўзбек тилидаги лойиҳаси олимлар ва амалиётчи ходимларнинг таклиф ва тавсияларни олиш учун муҳокамаси ўтказилиши керак. Мамлакатимиздаги ҳар бир бухгалтерлар, аудиторлар, молиячилар, менежерлар, банк соҳасидаги мутахассислар ва бошқа соҳа мутахассислари, ахборот фойдаланувчилар муҳокама жараёнига кенг жалб қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу лойиҳалар муҳокама қилиш учун мамлакатимиздаги энг йирик молиявий ташкилотлар, соҳадаги олий таълим муассасалари, бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларига юборилиши ва улардан таклиф ва тавсиялар олиниши ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу борада инглиз тили ва ўзбек тили бўйича мутахассис-ларни ҳам муҳокама жараёнига кенг жалб қилиш керак. МХХСларнинг ўзбек тилидаги лойиҳаси иккита-учта халқаро ва республика доирасидаги конференцияларда, илмий-ама-лий семинарларда муҳокама қилиниши керак. Барча таклифлар ва тавсиялар республика ишчи гуруҳига юборилиши керак. Ишчи гуруҳ ушбу таклифларни ва тавсияларни ҳисобга олиб МХХСларнинг ўзбек тилидаги янги лойиҳасини ишлаб чиқиши керак. Ушбу янги лойиҳа профессионал институт правлениясида (янгидан ташкил этиладиган) кўриб чиқилиб маъқулланиши керак. Агарда профессионал институт бўлмаса у ҳолда бу ишчи гуруҳ йиғилишида маъқулланиши керак. Маъқулланган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилиши лозим. Молия вазирлиги лойиҳани кўриб чиқиб, айрим камчиликлар ва тавсияларни ҳисобга олиш учун ишчи гуруҳга қайтариши мумкин. Мукамал ишлангандан кейин МХХСларнинг ўзбек тилидаги лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бугунги кунда олий таълим муассасаларида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишида ўтилатган махсус фанларни дунё университетлари фанларнинг номи ва мазмунига мувофиқлаштириш лозим, деб ўйлаймиз. 2020 қабули учун тасдиқланган ўқув режада “Бухгалтерия ҳисоби” фани киритилган. Бизнинг фикримизча, уни “Молиявий ҳисоб ва

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

² Ушбу таклифлар таянч докторант Б.Боронов билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

ҳисобот” ҳамда “Бошқарув ҳисоби” қисмларига ажратиш керак. Президентимиз қарорларидан келиб чиқиб, “Молиявий ҳисоб ва ҳисобот” ҳамда “Бошқарув ҳисоби” фанинг мазмунини тўлиқ МХХСларига, ундаги мавзуларни дунё фанига тўлиқ мувофиқлаштиришимиз керак. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда фанинг таркиби ва мазмуни асосан қандай бўлса, фан дастурлари ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак. **Миллий стандартларга асосланган “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан дунё стандартларига асосланган “Молиявий ҳисоб ва ҳисобот” ҳамда “Бошқарув ҳисоби” фанларига ўтиш вақти келди.** Бунинг учун эса ўзини-ўзи молиялаштириш ҳамда кредит-модуль тизимига ўтган университет ва институтларга ўқув режалари ва фан дастурларини ўзлари ишлаб чиқишда мустақиллик бериш керак, деб ҳисоблайман.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлар асосида хулоса қилишимиз мумкин:

президентимиз қароридан келиб чиқиб “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонунга тадқиқот ишида келтирилган ўзгаришларни киритиш, жумладан қонун 3-моддасини **“Фундаментал сифат тавсифи принципларига уйғунлик (аҳамиятлилик) ҳамда объектив ва ҳаққоний тақдим этиш киради. Таққосланувчанлик, текширувга оидлик, ўз вақтидалик ҳамда тушунарлилик принциплари фойдали ахборотларнинг сифат тавсифини белгилайди. Ҳисоблаш принципи даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг асосий тамойилидир”** тахрирда шакллантириш мақсадга мувофиқлиги асосланди;

МХХСларини ўзбек тилига таржима қилишда профессионал институт ташкил этиш, атамаларни яратишда профессионал жамоат ташкилотлари, университетлар, амалиётчи бухгалтерларни кенг жалб қилиш, атамаларни муҳокама қилиш, конференция ва семинарлар ўтказиш лозимлиги таклиф этилди;

мамлакатимиздаги ОТМларида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишлари учун “Молиявий ҳисоб ва ҳисобот” ҳамда “Бошқарув ҳисоби” фанлари мазмунини дунё университетлардаги фанларга ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
2. А.Каримов, И.Қўзиев, М.Рахимов. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш: муаммо ва истиқбол “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 4, август, 2020 йил. 3-бет.
3. Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни акс эттириш хусусиятлари. «Рақамли иктисодиётга ўтиш даврида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами., Т.: 2020 йил. 243-б.

С.Ташназаров Актуальные проблемы по переходу на Международные стандарты финансовой отчетности	S.Tashnazarov Actual problems of the transition to International Financial Reporting Standards
Аннотация: в этой статье разработаны предложения по осуществлению работ по переходу на Международные стандарты финансовой отчетности в Республике Узбекистан. В частности, внесение изменений в Закон «О бухгалтерском учете», перевод международных стандартов на узбекский язык, совершенствование состава и содержания предметов, преподаваемых по направлениям «Бухгалтерский учет и аудит» в соответствии с опытом передовых мировых университетов. Ключевые слова: финансовый учет, управленческий учет, основные принципы бухгалтерского учета, пользователи информации финансовой отчетности.	Abstract: this article has developed proposals for the implementation of work on the transition to International Financial Reporting Standards in the Republic of Uzbekistan. In particular, amendments to the Law “On Accounting”, translation of international standards into Uzbek, improvement of the composition and content of subjects taught in the areas of “Accounting and Audit” in accordance with the experience of leading world universities. Keywords: financial accounting, management accounting, basic accounting principles, users of financial reporting information.

Д.Р. Рафеев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ТЕЛЕРАДИО ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг зарурияти, мақсади, ташкилий ва ахборот таъминоти, шунингдек уни ўтказиш кетма-кетлиги масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: телерадио хизматлари, аудит, ахборот таъминоти, аудитни режалаштириш, аудит дастури, молиялаштириш, даромад, харажат, ҳисоб-тўлов шартномаси, харажатлар сметаси.

Кириш. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий равнақида оммавий ахборот восита (ОАВ)ларининг ўрни бекиёсдир. ОАВлар орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, муаммолар, улар ечимига қаратилган чоратadbирлар, илғор тажрибалар виртуал, жонли, онлайн режимда жамоатчиликга, давлат бошқарув органларига етказилади. ОАВлар тақдим этган ахборотлар жамоатчилик назоратини амалга оширишда ғоят муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ОАВлари ролига катта баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлади: “Ҳаммамиз яхши тушунамиз, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутди...ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шижоат, профессионал маҳорат, ҳолислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади”¹.

ОАВда телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хизмат турларининг жамиятни, унинг барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштиришдаги роли бекиёсдир. Мамлакатимизда телерадио хизматлари “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси” ДУКнинг асосий фаолияти бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ДУК 50 та телестудия, 13 та радиостанция, 36 та кабелли телевидениедан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қамраб олган².

“Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси” ДУК, бир томондан, давлат буюртмаси, иккинчи томондан эса, тадбиркорлик асосидаги фаолиятни юритади. Мос равишда, ДУК ишлаб топган даромадлар бюджетдан тушадиган ҳамда ўзи ишлаб топган даромадлардан ташкил топади. Кўрсатиладиган хизматлар ДУК томонидан турли сарф-харажатларни қилишни тақозо этади. Буларнинг барчаси телерадио хизматларини ва уларни кўрсатувчи телерадио компанияларини ҳисоб ва аудитнинг ўзига хос объектлари ва субъектлари эканлигидан дарак беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Телерадио хизматлари ҳисоби ва аудитига бағишланган махсус курслар ОТМларда ўқитилмайди. Шу боис ҳам, ушбу соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитга бағишланган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар республикаимизда чоп этилмаган. Шу билан бирга, республикаимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг умумий масалаларига бағишланган ўқув адабиётлари³ телерадио компанияларида ҳисобни юритиш ва аудитни ўтказишда муҳим методологик манбалар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида диалектик ёндашув, абстракт-

¹Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. www.prezident.uz 08.12.2018.

²www.mtrk.uz

³Дусмуратов Р. Аудит асослари. –Т.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси,2003.- 612 б; Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик.- Т.: Молия, 2003. - 220 б.;Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, Ўқув қўлланма, - Т. : “Ўқитувчи”, 2004; Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби:назария ва методология. –Т.: Фан, 2006. -108 б.; Шеремет А.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. –М: Инфра,2008.- 367 с; Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:2004 й. 592 б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 1999.-368 б., Хасанов Б.А. Амалий бошқарув ҳисоби. –Т.: 2013.-304 б.

мантикий фикрлаш, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Республикада телекоммуникация технологиялари ривожланишининг қонунчилик ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актларда ҳисоб объектининг таснифий асослари яратилмаган. Телекоммуникация хизматларининг алоҳида турлари бўйича махсулот таннархини калькуляция қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ўзбекистонда ҳам умуммамлакат миқёсида ахборот коммуникациялар йўналишларидан бири, рақамли иқтисодиёт таркибида рақамли радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тизимига ўтишдек ғоят муҳим ва катта аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилган аудитни тўғри ташкил этиш улар фаолиятини ривожланишига олиб келади. Шу боисдан ҳам биз телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилган аудитни нафақат текшириш объекти сифатида қарамасдан унга консалтинг хизматларини кўрсатишини таъминлашдан иборат деб қарашимиз лозим.

Бошқарув нуқтаи назаридан аудит бошқарув қарори қабул қилишдан олдинги босқич бўлиб, унинг мақсади: бошқарилаётган объект ҳолатига тўғри баҳо бериш ва бу ҳолатнинг талаб қилинаётган ҳолатдан қанчалик фарқ қилишини кўрсатиб бериш; объектни амалдаги вазиятдан талаб қилинаётган ҳолатга ўтказиш имкониятлари ва йўллари аниқлаш; мақбул қарорлар қабул қилиш учун материаллар тайёрлашдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, корхона даромадларини бошқариш тизимида аудит ахборот олиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ўртасидаги оралиқ жойни эгаллайди. Улар бошқарув қарорларини қабул қилиш асоси бўлиб ҳисобланади, қарор қабул қилишнинг ўзи эса бошқарув тизимида етакчи ўрин тутди.

Агарда телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда молиявий ҳисоботлар БҲМС асосида тузилган бўлса, халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказишдан олдин ҳисоботларни МҲХС ларига мослаштириб трансформация қилишимиз зарур.

Қуйидагилар телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилган аудитнинг ахборот таъминоти бўлиб ҳисобланади:

- Телерадиокомпания Низоми;
- Харажатлар сметаси;
- Шартномалар, счёто-фактуралар, медиа-жадваллар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар;
- Синтетик ва аналитик счётлар маълумотлари;
- Мемориал ордерлар;
- Бош китоб маълумотлари;
- Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар;
- Бошқа ҳисоботлар.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишдан олдин аудитор корхона фаолияти билан танишади ва аудиторлик rischi, иш ҳажмини аниқлайди. Шундан сўнг томонлар ўртасида шартнома тузилади. Халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилган аудит жараёнида аудитни тўғри режалаштириш унинг самарадорлигини оширади. Шу сабабли ҳам аудитни режалаштириш 300-сонли “Аудитни режалаштириш” номли халқаро аудит стандарти талаблари асосида амалга ошириш лозим ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви режасидан сўнг унинг дастури тузилади. Аудиторлик дастурида аудиторнинг иш ҳужжатлари ҳамда аудит жараёнида қўлланиладиган текшириш усуллари ифодаланади. Аудиторлик дастурига асосан корхона даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги асослилиги аниқланади.

Аудиторлик режаси ва дастурида бажариладиган тадбирларни амалга оширувчи

аудиторлар ўзига бириктирилган тадбирлар юзасидан аудит қилишнинг тахминий кетма-кетлигини белгилаб олади ва шунга асосан аудиторлик текширувини маълум тартибда амалга оширади. Бу аудиторлик иши сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайди.

Аудиторлик текшируви таркибида даромадлар аудити ўта муҳим ҳисобланади. Телерадио компаниялари ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари, ҳомийлар ва реклама маблағлари, шунингдек, қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади. Чунончи, Самарқанд вилоят ТРК даромадлари ва уларнинг таркиби 2019 йилда қуйидагича моддалардан ташкил топган (1 -жадвал).

1- жадвал

**Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йилдаги даромадлари
тўғрисидаги маълумот (минг сўм)¹**

№	Кўрсаткичлар	Сумма	Улуши, %
1	Бюджетдан олинган маблағлар	2037716,5	44,2
2	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди даромадлари, шундан:	2563428,9	55,5
2а	Хизматлар кўрсатишдан	391897,1	15,3
2б	Бошқа тушимлар	2171531,8	84,7
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар	12540,7	0,3
Жами		4613686,1	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, компаниянинг 44,2 %, яъни 2037716,5 минг сўм маблағи бюджет маблағлари, 55,5 %, яъни 2563428,9 минг сўм маблағи бюджетдан ташқари маблағларидан ҳамда 0,3%, яъни 12540,7 минг сўм бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича имтиёзлардан иборат.

Телерадио хизматларидан олинган даромадларни аудит текширувида, авваламбор, молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда акс эттирилган даромадларни, шунингдек бюджетдан ташқари бўлган бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди даромадларини ўрганиб чиқиши лозим. 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти ТРКда кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадлар 2563428,9 минг сўмни ташкил этади. Бу даромад суммаси бир нечта хизмат турларидан, чунончи реклама, эълонлар, мусиқий клипларни намоиш этиш, тижорий кўрсатувлар ва бошқалардан тушган тушумлардан ташкил топган. Текширишлар шуни кўрсатдики, 2019 йил давомида реклама хизматлари бўйича 193 та тижорат ҳисоб-китоб шартномалари тузилган. Ушбу шартномаларнинг 35 таси турли сабабларга кўра бекор қилинган ва бу қўшимча даромад манбасининг камайишига олиб келган.

Аудиторлар шартномаларни тўғри тузилганлиги ва ўз вақтида бажарилганлигига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Бунинг учун ҳар бир шартнома расмийлаштирилиши ва моҳиятан текшириб чиқиши лозим. Текширув услубияти тушунарли бўлиши учун компаниянинг реклама хизматлари бўйича тузилган 49/Р-сонли ҳисоб-тўлов шартномасини ва ушбу шартнома бўйича бажарилган ишлар таҳлил этилди. Таҳлилда қуйидагилар аниқланди.

Биринчидан, 49/Р-сонли ҳисоб-тўлов шартномаси 2019 йил 11 апрелда “ERKIN EMINA EXPRES TOUR” МЧЖ билан “Янги автобус қатнови” номли реклама ролигини тайёрлаш ва узатиш бўйича тузилган. Шартнома бандлари қуйидагича (2- жадвал).

Иккинчидан, шартномага асосан реклама ролиги 15 апрелдан 15 майга қадар намоиш этилиши лозим эди ва Самарқанд вилояти ТРК шу муддат ичида ҳар куни соат 8:10, 19:10 ва 21:45 да эфирда узатган. 2019 йил 16 май куни ишларни бажариш бўйича 16-сонли далолатнома тузилган ва 16-сонли счёт-фактура ёзиб берилган. Бухгалтер шу ҳужжатларга асосан даромадни тан олган.

¹Маълумот Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясини 2018 йил ҳолатига Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан олинган

2- жадвал

**“ERKIN EMINA EXPRES TOUR” МЧЖ билан тузилган шартнома
маълумотлари**

№	Иш ёки хизмат тури	Ўлчов бирлиги (дақиқа, сония)	Сони	Баҳоси	Таъминлаш баҳоси
1	ТВ рекламани тайёрлаш	20 сония	1	421 000	421 000
2	ТВ рекламани эфирга узатиш	дақиқа	30	125 000	3 750 000
Жами					4 171 000

Учинчидан, бажарилган ишларга гувоҳлик берувчи ҳужжатларни шартнома шартлари билан таққослаш шартнома шартларини бажарилиш ҳолатига аудиторлик ҳуло-сасини қилиш имконини беради, бизнинг таҳлилларимиз СТРда мазкур шартномани бажа-рилишида четланишлар мавжуд эмаслигини ҳамда уни тўлиқ бажарилганлиги кўрсатди.

Аудит режаси ва дастури бўйича текшириш лозим бўлган муҳим кўрсаткич харажатлар ҳисобланади. Самарқанд ТРК бюджет ташкилоти бўлганлиги сабабли харажатлар сметаси бажарилишининг реаллигини текшириш энг муҳимдир. Текшириш учун биз Самарқанд ТРК харажатларини режа, молиялаштирилиши, касса ва ҳақиқий харажатлар кесимида гуруҳлаб чикдик, ушбу гуруҳлар кесимидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

**Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил смета харажатлари
ижросининг текшириш натижалари**

№	Харажат номи	Тасдиқ- ланган режа	Молиялаш- тирилган	Касса харажат- лари	Ҳақиқий харажатлар	Фарқи(+/-)
1	Иш хаки	1 142 704,0	1 134 650,0	1134650,0	1 156 476,2	21826,2
2	Ногиронлик бўйича имтиёзлар	12 455,0	18 206,6	18 206,6	19 047,9	841,3
3	1-гуруҳ. Иш ҳаққи ва унга тенглашти- рилган тўловлар	1 155 159,0	1 152 856,6	1 152 856,6	1 175 524,1	22667,5
4	2 гуруҳ. Ягона ижтимоий тўлов	284 437,0	282 880,3	282 880,3	289 119,0	6238,7
5	3-гуруҳ харажатлар	-	-	-	-	-
6	Коммунал хизматлар	31 588,0	-	31 586,6	28 909,4	-2677,2
7	Товар моддий захиралар	19 235,0	-	19 235,0	19 241,2	6,2
8	Товарлар ва хизмат- ларни сотиб олиш учун бошқа харажатлар	551 158,0	-	551 158,0	551 158,0	0
9	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизмати	1 521,0	-	1 521,0	1 521,0	0
10	Объект хавфсизлиги хизмати	549 637,0	-	549 637,0	549 637,0	0
11	4-гуруҳ.Бошқа харажатлар	601 981,0	601 979,6	601 979,6	599 770,1	-2209,5
	Жами	2 041 577,0	2 037 716,5	2037716, 5	2 064 413,2	26696,7

3-жадвалдан кўриниб турибдики, смета харажатлари 4 та гуруҳга бўлинади. СТРда ушбу смета ўз ичига жами 32 та моддани олади. Ҳақиқий харажатлар тасдиқланган

харажатлар сметасининг 1 ва 2 гуруҳига нисбатан кўп бўлиб, фақат 4 гуруҳ харажатларига нисбатан камни ташкил қилган. Ҳақиқий харажатлар молиялаштирилган маблағларга нисбатан 26696,7 минг сўмга кўп бўлиб, у асосан ходимларнинг иш ҳақининг ошиши ҳисобидан вужудга келган.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ва кутилаётган режалар тўғрисида доимий равишда ахборотларни узатиш тизимидир.

2. Янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида, жумладан рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

3. Мамлакатимизда хусусий телерадио каналларининг камлиги бу соҳада кучли рақобатнинг вужудга келишига тўсқинлик қилмоқда.

4. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказишдан асосий мақсад корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мос ҳолда олиб бораётганлигини текшириш ва унга ҳолисона баҳо беришдан иборат.

Тадқиқот олиб бориш натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Самарқанд вилоят ТРКсида мажбурий аудит текшируви ўтказилмаслигини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдини олиш, корхонанинг иқтисодий жиҳатдан янада юқалишини таъминлаш мақсадида ташаббусли аудит текшируви ўтказиш мақсадга мувофиқ.

2. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказишнинг яхлит кетма-кетлиги ишлаб чиқилиши лозим.

3. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказишнинг яхлит режаси ва дастурини ишлаб чиқишга зарурат мавжуд.

4. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда асосий тўловлардан бири бўлган янги маҳсулотларга муаллифлик қалам ҳақи (гонорар) тўловларини аудитор томонидан синчиклаб ўрганилиши керак. Чунки яратилган янги маҳсулот учун тўланадиган қалам ҳақи тегишли меъёрий ҳужжатларга мос келиши лозим. (Ўз МТРК 118-сонли буйруқ).

5. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда тижорат йўналишида мижозлар билан тузилган шартномалар ялпи текширувдан ўтказилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. www.president.uz 08.12.2018
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон қарори.
3. www.mtrk.uz.

Д.Рафеев Концептуальные вопросы аудита деятельности субъектов, оказывающих телерадио услуги	D.Rafeev Conceptual issues of audit of the activities of entities providing television and radio services
Аннотация: в статье исследованы необходимость, цель, организационные и информационные обеспечение, а также последовательность проведения аудита деятельности субъектов, оказывающих телерадио услуги. Ключевые слова: телерадио услуги, аудит, информационное обеспечение, планирование аудита, программа аудита, финансирование, аудит доходов, аудит расходов, расчетно-платежный договор, смета расходов.	Abstract: the article examines the need, purpose, organizational and information support and reality of auditing entities that provide broadcasting services. Keywords: audit, international audit, international audit standards, media, digital economy, digital radio, information support, audit planning, audit software, budgeting, revenue audit, cost audit settlement agreement, cost estimate.

А. Амонов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада иқтисодий экспертизанинг бир тури бўлган Суд-бухгалтерия экспертизасини моҳияти, ҳуқуқий меъёрий асослари, тайинлаш зарурияти ва унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: экспертиза, эксперт, суд экспертизаси, бухгалтер-эксперт, суд экспертнинг ҳулосаси (хулоса).

Кириш. Рақамли иқтисодиёт шароитида барча мутахассислар каби ҳисоб ва назорат тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассисларининг масъулияти ва жавобгарлиги янада ортади. Шу боис бухгалтерия ҳисоби ва назорати ходимлари ҳўжаликни юритишга кўмак бериши, турли ҳўжалик ҳолатларида тезкор ва тўлиқ аниқлаб иш кўра билиши, рақамли иқтисодиёт шароитида вазифаларни тўлиғича тушиниб етиши, бошқарув қарорларини қабул қилишда раҳбариятга ҳамда фуқаролик, жиноий ва ҳўжалик фаолиятлари бўйича кўрилатган ишларни одилонга ҳал қилишда суд-тергов органларига суд экспертизаси ўтказиш натижалари бўйича асосланган тавсияларини тақдим этишлари лозим бўлади.

Бугунги кунда суд, тергов амалиётида суд-иқтисодий экспертизанинг турларидан бири бўлган суд-бухгалтерия экспертизасининг роли ошиб бормоқда. Мақолада олға сурилган масала айнан шу йўналишда бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг олти устувор йўналишлари белгилаб берди. Мақолада улар ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Шунингдек мақолани тайёрлашда Д.Жалоловнинг 2005 чоп этилган “Суд-бухгалтерия экспертизаси” ўқув қўлланмасидан, 18-ноябрь 2009 йил “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан ҳамда А.Норбоев, А.Закутскийларнинг “Вопросы организации и проведения судебных экспертиз» Т-2006 ўқув қўлланмалари ва Х.Бобоев, Ю.Дадабоевларнинг “Судебная бухгалтерия” ўқув қўлланмаларидан Х.Сулаймонова номидаги Республика СБЭнинг Самарқанд филиали материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида 2009 йил 8-ноябрда қабул қилинган “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўзда тутилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ва методологик асос сифатида мантиқий таҳлил, анализ ва синтез усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Таҳлил ва натижалари. Илмий ишнинг мазмуни мамлакатимизда ижтимоий масалалардан энг муҳими бўлган шахс эркинлиги, суд-тергов тизимида шаффофлик ва очиқлик тамоийларини аниқлашда ҳаққоний далиллар асосида исботлаб берувчи тизим бу-суд экспертизасининг бир қисми бўлган суд-бухгалтерия экспертизаси эканлиги исботлаб берилди.

Суд-бухгалтерия экспертизаси қачон ва қандай ҳолатларда ким томонидан белгиланади? Келинг аввалам-бор шу масалага аниқлик киритайлик. 2009 йил 18- ноябрда қабул қилинган “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилганидек суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб борувчи терговчи ишни сифатли ва қонунан тўғри боришида чуқур ва юқори савияли бухгалтерия билимларига эҳтиёж туғилганда. Хусусан иш юзасидан жиноий ишга қўл урган шахслар фаолиятини тергов органлари ходимлари ҳар бир ҳужжат ва материалларини таҳлил қилиб янги фактларни очиши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолатларда терговчи суд бухгалтерия экспертизаси ёрдамисиз кўзланган ютуққа тўлиқ эриша олмайди ва айнан даслабки ҳолатни тиклаш қийин кечади.

Республикаимизнинг сиёсий ва иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган чуқур ислохатлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам кенг қамраб олди.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида “Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган,

деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”¹ деган эди.

Бундай фикр бежиз айтилмади. Кўп йиллик суд-ҳуқуқ органлари амалиётида мавжуд бўлган адолатсизликлар: нотўғри ўтказилган тергов-суриштирув ишлари, фақатгина номигагина иш материалларини бўрттириш учун олинган сохта экспертиза хулосалари натижасида инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётгани халқимиз орасида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга ишончсизлик ҳисларини туғдирди.

Юқорида баён этган фикрини давом эттириб Президентимиз “Эски тузумдан қолган ва хануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин”² деди.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да **Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берди:**

1. Республикада суд тизимини чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, уни демократлаштириш;
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;
3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш;
4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;
5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;
6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Республикада суд экспертиза фаолиятини такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан: 1995 йил 22 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлигининг экспертиза хизматини ривожлантириш тўғрисида” ги 234-сонли қарорига асосан, Тошкент суд экспертиза илмий-тадқиқот институти Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига айлантирилди. Маказнинг илмий салоҳиятини Тошкент шаҳридаги 8 та етакчи лаборатория ва 9 та вилоятлардаги бўлинмалари ташкил этди.

Суд-иқтисодий экспертизалари ўтказилиши бугунги кунда нафақат Марказий муассасада, балки вилоят бўлинмаларида ҳам суд-иқтисодий экспертизанинг барча турлари, чунончи: бухгалтерия, молия-кредит, иқтисодий-режавий, меҳнат иқтисодиёти ва иқтисодий-статистика экспертизаларига суд-тергов органларини бўлган эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

Сўнгги йилларда ташкил қилинган экспертиза турлари қаторига, иқтисодиёт соҳасида банк-кредит, солиқ қонунчилиги ва ташқи иқтисодий каби экспертиза турларини таъкидлаш жоиз.

Республика суд-экспертиза марказининг Самарқанд вилоятлараро бўлими бугунги кунгача Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида суд-иқтисодий экспертизанинг барча турлари бўйича экспертизалар ўтказиб келмоқда. Чунончи: 2017 йилда 91 та 2018 йилда 101 та, 2019 йилда 114 та хулосалар берилган.³

Бугунги кунда суд, тергов амалиётида суд-иқтисодий экспертизанинг турларидан бири бўлган суд-бухгалтерия экспертизасининг роли ошиб бормоқда. Одатда суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш зарурияти қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- тафтиш ва тергов материаллари мос келмаганда;
- айбланувчи тақдим этган ҳужжатлар тафтишчи томонидан қабул қилинмаганда;
- маълум масалаларни ҳал этиш бухгалтерия ҳисобидаги махсус билимлар талаб қилинганда;
- суистеъмол ва товар моддий бойликларни аниқлашда тафтишчи томонидан қўлланган услуб ва методларни тўғрилигига ва тафтиш хулосасига терговчининг гумони бўлганда;
- моддий жавобгар шахсларни аниқлаш ва улар етказган зарарнинг миқдори ва даврини текшириш зарурияти туғилганда;

¹ Ш.М.Мирзиёев “Олий Мажлисга мурожаатнома” 24 январь 2020 йил

² Ш.М.Мирзиёев “Олий Мажлисга мурожаатнома” 24 январь 2020 йил

³ Х.Сулаймонова номидаги Республика СБЭ Самарқанд вилоят бўлими материаллари

- камомадларни яшириш имкониятлари бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва назоратдаги камчиликлар, мавжуд қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида бўлганда уларни аниқлаш;
- ҳужжатли тафтиш тартиби тўғри ўтказилиб ва тафтишчининг нотўғри ҳаракатлари мавжуд бўлган ҳолда.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш фақат қонунларга бўйсиниш, унга тўлиқ амал қилиш орқали эришилади. Президентимиз эътироф этганидек: **“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қондаси бўлмоғи керак”**¹. Ушбу вазифаларни тўлиқ ижро этиш қонунларга амал қилиб фаолият юритишни, суд-ҳуқуқ тизими ишларида кескин бурилиш ясаш, жамият, халқ манфатларини кўзлаган ҳолда, кўрилатган фуқаролик, жиноий ва иқтисодий ишлар жараёнини шаффофлигини ва одилона ечимини таъминлашни талаб этади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни тўлиқ бажариш кўп ҳолларда судларда фуқаролик, жиноий ва иқтисодий ишларини кўриб чиқишда бойликлар талон-тарожи, мансабдорлик ва ҳўжалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Махсус билимлар орасида суд-бухгалтерия экспертизаси муҳим ўринда туради. Бу уч сўздан иборат (суд, бухгалтерия ва экспертиза) сўзлар бирикмасидан пайдо бўлган “Суд-бухгалтерия экспертизаси”нинг моҳияти куйидагилардан ташкил топади:

Суд - фуқаролик, жиноий ва ҳўжалик(иқтисодий) масалалари бўйича қўзғатилган ишларнинг кўриб чиқиш жараёни.

Экспертиза- жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқлаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш ишлари.

Бухгалтерия–корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритувчи таркибий бўлими.

Шундан келиб чиққан ҳолда **“Суд-бухгалтерия экспертизаси”**–бу бухгалтерия ҳужжатларида ва регистрларида акс эттирилган ҳўжалик операцияларини бухгалтер-эксперт томонидан текшириш жараёнидир.

Тергов ва судда кўрилатган ишларга далил сифатида ҳулоса далолатнома тайёрлаш билан биргаликда ҳўжаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

Суд-бухгалтерия экспертизанинг асосий мақсади – жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича адолатли ҳукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш, иқтисодиёт соҳасида жиноят ва ҳуқуқ, бузишларга йўл қўймаслик, келажакда ҳўжалик ҳуқуқ бузишларни огоҳлантиришга дойир тадбирларни белгилаш.

Суд-бухгалтерия экспертизанинг предмети – аниқ, жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишларининг ҳақиқий вазиятлари ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси объектлари бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисобот, тафтиш далолатномалари ва ишнинг бошқа материаллар ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси иқтисодий соҳа бўйича махсус билимга эга бўлган, суд иқтисодий эксперти мутахассислиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, судга оид иқтисодчи–эксперти мутахассислиги малакасига эга бўлган ходимлар томонидан бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунда “Суд экспертизаси ўтказишнинг асоси бўлиб, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори ёхуд судда кўрилатган фуқаролик, ҳўжалик ва жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими ҳисобланади”².

Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Ҳулоса ва таклифлар. Суд-бухгалтерия экспертизаси жиноий, фуқаролик ва бошқа ишларни судда кўришда ҳамма вақт ҳам тайинланмайди. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилганидек уни тайинлаш, кузатилган

¹ Ш.М.Мирзиёев “Олий Мажлисга мурожаатнома” 24 январь 2020 йил

² “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18- ноябрь 2009 йил

жиноий ишнинг терговини олиб боровчи терговчи ишни сифатли ва қонунан тўғри боришида чуқур ва юқори савияли бухгалтерия билимлар лозим деб топса ёки судда қўрилатган иш бўйича суд ажримида экспертиза ўтказиш талаб қилинган ҳоллардагина кўзда тутилган.

Албатта ишни олиб боровчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерия билимларга эга бўлиши ва оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вақтида айбланувчининг ёхуд гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиши мумкин. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПК моддасига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда суд, терговчи ижтимоий хавф-хатар мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаганлиги ушбу ҳаракатни содир қилган шахс айбдорлиги ва ишни тўғри ечилишга аҳамияти бўлган барча ҳақиқий маълумотлар жиноий иш бўйича далил бўлади. Экспертиза ҳулосаси ана шу далиллар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18- ноябрь 2009 йил.
2. Ш.Мирзиёев. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” (ПФ-4947 сон)
3. Жалолова Д. “Суд-бухгалтерия экспертизаси” Ўқув қўлланма.Т-2005
4. Қайимов.У.К. ”Суд-бухгалтерия экспертизаси” Дарслик “Ўқитувчи” нашриёти Тошкент-1993 йил
5. Тайилов А. “Суд-бухгалтерия экспертизаси фанитдан маъруза матнлари Самарқанд-2005 йил
6. Х.Бобоев, Ю.Дадабоев “Судебная бухгалтерия” Уч. Пособие. Т-2001
7. А.Норбоев, А.Закуцкий “Вопросы организации и проведения судебных экспертиз» Уч.пос.Т-2006

А. Амонов	A.Amonov
Необходимость назначения судебно-бухгалтерской экспертизы и ее значение	The need to appoint a forensic accounting expertise and its significance
Аннотация: в данной статье освещены вопросы значения, сущности и роли судебно-бухгалтерской экспертизы, в процессе рассмотрения судебно-следственных разбирательств в органах суда и следствия.	Abstract: in the article the essence, legal-normal basics, designating necessity of judge-accounting expertise which is one type of expertise and formalization of its consequences were stated.
Ключевые слова: экспертиза, эксперт, судебная экспертиза, эксперт-бухгалтер, заключение экспертизы.	Keywords: expertise, expert, judge expertise, accountant-expert, the consequence of judge-expertise.

О.М.Эсанов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

**КЎЧМАС МУЛК ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация: ушбу мақолада корхоналар кўчмас мулки ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришнинг методологик асослари ёритиб берилган.
Калит сўзлар: бошланғич қиймат, Баланс қиймат, Таннарх, Эскириш ҳисобланадиган қиймат, Ҳаққоний қиймат, таҳлил, бухгалтерия вазифалари, бухгалтерия ҳисоби.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириб, инновацион жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулкларлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда уларнинг ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, бандликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий иқтисодиётимиз ривожланишида ҳам асосий эътиборни корхоналар кўчмас мулклардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни олдини олиш ижобий самара беради. Чунки, корхоналар активлари таркибида кўчмас мулкларнинг ҳиссаси юқори ҳисобланади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга доир «Ҳаракатлар стратегияси»да миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Корхона активлари таркибида кўчмас мулкларининг салмоғи катта бўлганлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун аввало ҳисобни халқаро стандартларга мослаштириш керак бўлади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.¹ Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлар, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар бошқарув структурасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, МХХСларини жорий этиш, сифатли ахборот таъминотини яхшилаш вазифасининг қўйилиши ҳам корхоналарда бошқарув ҳисобини жаҳон андозалари асосида ташкил этишни тақозо этади. Ушбу Қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрланишини белгилаб берди.²

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикамизда рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган бир шароитда корхоналарда кўчмас мулк ҳисоби ва назоратини ижобий тарзда йўлга қўйишда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларига мослигини ўрганиш ҳар томонлама самарали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқот йўналишида республикамизда кўплаб иқтисодчи олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришганлиги маълумдир. Жумладан К.Уразов, С.Ташназаров, И.Исманов, Ф.Абдувахидов, Д.Сотиволдиева, А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлақуловлар мулк ҳисобининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ёритиб берганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, замон ва макон, анализ ва синтез, мантикий таҳлил каби усулларни қўллаган ҳолда ўрганилган. Ушбу жараёнда турли фикрларни умумий яхлит тарзда фойдаланиш мумкин бўлган услуддан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. БҲХС №16 Стандартида кўчмас мулкга доир қуйидаги атамалар келтирилган:

Баланс қиймати – бу ҳар қандай жамғарилган эскириш ва йиғилган кадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинадиган суммасидир.

Таннарх – бу активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, тегишли ҳолларда, бошқа БҲХСларнинг, масалан БҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активнинг дастлабки тан олинимидаги қийматдир.

Эскириш ҳисобланадиган қиймат – бу активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматдир.

Эскириш – бу активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб боришдир.

Ҳаққоний қиймат – бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиними мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир.

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

² Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

Кадрсизланиш бўйича зарар – бу активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир.

Қопланадиган қиймат – бу активнинг қуйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати.

Активнинг тугатиш қиймати – бу активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айна пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қийматидир.

Миллий стандартларда “ҳаққоний қиймат” қиймат “кадрсизланиш бўйича зарар” тушунчалари ҳақида маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам биз миллий стандартларимизга бу тушунчаларни киритишимиз керак. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида “ҳаққоний қиймат”ни юритиш жуда муҳим саналади.

Юқорида берилган таърифларга таянган ҳолда, қуйидагича таърифланишни таклиф сифатида тавсия қиламан.

Ҳаққоний қиймат – бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида мулкни сотиш мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, корхоналарида кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини юритиш муҳимдир. Чунки мулк эгаси кўчмас мулкни қийматини ҳар доим назорат қилиб бориш керак бўлади.

Корхоналар кўчмас мулки ҳисоби ва ҳисоботи Халқаро ташкилотларда асосий фаолият билан боғлиқ ва асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган қўшимча ўсиш ёки ижрага бериш учун мўлжалланган мулклар алоҳида юритилади. Асосий фаолият билан боғлиқ бўлган кўчмас мулкларнинг ҳисоби IFS №16 “Асосий воситалар” Стандарт асосида олиб борилади. Ушбу кўчмас мулклардан келиб тушган наф: даромад, тушум сифатида қаралади. Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган қўшимча ўсиш ёки ижрага бериш учун мўлжалланган мулкларнинг ҳисоби ва ҳисоботи IFS №40 “Инвестицион мулк” Стандарт асосида олиб борилади ва улардан олинган нафлар эса инвестицион даромад сифатида алоҳида тан олинади.

Актив сифатида тан олинishi мумкин бўлган кўчмас мулк объекти таннарх бўйича баҳоланади. БҲХС ҳамда МҲХСларда кўчмас мулкларнинг бошланғич қийматининг элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Харид баҳоси, шу жумладан расмийлаштириш бўйича йиғимлар ва харид жараёнида қайтарилмайдиган соликлар (савдо чегирмаси чиқарилади);
- 2) Кўчмас мулкни ишчи ҳолатга келтириш бўйича тўғридан-тўғри харажатлар, масалан:
 - ✓ Кўчмас мулкларни яратиш ёки харид қилиш билан бевосита боғлиқ ходимларни рағбатлантириш харажатлари (19-сон БҲХС “Ходимларни рағбатлантириш” стандартига мувофиқ);
 - ✓ Майдонни тайёрлаш харажатлари
 - ✓ Монтаж ва тамирлаш харажатлари;
 - ✓ Профессional хизматлар қиймати.
- 3) Кўчмас мулкни, демонтаж ва у жойлашган майдонни тикланишининг мўлжалдаги қиймати ва бошқалар.

Корхоналар кўчмас мулкга қилинган харажатларини уларни сарфланиш моментида тан олади. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кўчмас мулк объектларини харид қилиш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ҳолда сарфланган харажатлар;
2. ушбу объектни бойитиш, қисман алмаштириш ва унга хизмат кўрсатилиши оқибатида амалга оширилган харажатлар.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг кўчмас мулкларидан самарали фойдаланиш муҳим саналади. Шу боис ҳам корхоналар кўчмас мулкнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса ва таклифларни маъқул деб топдик.

- ✓ Кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларининг миллий валюта ҳамда чет эл валютасида ҳам ҳисобга олиш, яъни жаҳон баҳоларини қўлланилишини бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалари асосида ҳисобга олинишини таъминлаш;
- ✓ “ҳаққоний қиймат” тушунчасини миллий стандарларимизга киритиш;
- ✓ кўрсатилаётган хизматларни реализация қилишда яққол кўринишини халқаро андозаларга биноан ҳисобини юритиш;
- ✓ кўчмас мулклардан олинадиган даромадларини тўғри ва ўз вақтида тегишли счётларда акс эттириш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини тaminлаш;
- ✓ ҳозирги рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир шароитда корхоналар кўчмас мулки ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2020 й.
3. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
4. Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
5. 16-сон БХХС “Мулк (ер), бино, машина ва асбоб-ускуналар” стандарти
6. IFS №40 “Инвестицион мулк” Стандарти
<https://www.lex.uz>-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
<https://www.norma.uz> - Ўзбекистон республикаси ахборот-ҳуқуқий портали.

О.Эсанов Улучшение бухгалтерского учета недвижимости на основе международных стандартов	О.Эсанов Improving real estate accounting based on international standards
Аннотация: в статье описаны методологические основы совершенствования учета недвижимого имущества предприятий на основе международных стандартов. Ключевые слова: начальная тоимость, балансовая стоимость, стоимость, амортизируемая сумма, справедливая стоимость, анализ, бухгалтерские функции, бухгалтерский учет.	Abstract: this article describes the methodological basis for improving the accounting of real estate of enterprises on the basis of international standards. Keywords: initial value, balance sheet value, cost, depreciable value, fair value, analysis, accounting functions, accounting.

З.Б.Эшпулатова – СамИСИ мустақил изланувчиси

ДАРОМАДЛАР ТАСНИФИГА ДОИР РОССИЯ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ

Аннотация: ушбу мақолада даромадлар ҳисобининг долзарблиги асосланган. Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандарти бўйича Россия амалиётида қабул қилинган тажрибалар илмий талқин қилиниб, уларнинг маълум бир жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш ҳамда Бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда даромадларга оид қоидаларни мувофиқлаштириш, шунингдек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Калит сўзлар: даромадлар, товарларни сотишдан даромад, одатдаги фаолиятдан олинган асосий даромадлар, бошқа даромадлар, фойда ёки зарарлар.
--

Кириш. Бугунги кунда янги Ўзбекистон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тан олган ва уни корхоналар фаолиятига жадал жорий қилаётган мамлакатлар қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида” [1] Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этишни ҳамда мамлакатимизда мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни тақозо этади. МҲХСларига ўтишда молиявий ҳисоботнинг асосий элементи ҳисобланган даромадларни тан олиш, уларни таснифлаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган даромадларнинг турлари ва уларнинг таснифланиши халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ келади, деб бўлмайди. Шу боис, даромадларни таснифлаш масалалари ҳамда уларни тан олинган таснифига мувофиқ бухгалтерия счётлари таркибини ишлаб чиқиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Даромадларни тан олиш, уларни таснифлаш масалалари 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” [2] ҳамда 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” [3] стандартлари билан тартибга солинади. Россия амалиётида эса даромадларни ҳисобга олиш ПБУ 9/99 “Ташкилотлар даромадлари” номли Низом [4] асосида ҳисобга олинади. Мамлакатимиз олимларидан А.З.Авлоқулов [5] молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларини тадқиқ этган. Россияда расмий чоп этирилган материалларда¹ даромадлар одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар ва бошқа даромадларга таснифланган. Бошқа манбаларда² одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар ва бошқа даромадларнинг Россия амалиётида қабул қилинган таркиби белгилаб берилган. Ушбу адабиётларни таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ушбу илғор тажрибаларни тадқиқ этиб мамлакатимиз амалиётига маълум жиҳатларини жорий қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар натижасида Россия ва мамлакатимиз амалиётида жорий қилинган даромадларнинг таснифига мувофиқ келадиган счётлар таркиби ўрганилди (1-жадвал).

Ушбу маълумотларни солиштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Россия амалиётида даромадларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган счётлар таркибига 70 “Сотишдан даромад”, 71 “Бошқа операцион даромадлар”, 72 “Капиталга қатнашишдан даромадлар”, 73 “Бошқа молиявий даромадлар” 74 “Бошқа даромадлар” счётлари киритилган. Ўзбекистонда даромадлар ҳисоби учун 9000 “Асосий (операцион) фаолияти даромадларини ҳисобга олувчи счётлар”, 9300 “Асосий фаолиятнинг бошқа

1-жадвал

Россия ва Ўзбекистон амалиётида жорий қилинган даромадларнинг таснифининг қиёсий таҳлили

Россия амалиёти бўйича	Ўзбекистон амалиёти бўйича
70 “Сотишдан даромад”	9000 “Асосий (операцион) фаолияти даромадларини ҳисобга олувчи счётлар”
701 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромад”	9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”
702 “Товарларни сотишдан даромад”	9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”
703 “Иш ва хизматларни сотишдан даромад”	9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”
	9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”
	9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”
71 “Бошқа операцион даромадлар”	9300 “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар”
710 “Ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга	

¹https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet_dokhodov.html

² https://studbooks.net/1503863/buhgalterskiy_uchet_i_audit/uchet_dokhodov_rashodov_predpriyatiya

олинадиган активларнинг бошланғич тан олишдан даромад ёки қийматининг камайиши”	
711 “Хорижий валютани сотишдан даромад”	
	9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”
712 “Бошқа айланма активларни сотишдан даромад”	9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”
713 “Активларнинг операцион ижарасидан даромад”	
714 “Операцион курс фаркидан даромад”	
715 “Олинган жарималар, пеня ва неустойка”	9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”
	9350 “Оператив ижарадан даромадлар”
716 “Олдин ҳисобдан чиқарилган копланмалар”	9340 “Ўтган йиллар фойдалари”
717 “Кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромад”	9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”
718 “Текинга олинган айланма активлардан даромадлар”	9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”
719 “Операцион фаолиятдан олинган бошқа даромадлар”	
	9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”
	9390 “Бошқа операцион даромадлар”
72 “КАПИТАЛГА ҚАТНАШИШДАН ДАРОМАДЛАР”	
721 “Ассоциациялашган корхоналарда инвестициялардан даромад”	
722 “Қўшма фаолиятдан даромад”	
723 “Шўба корхоналарга инвестициялардан даромад”	
73 “Бошқа молиявий даромадлар”	9500 “Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар”
731 “Олинган дивидендлар”	9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”
	9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”
732 “Олинган фоизлар”	9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”
733 “Молиявий операциялардан бошқа даромадлар”	9540 “Валюталар курслари фаркидан даромадлар”
	9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”
	9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”
	9570 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари»
74 «Бошқа даромадлар»	
741 “Молиявий инвестицияларни сотишдан даромад”	
742 “Активларнинг фойдалигини тиклашдан олинган даромадлар”	
743 “Мулккий комплексларни сотишдан даромад”	
744 “Операцион бўлмаган курс фарқларидан даромадлар”	
745 “Текинга олинган активлардан даромадлар”	
746 “Одатдаги фаолиятдан олинган бошқа даромадлар”	

даромадларини ҳисобга олувчи счётлар”, 9500 “Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” кўзда тутилган. Ушбу солиштириш натижасида хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда “Капиталга қатнашишдан даромадлар” ҳамда “Бошқа даромадлар” учун счётлар киритилмаган. Ушбу счётларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Ўзбекистон амалиётида соф тушумни аниқлаш учун 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ва 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётлари кўзда тутилган, Россия амалиётида эса товарларнинг қайтарилиши ва тақдим этилган чегирмалар билан боғлиқ жараёнларни даромадлар учун мўлжалланган счётларда ҳисобга олиш қайд этилмаган. Мамлакатимиздаги счётлар режасидаги ушбу жараёнлар халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, Россияда бошқа операцион даромадлар таркибида “Ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинган активларнинг бошланғич тан олишдан даромад ёки қийматининг камайиши”дан даромадлар кўзда тутилган. Бизнинг амалиётимизда бу жорий қилинмаган. Халқаро стандартлардаги тартибга мувофиқ фойда ва зарарлар таркибида эмас, балки “Бошқа умумлашган даромадлар” таркибида ҳисобга олинади. Тадқиқотлар асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни икки қисмга ажратиш керак. Биринчи қисми бу “фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот”, иккинчи қисми “Бошқа умумлашган даромадлар”. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, юқоридаги Россия амалиётидаги қайд қилинган даромад моддасини “активларнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда ва зарарлар” деб номлаб, уни “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида”ги ҳисоботда акс эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Хорижий валюта билан боғлиқ даромадларга “Хорижий валютани сотишдан даромад”, “Операцион курс фарқидан даромадлар” киритилиб, ушбу даромадлар бошқа операцион даромадлар таркибида қайд этилган. Мамлакатимизда эса “Валюталар курслари фарқидан даромадлар” молиявий фаолият таркибига киритилган. Халқаро стандартларда эса валюта курси фарқи “бошқа даромадлар” таркибига киритилиб, унинг операцион ҳамда молиявий фаолиятга доирлиги қайд этилмаган. Шу боис, валюта курси бўйича даромадларни бошқа даромадлар таркибида акс эттиришни таклиф этамиз.

Бешинчидан, “Капиталга қатнашишдан даромадлар” гуруҳи ажратилган бўлиб, унга Ассоциациялашган корхоналарда инвестициялардан даромад, Қўшма фаолиятдан даромад, Шўъба корхоналарга инвестициялардан даромадлар киритилган. Бизнинг фикримизча, ушбу тартиб халқаро стандартлар талабларига мувофиқ. Лекин, молиявий фаолиятдан олинган дивидендлар ва фоизлардан фарқли жиҳатлари етарли даражада очилмаган. Мамлакатимиз амалиётида эса капиталга қатнашишдан олинган даромадлар қайд қилинмаган. Бу борада бизнинг амалиётимизни такомиллаштиришга зарурийат мавжуд. Ҳисоботларда молиявий фаолият, жумладан молиявий активлардан олинган фойда ва зарарларни акс эттирувчи моддаларни киритиш зарурияти мавжуд.

Олтинчидан, Россия амалиётида “Бошқа даромадлар” гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркиби ишлаб чиқилган. Бизнинг тажрибада эса бу гуруҳ ажратилмаган. Шу боис, ушбу тажрибани жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўз навбатида халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олиш ўринли ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу тадқиқот натижасида хулосаларни келтиришимиз мумкин:

даромадларни одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда бошқа даромадларга таснифлаш зарурияти мавжудлиги асослани;

мамлакатимизда “Капитал киритишдан олинган даромадлар” ва “Бошқа даромадлар” гуруҳи ишлаб чиқилмаганлигини инобатга олиб счётлар режасида маълум ўзгаришлар киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бошқа даромадлар гуруҳида валюта курси ўзгариши натижасида олинган даромадларни киритиш таклиф этилди;

бугунги кунда мамлакатимизда амалда бўлган молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркиби халқаро стандартларга мувофиқ келмаслиги қайд этилиб уларнинг

таркибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда счетлар режасини такомиллаштириш зарурияти асосланди;

тадқиқотлар асосида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи қисмини “фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот”, иккинчи қисмини “бошқа умумлашган даромадлар” деб номлаш таклиф этилди. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, “активларнинг ҳаққоний кийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда ва зарарлар”ни “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида”ги ҳисоботда акс эттириш лозимлиги асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.
2. 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”.
3. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” .
4. ПБУ 9/99 “Ташкилотлар даромадлари” номли Низом.
5. А.З.Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: ТМИ, 2019 й. 71-б.

З.Эшпулатова Система счетов доходов в России	Z.Eshpulatova System of income accounts in Russia
Аннотация: в этой статье обоснована актуальность вопросов учета доходов. На основании практических примеров ведения учёта в России Положением ПБУ 9/99 “Доход организации” и Международным стандартам Финансовой отчетности, разработаны предложения по приведению в соответствие с МСФО нормативно правовых документов Узбекистана по учету доходов, а также по совершенствованию отчета о финансовых результатов. Ключевые слова: доходы, доходы от реализации товаров, основные доходы по обычным видам деятельности, прочие доходы, прибыли и убытки.	Abstract: this article substantiates the relevance of revenue accounting. Based on practical examples of accounting in Russia by the Regulation of PBU 9/99 "Income of an organization" according to International Financial reporting standards Board (IASB), proposals have been developed to bring the regulatory documents of Uzbekistan on income accounting in accordance with IFRS, as well as to improve the financial results report. Keywords: income, earnings from the sale of tokens, basic income from ordinary activities, other income (gains), profit and loss.

У.А.Ширинов – СамИСИ катта ўқитувчиси

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА
ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Аннотация: мақолада телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар ички аудитни ташкил этиш тартиби кўриб чиқилган. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўзига хос ёндашув акс эттирилган.

Калит сўзлар. телекоммуникация, аудит, ички аудит, аудит режаси ва дастури.

Кириш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, телекоммуникация соҳаси ҳам бугунги кунда жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини самарали олиб бориш, улар томонидан ҳисоботларни шаффоф, аниқ ва изчиллик билан тақдим этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўта муҳим омиллардан биридир. Бир қатор олимлар телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти ҳисоби ва аудитининг долзарб муаммоларига бағишланган изланишлар олиб бормоқдалар. [1,2,3]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ички аудит атамасига турли манбаларда турли хил таърифлар келитирилган.

Ички аудит – бу ташкилотда (корхоналарда) ўз фаолиятини ўз манфаатлари нуктаи назаридан текшириш ва баҳолаш бўйича мустақил фаолият туридир.[4]

Ички аудит хизмати ўз иши давомида корхонанинг бутун фаолиятини, яъни ишлаб чиқаришдан бошлаб, участка ва цехлардан тортиб, то барча соҳаларни қамраб олади ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунчилик ҳамда корхонанинг иқтисодий меъёрий базаси ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини акс эттирувчи ички ҳужжатларни батафсил ўрганишга қаратилган фаолиятдир. [5]

Шундай қилиб, ички аудит бу корхоналар фаолиятини меъёрий ҳужжатларга мослиги ва корхона келажагини белгиловчи қарорларни қабул қилувчилар учун ишончли, аниқ ва ҳолис ахборотларни тақдим этувчи фаолият туридир.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Чунки телекоммуникация хизматлари бу ҳам моддий, ҳам номоддий кўринишга эга бўлган хизматларни ўзида жамловчи фаолият туридир. Бундан ташқари, ички аудитордан ҳам ахборот технологиялар соҳасидан юқори билимга эга бўлишни талаб қилади. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар ўз ишларида янги технологиялардан фойдаланиш ҳажми ва даражасидан келиб чиқиб, ички аудит хизматларини бир нечта гуруҳларга ажратганлар: [6]

- ❖ наворлар (14%) – иқтисодиёт соҳаси, компания ҳажми ёки минтақасидан қатъий назар ҳамма жойда мавжуд. Бу шуни кўрсатадики технологияни қабул қилишдаги стереотипик тўсиқларни (хизмат ҳажми ва бюджети) енгиб ўтиши мумкин;
- ❖ издошлар (46%) – наворларга эътиборни қаратишда ва улар ортидан технологияларни қўллашда эргашишда, лекин жуда секинлик билан;
- ❖ кузатувчилар (37%) – ушбу гуруҳ вакиллари технологиялардан паст даражада фойдаланишда ёки умуман фойдаланишмайди. Улар технологияларнинг етишмаслиги, компаниядаги маълумотлар сифати пастлиги ёки сармоя киритиш учун ресурслар етишмаслиги билан чекланиши мумкин ёки корхона маданий жиҳатдан тайёр бўлмаслиги мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик, корреляция ва регрессия каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилиши лозим.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари	
кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш	ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш

1-расм. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари.¹


Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ички аудиторнинг асосий вазифасидан биридир. Чунки кузатув кенгаши аудиторнинг ахборотлари асосида корхона келажагини белгиловчи қарорларни қабул қилишда. Бу эса корхона келажакда катта наф олишига асос яратиши мумкин. Ички аудитор корхона фаолиятини такомиллаштиришга, харажатларни камайтиришга доир таклифларни ҳам тайёрлаши лозим. Бундан ташқари, ички аудит

¹ Муаллиф ишланмаси

жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиб бориши лозим.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудит технологиясини ривожланаётган иқтисодиётга мослаштириб бориши лозим. Ички аудит технологиясини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши – бу текширув ўтказишни ташкил этиш ва уни тако-миллаштириш йўлларининг самарадорлигини ошириш ҳамда унинг заиф томонларини аниқ-лашдир. Шу сабабдан аудиторлик текшируви босқичларининг кетма-кетлиги, унинг бориши ва натижавийлиги ички аудиторлик назорати самарадорлиги ва ҳолатини белгилаб беради.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари қуйидагилардан иборат:



2-расм. Аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари¹

Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ички аудитор томонидан аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, графиклари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиш, ҳамда ички аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолисона ва асосланган ҳулосани шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик тартиб-таомилларнинг кетма-кетлигини, тури ва ҳажмини аниқлаб берадиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборатдир.


Аудитни самарали режалаштириш учун ички аудитор хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак. Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан танишиб олади.

Ички аудитор томонидан тузилган режа ва дастур асосида аудитор текширув ўтказиш жараёнини амалга оширади. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш бирқанча босқичларда амалга оширилади.

Биз тадқиқот натижасида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш моделини ишлаб чиқдик (3-расм).

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш 7 босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда аудитор текширилиши лозим бўлган объектни аниқлайди ва шу аснода ўз олдида мақсад ва вазифалар қўяди. Иккинчи босқичда аудитор текширув объекти бўйича маълумотларни тўплайди ва тизимлаштиради. Учинчи босқичда аудитор аудит муолажаларини амалга оширади, бунда барча тўпланган далиллар ўрганилади. Тўртинчи босқичда аудитор текширув бўйича ҳисобот тайёрлайди. Бешинчи босқичда тайёрланган ҳисобот натижалари корхона раҳбари, бошқарув органи ва бошқа масул шахслар билан муҳокама қилади. Олтинчи босқичда молиявий натижалар муҳокама қилинади ва еттинчи босқичда эса текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

¹ Муаллиф ишланмаси



3-расм. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш модели.¹

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ишлаб чиқилган модел бўйича телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текширувларини олиб борса корхона тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланувчилар учун юқори сифатли ахборотларни

¹ Муаллиф ишланмасы.

етказиб беради. Бу эса ўз навбатида қарор қабул қилувчилар учун ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш модели ишлаб чиқилди ва аудиторлик ташкилотлари ушбу модел орқали текширувларни ўтказишга аниқ ташхисларга эга бўлишади.
2. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудит муолажаларини тизимли ташкил этиш лозим. Бу эса олинган маълумотларни аниқлигини оширишга хизмат қилади.
3. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик хизматини тўғри ташкил этиш ва улар фаолиятини шаффофлиги ва аниқлигига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Shirinov U. The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems //TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR). – 2017. – Т. 6. – №. 2and3. – С. 23-31.
2. Ширинов У. А. и др. Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио //Интернаука. – 2019. – №. 5-2. – С. 19-21.
3. Ширинов У. А. и др. Телефон хизматларидан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш //Интернаука. – 2019. – №. 2-2. – С. 83-85.
4. <https://ru.wikipedia.org>
5. Axmedjanov K. K. Axmedjanov Iqtisodiyetni liberallashtirish sharoitida ichki auditning mazmuni: ichki audit xizmati va ichki nazorat tizimining ўзаро алоқаси //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 4.
6. С.Маликова Внутренний аудит: основные инструменты и компетенции на базе технологий. <https://www.eg-online.ru/article/377541/>

У.Ширинов	U.Shirinov
Организация внутреннего аудита в услугах телекоммуникаций	Organization of internal audit in telecommunication services
Аннотация: в статье рассматривается порядок организации внутреннего аудита организаций, оказывающих услуги связи. Изучен уникальный подход к организации внутреннего аудита в организациях, оказывающих телекоммуникационные услуги.	Abstract: the article considers the procedure for organizing internal audits of entities providing telecommunications services. There is a unique approach to the organization of internal audit in the entities providing telecommunications services.
Ключевые слова. телекоммуникации, аудит, внутренний аудит, план и программа аудита.	Keywords: telecommunications, audit, internal audit, audit plan and program.

Х.Ў.Пўлатов – СамИСИ ассистенти

САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг асосий механизми ҳамда ҳозирги замон талаблари асосида методологиясини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳам аниқлаш йўллари аниқ формулалар орқали кўрсатиб берилган.
Калит сўзлар: савдо, механизм, инсон манфаатлари, кўрсаткичлар, махсус тармоғ, товар-пул муносабатлари.

Кириш Ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисоби ислох қилиниши аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки мамлакатни модернизациялаш шaroитида корхоналарда ҳисобининг юритилиши нисбатан янги талаблар қўйилмоқда. Рақобат муҳити мустаҳкамланиши ва кенгайиб бориши, бир томондан, корхона учун молиявий ресурсларни қўлга киритиш

имкониятларини оширади, иккинчи томондан эса бу ресурсларнинг самарали ишлатилиши учун масъулиятни кескин кучайтиради. Шу жумладан, савдо корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланмаслик пировард натижада корхонанинг банкротликга олиб келади, мулкдорлик тадбиркорлик фаолияти асос бўлиб хизмат қилаётган малмулкни бой берадилар. Бунга йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш ҳамда савдо жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби соғлом равишда ташкил этилиши ҳамда олиб борилиши лозим. Молиявий нуқтаи назардан савдо жараёни корхона иқтисодий ресурсларининг сарфланиши жараёнидир. У корхона товар-моддий захираларининг, пул маблағларининг, меҳнат ресурсларининг сарфланиши бўлиб ифодаланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили Хўш, “савдо” ва “савдо фаолияти” ўзи нима? Бунинг учун турли адабиётларда қуйидагича таъриф ва тавсифларни келтирган.

Савдо—бу, биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалари ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади, иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир»¹.

«Фаолият сифатида савдо юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Улар товарларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида иштирокчи бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи ҳисобланади. Шу сабабли савдосиз яратилган маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига етиб бормайди ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришини амалга ошириб бўлмайди»².

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, танлаб текшириш, ёппасига текшириш, экспертиза, ҳисоб ва ҳисоботда ҳамда назоратда қўлланиладиган инвентаризация, ҳужжатлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Савдо фаолиятини турли белгилари бўйича гуруҳлаш мумкин. Амал қилиш ҳудудига кўра савдо фаолияти ички ва ташқи савдога бўлинади.

Ички савдо – бу бир мамлакат ҳудуди чегарасида амалга ошириладиган савдо фаолияти.

Ташқи савдо – бу мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни бошқа мамлакатларга сотиш фаолияти. Ташқи савдо фаолияти, бошқачасига, экспорт деб ҳам аталади.

Савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- товар айланмасининг миқдорини ҳужжатли асосга эга бўлишлигини таъминлаш, уни ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларда тўғри акс эттириш;
- тузилган шартномаларни бажарилаётганлигини, товарларни кирим ва чиқимиға тегишли бўлган бошланғич ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш;
- товарларнинг сотиш баҳоларини тўғри шаклланганлигини назорат қилиш;
- товарларни харидорларга етказишгача бажарилган транспортировка, сақлаш, ўраш, қадоклаш, саралаш ва шу каби қўшимча жараёнлар мажмуасини ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш, уларга сарфланган маблағларни аниқ суммасини ифодалаш;
- товар – пул муносабатлари орқали пул маблағларини тўплаш.
- савдо корхоналарида юз берадиган товар-пул операцияларини ўз вақтида, тўғри ҳужжатлаштириш, гуруҳлаш ва жамланишини таъминлаш;
- амалга оширилган товар операцияларининг қонунийлиги ва товар-моддий бойликлар бутлигини таъминлаш;
- товар-моддий бойликларнинг сақланиш жойларида омбор ҳисобини белгиланган усул ва шаклларда, шунингдек ҳисоб регистрлари ҳисобланган китоб, карточка ёки қайдномаларни ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаш;

¹ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Фан ва технология, 2007, 39-бет.

² Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Маърузалар матни. 1-қисм. – Самарқанд, СамИСИ, 2005, 5-бет.

- барча моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан қатъий назоратни олиб бориш, моддий-жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар шартларига тўлиқ амал қилинаётганлиги тўғрисида раҳбариятга ҳаққоний ахборотларни бериб бориш;
- товар-моддий бойликлар бўйича баҳо сиёсатини тўғри шакллантириш ва ушбу сиёсатни тўғри амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш;
- савдо шахобчалари ва омборлардаги товар-моддий бойликларни реал ҳолатини белгиланган муддатларда инвентаризациясини ўтказиб туриш.

Савдо корхоналари бир бирларидан товар операцияларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича ҳам фарқ қилади. Жумладан, улгуржи савдо корхоналаридаги товар операцияларининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, биронта товар-моддий бойликнинг кирим ва чиқими бу ерда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан туриб амалга оширилмайди.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, аксинча, ҳар бир товар операциясини ҳужжатлаштириб бўлмайди. Омборлардан товарлар фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотилади, чакана савдо ва умумий овқатланишда эса товарлар асосан нақд пулга, айрим ҳолларда кичик улгуржи шаклда нақдсиз сотилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Савдо корхоналар ривожлантириш учун электрон савдони ўрни жуда катта чунки ҳозирги кунда электрон савдо барча мамлакатларда кенг амалга оширилмоқда масалан, сотувчига интернет орқали мурожаат қилиш электрон тизимига асосланади. Харидор бунда ҳам каталог ёрдамида сотувчисиз керакли товарни харид қилади. Электрон савдо виртуал магазин орқали амалга оширилади, уни бошқача қилиб «Интернет магазин» деб ҳам юритилади. Виртуал магазин, худди одатий магазин каби бўлиб савдо йўлагига эга бўлади. Бундай ҳолатларни электрон савдо харидорларига хизмат кўрсатиш технологияси қуйидаги операцияни ўз ичига олади: -товарни танлаб олиш, -товарга буюртма бериш, -товар тўлови, -харидор товарини элиб бериш.Эндиликда мобиль савдоси кўп жиҳатдан электрон савдога ўхшаб кетади, фақатгина тўлов мобель телефонии ёрдамида амалга ошади. Харид нархи телефон ҳисоб рақами орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Мобиль савдоси савдо автоматларидан кенг куламда фойдаланилади. Телевиденияга нисбатан электрон ва мобиль савдони афзаллиги шундаки, унда сотувчи таклиф этган нарсани ўзи куриши ва танлаш имкониятлари мавжуд. Эндиликда савдо корхоналари давлатимизнинг солиқ қонунчилигига кўра мақоми ва юритаётган фаолият турлари бўйича ҳар хил солиқлар, мажбурий ажратмалар, тўловлар, ушланмалар ва йиғимларни тўлайдилар. Чунончи, чакана савдо, умумий овқатланиш, улгуржи савдо корхоналари(улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг худудий базаларидан ташқари), жойлашган жойи ва аҳолисининг сонига қараб, белгиланган ставкаларда солиқ солиш базасига нисбатан тўлайдилар.

Савдо корхоналари солиқ тизими аниқ бир механизмда тушмаган ҳали ўрганилиш жиҳатидан долзарб муҳокамаларга сабаб бўладиган, ҳали тармоқлар бўйича замон талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланаётган фаолият тури ҳисобланади. Савдо корхоналарида бухгалтерия тизимини ташкил этиш ҳамда унинг олиб борилишини самарали ташкил этиш маълум миқдорда меҳнат ҳамда илмий изланишни талаб этади. Асосида савдо фаолиятининг тўғри олиб борилишига ҳамда солиқ солиш объектининг тўғри ташкил этилишига сабаб бўлади, дея айта оламиз. Тадқиқот натижасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик.

-Улгуржи савдо корхоналари товарларни омборхонага кирим қилиб ўзининг чакана савдо дўконларига ҳамда харидорларга чиқим қилишни ташкил этиш керак. Чунки умумбелгиланган солиқ тури билан ёки айланмадан солиқ тўламайдиган корхоналарнинг ҚҚС ва фойда солиғини ҳисоблашда хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги таъминланади.

-Биз ҳам кўпроқ электрон савдони кўпайтирсак ишчи кучини тежаб қоламиз ва харидорларни эҳтиёжини қондирамиз.

-Савдо автоматларини кўпайтирсак пул айланмаси шаффофлиги таъминланади.

Х.Пулатов Направления улучшения бухгалтерского учета на торговых предприятиях	Kh.Pulatov The ways of improvement of accounting at the trade enterprises
Аннотация: в статье описывается основной механизм учета предприятий торговли, разработка методологии, основанной на современных требованиях, и определение их законных интересов посредством четких формул. Ключевые слова: интересы человека, индикаторы, конкретная сеть, товарно-денежные отношения.	Abstract: the article describes the main mechanism for accounting for trade enterprises, the development of a methodology based on modern requirements, and the determination of their legitimate interests through clear formulas. Keywords: human interests, indicators, specific network, commodity-money relations.

Т.И.Яхёев – СамИСИ ўқитувчиси

Р.А.Рафиқов – СамИСИ, ММН-119 гуруҳ магистранти

ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Аннотация: мақолада мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, табиий газ захиралари, табиий газ истеъмоли самарадорлиги, табиий газ истеъмоли ҳолати бўйича фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: табиий газ, самарадорлик, истеъмолчи, газ тақсимлаш станцияси, йирик участкалар.

Кириш. Бугунда бутун дунёда иктисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиши ҳамда дунё аҳолисининг мунтазам ўсиб бориши барча мамлакатлар олдига табиий ресурсларни тежаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзида мавжуд бўлмаган табиий ресурслар билан ўз аҳолисини таъминлаш каби муҳим масала қўйилган. Шу билан бирга мамлакатларда чекланган табиий ресурсларни ўрнини босувчи ресурсларни топиш муҳим масала бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда ҳам табиий ресурслардан, хусусан, табиий газдан унумли фойдаланиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бунга Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 24.09.2020 йилда қабул қилинган “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4840-сонли қарорини яққол мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу қарорда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

- табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини «ишлаб чиқариш — газ тақсимлаш станцияси — туман (шаҳар) чегараси — йирик участкалар кириш қисми — истеъмолчи» принципи асосида бутун тармоқ бўйича жорий қилиш;

- ҳисоблагичларни биринчи навбатда аҳолининг табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган ҳудудларга ўрнатиш, шунингдек йирик истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларини уларнинг ҳисобидан тизимга улаш;

- аҳоли яшаш пунктларида барча истеъмолчиларнинг (маиший, саноат ва бюджет) ҳисоблагичларини ҳамда йирик участкалар кириш қисмидаги ҳисоблагичларни бир вақтнинг ўзида ўрнатиш ва тизимга улаш ҳамда тармоқдаги йўқотишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

- ҳисоблагичларни ўрнатиш ва тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш орқали жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш.

Ушбу вазифалар амалга оширилиши мамлакатимизда табиий газ истеъмоли тежамкорлигини ҳамда табиий газ самарадорлигини ошишига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари таҳлили, туризм соҳасида фундаментал тадқиқотлар қаторида А.А. Гайле [1], М.В. Лурье [2] сингари хорижий олимларнинг, Қ.Қ.Мирзаев [3], С.Р.Хужамбердиев [4], У.М.Мамасобиров [5], А.А.Игамбердиев [6] сингари маҳаллий олимларнинг табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Аммо даврлар

кесимида математик усуллар асосида табиий газдан фойдаланиш самарадорлиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот ишида статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари, таҳлил, синтез, мавҳумий-мантикий таҳлил, шунингдек, танловли кузатув, социологик сўров, SWOT-таҳлил, қиёслов, лотериал маркетинг усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз ўзининг ажойиб иқлимига ҳамда кўплаб табиий қазилма бойликларига эга. Буни куйидаги кўрсаткичларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз British Petroleum ҳисоб китобига кўра 1.85 трлн куб метр газ захираси билан дунёда 19 ўринни эгаллайди. Қазиб олиш ҳажми бўйича йилига ўртача 57-62 млрд. куб метр кўрсаткич билан 14-15 ўринларни эгаллайди. Бундан кўриниб турибдики, газ захирасига нисбатан уни сотиш кўрсаткичлари мамлакатимизда юқорироқ ҳисобланади. “Ўзтрансгаз” АЖ маълумотларига кўра эса Ўзбекистонда табиий газ истеъмоли ривожланган давлатлар ҳамда кўшни мамлакатларга қараганда 3 баробарга кўпроқ. Хориж давлатларида 1 киши учун 90 кубометр газ тўғри келса Ўзбекистонда бу кўрсаткич 400 кубометрни ташкил қилади. Биз юқоридаги кўрсаткичларни ўрганган ҳолда Жомбой туманида табиий газ истеъмолини ҳам ўрганиб чиқдик.

1-жадвал

Жомбой туманининг табиий газ истеъмоли

№	Кўрсаткич номи	2018 йил	2019 йил	2018 йилга нисбатан		2020 йил 9 ойлик
1	Туманининг газ билан таъминланганлик даражаси (куб)	67 220 332,00	97 702 063,00	30 481 731,00	45,35	64 206 293,00
	Шундан: юридиклар	16 591 957,00	63 252 204,00	46 660 247,00	281,22	40 501 310,00
	Аҳоли	50 628 375,00	34 449 859,00	- 16 178 516,00	- 31,96	23 704 983,00
	аҳолининг оқма газ билан таъминланганлик даражаси	50 602 592,00	34 423 425,00	- 16 179 167,00	- 31,97	23 677 779,00
	аҳолининг газ балон орқали газ билан таъминланганлик даражаси	25 783,00	26 434,00	651,00	2,52	27 204,00
2	Тумангаз штат бўйича ходимлар сони	43,00	43,00	-	-	72,00
	Шундан: мамурият	4,00	4,00	-	-	5,00
	хизмат кўрсатиш	39,00	39,00	-	-	67,00

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда туманининг газ билан таъминланганлик даражаси 30481731 куб.га ёки 45 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил натижаларидан туманда юридик шахсларнинг газ истеъмоли 2019 йилда 2018 йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ўсган, аммо туманда корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 30 %га ўсганлиги аниқланди. Бундан ташқари туманда аҳолининг газ истеъмоли 2019 йилда 16178516 куб.га ёки қарийб 32 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич асосан аҳолининг оқма газ билан таъминланиш даражаси камайганлиги ҳисобига тўғри келмоқда. Шу билан бирга туманда 2019 йилда аҳоли жон бошига табиий газ истеъмоли ўртача 196 кубометрни ташкил қилиши аниқланди.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлиллардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки мамлакатимизда табиий газ захиралари чекланган. Агарда мамлакатимизда мана шу ҳажмда газ қазиб олиш давом этадиган бўлса яқин йилларда табиий газ захиралари тугашига олиб келади. Бундан ташқари биргина Жомбой туманида табиий газ истеъмоли таҳлилини кўриб чиқганимизда туманда табиий газ истеъмолини юридик шахслар томонидан истеъмол қилиниши ошганлигини аммо саноатда ишлаб чиқариш ҳажми пропорционал равишда

ўсмаганлиги аниқланди. Бу эса туманда табиий газ истеъмоли самарадорлиги пасайганлигидан далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда аҳоли сони йилдан йилга ўсиб бориш тенденциясига эга, шу билан бирга саноат корхоналари ҳам кўпайишда давом этмоқда, бу эса табиий газ истеъмоли янада кўпайишидан далолат беради. Бу эҳтиёжларни қондириш учун мамлакатимизда янги табиий газ манбаларини излаш зарур ҳисобланади;
2. Табиий газ ресурслари чекланганлигини инобатга олиб, Мамлакат аҳолисини табиий газ истеъмоли бўйича эҳтиёжларини қондиришда ўрнини босувчи маҳсулот яратиш;
3. Қўшни ва хорижий мамлакатларга нисбатан табиий газ истеъмоли бир неча баробар юқорилиги истеъмолда йўқотишлар мавжудлигини билдиради. Бунинг учун энг аввало, мамлакатимизда табиий газ истеъмолида йўқотишларни камайтириш ҳамда табиий газ истеъмоли самарадорлигини ошириш.
4. Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, табиий газдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундан тўғри хулоса чиқариб, умуман табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 24.09.2020 йилда қабул қилинган “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4840-сонли қарори.
2. А.А. Гайле, А.И. Богомолов, В.В. Громова. "Химия", 1995г.
3. Задачник по трубопроводному транспорту нефти, нефтепродуктов и газа. М.В. Лурье, 2002 г., Москва.

Т.Яхёев, Р.Рафиков Повышение эффективности потребления природного газа: анализ и результаты Аннотация: в статье представлен обзор проводимых в нашей стране мероприятий по использованию природных ресурсов, запасов природного газа, эффективности потребления природного газа, состоянию потребления природного газа. Ключевые слова: природный газ, КПД, потребитель, АЗС, крупные партии.	T.Yakhyoev, R.Rafikov Improving the efficiency of Natural Gas Consumption: Analysis and results Abstract: the article provides an overview of the measures carried out in our country on the use of natural resources, natural gas reserves, the effectiveness of natural gas consumption, the state of natural gas consumption. Keywords: natural gas, efficiency, consumer, gas station, large lots.
---	--

Д.С.Тошназарова – СамИСИ мустақил изланувчи

ЗАХИРАЛАРГА СИНГДИРИЛГАН ТАННАРХ (INVENTORIABLE COST) ВА ТАННАРХ ОБЪЕКТИ (COST OBJECT) ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

Аннотация: ушбу мақолада “захираларга сингдирилган таннарх” ҳамда “таннарх объекти” тушунчаси тадқиқ қилинган бўлиб, уларга таъриф берилган. Ишда захираларга сингдирилган таннархнинг шаклланиши хусусиятлари очиб берилган. Таннарх объектининг турлари тизимлаштирилган. Таннархни тақсимлаш ва таннархнинг мўлжалланганлиги хусусиятлари очиб берилган. Калит сўзлар: захиралар сингдирилган таннарх, таннарх объекти, таннархни тақсимлаш, таннархнинг мўлжалланганлиги
--

Кириш. Мамлакатимизда корхоналарининг иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш устувор вазифалар қаторига киритилди. Республикамизда таннарх ҳисобини алоҳида фан сифатида ўқитиш, таннарх ҳисобининг энг замонавий усуллари жорий қилиш, таннархни бошқариш, замонавий costing тизимларини жорий қилиш, таннархга доир ахборотларни молиявий ва бошқарув ҳисоби мақсадларида фойдаланиш замонавий концепцияси, таннарх ҳисоботининг инновацион форматлари, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш масалалари ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топган эмас. Бу эса ўз навбатида самарали бошқарув қарорларининг қабул қилиниши, таннархни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни юзага

келтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим корхоналарда таннарх юқориликча қолмоқда. Натижада, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқишда маълум қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан, маҳсулот таннархи ҳисобининг замон талабларига мос методологиясини ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий манбаларда “**захираларга сингдирилган таннарх (inventoriable cost)**” - бу захираларга қилинган барча харажатлар бўлиб, қайсики улар юзага келишидан тортиб сотилган товарларнинг таннархига айлангунга қадар балансда актив сифатида жамланади.

Тадқиқот қилинган манбада уларнинг ишлаб чиқариш, савдо-тижорат ва сервис секторларида шаклланиши хусусиятлари қуйидагича баён қилинган: “Ишлаб чиқариш секторида барча ишлаб чиқариш харажатлари захираларга синдирилган харажатлар ҳисобланади. Масалан, уяли телефон ишлаб чиқарувчи Cellular Production компанияси мисолида кўриб чиқамиз. Тўғридан-тўғри материаллар, жумладан компьютер чипслари (тўғридан-тўғри материаллар захирасидан ишлаб чиқаришга чиқарилади), тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш меҳнат харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш жараёни бошланиши ва тайёр маҳсулотларни (cellular phones) якунланиши баробарида янги активга айланади. Шундай қилиб, яратилаётган ушбу активларнинг таннархида жамғарилиши учун ишлаб чиқариш харажатлари тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги захиралар ва тайёр маҳсулотлар захираларига сингдирилади” [1].

2-сон МҲХС “Захиралар”нинг 10-бандида товар-моддий захираларнинг (ТМЗ) бошланғич таннархи (historical cost) захиралар харид таннархи (cost of purchase) ва қайта ишлаш харажатлари (cost of conversion) ва захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлар (other overhead) киритилган [2].”


Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида илмий абстракция усулига, таҳлил ва синтез ҳамда статистик усулларга асосланган.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро стандартлар талабларидан хулоса қилиш мумкинки, таннарх масаласига захиралар таннархини шакллантирилиши нуктаи назаридан ёндашилган. Захиранинг харид таннархи, қайта ишлаш харажатлари ва захираларни жорий жойлаштириш жойига етказиш билан боғлиқ харажатлар киритилган.

Тайёр маҳсулотлар таннархи ҳисобида таннарх объектини белгилаб олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Аслида, ниманингдир таннархи аниқланса у таннарх объектига айланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида таннарх объекти бўлиб, тайёр маҳсулотлар, завод қурилиши, ишлаб чиқариш биносини ижарага олиш, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, фаолият турлари (ишлаб чиқариш, савдо, маркетинг фаолияти ва бошқа фаолиятлар), цехлар ва бўлимлар, лойиҳалар, контрактлар, грантлар, хизмат сафарлари, ҳуқуқий бўлим, лойиҳалаштириш бўлими, савдо бўлими бўлиши мумкин. Уларни қуйидаги расмда келтиришимиз мумкин (1-расм):

Билвосита харажатлар таннарх объектига **таннархни тақсимлаш (cost allocation)** орқали амалга оширилади. Таннархни тақсимлаш атамаси таннархнинг аниқ объектларидаги билвосита харажатларни кўзда тутилганлигини очиқлаш учун қўлланилади. **Таннархнинг мўлжалланганлиги (cost assignment)** – бу таннархи объектидаги ёки фаолиятдаги ушбу харажатларни юзага келишига олиб келадиган мавжуд бўлган омилдир, қайсики уни ҳисобга олган ҳолда таннарх тақсимланиши амалга ошади.

Таннархни тақсимлаш қандай имкониятларни беради? деган савол туғилиши мумкин. **Биринчидан**, таннархни тақсимлаш маҳсулотнинг таннархини аниқ ҳисоблаш имкониятини беради. Молиявий ҳисоб нуктаи назаридан таннархни тақсимлаш катта аҳамият касб этмайди. Чунки, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳар бир маҳсулот бўйича тузилмайди, у бутун ташкилот бўйича тузилади. Шунинг учун таннархни таннархи объектларига тақсимлаш умумий таннархни аниқлашга таъсир кўрсатмайди. Бошқарув ҳисобида ҳар бир таннархи объекти таннархни аниқ ҳисоблашга зарурият мавжуд. Шунинг учун ҳар бир таннарх заррачасини барча омилларни ҳисобга олган ҳолда таннарх объектига тақсимлаш керак. Масалан, А маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш биноси бўйича ижара харажатларини тақсимлашда А маҳсулот ишлаб чиқариши эгаллаган майдони ҳисоблаб жами ижарага олинган



1-расм. Таннарх объекти тури турлари.¹

ишлаб чиқариш майдонидаги ҳиссасига нисбати бўйича тақсимлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Иккинчидан**, турли хил маҳсулотларнинг фойдалилик даражасини таҳлил қилишда қўл келади. Менежерларда тўғридан-тўғри материалларни таннарх объектига олиб боришда ишонч бор. Лекин, билвосита харажатларини тўғри тақсимланганлигига ҳамма вақт ҳам ишонч ҳосил қилавермайди. Агар менежерлар шундай маълумотларга эга бўлмаса рентабелсиз маҳсулот ўрнига рентабелли маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисида

¹ Тадқиқотлар асосида К.Б. Уразов ва С.Н.Ташназаровлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

нотўғри (чалкаш) қарорларни қабул қилиб қўйиши мумкин. Маҳсулот рентабеллиги бўйича қарорлар қабул қилинаётганда маҳсулотларнинг таннархини аниқ ҳисоблайдиган механизмларга таяниши керак бўлади.

Бу механизмлар орқали тўғри қарорлар қабул қилинишига фақат таннархини асосли тақсимлаш орқалигина эришиш мумкин бўлади. Бошқа бир томондан билвосита харажатларни тақсимлашнинг мураккаб томонлари ҳам мавжуд. Агарда ижара харажатларини тақсимлашда, ҳар бир таннарх объекти эгаллаган майдоннинг умумий майдондаги ҳиссасига қараб тақсимласак, муаммо бўлиши мумкин эмас. Бу тақсимлаш энг реал тақсимлаш ҳисобланади. Лекин, масалан айтайлик заводни маъмурий бошқариш билан боғлиқ билвосита харажатларни тақсимлаш муаммоли ҳисобланади. Бунда тақсимлаш базаси сифатида ҳар бир таннарх объекти (маҳсулот турлари)да ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақиға нисбатан тақсимланган тақдирда бу ишчиларнинг иш ҳақи қанчалик даражада заводни маъмурий бошқарув харажатларини ифода эта олиши муаммо ҳисобланади. Шу боис, билвосита харажатларни тақсимлаш ҳар бир моддаси бўйича тизимли ёндашувни талаб этади.

Эслаб қолиш керак бўлган **муҳим қондалардан** бири бу: таннарх объекти қанчалик катта (масалан, айтайлик таннарх объекти А маҳсулот эмас, балки йиғма цех) бўлса, умумий харажатлар ҳиссасида таннарх объектига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар шунча катта бўлади ҳамда менежерда харажатларнинг жами суммалари аниқлигига ишончи шунча юқори бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

“захираларга сингдирилган таннарх”, “таннарх объект”, “Таннархнинг мўлжалланганлиги” тушунчаларига таърифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Захираларга сингдирилган таннарх (inventoriable cost)” - бу захираларга қилинган барча харажатлар бўлиб, қайсики улар юзага келишидан тортиб сотилган товарларнинг таннархига айлангунга қадар балансда актив сифатида жамланади” деб муаллифлик таърифи келтирилди;

таннархни тақсимлашнинг иккита муҳим имкониялари очиб берилди. Биринчидан, таннархни тақсимлаш маҳсулотнинг таннархини аниқ ҳисоблаш имкониятини беради. Иккинчидан, турли хил маҳсулотларнинг фойдалилик даражасини таҳлил қилишда қўл келади. Ушбу имкониятларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарда таннархини объектларга тақсимлаш масалаларига катта эътибор қаратилиши лозимлиги асосланди;

таннарх объектларининг турлари ишлаб чиқилди. Таннархни тақсимлашда муҳим аҳамият касб этадиган қоида ишлаб чиқилди. Таннарх ҳисобини алоҳида фан сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши захиралар таннархини тўғри шаклланиши, таннарх объектларини белгилаш борасида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, таннарх ҳисоби фанининг методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Hornrgren, Charles T.,Cost accounting : a managerial emphasis / Charles T. Hornrgren, Srikant M. Datar, Madhav V. Rajan. -- 14th ed.

2. Международный стандарт финансовой отчетности (IAS) 2 "Запасы". <https://finotchet.ru/articles/133/>

Д.Тошназарова	D.Toshnazarova
Интерпретация понятий “себестоимость, вовлеченная в запасы” (Inventoriable cost) и “объекты себестоимости” (Cost object) Аннотация: В этой статье исследованы понятия “себестоимость вовлеченная в запасы” и “объекты себестоимости” и даны определения этих понятий. В работе раскрываются особенности формирования себестоимости вовлеченной в запасы. Систематизированы виды объектов себестоимости. А также раскрываются особенности распределения себестоимости и предназначённости себестоимости. Ключевые слова: себестоимость вовлеченная в запасы, объекты себестоимости, распределение себестоимости, предназначённость себестоимости	Interpretation of the concepts «Inventoriable cost» and «cost objects» Abstract: this article examines the concepts of “Inventoriable cost” and “cost objects” and gives definitions to these concepts. The work reveals the features of the formation of the Inventoriable cost. The types of cost objects have been systematized. And also reveals the features of the distribution of the cost and the intended purpose of the cost. Keywords: inventoriable cost, cost objects, cost allocation, cost assignment

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Ф.А.Ахмеджанова – СамИСИ доценти, техника фанлари номзоди

Ш.М.Каримова – СамИСИ ассистенти

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ.

Аннотация: мақолада таълим жараёнида инновацион ва илғор хорижий тажрибаларни қўллашнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилиниб, таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: педагогик инновациялар, таълим тарбия, таълим шакли, таълим усули, таълим воситаси, педагогик технологиялар.

Кириш. Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболлини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумжамят тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва сууст ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказди. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир.[1]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи тадқиқотчилар: J.Bishop “Psychological sense of community: research, applications, and implications”, R. M.Bottino, P.Forcheri, M.T.Molfino “Technology Transfer in School” from Research to Innovation”, М.Г.Воинова “Педагогические технологии и педагогическое мастерство” номли ишларида, ҳамда мамлакатимиз олимларидан Р.Ж.Ишмухамедов, М.Мирсолиева “Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари”, Р.Ж.Ишмухамедов “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”, И. Альджанова “Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш”, Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева “Инновацион таълим технологиялари” номли ишларида, инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор бўлиш орқали педагог

фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу ишда мавзу талабидан келиб чиққан ҳолда, методологик асос сифатида мантикий таҳлил, анализ ва синтез усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бундай шароитда, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини мукамал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга кадрларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновациялар ва хорижий тажрибаларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар қўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, усул ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмади.

Янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир педагогнинг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади.

Олий таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак мутахассислар чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши, маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп инновациялар киритишга интиломоқда. Бугунги инновациялар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Инновациялар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамадан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликти ташкил этади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, “Ақлий ҳужум”, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

- профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ

риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулоти шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинча машғулоти сифатини пасайтиришга олиб келади. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар: Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим:

- профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда қўп-қўп методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

- олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

- фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулоти шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014.
2. Альджанова И.Р. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш. – Т.: “Fan va technology” нашриёти, 2011
3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004
4. Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 2010. – 339 p.
5. Bottino R.M., Forcheri P., Molino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 2018. № 29 (2). Pp. 163-172.
6. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015

Ф.Ахмеджанова, Ш.Каримова Преимущества и недостатки применения инновационного и передового зарубежного опыта в образовательном процессе	F.Akhmedjanova, Sh.Karimova Advantages and disadvantages of using innovative and advanced foreign experience in the educational process
Аннотация: в статье анализируются преимущества и недостатки использования инновационного и передового зарубежного опыта в образовательном процессе и даются рекомендации по повышению эффективности использования педагогических технологий в системе образования. Ключевые слова: педагогические инновации, учебно-воспитательная деятельность, методы обучения, средства обучения, формы обучения, педагогические технологии.	Abstract: the article analyzes the advantages and disadvantages of using innovative and advanced foreign experience in the educational process and gives recommendations for improving the efficiency of using pedagogical technologies in the education system. Keywords: pedagogical innovations, teaching and educational activities, teaching methods, teaching aids, forms of instruction, pedagogical technologies.

Р.Д.Самандаров – СамИСИ, “Тилларни ўқитиш” кафедраси мудири, (PhD)

АППЛИКАТИВ МОДЕЛЛАР ВА БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИЛАР МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада бевосита иштирокчилар (БИ) моделининг апликатив модел билан кесишиш нукталаридан бири ва асосийси гапнинг синтактик структурасини ташкил этаётган бевосита иштирокчи компонентларнинг апликатив модел қонун-қоидалари асосида ўзаро муносабатга киришаётгани хусусида сўз юритилади. Зотан, синтез жараёнида тилнинг кичик элементларининг катта элементлари билан муносабати ва шу асосда вужудга келадиган гапнинг иштирокчи гуруҳларининг шаклланиши замирида апликатив модел ётади.

Калит сўзлар: парадигматик, синтагматик, иерархик, дескриптив тилшунослик, бевосита иштирокчилар, апликатив модел.

Кириш. Гапнинг синтактик шаклланиши билан боғлиқ муаммолар тадқиқи ҳар доим долзарб бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундайлигича қолмоқда. Масала тавсифига айниқса систем – структур тилшунослик нуктаи назаридан ёндашиладиган бўлса, буни ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ ҳис этиш мумкин. Гап структураси орқали тил системасининг нутқда реал қўлланилишини кўрамиз. Бироқ мазкур структуранинг шаклланиши тил бирликларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатлари билан узвий боғлиқки, бундай вазият ўз навбатида, нафақат тил системаси, балки унинг нутқда қўлланилиши масаласи ҳам мураккаб жараёни тақозо этишидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тил системасининг мураккаблиги боис, у ёки бу масала бобида берадиган хулосаларимизни ҳам нисбий тушунмоғимиз керак. Бирор бир масала тавсифига бағишланган тадқиқот натижаларини ҳам абсолют (мутлақ) қимматга эга дейиш қийин. Бу ўринда, бизнингча, Ф.де Соссюрнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Тилни қиёслаш мумкин бўлган бирон бир объектни топиб бўлмайди, зотан, тил ўта мураккаб воқеликни тақозо этади. Шу сабабдан ҳар қандай ўхшатиш, ҳар қандай образ, гарчи улардан биз ҳар доим фойдалансак ҳам, тилимиз ҳақида аксарият ҳолларда бизни нотўғри тасаввур ҳосил қилишга олиб келади”.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти давригача жуда катта ютуқлар қўлга киритилганлиги шубҳасиздир. Буни биз фонематик сатҳ бирликлари, морфематик сатҳ бирликлари ҳамда сўз сатҳи бирликларининг лингвистик табиати мукамал ўрганилганида бемалол кузата оламиз. Лекин айни пайтда ҳам масала тавсифига танқидий ёндашмоғимиз лозим кўринади, зеро, анъанавий тилшунослик қарийб барча масалалар талқинида соф лингвистик тамойилларга асосланмаганлиги изоҳ талаб қилмайди. Фикр далилини гапнинг синтактик таҳлилида гап бўлаклари тушунчасининг истеъмолга киритилишида, предикативлик ҳодисасининг белгиланишида, гапнинг тузилишига кўра турларини, хусусан, қўшма гапларнинг турларини аниқлашда ва ҳоказоларда кузатишимиз мумкин. Бошқача айтганда, эслатиб ўтилган ҳодисалар талқинида кўпроқ мантикий-семантик тамойилларга асосланилди, соф лингвистик тамойиллар эса улар билан қориштириб юборилди.

Фикр далилини В.В.Виноградовнинг тадқиқот ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Олимнинг эътироф этишича, гап бўлаклари тушунчаси, хусусан, иккинчи даражали бўлақлар хусусидаги анъанавий назарияни тубдан қайта кўриб чиқиш даркор. Иккинчи даражали бўлақлар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) гап структурасини сохта равишда схемалаштиради ва аксарият ҳолларда соф грамматик тамойилларга асосланмайди. Иккинчи даражали бўлақлар замирида морфологик категориялар ётганлигини кўрамиз: аниқловчи асосида аслий ва нисбий сифатлар, тўлдирувчининг замирида от, ҳолнинг асосида эса равиш ва равиш вазифасида келувчи от ётади. Бошқача айтганда, гап бўлақларининг номлари сўз туркумлари номларининг иккиламчи даражада ёки такрорий қўлланилишидир.

В.В.Виноградовнинг ушбу мулоҳазаларига муносабат билдириб, Н.Турниёзов, бизнингча, қуйидагиларни тўғри таъкидлайди: “Гап бўлақларининг морфологик тушунчаларга асосланиши масала моҳиятининг грамматик принциплардан узоқлашиб кетишини англатмайди, албатта. Аммо В.В.Виноградовнинг иккинчи даражали бўлақларнинг гап таркибида содир бўладиган жонли синтактик алоқаларни ифодалаши сунъий ва грамматик принципларга

изчил асосланмаганлиги ҳақида айтган мулоҳазалари билан қўшилмаслик иложи йўқ.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада асосан, структур тилшуносликнинг апликатив, бевосита иштирокчилар ва трансформацион усуллариининг гапда қай ҳолатда қўлланилиши ифодаланган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда систем – структур тилшунослик қоидаларига амал қилиш ва бу билан боғлиқ ҳолда фактик тил материали таҳлиliga муайян моделлар асосида ёндашиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бунда аксарият масалалар тавсифи формал қонуниятлар доирасида берилмоқда ва айни пайтда соф лингвистик қонун-қоидаларга мурожаат этилмоқда. Энг муҳими, тил бирликлари талқини уларни нутқ материалининг сегментлари мақомида олиб амалга оширилмоқда. Бизнингча, бу жуда муҳим аҳамият касб этади, зотан, тил системаси воқелигининг асосий моҳияти коммуникатив жараёни, аниқроғи, нутқни шакллантиришдан иборатдир. Албатта, нутқнинг вужудга келиши ўзига хос мураккаб ҳодисани тақозо этади ва бунда муайян қонуниятларга амал қилиниши шубҳасиздир. С.Я.Фитиаловнинг таъкидлашига кўра, нутқий жараён маҳсулини тақозо этувчи ҳар қандай материал шартли равишда “формал” деб аташ мумкин бўлган ўзига хос муайян қонуниятлар асосида шаклланади. Мазкур қонуниятлар нутқ билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг истеъ-молга киритилиши тил бирликлариининг нутқда занжирсимон боғланишида рўёбга чиқади.

Бу жараёни мукамалроқ тасаввур этиш учун дескриптив тилшуносликнинг бевосита иштирокчилар (БИ) деб номланувчи моделига мурожаат этилса, бизнингча, мақсадга мувофиқроқ бўлади. Зотан, БИ модели нутқда ўзаро муносабатга киришаётган тил бирликлариини гуруҳлаш ва қайта гуруҳлаш имкониятига эга эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур моделни лингвистик истеъмолга киритганлардан бири дескриптив тилшунослик мактабининг йирик намояндаси Г.Глисондир. Г.Глисон бевосита иштирокчилар назариясининг асосий моҳиятини ўрганишдан олдин унинг гап таркибида сўзлар ўзаро боғланиши масаласига бағишланган қуйидаги мулоҳазаларига тўхталишини мақсадга мувофиқ топдик. Олим дастлаб қуйидаги мисолга мурожаат этади: The old man who lives there has gone to his son's house - У ерда яшовчи қария ўғлининг уйига кетди.

Берилган гапда сўзларнинг ўзаро муносабатини чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, бу ўринда сўзлар ўртасида олтимиш олти боғланиш мавжудлигини кўраимиз.

Г.Глисон маълум бир жумла таркибида ўзаро боғланаётган сўзларни шу жумла нуктаи назаридан иштирокчилар деб атайди. Аммо унинг фикрига кўра иштирокчи ва бевосита иштирокчи тушунчаларини фарқлаш лозим. Бунда қуйидагилар эътиборга олиниши эслатиб ўтилади: “Бевосита иштирокчилар – бу бир, икки, ёки бир нечта иштирокчилар қўмагида ташкил этилувчи қурилма демакдир. Масалан, The old man who lives there has gone to his son's house жумласида the old man who lives there ва has gone to his son's house тарзидаги парчалар БИ гуруҳларини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, old man, ўз навбатида, old man who lives there ҳолатида берилаётган қисмнинг ҳажман кичик бевосита иштирокчиси мақомида келмоқда. Аммо бутун бир жумланинг БИси эмас. Муайян қурилманинг бевосита иштирокчи-лари галдаги қурилманинг шунчаки иштирокчилари бўлиб келади. Бундай ҳолатда фақат иштирокчилар ҳақида (БИ эмас) сўз юритиш мумкин”.

Гапни (жумлани) БИ модели асосида таҳлил қилиш шартига кўра, у энг аввал от ва феъл гуруҳларига ажратилади. Бунда ҳар икки қисм ҳам бевосита иштирокчи мақомида бўлади. Таҳлилнинг кейинги босқичида мазкур гуруҳлар яна иккига бўлинади ва шу тарзда таҳлил алоҳида сўзлар қолгунча давом эттирилади. Масалан: Собирнинг болалиги / бизнинг қишлоқда ўтган.

Кўринадики, айни пайтда БИ модели асосида берилган гап иккига - от ва феъл гуруҳларига бўлинмоқда. Мазкур бўлиниш моделини қуйидагича белгилаш мумкин: GN – GV.

Таҳлилнинг иккинчи босқичида GN ва GV гуруҳлари яна иккига ажратилади:

Собирнинг // болалиги /бизнинг қишлоқда //ўтган.

Бу ўринда GN гуруҳи таркибий қисмлари икки иштирокчига ($GN=N_1+N_2$), GV гуруҳи эса бир бевосита иштирокчига (бизнинг қишлоқда) ва бир иштирокчига бўлинади ($GV=GN+V$).


Жумла таркибида ҳали бевосита иштирокчи мавжудлиги учун таҳлилнинг учинчи босқичига ҳам эҳтиёж туғилади. Бунда GV гуруҳи таркибидаги GN бевосита иштирокчиси

алоҳида иштирокчиларга бўлинади: $GN=N_1+N_2$ ¹. Ана шу тарзда берилган гапнинг БИ таҳлили яқун топади:

Собирнинг // болалиги / бизнинг /// қишлоқда // ўтган.

Гапнинг БИ модели асосидаги таҳлилни горизонтал чизикдан ташқари вертикал чизикқа асосланган ҳолда кўрсатиш ҳам мумкин. Аммо бу жараёнда гапнинг БИ модели шаклланишининг умумий модели (формуласи) ўзгармайди:

Мисол: Кичик ирмоқлардан катта дарёлар ҳосил бўлади.



Тилларда гапнинг бевосита иштирокчилари моделининг қўлланиши кескин фарқ қилмайди. Фақат ҳинд-европо тилларида, туркий тиллардан фарқли равишда, феълнинг дистрибутив хусусияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, туркий тилларда гапнинг синтактик структураси SOV моделига мос келса, ҳинд-европо тилларида SVO структураси аҳамият касб этади. Қуйида рус тилидан олинган мисоллар воситасида гапнинг БИ модели шаклланишидан намуна келтирамиз:

1. Мой брат живёт в Ташкенте= Менинг акам Тошкентда яшайди.

Мой брат / живёт в Ташкенте

Мой // брат / живёт // в Ташкенте

Мой // брат / живёт // в /// Ташкенте.

Гапнинг БИ таҳлилини икки хил усулда талқин этиш мумкин. Биринчиси горизонтал таҳлил усули деб, иккинчиси эса вертикал таҳлил усули деб номланади. Ҳар икки усулда ҳам масаланинг умумий моҳияти муайян нутқ парчасини сегментларга бўлиш орқали изоҳланади. Аммо бу ўринда шу нарса эътиборга молиқки, таҳлилнинг ҳар бир босқичида ажратиб кўрсатиладиган сегмент мисолида нутқнинг шаклланишини таъминловчи тил материалининг бири иккинчиси билан қай тарзда боғланаётгани ҳақида тўлиқ тасавур ҳосил қилиш мумкин. Бу жиҳатдан БИ модели дескриптив тилшуносликнинг дистрибутив модели давомини тақозо этади. Зеро, бир дистрибуцияга сиғмайдиган тил бирликлари ўзаро муносабатга кириша олмайди. Буни БИ модели воситасида бемалол кузатса бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Аппликатив ва бевосита иштирокчилар моделлари баъзи жиҳатларига кўра бир-бири билан яқин бўлса-да, улар ўртасида фарқ ҳам мавжудлигини кўрамыз. Аниқроғи, БИ модели воситасида қилинадиган таҳлилда фақат берилган бир гапнинг компонентлари муносабатлари ўрганилади, аппликатив модел эса ўта динамик характерли бўлиб, у орқали муайян гапни исталганча кенгайтириш (мураккаблаштириш) мумкин. Бироқ айнан ана шу жараёнда аппликатив ва БИ моделлари муносабати шаклланади. Чунки гапнинг

¹ Формулада N-от, V-феъл, GN-от гуруҳи, GV-феъл гуруҳи, ракамлар билан эса БИ гуруҳи таркибидаги бир туркумга оид иштирокчилар белгиланмоқда. Бунда олмош ҳам отнинг субститути бўлгани учун N симболи билан кўрсатилмоқда, P эса гап демакдир.

синтактик шакли кенгайиши жараёнида унинг компонентлари ўртасида янги - янги БИ гуруҳлари вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, БИ ва аппликатив моделларни яқинлаштиради, зотан, гапнинг синтактик структураси кенгайиши, асосан, аппликатив модел доирасида рўй беради. Синтактик қурилмаларни бевосита иштирокчилар модели асосида тадқиқ этишда БИ анализи ва синтезидан бемалол фойдаланиш мумкин. Мазкур моделни ҳатто матн таҳлилида ҳам қўлласа бўлади. Айни пайтда БИ анализининг ҳам, синтезининг ҳам соддалиги аҳамият касб этади. Буни шунда кўриш мумкинки, ҳатто БИ билан узвий боғлиқ бўлган дистрибутив таҳлил ҳақида тушунчага эга бўлмаган тадқиқотчилар ҳам ундан фойдаланиши мумкин. Тилшунос учун унинг қулайлик томонини яна шунда кўриш мумкинки, мазкур модел воситасида икки хил маъноли гапларни ҳам таҳлил қилиб, керакли структурага тўхташ мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике, – М., 1990. – С.42.
2. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – М., 1975, – С. 282-283
3. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд, 1998, 6-бет.
4. Фитиалов С.Я. Об эквивалентности грамматик НС и грамматик зависимости // Проблемы структурной лингвистики – 1967. – М., 1968. – С.71.
5. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М., 1959. – С. 186.
6. Турниёзов Н.Қ., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент, 2009, 57-бет.

Р.Самандаров Некоторые заметки об отношении аппликативных моделей и непосредственных участников	R.Samandarov Some notes on applicative models and direct participants.
Аннотация: в данной статье рассматривается одна из точек пересечения модели непосредственных участников с аппликативной моделью и, что наиболее важно, прямое взаимодействие компонентов, составляющих синтаксическую структуру предложения, которые взаимодействуют на основе правил аппликативной модели. Уже в основе аппликативной модели лежит связь мелких элементов в процессе синтеза и образования участвующих групп предложения, возникающего на этой основе. Ключевые слова: парадигматическая, синтагматическая, иерархическая, описательная лингвистика, непосредственные участники, аппликативная модель.	Abstract: this article discusses one of the points of intersection of the direct participants with the applicative models and most importantly, the interaction of the direct participant components that make up the syntactic structure of the sentence based on the rules of the applicative model. Indeed, relativistic model underlies the relationship of small elements of language with large elements in the process of synthesis and the formation of the participating groups of speech that emerge on this basis. Keywords: paradigmatic, syntagmatic, hierarchical, descriptive linguistics, direct participants, applicative model.

Д.Ж.Норбоева – СамИСИ катта ўқитувчиси

Н.А.Рахмонова – ТДИУ магистранти

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУТАХАССИСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИ
ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Аннотация: ушбу мақолада туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид мутахассис кадрларга дарс бериш жараёнида махсус изоҳли лўғатлардан фойдаланиш, туристик терминларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш ва таълим жараёнига “Ҳамкорликда ишлаймиз” инновацион технологиясини тадбиқ этиш қонуниятлари ҳақида сўз боради. Калит сўзлар: терминологик тизим, лингвистика, инновация, таълим, интеграция, туристик инновациялар, нутқ маданияти
--

Кириш. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси шарофати билан дунёнинг барча мамлакатларида иқтисодий ривожланишнинг юқори даражаси ва аҳолининг турмуш фаровонлиги қўллаб-қувватланиб турилади. Шу сабабли кўпгина мамлакатларда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига мутахассис кадрларни тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ўрганишга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда ва туризм соҳаси бўйича замонавий, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шунга қарамай, ҳозирги кунда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида касбий таълимни ўрганиш жараёнида анчагина қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бунинг сабаби шундан иборатки, туризм ва хизмат кўрсатиш илм-фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида кундалик ҳаётимизга кундан-кунга хорижий турли хил атамалар, иборалар кириб келмоқда ва уларнинг сони борган сари кўпайиб бормоқда, шу сабабли республикамиз олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнларида ва халқимиз лексикасида хорижий тиллардаги атамалар ва иборалар сонининг ортиб бориши туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид мутахассис кадрларга дарс бериш жараёнида махсус изоҳли луғатлардан фойдаланиш ва мутахассислик терминлар билан ишлаш жараёнида инновацион технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.[1]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳозирги кунда бир қатор илмий мактаблар шаклланган бўлиб, улар когнитив лингвистика муаммолари билан шуғулланади. Ушбу мактабларнинг ҳар бири калит терминнинг ўзига хос талқини билан характерланади. Улардан Москва (Е.С. Кубрякова, В.А. Виноградов, В.Ф. Новодранова, Э.В. Рахилина ва бошқалар), Иркутск (А.В. Кравченко ва унинг шогирдлари), Тамба (Н.Н. Болдрев, А.Л. Шарандин, Т.А. Фесенко ва бошқалар), Воронеж (З.Д. Попова, И.А. Стернин, А.П. Бабушкин ва бошқалар) мактабларини ажратиш мумкин. Ушбу мактабда “Краткий словарь когнитивных терминов” нашр этилган.[2]

Тадқиқот методологияси. Термин ясалишидаги ички имкониятлар деганда, ҳар бир тилнинг мавжуд ифода воситаларидан ва материалларидан тўлиқ фойдаланиш назарда тутилади. Муайян тил терминологик тизими асосан ўша тилларнинг лисоний базасида сўз яшаш, сўзларнинг лексик маъносини ўзгартириш ва таълим тизимига инновацион технологияларни олиб кириш мақсадида, мақоламизда “Ҳамкорликда ишлаш” методи, таҳлил ва синтез, сўзларни боғлаш ва терминларни калкалаш усуллари билан фойдаланилган. [3]

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислохотлар, фан-техника тараққиёти, бошқа давлатлар билан олиб борилаётган яқин ижтимоий-иқтисодий алоқалар тилда ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай ўзгариш тилда ўз аксини топиши табиий. Бугунги кунни турли соҳаларни терминологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятдаги барча ўзгариш ва янгиланишлар аввало тилда акс этар экан, жараёнлар тилшунослар олдига қатор вазифаларни қўяди. Ушбу вазифалардан бири лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш масаласидир.

Олимларнинг аниқлашларича, бугунги кунда 500 дан ортиқ йирик соҳалар ва уларнинг ўнлаб йирик бўлимлари мавжудки, ҳар бири ўзига хос терминологик тизимга эга. Мамлакатимизда ҳам турли соҳалар шиддат билан ривожланиб бораётгани, бунинг натижасида терминологик тизимнинг ҳам бойиб бораётгани сир эмас. [4] Терминологик тизимда туризм терминологияси ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Дарс жараёнида талабалар мутахассислик терминларини ўзлаштириш учун “Ҳамкорликда ишлаймиз” инновацион технологиясини тадбиқ қилиши мумкин. 4та кичик гуруҳ ташкил қилинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 талаба иштирок этиши мумкин.[5] Ҳар бир кичик гуруҳга бир хил топшириқ берилади: туризм терминологиясига оид глоссарий тузиш ёки 1-жадвални тўлдириш:

1-жадвал

Бозорни сегментлаш	истеъмолчиларни уларнинг эҳтиёжларини, имкониятлари ёки ҳулқ - аъволларига асосан гуруҳларга ажратиш жараёни.	Market segmentation	Сегментация рынка	Процесс ассигнования групп исходя из потребностей, возможностей, и поведения
--------------------	---	---------------------	-------------------	--

				потребителей.
Туризм	Жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан сўғломлаштириш, маърифий, жисмоний шахснинг истиқомат жойидан сўғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши.	Tourism	Туризм	Выезды или туристские поездки физических лиц в другую страну или местность, отличную от места постоянного жительства, целью, кроме трудоустройства.
Турист	Ўзбекистон республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга сайёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс.	Tourist	Турист	Физическое лицо совершающее туристическое путешествие в пределах или за пределами Узбекистана
Туристик фаолият	Сайёҳат ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият.	Tourist activities	Деятельность туристская	Деятельность, связанная с организацией всех форм выезда людей с места постоянного жительства
Туристическая индустрия	Туристическая фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи.	Tourism industry	Индустрия туризма	Это совокупность гостиниц и иных средств размещения, средств транспорта, объектов познавательного, делового, оздоровительного спортивного и иного назначения, организаций, осуществляющих туроператорскую и турагентскую деятельность

Кичик гуруҳдаги ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади: 1 устунда ўзбек тилида туризмга оид терминлар кўрсатилган, 2 устунда мазкур терминларга ўзбек тилида таъриф бериш керак (бир рақам остидаги талаба бажаради), 3 устунда халқаро микёсидаги номи ёзилиши керак (икки рақам остидаги талаба бажаради), 3 устунда рус тилидаги таржимаси (уч рақам остидаги талаба бажаради), ва 4 устунда рус тилида терминга берилган таърифи ёзилади (тўрт рақам остидаги талаба бажаради).

Мазкур технологияни тадбиқ этишда қуйидагиларга эътибор беради: ҳар бир гуруҳда актив ва пассив талабалар иштирок этиши керак, гуруҳ юқори балл тўплаши учун пассив талаба актив талабани фикрини эшитишга ҳаракат қилади ва терминларни (ўзбек, инглиз ва рус) тилларида ёзилиши, айтилиши ва таърифига алоҳида эътибор беради ва эс-лаб қолади. Бу технология ҳамкорликда ишлашни талаб қилади, самарадорлиги ҳам шунда.

Термин ясаилишидаги ички имкониятлар деганда, ҳар бир тилнинг мавжуд ифода воситаларидан ва материалларидан тўлиқ фойдаланиш назарда тутилади. Кузатишлардан маълумки, муайян тил терминологик тизими асосан ўша тилларнинг лисоний базасида сўз яшаш, сўзларнинг лексик маъносини ўзгартириш, ушбу тилларнинг ички имкониятлари асосида сўзларни боғлаш, мавжуд терминларни калкалаш орқали ривожланади.[6]

Ижтимоий психологик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, туризм ва сервис соҳасида

мутахассислар фаолиятида мулоқот жуда муҳим ўрин тутди. Чунки, улар ўз фаолиятларини асосан мулоқот орқали амалга оширадилар. Одатда мулоқот деганда кишиларнинг ўзаро маълумот, мутахассислик терминларини билиш ва фикр алмашиш асосида бир-бирлари билан нутқли алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш жараёни тушунилади. [7]

Хулоса ва таклифлар. Ўрганишлар асосида, таълим тизимида инновацион технологияларни қўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Шу билан бирга қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1) Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда матн, терминологик ва изоҳли лугатлар ўстида ишлашни такомиллаштириш.

2) Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида касбий таълимни ўрганиш жараёнида педагог ноанъанавий таълим асосларини ҳамда ўқитишнинг интерфаол, репродуктив ва муаммоли изланиш ноанъанавий таълим усуллари пухта ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга бўлиши;

3) Ноанъанавий таълим усуллари назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларни чоп этиш, яъни туризм йўналишига оид фанларни ўқитишда “Хамкорликда ишлаймиз”, “Давра суҳбати”, “Блиц сўров” “Таълимий ўйин”, “Пинборд”, “Вазиятлар усули”, “Ўқув лойиҳалар” ва “Кейс-стади” ноанъанавий таълим усуллари борасида маълумотлар бера олувчи манбалар (ўқув қўлланма, электрон дарсликлар)ни чоп этиш;

4) Таълим жараёнида таълим шаклига мос ҳолда хоналарнинг жиҳозланиши, ноанъанавий таълим усуллари кўллаганда вақт чегарасини стандартлаштиришга ҳамда техник жиҳозлар билан таъминланганлик даражасига эътибор бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2002.
2. Маматкулов Х.М. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар. Изоҳли лугат. Т.Иқтисод-Молия. 2010.
3. Занков, Л.В., Давыдов В.В., Эльконин. Д. Б. Развивающее обучение. М. «Пилот». 2015, с. 54.
4. Бектемиров Х., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Тошкент, “Фан”, 2002. – 48 б.
5. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.: “Фан” 2016 йил 76 б.
6. Белан Э. Особенности формирования новых терминосистем (на материале английской и русской терминологий международного туризма): Автореф.дисс. канд.филол.наук. – Москва, 2009.
7. Виноградова Л. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах: автореф. дисс.канд.филол.наук. – Великий Новгород, 2011.

Д.Норбоева, Н.Рахмонова Инновационные технологии при обучении профессиональных терминов в высших учебных заведениях Аннотация: данная статья посвящена изучению роли профессиональной терминологии как одного из путей модернизации образования при освоении специальностей в сфере туризма и услуг. Автором проводится анализ инновационной технологии “Работаем вместе” для обучения профессиональной терминологии будущих специалистов и выявляется наиболее эффективный метод обучения. Ключевые слова: лексика, оциальная терминология, общение, инновационный процесс, обучение, туристические инновации, культура общения.	D.Norboyeva, N.Rakhmonova Innovative technologies in teaching professional terms in higher education. Abstract: the article is devoted to the application of modern educational technologies in training specialists for the sphere of tourism. The article describes the specific use of these technologies in scientific-research work of students, writing and defense of final qualifying works. Keywords: educational technology, case study method, technology portfolio, professional tourist education, personnel training.
---	---

Ҳ.Н.Очилова – СамИСИ, ММН-119 гуруҳ магистранти

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мазкур мақолада таълим соҳасида ходимларни танлаш, ходимлар билан ишлаш, ходимларни бошқариш, уларни малакасини ошириш, таълимни ривожлантириш йўллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим тизими, ходим, бошқариш, шарт-шароит яратиш, малака ошириш.

Кириш. Бугунги кунда тараққиётимиз асосан кадрларга, уларнинг малакаси ва салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир муассасанинг муваффақиятли фаолият юритиши унинг жамоаси, ходимлар малакаси, билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, интизомлилиги, масъулиятлилигига боғлиқдир. Ривожланган мамлакатларда корхоналарда эришилган муваффақиятлар асосан унда фаолият кўрсатаётган малакали ходимларига, уларнинг қабул қилган сифатли қарорларига боғлиқлиги ҳаммага яхши маълум.

Кадрлар тайёрлаш масаласи ва унинг аҳамиятини республикаимизнинг Биринчи Президенти қуйидагича изоҳлаган эди: “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайдик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”¹. Бу жуда тўғри эътироф. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчилар ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли нутқида: “Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз олди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бундай ножўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилож ташлаб кетганини ҳам биламиз”², деб таъкидлади. Ушбу ҳолат таълим соҳасида ходимларга катта эътиборни қаратиш лозимлигини келтириб чиқаради. Айнан мазкур масала тадқиқотимиз мавзусининг бугунги кун талабига мослиги ва ўта долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Таълим тизимини такомиллаштириш ва бунда хорижий тажрибалардан фойдаланишга оид масалалар билан мамлакатимиз олимлари томонидан С.С.Ғуломов, А.Т.Шермухаммедовлар³, М.А.Икромов¹, М.Қ.Пардаев,² Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Зокирова¹ кабилар шуғулланиб

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7 том. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 381-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчилар ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 1 октябрь 207-сон. – 1-3 бетлар.

³ Ғуломов С.С., Шермухаммедов А.Т. Развитие цифрового маркетинга в Узбекистане. // “Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари” мавзусида ХИАК материаллари тўплами. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019. – 24-29 бетлар.

¹ Икромов М.А., Шермухаммедов А.Т. Цифровой товар: стратегии производителей и продавцов. // “Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари” мавзусида ХИАК материаллари тўплами. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019. – 100-103 бетлар.

² Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиётнинг таърифи, мақсади, ижобий ва салбий томонлари. // “Сервис” илмий-амалий журнали. 2019 1-сон. – 5 бет., Пардаева ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: “инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 260 бет.

келмоқдалар. Ушбу муаллифлар томонидан бир қанча адабиётлар ва илмий мақолалар нашр қилинган. Унда асосан таълим тизимини такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли таълимни жорий қилиш, персонални бошқариш каби масалалар ёритилган. Аммо таълимда ходимларни бошқариш хусусида мамлакатимиз олимлари томонидан илмий адабиётлар деярли нашр қилинмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида билиш назариясининг индукция ва дедукция, мантикий ёндошув, замон ва макон, қиёсий таҳлил каби усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инсоният тарихида халқнинг, миллатнинг қиёфаси аҳолининг саводхонлик даражасига боғлиқ бўлиб келган. Жамиятнинг истиқболи ҳам, келажагини таъминлаш ҳам таълимга боғлиқ бўлган. Бугун ҳам давлатимиз ва фарзандларимизнинг келажаги бевосита таълим даражасига, унинг инсон капитали яратиш даражасига боғлиқ. Шу туфайли ҳар қандай мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган асосий соҳа ҳам таълимга боғлиқдир. Шунинг учун аввало, таълим соҳасини, таълим берадиган кадрларни замон талабига жавоб берадиган шижоатли, ташаббускор кадрлар билан таъминлаш лозим бўлади.

Бугунги кун ўқитувчиси эртанги кунимизнинг тақдирини ҳал қилади. Ҳозирда олий таълим муассасасининг малака даражаси нисбатан юқори. Аммо умумтаълим мактаблари педагог-ходимларининг кўпчилиги бугунги кун талабига жавоб бермаслиги ҳам сир эмас. Боз устига ушбу тизимда фаолият юритаётган ходимлар учун етарли даражада шарт-шароитлар ҳам юқори даражада яратиб берилмаган.

Малакали кадрларга бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бориши кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва қўшимча касб олиш тизимини такомиллаштиришни тақозо қилади. Ўқитувчиларнинг касбий малакасини ошириш бўйича услубий ишларни такомиллаштириш учун ходимларнинг ўзларидан маълумот тўплаш учун материаллар киритиш таклиф этилади. Таълим муассасаларида стратегик менежментнинг, уни амалга ошириш учун моддий-техника базасининг мукамал эмаслиги ҳам соҳанинг юксак даражада ривожланишига салбий жиҳатдаги таъсир қилади.

Бизнинг тадқиқотларимиз ушбу кўп қиррали масалалардан битта йўналишга, яъни ходимларнинг малакасининг замон талабига жавоб беришига қаратилди. Ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни бошқариш тизимини ривожлантириш истиқболлари, қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳар бир ўқитувчи бўйича сўровнома ўтказиш бевосита педагог ходимлар фаолиятига баҳо беришда ва уларнинг даражаларини белгилаш ва танлаш жараёнида биринчи қадам ҳисобланади.

2. Ходимларни танлаш усули сифатида уларнинг билим даражасини аниқлаш учун тест ўтказиш. Танлов қарорларини энгиллаштириш учун фойдаланиладиган усуллардан бири сифатида тегишли ахборотлар билан таъминлайди.

3. Номзоднинг ўзини ўзи баҳолаши. Бу номзодларнинг дастлабки танловини соддалаштиради ва уларнинг ваколат қобилятлари олдиндан юқори баҳоланган ёки аксинча, маълум бир лавозим учун жуда паст бўлганларни "саралаш"га имкон беради.

Ходим, унинг ишига муносабати, жамоада ўзини тутиши ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун аввалги иш жойидан ёки ёш мутахассислар учун ўқиш жойидан олинган тавсияларни текшириш ҳам лозим бўлади. Бунда ҳар бир педагогнинг фаолияти ва унинг шахсига баҳо бериш учун бир қанча меъзонларни ишлаб чиқиш лозим. Шу сабабли профессор-ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилмоқда.

¹ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш. Дарслик. Т., “Ўқитувчи” НМИУ, 2008. – 656-бет.

Малака ошириш бевосита педагогларнинг билим савиясини, малакасини оширишга, замонавий ўзгаришлар билан хабардор бўлишликка олиб келадиган таълим жараёнидир. Олинган малакаларни сақлаб қолиш, шунингдек, уни боғлиқ ҳолда олиб бориш, ўзгарувчан муҳитга, мос келадиган даражага етказиш малака ошириш фаолиятининг муҳим вазифаларидандир. Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бевосита ўзи ишлайдиган таълим муассасасида узоқ муддат давомида ўзи муттасил ошириб бориш билан шуғулланиши лозим. Ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминлаган педагог замон билан ҳамнафас равишда такомиллашиб боради.

Келажакка муносиб бўлиш учун бугунги талаб, инсонни ўз ишининг устаси, ҳақиқий профессионал сифатида шакллантиришдир. Бунга мос бўлган олий ўқув юртларида ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва қўшимча касб-хунарга эга бўлишни таъминлашдан иборатдир. Бугунги кунда, педагогларимиз бошидан кечирган қийинчиликларга қарамай, энг кенг тарқалган касблардан бири сифатида баҳоланиш билан бирга уларнинг мавқеи аста-секинлик билан тикланиб бормоқда. Малака ошириш учун педагог фақат шу йўналишдаги курсларга бориш билан чегараланиб қолмасдан, турли тадбирлар, таълим ва ўз-ўзини тарбиялашнинг бутун тизимини ишга солишига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мазкур Концепция ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатнинг бир йўналиши ўқитувчилар малакасини оширишга қаратиган ишлардани такомиллаштириш билан боғлиқ.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратиган ишларда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Буларга:

- ўқитувчиларнинг имкониятлари ва уларнинг касбий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда дифференциаллаштирилган ёндашувни таъминлаш;
- билимларни фаол ўзлаштиришга ва касбий маҳоратни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- касбий ривожланиш самарадорлигини баҳолаш ва ушбу жараёнга тезкор тузатишлар киритиш;
- ушбу жараёнда интеграл ёндашувни таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

Замонавий таълим модели шароитида таълим муассасаси ходимларини бошқариш тизимини такомиллаштириш айниқса долзарб вазифа бўлиб, унинг ечими инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасаси ривожланиш режимида ишлаши керак, чунки бу қаттиқ рақобат шароитида муваффақият қозониш имкониятини беради.

Биз ўз ишимизда замонавий таълим модели шароитида таълим муассасаси ходимларининг ривожланишини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқладик, хусусиятларидан бири сифатида биз дастурий ёндашув, ривожланиш дастури деб номладик.

Тадқиқотни бажариш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди, хусусан:

- бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасаси кадрларини ривожлантиришни бошқариш тизимининг назарий асослари кўриб чиқилди;
- олий таълимда кадрлар ривожланишини бошқариш воситаси сифатида ривожланиш дастурининг таҳлили ўтказилди.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантиришга катта аҳамият берилган вақтда ҳар қандай таълим ташкилотининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон берадиган ходимларни бошқаришнинг замонавий шакллари амалда қўллаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимида кадрлар билан ишлаш даражасини кўтариш, ушбу ишларни мустахкамда илмий асосланган ва тўпланган маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади.

Ўқитувчи онгли ҳаётининг учдан бир қисмини таълим муассасасида ўтказди ва унинг меҳнат фаолияти қандай шароитда амалга оширилади, жамоада умумий психологик вазият қандай, ишбилармонлик ва шахсий муносабатлар қандай бўлади, самарали меҳнат натижаларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Таълим муассасасида олиб борилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўплаб замонавий корхоналар сингари таълим муассасаси ҳам бугунги кунда ўз мавзусини "ва ундан" биладиган тор мутахассис-ижрочи эмас, балки фанлараро муаммоларни ҳал қила оладиган ва одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган ўқитувчини афзал кўради. Бу асосий ваколатлар тўпламига эга бўлган фаол коммуникатор, муассаса фаолиятида бевосита иштирок этадиган ва етук кадрлар тайёрлашда катта муваффақиятларга эришадиган ўқитувчилардир. Ҳар бир профессор-ўқитувчи таълим дунёсини қуришда қатнашиши керак.

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, таълим муассасасида кадрлар билан ишлашнинг барча соҳаларида мақсадли кадрлар сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларни бошқаришнинг анъанавий усуллари, унинг шароитларига мослаштириш билан амалга оширилиши керак.

Х.Очилова Улучшение кадрового обеспечения в сфере образования	Н.Очилова Improving staffing in education
Аннотация: в данной статье описаны способы подбора персонала, работы с персоналом, управления персоналом, повышения его квалификации, развития образования в сфере образования. Ключевые слова: образование, система обучения, кадры, менеджмент, создание условий, обучение.	Abstract: this article describes the selection of staff in the field of education, working with staff, personnel management, training, development of education. Keywords: education, training system, staff, management, creating conditions, training.

С.А.Бабаназарова – СамИСи катта ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада олий таълим муассасаларида таълим хизматлари сифатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари такомиллаштириш масалалари қараб чиқилган. Олий таълимда таълим хизматлари сифатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш учта йўналишга (ходимлар бўйича, кафедралар бўйича ва олий таълим муассаси бўйича) бўлинган ҳолда қараб чиқилиш тавсия қилинган. Мазкур ишда олий таълим муассасалари ходимлари (профессор-ўқитувчилари) фаолиятининг сифатини ва самарадорлигини баҳолаш масалалари қараб чиқилган. Калит сўзлар: таълим, таълим сифати, таълим самарадорлиги, таълим хизматлари, олий таъ-лим, коррупциясиз олий таълим, илм, маърифат, рақамли таълим, таълим сифати кўрсаткичлари.
--

Кириш. Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга

Мурожаатномасида яна бир бор қайд этилди. Ушбу мурожаатномада қайд этилдики, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹. Шу туфайли мазкур масалага мамлакатимизда жуда катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 июлда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги². 2020 йил 19 майда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди³. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097 Фармони, 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”⁴ вазифаси белгиланган. Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун сифат билан боғлиқ барча ички ва ташқи омилларни ишга солишга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини баҳолашни тақозо қилади. Айнан ушбу зарурият мазкур илмий-тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимизда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини баҳолаш масалалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб туфайли асосан мамлакатимиз олимлари ишларига мурожаат қилдик. Мазкур масаланинг у ёки бу жиҳатлари билан бир қанча олимларимиз шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига С.С.Ғуломов, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Қ.Ж.Мирзаев, К.Х.Абдурахманов, А.Ш.Бердимуратов, О.М.Пардаев, З.Адилова, Б.Хонтўраев, Б.И.Исроилов, Э.Ф.Ғадоев, М.Саидов, А.Халиков, Я. Маматова, С. Сулайманова⁵ кабиларни киритиш мумкин. Ушбу олимлар асарларида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, таълим хизматларининг ҳам умумий жиҳатлари ёритилган. Аммо ушбу олимлар ишларида айнан таълим хизматлари сифатига бугунги кун талабидан келиб чиқиб баҳолаш ва уни такомиллаштириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Таълимни хизматлари сифатини бугунги кун талабидан келиб чиқиб, баҳолашнинг объектив зарурлиги ва уни аниқлаш жараёнида методологик асос сифатида мантиқий таҳлил, сабаб ва оқибат, анализ ва синтез, индукция ва дедукция

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.

² Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.

⁵ Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., профессор Қ.Х.Абдурахманов таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. – 476 бет., Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат тараққиётининг келажаги. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2019 йил. 3-сон. 7-бет., Пардаев, М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иқтисодиёти ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 бет., Адилова З., Хонтўраев Б. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 16-19-бетлар., Исроилов Б.И., Ғадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2019.. – 168 бет. Исроилов Б.И. Таълим тизимида коррупцияни олдини олиш масалалари. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 183-186-бетлар. Саидов М.Х. Ўзбекистан: инвестиции и человеческий капитал, партнёрство в сфере образования. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008, - 362 с., А.Холиков. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Тошкент “Иқтисод-молия”. 2010. 8-бет., Я. Маматова, С. Сулайманова, Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: «Extremum-press», 2015. – 94 б.

усулларидан фойдаланиган. Зеро, иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун юқори малакали кадрлар керак ва мос равишда буларни тайёрлаш учун таълим хизматлари сифати талаб даражасида юқори бўлиши лозим. Шу туфайли ишдаги асосий масалалар ва уларнинг йўналишлари мантикий таҳлил усулларини қўллаб ёритилди.

Таҳлил ва натижалар. Мазкур масала юзасидан тадқиқот олиб бориш давомида Президентимиз қўйган вазифалардан бири бўлган “Олий таълимда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш” борасида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим сифати ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш модели ишлаб чиқилди ва уни шакллантириш йўллари кўрсатиб берилди. Олий таълимда таълим хизматлари сифатини ошириш бўйича бир қанча концептуал йўналишлар ишлаб чиқиш учун мазкур соҳада қаттиқ интизомни жорий қилиш, ўқитиш жараёнида назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, давлат ташкилотлари ва тадбиркорларнинг махсус буюртмалари асосида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш, интеллектуал мулкни тижоратлаштириш муаммосини ҳал қилиш, бунинг учун интеллектуал мулкнинг баҳоси ва бозори ташкил қилиш лозим бўлади. Шунингдек, олий таълим тизимида юқори сифатга эришиш учун ўқитиш таркиби ва тартибини ҳам ўзгартириш кераклиги, ҳозирги дастурлар асосан мутахассис бўлишга, эртага қандайдир бир ишлаб турган идора, корхона ва муассасаларда фаолият олиб боришга тайёрланаётганлиги, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаётганлиги туфайли ўзини ўзи иш билан таъминлаш йўллари ҳам ўргатишни тақозо қилади.

Шунингдек, олий таълим муассасаларини босқичма-босқич академик ва молиявий мустақилликка ўтказиш масалалари ҳам бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бу ҳам таълим сифати ва самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, **“ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”**¹. Бунга фақат таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини юқори даражага чиқариш орқали эришилади.


Эндиги муаммо айнан таълим сифати ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, таълим хизматларини битта олий ўқув юртида бир қанча йўналишда қараш мақсадга мувофиқ экан. Булар:

1. ходимлар (профессор-ўқитувчилар) фаолиятининг сифати ва самарадорлиги;
2. кафедралар фаолиятининг сифати ва самарадорлиги;
3. олий ўқув юрти миқёсида таълим хизматлари сифати ва самарадорлиги.

Ҳар бир йўналишни ҳам майда бўлақларга бўлиб ўрганишга тўғри келади. Зеро, профессор, доцент ёки оддий ассистентга бир хал мезон ишлатиб бўлмайди. Чунки профессордаги имконият, табиийки, ассистентда бўлмайди. Масалан, илмий ихтисослашган кенгашларга аъзолик, асосан профессорларга хос. Ушбу мезонни ассистентга қўллаб бўлмайди ва ҳ.к. Худди шундай кафедралар кесимида ҳам турли табақаланишлар мавжуд. Жумладан махсус кафедралар билан умумтаълим кафедраларида аҳвол турлича, уларга ҳам бир хил мезонни ишлатиш мумкин эмас. Шу тариқа фаолият мезонларини ишлаб чиқишда ҳар бир субъектнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Олий таълим бўйича ҳам худди шундай ҳолат. Масалан, иқтисодиёт бўйича ихтисослашган олий ўқув юртларини техникага ёки биологияга мослаштирилган оли ўқув юртлари билан қиёслаш ҳам бироз ноаниқликларга олиб келади.

Фикримизча, таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги йўналишларнинг бир-бири билан боғлиқликда аниқлаш мақсадга мувофиқ (1-расм).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони. .



1-расм. Олий таълимда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар йўналишлари¹

Расмда келтирилган олий таълимда фаолият кўрсатадиган ходимлар (профессор-ўқитувчилар) томонидан амалга ошириладиган таълим хизматларини сифати ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини қараб чиқмиз. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ходимлар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматларини ифодаловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг миқдори	Кўрсаткичларнинг мазмуни
ЎҚУВ ИШЛАРИ			
1.	Илмий даражаси:		
1.1.	фан доктори, профессор;	50	Фан докторлигини қлаб, профессорлик унқонини олгунча кўп меҳнат қилишини инобатга олиб шу бални қийиш мумкин.
1.2.	фан номзоди, доцент;	30	Бунинг ҳам ассистентга нисбатан институтга хизмати катта ва илмий салоҳиятни ошириб туради
1.3.	ассистент	15	Бугун у ўз устида ишлаётган, келажакда доцент ва профессор бўлиши учун тегишли ишларни амалга ошираётган бўлади.
2.	Дарсларни ўтиш даражаси ва маҳорати		
2.1.	дарсга экспертлар баҳоси – 100 баллик. ўртача	Ўртачаси	Дарсга 3 кишидан кам бўлмаган кишилар кириб баҳолайди ва уларнинг ўртачаси олинади.
2.2.	талабалардан олинган сўровнома натижалари	Ўртачаси	Булар ҳам 100 баллик тизимдан келиб чиқиб, баҳо қўяди ва ўртачаси олинади.
3.	Интизомлилиги		
3.1.	дарсни барбод (срыв) қилмаганлиги	20	Йил давомида дарсни бирор марта барбод қилмаган бўлса шу бал берилади, агар унга йўл қўйилса умуман бал берилмайди
3.2.	оммавий тадбирларга ўз	10	Турли байрамлар ва бошқа оммавий

¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

	вақтида иштироки		тадбирларда фаол иштирки таъминланган бўлиши лозим.
4.	Дарс ўтган фанидан талабаларнинг ўзлаштириш даражаси	Ўртача нн ярми	Агар талабаларнинг ўзлаштириш даражаси 80 % бўлса бу ўқитувчига 40 балл берилади.
5.	Дарсликлар нашр этиш		
5.1.	сони, 1 донасига	100	Ҳаммуаллифларга тенг бўлинади
5.2.	ҳажми, 1 б.т. учун	30	Ҳами балл ҳаммуаллифларга бўлинади.
6.	Ўқув қўлланмалар нашр этиш		
6.1.	сони, 1 донасига	80	Ҳаммуаллифларга тенг бўлинади
6.2.	ҳажми, 1 б.т. учун	20	Ҳами балл ҳаммуаллифларга бўлинади.
7.	Хорижий ОТМда дарс ўтиш	200	Ҳаммуаллифларга тенг бўлинади
8.	Услубий қўлланма, кўрсатма, тавсия, маъруза матнлари нашри учун		
8.1.	сони, 1 донасига	30	Ҳаммуаллифларга тенг бўлинади
8.2.	ҳажми, 1 б.т. учун	10	Ҳами балл ҳаммуаллифларга бўлинади
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ			
1.	Диссертация ёклаш		
1.1.	DSc ёклаш ҳар бирига	100	Ёлаган ҳисобот даврида қўшилади
1.2.	PhD ёклаш ҳар бирига	60	Ёлаган ҳисобот даврида қўшилади
2.	Диссертацияга раҳбарлик		
2.1.	DSc ёклаши ҳар бирига	50	Бевосита илмий маслаҳатчилигида ёклаганда
2.2.	PhD ёклаши ҳар бирига	35	Бевосита илмий раҳбарлигида ёклаганда
2.3.	Магистрлик диссерер.	15	Бевосита илмий раҳбарлигида ёклаганда
3.	Диссертацияларга расмий оппонентлик		
3.1.	DSc ёклашда ҳар бирига	20	Оппонентлик учун ҳисобот даврида қўшилади
3.2.	PhD ёклашда ҳар бирига	15	Оппонентлик учун ҳисобот даврида қўшилади
4.	Нашр қилган монографиялари		
4.1.	сони, 1 донасига	80	Ҳаммуаллифларга тенг бўлинади
4.2.	ҳажми, 1 б.т. учун	20	Ҳами балл ҳаммуаллифларга бўлинади.
5.	Нашр қилган ОАК эътироф этган мақолалари		
5.1.	республика журналларда	15	Нашр қилинган ҳисобот даврида
5.2.	хорижий журналларда	30	Нашр қилинган ҳисобот даврида
5.3.	«Web of Science», «Scopus» ва бошқалар	40	Нашр қилинган ҳисобот даврида
6.	Илмий конференцияларда материални чоп қилиш		
6.1.	республика йтаси учун	10	Нашр қилинган ҳисобот даврида
6.2.	халқаро йтаси учун	15	Нашр қилинган ҳисобот даврида
6.3.	хорижда йтаси учун	20	Нашр қилинган ҳисобот даврида
7.	Илмий журналларда таҳририят аъзоси		
7.1.	республикада	10	Аъзо бўлган ҳисобот даврида
7.2.	хорижий журналларда	30	Аъзо бўлган ҳисобот даврида
8.	Халқаро кўрсаткичларга кўра профессор-ўқитувчи-ларнинг илмий ишларига иқтибослар учун	1 та ихтибос учун 10	Ҳисобот даврида қилинган ихтибослар учун
9.	ИТИ натижаларини амалиётга тадбиқ этиш		
9.1.	Илмий ишланмалар	10	Тегишли ташкилотларнинг далолатнома ва маълумотномалари
9.2.	ИТИ тижоратлаштириш	10	Хўжалик шартномаси ва бошқа қонун доирасидаги тушумлар учун
10.	Ихтисослашган Илмий Кенгашда иштироки учун		
10.1.	Кенгашга аъзолиги учун	30	Ҳар бир кенгаш учун 30 иккита бўлса 60.
10.2.	Кенгашнинг ҳар бир мажлисга иштироки	10	Ҳисобот даврида кенгаш мажлиси қанча бўлса, шунга мос равишда баҳоланади.

11.	Такризлар учун	5	Дарслик, ўқув қўлланма, монография ва бошқа адабиётларга берилган ҳар бир такризлар учун
12.	Давлат грантларига иштирок учун		
12.1.	Раҳбарлик	30	Ҳисобот йилида иноватга олинади
12.2.	Ижрочи	15	Ҳисобот йилида иноватга олинади
13.	Хорижий грантларга иштирок этиш		
13.1.	Раҳбарлик	50	Ҳисобот йилида иноватга олинади
13.2.	Ижрочи	30	Ҳисобот йилида иноватга олинади
14.	Ихтиро учун сертификат олиш	100	Ҳисобот йилида иноватга олинади
ТАРБИЯ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИ			
1.	Академик гуруҳга раҳбар.	100	Ҳисобот даври давомида
2.	Талабалар ўртасидаги тарғибот ишлари учун	Ҳар бирига 10	Ҳисобот даври давомида
3.	Маҳалла ва меҳнат жамоаларида тадбирлар учун	15	Ҳисобот даври давомида
4.	Тарбиявий аҳамиятга доир баддий асарлар учун		
4.1.	Баддий асарлар учун, битта-сига 5. б.т.дан зиёд бўлса	50	Ҳисобот даври давомида, ҳаммуаллиф-ликда бўлса хиссасига қараб тақсимланади.
4.2.	5,0 б.т.дан кам бўлса	30	4.1. банддаги сингари
4.3.	Ҳажми, ҳар бир б.т. учун	10	Ҳаммуаллифлар ўртасида тақсимланади
4.4.	Тарбиявий мақолалар учун	20	4.3. банддагидек.
5.	ТУРЛИ ТАНЛОВЛАРДА ИШТИРОКИ ВА РАҒБАТЛАНГАНЛИГИ УЧУН		
5.1.	“Энг яхши педагог” танлов.	50	Вазирлик миқёсида
5.2.	Фахрий ёрлик ва ташаккурнома республика миқёс.	30	Республика вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан берилганда
5.3.	Вилоят ва шаҳар миқёсида	20	Вилоят ёки шаҳар ҳокимлар, вилоят ташкилотлари раҳбарлари томонидан
5.4.	Институт миқёсида	10	Институт ректори имзоси билан
5.5.	Сертификатлар олгани учун	10	Турли йўналишларда сазовар бўлганда
5.6.	Ректор буйруғи билан тақдирланганлиги учун	15	Ўқув, илмий тадқиқот, тарбиявий ишлари учун рағбатлантирилганда
5.7.	Давлат мукофотларини олганликлари учун	100	Турли давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги учун

Бугунги кунда олий таълим муассасалари олдида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Булардан бири, “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилди ва бу босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу тадбир айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўрона дарс ўтиб, ўзини ҳам, талабани ҳам “алдаб” юрадиган ҳолатига бутунлай барҳам беришга олиб келади. Чунки, шу йўл билан таълимдаги саҳтакорлик, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг, миллатнинг, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ўнгланиши ва ривожланишига салбий таъсир қиладиган омиллар барҳам топади. ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари бевосита таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Ушбу талабга жавоб бериш ва маълум даражада педагоглар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш учун биз томонимиздан ишлаб чиққан мезонлар тўлиқ жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2020 йил 19 майда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон

республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонларининг қабул қилинганлиги таълим тизимидаги ислохотларнинг жадаллаштиришга асос бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 2 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.
6. Адилова З., Хонгўраев Б. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 16-19-бетлар.
7. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., профессор Қ.Х.Абдурахманов таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. – 476 бет.
8. Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашга оид атамаларнинг изоҳли лугати. – Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2019.. – 168 бет.
9. Исроилов Б.И. Таълим тизимида коррупцияни олдини олиш масалалари. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 183-186-бетлар.
10. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: «Extremum-press», 2015. – 94 б.
11. Пардаев М.К. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат тараққиётининг келажаги. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2019 йил. 3-сон. 7-бет.
12. Пардаев, М.К., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иқтисодиёти ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 бет.
13. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции и человеческий капитал, партнёрство в сфере образования. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008, - 362 с.
14. Холиқов А., Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Тошкент “Иқтисод-молия”. 2010. 8-бет.

С.Бабаназарова Показатели качества и эффективности образовательных услуг в ВУЗах и способы их оценки	S.Babanazarova Indicators of educational services quality and efficiency in higher educational institutions and ways to evaluate them
Аннотация: в статье рассматриваются показатели качества и эффективности образовательных услуг в высших учебных заведениях и пути их улучшения. Рекомендуются изучить показатели качества и эффективности образовательных услуг в системе высшего образования, разделенные на три области (по персоналу, по кафедрам и по ВУЗу). При этом рассматриваются вопросы оценки качества и эффективности деятельности сотрудников (преподавателей-профессоров) высших учебных заведений. Ключевые слова: образование, качество образования, эффективность образования, образовательные услуги, высшее образование, высшее образование без коррупции, наука, просвещение, цифровое образование, показатели качества образования.	Abstract: the article discusses indicators of the quality and efficiency of educational services in higher education institutions and ways to improve their objectives. It is recommended to study the indicators of the quality and efficiency of educational services in the higher education system, divided into three areas (by personnel, by the department and by the university). At the same time, the issues of assessing the quality and effectiveness of the activities of employees (teachers-professors) of higher educational institutions are considered. Keywords: education, quality of education, educational efficiency, educational services, higher education, higher education without corruption, science, enlightenment, digital education, quality indicators education.

М.К.Комилова – преподаватель кафедры «Узбекского языка и литературы» СамИЭС

СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕРМИНОВ ИНВЕСТИЦИЯ И КРЕДИТ

(на основе материалов на русском и узбекском языках)

Аннотация: в данной статье дается представление о сравнительном исследовании терминов инвестиция и кредит, изучение которого в настоящее время является одной из самых актуальных проблем. Освещены практические и теоретические вопросы в области терминологии, подчеркнута важная роль внешних источников в обогащении и улучшении содержания словаря. Также автором были выдвинуты комментарии усвоения терминов в актуальных областях образования сегодня.

Ключевые слова: термин, терминология, словарный запас, инвестиции, кредит, внутренний источник, внешний источник, образование.

Введение. Известно, что в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» определены такие важные задачи, как воспитание молодого поколения в нашей стране физически здорового, интеллектуально-развитого, свободно мыслящего, имеющего сильную жизненную позицию, преданного своей Родине, повышение их социальной активности в углубление демократических реформ и в процессе развития гражданского общества [2017, 70]. Следовательно, развитие любого государства и общества неразрывно связано с совершенством, стремлением и энтузиазмом подрастающего поколения. Нужно признать, что такие важные задачи, как воспитание молодежи в духе национальных и общечеловеческих ценностей, успешно решаются постоянным ростом инвестиций из государственного бюджета в социальную сферу, включая реформу системы образования в нашей стране, подготовка высококвалифицированных кадров в рамках законов и государственных программ в области образования, обеспечивающих эффективную интеграцию науки и производства.

Анализ использованной литературы. Теоретическую основу данной работы составляют использованные в процессе написания ее основной части Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4797 от 13 мая 2016 года «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» // Народное слово, 17 мая 2016 года.

Выступление Президента Республики Узбекистана Шавката Мирзиёева на заседании Кабинета Министров 16 января 2017 года, посвященное основным итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2017 год, а также труды отечественных и зарубежных авторов, а также международные документы, имеющие отношение к рассматриваемым проблемам.

Анализ и результаты. Изучение принципов развития личности на каждом этапе обучения мировой лингвистики в современных процессах, научные исследования жизненно важных потребностей, сохранение национальных и духовных ценностей и передача будущим поколениям, создание благоприятной деловой среды, изучение иностранных языков, включая усвоение терминов, имеет огромное значение как средство установления связи для экономического и дипломатического сотрудничества. В связи с этим ЮНЕСКО, Совет Европы, Европейская комиссия по образованию и культуре учредили различные организации, комитеты, ассоциации, исследовательские институты, используя рекомендации CEFR (Общеввропейские компетенции владения иностранным языком). На каждом этапе проводятся исследования по повышению качества уровня усвоения языка [1, 2015].

Неслучайно Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев говорил о текущих и будущих приоритетах нашей страны: «Мы считаем своей первоочередной

задачей улучшение функционирования всех сегментов системы образования в соответствии с современными требованиями» [Народное слово, 2017, 16].

Роль системы образования как одного из наиболее важных секторов сферы услуг, заключается в ее влиянии на общественное производство и его секторы. Потому что, с одной стороны, основным субъектом и объектом системы образования, потребителем и исполнителем образовательных услуг является человек. С другой стороны, одним из важных элементов производительных сил общества является рабочая сила.

Одним из стратегических направлений в системе образования является роль предметов иностранного языка в системе образования и пути повышения эффективности их преподавания. Каждому будущему специалисту важно понимать необходимость реформирования системы образования, ее суть и, самое главное, осваивать инновации в сфере образования.

Наблюдения показывают, что в последние годы в стране были проведены масштабные реформы в экономической сфере. Привлечены инвестиции в развитие туризма и других сфер, расширились рамки сотрудничества. Однако терминология этих областей в сравнительном аспекте не изучалась. В этом смысле одним из важных вопросов является сравнительный и сравнительный лексикографический охват русских и узбекских терминов «инвестиция и кредит». Поскольку в Узбекистане нет специального изучения инвестиционной и кредитной терминологии, анализ инвестиционных и кредитных условий служит расширению использования узбекского языка.

Исходя из принципов развития, «в первую очередь расширение использования родного языка, углубленное изучение его исторических корней и всестороннее развитие на научной основе становится сегодня очень важной проблемой» [2016, 17]. В то же время, на основе сравнительного анализа условий инвестирования и кредитования в Узбекистане, важно показать мировоззрение двух народов, специфику терминов, умение переводить многие международные термины на узбекский язык. Это указывает на актуальность темы.

Проведен ряд исследований по общей и специальной терминологии по иностранным языкам и русскому языкознанию. В трудах таких ученых, как Джамал Мохамед Гиаббер, М. Т. Кабре, В. В. Антимирова, В. И. Гатаулина, Е. А. Колесникова, И. С. Кулакова, Д. С. Салмина, Н. Н. Лантюкова, О. В. Загоровская, Т. А. Литвинова, Л.Н. Уткина изучались различные вопросы отрасли. Терминологические системы узбекского языка нашли своё отражение в исследованиях и трудах таких ученых, как Литвинова, Л.Н. Уткина, М.Е. Умарходжаев, Х. Дадабоев, Т. Урунов, А. Касимов, К. Хуррамов, К. Сапаев, А. Мадвалиев, И. Юлдашев, Н.Усмонов, З.Мирахмедова, Н.Маматов, М.Саидова, Г.Гуломов, И.Х. Садикова, С.Х. Нурматова, О.Турсунова, П.П. Нишинов, О.С. Ахмедов, Д.Х. Кадырбековой, Х.В. Мирзахмедовой и С.Т. Мустафаевой.

Таким образом, в статье комментируются результаты наблюдений о необходимости сравнительного аспекта исследования терминов инвестиции и кредит на русском и узбекском языках. Следует отметить, что исследование сравнительного аспекта доказывает межъязыковую семантическую пропорциональность и диспропорцию в использовании терминов; анализируемые термины описываются с точки зрения терминологических требований: точность, логическая непротиворечивость, структура, соответствие нормам литературного языка, популярность; будут усовершенствованы межъязыковые лексико-семантические особенности инвестиционных и кредитных терминов, методологические подходы к унификации, гармонизации и разработке новых толкований терминов в этой области.

Согласно имеющейся научной литературе, термин происходит от латинского слова *terminus* - граница, знак границы, проверка [3, 503]. В. Н. Шевчук даёт определение слову термин следующим образом: «Термин - это слово, которое в средние века имело значение «определять», «выражать», в древнефранцузском языке лексема «термин» означала «слово»» [5, 6].

По мнению А.А.Реформатского, термин - это слово, которое ограничено своими отдельными и особыми характеристиками, это однозначные, ясные слова в областях науки, технологий, экономики, политики и дипломатии[4, 110].

По наблюдениям В.П.Даниленко, «термины являются частью словарного запаса и определяют предмет науки и дисциплины» [2, 15].

Наука представляет собой внутреннюю взаимосвязь причин и следствий, вещей и событий в мире вокруг нас, это система, которая вносит особый вклад в развитие природы и общества.

Заключение и предложения. В целом следует отметить, что сравнительный анализ терминов разных языков основан на языковой специфике, структуре, национальном менталитете и традициях. Сравнительное изучение русской и узбекской инвестиционно-кредитной терминологии на материалах русского и узбекского языков особенно актуально сегодня с точки зрения развития международного сотрудничества и создания определенных льгот для участников внешнеэкономической деятельности.

Разработка ведущих принципов языковых единиц с точки зрения лингвистики, теории перевода, выявление лексико-семантических, функционально-структурных, коннотативных и денотативных особенностей терминов играет особую роль в поиске контента.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4797 от 13 мая 2016 года «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» // Народное слово, 17 мая 2016 года.
2. Выступление Президента Республики Узбекистана Шавката Мирзиёева на заседании Кабинета Министров, посвященный основным итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2017 год. // Газета "Народное слово". 16 января 2017 года.
3. The European Higher Education Area in 2015: Implementation Report. (2015) <http://ec.europa.eu/eurydice>
4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. –М., 1977.
5. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М., 1998.
6. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968.
6. Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке. –М., 1983.

М.Комилова Инвестиция ва кредит терминларининг қиёсий-типологияси тадқиқи (рус ва ўзбек тиллари материаллари асосида)	М.Komilova Comparative-typological study of investment and credit terms (on the basis of materials in Russian and Uzbek languages)
Аннотация: ушбу мақолада ҳозирги пайтда тадқиқи долзарб масалалардан бири бўлиб турган инвестиция ва кредит терминларининг қиёсий аспектда ўрганилишига доир мулоҳазалар борасида фикрлар билдирилган. Терминология соҳасининг амалий ва назарий масалалари ёритилган бўлиб, луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манбанинг муҳим ўрни ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, муаллиф томонидан бугунги кунда таълимнинг тегишли йўналишларида терминларни ўзлаштириш масалаларига доир мулоҳазалар илгари сурилган. Калит сўзлар: термин, терминология, луғат фонди, инвестиция, кредит, ички манба, ташқи манба, таълим.	Abstract: This article provides feedback on the comparative study of investment and credit terms, which is currently one of the most important issues in research. The author also comments on the acquisition of terms in the relevant areas of education today. Keywords: termin, terminology, dictionary fund, investment, credit, internal source, external source, education.

З.Ш.Ашурова – СамИСИ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИНИНГ ЎРНИ (БОЛАЛАР АДАБИЁТИ МИСОЛИДА)

Аннотация: Ушбу мақолада етук кадрлар тайёрлашда мустақиллик даври болалар адабиётининг ўрни ва роли ҳақида фикр юритилган. Истиқлол даврида ижод қилган А.Обиджон, О.Дамин, Д.Ражаб поэтик маҳорати ҳақида мулоҳазалар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: сўз, матн, метафора, метонимия, синекдоха, композиция, лексема, сема, доиманант, бирлик, ибора, эмоция, туйғу, кечинма, услуб, поэтика.

Кириш. Мустақиллик даври болалар адабиётини ўрганиш ўзбек тили бадий услубининг шаклланиши ва тараққиётида маънавийлиги, етук кадрларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолият, ижтимоий сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Адабиётни ўрганиш, тадқиқ қилиш, келажак авлодни мукамал тарбиялаш демакдир.

Болалар адабиёти сўз санъати ва тарбия воситасидир. Шунингдек, мустақиллик даври болалар адабиёти ўсиб келаётган ёш авлодни имон-эътиқодли кишилар сифатида ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда мустақил мамлакатимизнинг тенгсиз куч қудратидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик тадқиқотлар алоҳида монографик аспектда ўрганилган бўлса-да, А.Обиджон, О.Дамин, Д.Ражаб ижоди тимсолида алоҳида тадқиқ қилинмаган. Кейинги йилларда ўзбек бадий матн муаммоларига, хусусан, унинг лингвопоэтикаси масалаларига бағишланган бир неча диссертациялар ҳимоя қилинди, монографиялар нашр этилди. Тилшунос олимлардан И.Мирзаев, С.Каримов, М.Ёқуббекова, М.Йўлдошевларнинг докторлик диссертациялари, М.Йўлдошев, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, Ш.Ҳайдарова, Г.Жамолидинова, Ф.Ибрагимоваларнинг номзодлик диссертациялари, М.Муҳиддинов, С.Каримов ҳамда Б.Йўлдошев, З.Шодиев, Г.Жуманазароваларнинг монографияларини келтириш мумкин. Бироқ замонавий ўзбек тилшунослигида монографик изланишлар А.Обиджон, О.Дамин, Д.Ражаб ижоди асосида ҳали тўлақонли ўрганилган эмас.

Тадқиқот методологияси. Ушбу ишда мавзу талабидан келиб чиққан ҳолда, қиёсий-тарихий, тавсифий ва таснифлаш методларидан фойдаланилади. Унинг объектини замонавий илмий манбалар ва болалар шеърятини материаллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар. “Бадий матннинг стартификация ходисаси деганда, аввало, бадий бўёқдорлик, грамматик тузилиш, тағмаёно ва тағқатламларнинг стилстик хусусиятлари ягона марказда жипслашуви, доминант бирликлар”¹нинг ўзаро алоқаси тушунилади. Шеърини матнда эса мазкур бирликлар фақатгина образлиликни юзага чиқарибгина қолмасдан, улардаги тағмаёноларнинг ўзига хос қирраларини ҳам намоён қилишга кенг йўл очади. Истиқлол даврида баракали ижод қилган А.Обиджон, О.Дамин, Д.Ражаб поэтик маҳоратида сўз бирликларини ўз ўрнида, вазиятида қўллай олганлигини эътироф этиш жоиздир. Лингвопоэтика тилшуносликда бадий матнни ўрганишнинг учинчи даражаси дея эътироф қилинади². Дарҳақиқат, семантик даражаларни таҳлил қилиш орқали лингвопоэтик унсурлар динамикасини аниқлашга кенг йўл очиш мумкин.

¹ Шмоль И.А. Лингвопоэтическая стратификация художественных текстов и изучение индивидуального авторского стиля: На материале произведений Шекспира. кандидат филол.наук. диссертации автореферата. –М. 2001. –С. 3

² Киртаева А.В. Лингвопоэтика многокомпонентных атрибутивных словосочетаний в английской драме XVI-XVII веков. . кандидат филол.наук. диссертации автореферата. –М. 2001. –С. 2.

Жумладан, шоир нима ҳақида ёзаётганда – кимни назарда тутишига қараб англаш мақсадга мувофиқдир.

Ўрмон билан адирнинг
Ўртаси дала.
Ҳаммом қурди шу жойга
Фил кузак палла.

Сув иситиш бўйича
Тимсоҳ бўлди бош.
Оқ мушукхон паттачи,
Қора ит фаррош³.

Мазкур шеърдаги жонзотларнинг ўхшатилиши, пичинг ва киноя, енгил юморни юзага келишига замин яратган. Буни ўқиган бола тасаввурида қўлидан келмайдиган ишга аралаштириш мудҳиш хатоларни келтириб чиқаради деган тасаввур зоҳир бўлади. Натижада, болалар дунёқараши тиниқлашувига, улардаги билим ва куч тўплаш захирасининг рангинлашувига, ҳаётини хулосалар чиқаришга, ақл билан иш тутишларига сабаб бўлади. А.Обиджон шеърларида кўп ҳолларда миттивойларнинг дунёқарашини ўстиришга қаратилган энг муҳим жиҳатлар, яъни воқеликни ич-ичидан ўтказиб тасвирлаш, нарсабуюм, предметларнинг таъғамносида инсон шахси туриши, катталарга ҳурмат белгиси энг олий қадрият саналишига даъват қилинади.

Биз О.Дамин ва А.Обиджон, Д.Ражаб сингари шоирлар ижодидаги услубий доминант белгиларнинг бир-бирини тўлдирувчи компонент эканлигини аниқлашга эришдик.

М.Йўлдошев таъкидалшича: “хусусий-муаллиф ўхшатишларини бадиий матнни шунчаки, безовчи, гўзаллаштирувчи восита сифатидагина қараш тўғри бўлмайди. Маҳоратли ижодкор бундай ўхшатишларга бадиий-эстетик эҳтиёж зарурияти билан мурожаат қилади. Тасаввур қилиш қийин бўлган тушунчаларни конкретлаштириш, мавҳум тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўзи ўнгида гавдалантириш, тасвирни қуруқ эмас, балки қуюқ бўёқлар билан амалга оширишда ана шундай ўхшатишлар фавқуллоҳда муҳим воситадир”⁷. Демак, шоир кутилмаган вазият, шароит, нуқтаи назар тақозоси билан ҳам ўхшатишларга мойил бўлиши тайин. Ўхшатишларнинг мазкур хили А.Обиджон ижодида жуда кўплаб учрайди. Бир қарашда *олма, тулки, бўри, сичқон, айиқ, қоплон, тоға, амаки, чол, қарға* сингари номлардан ўхшатишларни шеърини тизмаларга шу қадар содда, тушунарли ва киноявий шаклда жойлай олганки, унинг моҳиятида – қўлингдан келмаган ишга аралашма, деган маъновий қатлам англашилади:

Айиқ бўлсам
Бўрим бўл.
Ўчоқ бўлсам,
Мўрим бўл.⁴

Мазкур шеърдаги сўзнинг марказий ўзаги – бола. У ўзини айиққа, ўчоққа ўхшатмоқда. Айиқ ва бўри образи ҳам ўзига хос тарзда жилваланади. Ўчоқ ва мўри шаклида эса буюм маъносида қўлланилади. Шеърини матнларда ўхшатишларнинг болаларни ҳайратга солиши энг бирламчи мақсад сифатида намоён қилинади.

Топган – топалоқ,
Боши япалоқ.
Бойқушга ўхшаб
Кўзи шапалоқ⁵.

³ Анвар Обиджон. Кичкинтойлар қувончи. –Т., “Ўзбекистон”. 2019. –Б. 132.

⁴ Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар – Т. Ўзбекистон 2018 – Б 15

⁵. Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар – Т. Ўзбекистон 2018 – Б 14

Шоир шеърларида ранг-баранг тасвирий ифода унсурлари, метафорик бирликлар тараннуми ўзига хос тарзда намоён бўлиши шеърларида намоён бўлган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, А.Обиджон кўп ҳолларда – ўхшатишларнинг фавқулодда, қутилмаган шаклига мурожаат қилади. У ҳис ва туйғу натижасида гўзал бир тарзда юзага чиқиши лозим. Чунки бола – қизиқувчанлиги, таъсирчалиги билан ҳаёт ва олам ҳақида тасаввур қилишга мойил бўлади. Бу жиҳат шеърини матн поэтик тадрижида анъанавийликдан кўра, фавқулодда таъсир майдонига эврилиши синалган ҳодисадир.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу мавзунинг илмий долзарблигидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1.Олинган хулосалар, тилшунослик фанини янги илмий-назарий ишланмалар билан янада бойитишда, етук, салоҳиятли кадрлар тайёрлашда, лингвопоэтика соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

2.Ҳар учала ижодкорнинг сўз ва фраземалардан, метафора ва метонимиядан, матндаги синтактик қурилмаларни талқин қилиш негизида лингвопоэтик хусусиятларнинг адабий тил меъёрларига мувофиқлик даражаси аниқланган.

3.Ҳар учала шоирнинг шеърини асарларида бадиий тил имкониятларидан фойдаланиши ҳамда лексик-стилистик категорияларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 18-сон. Адолат. 1998.- 281 б.
2. Потебня А.А.. Из записок по теории словесности. – Харьков. – Изд. Потебни, 1905. – с. 19-21.; Яна шу муаллиф: Эстетика и поэтика. – М.,1976. – с.614. 3.Шмелов Д.Н. Слова и образ. –М.: Наука. 1964. –С.3.
4. Анвар Обиджон. Кичкинтойлар қувончи. –Т., Ўзбекистон. 2019. –Б.145.
5. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.169.
6. Йўлдошев М.Чўлпон сўзининг сирлари. – Т.: Маънавият, 2002. – 60 б.
7. Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 15.
8. Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 14.
9. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.171.

З.Ашурова	Z.Ashurova
Роль литературы периода независимости в подготовке кадров (на примере детской литературы)	The role of literature of the independence period in the training of personnel (on the example of children's literature)
Аннотация: в статье рассматриваются место и роль детской литературы периода независимости в подготовке зрелых кадров. Прокомментировано поэтическое мастерство А.Абиджана, О.Дамина, Д.Раджаба, творивших в годы независимости.	Abstract: the article examines the place and role of children's literature of the period of independence in the training of personnel. The poetic skills of A. Abidjan, O. Damin, D. Rajab, who worked during the years of independence, are commented on.
Ключевые слова: знания, умение, квалификация, уровень, спрос, цель, обучение, эффективность, использование, оборудование, система, управление.	Keywords: knowledge, skill, qualification, level, demand, purpose, training, efficiency, using, equipment, system, management.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

ИЧКИ АЪЗОЛАРИМИЗ ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИНГ!

Биз ҳеч қачон ички аъзоларимиз безовта қилмагунча улар ҳақида эсламаймиз, лекин улар туфайли биз нафас оламиз, озикланамиз, юрамиз ва бошқалар.

1. Ичимиздаги энг катта ички аъзо бу – ингичка ичакдир.
 2. Инсон юраги шундай босим яратадики, хатто қон 7 метр баландликка сочилиши мумкин.
 3. Ошқозонда ҳосил бўладиган кислота хатто бритва лезвиясини бутунлай емиришга қодир.
 4. Инсон танасидаги томирларнинг умумий узунлиги – 96 кмга яқин.
 5. Ошқозон ҳар 3-4 кун ичида мутлоқ янгиланади.
 6. Ўпкани ёйгандаги умумий юза теннис майдонининг юзи билан тенг.
 7. Аёл кишининг юраги эркак кишининг юрагига нисбатан тезроқ уради.
 8. Олимларнинг айтишича жигарнинг 500дан ортиқ функциялари мавжуд.
 9. Аорта томирнинг диаметри боғ суғориш қувири диаметрига тенг.
 10. Юрак сиғиши учун чап ўпка ўнгдагисидан кичикроқ.
 11. Ички органларни кўп қисмини олиб ташлаб ҳам узоқ вақт яшаш мумкин.
 12. Бўйрак ости безлари инсон умри давомида ўз размерини ўзгартириб боради. Аллоҳ ҳамма нарсага Қодир.
- Инсонни ҳар бир аъзосини қойил қоладиган даражада яратиб қўйган. Аллоҳга шукр қилайлик!”¹.

УЧ МАКТУБ...

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. Бир куни у котибга уч мактуб битишни буюрди. Мактублар битгач, котибга тайинлади:

- Агарда менинг кўзимда ғазаб учқунини кўрсанг, бирор нарса устида қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал биринчи мактубни менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи мактубни узат. Ундан ҳам таскин топмасам, учинчи мактубни бер.

Биринчи мактубнинг мазмуни: «Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши ҳамиша афсус чекиб, кейинчалик қайғу-алам домида қолади»;

Иккинчи мактубники: «Ҳоқимият қўлимда деб, ўзингдан ожизларга жабр қилаверма, куни келиб замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомила қилган бўлсанг, шундай муомила қилишади»;

Учинчи мактубники: «Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ўзингни қўлга олиб, инсоф юзасидан иш кўр» экан»².

ШУКРНИНГ ФОЙДАЛАРИДАН

1. Шукр иймонинг мукаммалигидир.
2. Шукр Исломнинг гўзаллигига далолатдир.
3. Шукр неъмат берувчининг ва неъматнинг эътирофидир.
4. Шукр неъматнинг муҳофазасидир.
5. Шукр неъматнинг зиёда бўлишига сабабдир.
6. Шукр Роббнинг розилиги сабабидир.
7. Шукр Роббнинг муҳаббати сабабидир.
8. Шукр халқнинг муҳаббати сабабидир.
9. Шукр нафс хотиржамлиги ва ақл комиллигидир»³..

Интернет материаллари асосида М.Қ.Пардаев

¹ Манба: ©mehrob.uz матбуот хизмати. <https://telegram.me/joinchat/Amxt4j-ZGmfdTyqsyl79Cw>

² @Mehrobuz. «Шарқ ҳикоят ва ривоятлари» китобидан.

³ <https://t.me/joinchat/AAAAFF31DiK3llej-c8dw>

АТАМАЛАР ТАЪРИФЛАРИ

“Я” харфи билан боғлиқ атамаларнинг таърифлари

Ягона солиқ тўлови дейилганда, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тушунилади. Унинг миқдори ҳозирги пайтда 5 %ни ташкил қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик дейилганда, якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилиши тушунилади.

Якка улгуржи нарх деганда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини қоплайдиган ва кам устама билан нисбатан арзон катта миқдорда сотиладиган нарх тушунилади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) дейилганда мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган товар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жами бозор қиймати тушунилади.

Ялпи миллий маҳсулот деганда, маълум даврда (асосан бир йилда) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати тушунилади.

Янгилик деганда, олдин содир бўлмаган жараён, олдин сотилмаган товар, олдин кўрсатилмаган хизмат кабилар тушунилади.

Янги бозор деганда, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маҳсулотлари, товарлари ва хизматларини сотиш мақсадида забт этилган янги ўзлаштирилган бозор тушунилади.

Янги йўналиш деганда, бирор соҳанинг ривожланишида одатдаги йўналишлардан фарқ қиладиган инновацион йўналиш тушунилади.

Янги концепция деганда, бирор йўналиш, товар ёки хизматларнинг келажакда қандай бўлишлигини илмий жиҳатдан асосланган ва амалиётда қўлланилиши кўзда тутилган ғоялар ва тасаввурлар мажмуи тушунилади.

Янги маҳсулот деганда, анъанавий ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотларга нисбатан фарқ қиладиган замон талабидан келиб чиққан инновацион маҳсулот тушунилади.

Яширин иқтисодиёт деганда, қонунга ҳилоф равишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқдан қочиш ва ноқонуний фойда олиш мақсадида солиққа оид қонунчиликдан, божхона ва акциз қоидаларидан, меҳнат қонунчилигига риоя қилмасдан номанетар айрибошлаш, ёлланма ишчиларни рўйхатга олмасдан иш ҳақини “конвертда” нақд пул шаклида тўлаш каби ҳуқуқбузарликлар тушунилади.

Яширин реклама деганда, истеъмолчиларга ўзи англамаган ҳолда иштиёкни уйғотадиган восита ва жараёнлар орқали таъсир ўтказиш мажмуи тушунилади. Масалан, “Замонавий аёл” образини олайлик. Шу номни қўйиб, уни калтагина номақбул рангдаги матодан қилинган кўйлақни кийдириб, сигарета чектириб, конъяк ёки ароқни ичириб, телефон билан гаплаштириб кўрсатиши мумкин. Бу ерда калта кўйлақ, сигарета, ароқ ёки коньяклар реклама қилинмоқда. Бундан, замонавий аёл бўлиш учун, албатта паст ранг бўлса ҳам калта кўйлақ кийиш кераклиги (кўйлақнинг яширин рекламаси), ароқ ёки конъяк ичиб туриши (бу орқали алкогольли ичимликларнинг яширин рекламаси), сигарета чекиб туриши (шу йўл билан сигаретанинг яширин рекламаси) намоён бўлади.

Яширин ҳаракат деганда, фойда олишни кўзлаб, содир этилган жинойтларни яшириш мақсадида ошкор қилмасдан қилинган ҳаракат тушунилади.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

Таҳририятга мақола юборилганда муаллиф қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- ☞ “Сервис” журнали хизмат кўрсатиш ва сервис мавзусидаги илмий мақолаларни чоп этишга мўлжалланган ОАК томонидан эътироф этилган илмий-амалий нашр бўлганлиги сабабли, таҳририятга тақдим этиладиган мақолалар ҳам бевосита шу соҳага оид илмий изланишларга, тадқиқот натижаларига асосланган бўлиши лозим.
- ☞ Мақолада мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бугунги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ифода этилган, аниқ таклиф ва тавсияларини ўз ичига олган якуний хулосага эга бўлиши керак.
- ☞ Илмий мақоланинг ҳажми жадвал, расмлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан бирга 4 бетдан, қисқа хабарлар 3–4, тақризлар 2-3 бетдан кам бўлмаслиги, MS Word дастурида Times New Roman 14 шрифтида бир интервал оралиғида расмийлаштирилган бўлиши керак.
- ☞ Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган бўлиб, аниқ, равлон ва адабий тилда таҳрир қилинган ва 1 нусхада қоғоз вариантыга муаллифлар имзо чеккан ҳолда электрон версияси билан бирга тақдим этилиши талаб қилинади.
- ☞ Ҳар бир мақоланинг муаллифи, мавзуси, аннотацияси ва калитли сўзлари ўзбек, рус, инглиз тилларида берилган бўлиши шарт.
- ☞ Таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- ☞ Фойдаланилган адабиётлар рўйхати амалдаги стандартлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.
- ☞ Жадвал, диаграмма ва расмлар ихчам ва тушунарли фақат китоб шаклида ёритилиши, уларнинг тартиб рақами, номи, жадвал маълумотларининг манбаларига ҳаволалар албатта берилиши лозим. Альбом шаклидаги жадвал ва расмлар қабул қилинмайди.
- ☞ Мақолага соҳа мутахассислари ва олимлар томонидан иккита тақриз тақдим қилинади.
- ☞ **Мақоланинг таркиби:** Мақола муаллифи тўғрисида маълумот, мақоланинг мавзуси, мақола аннотацияси, калит сўзлар, кириш, мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили, тадқиқот методологияси, таҳлил ва натижалар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳамда таҳрир қилинган бўлиши шарт.
- ☞ Ушбу талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этишга қабул қилинмайди.

“Сервис” журналида эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг ишончилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгардир.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикрига мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилаётган материалларни шу журналдан олинган, деб кўрсатилиши шарт.

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

**Ушбу махсус сон СамИСИ ректорининг 2020 йил 03 декабрдаги
450/2-Ф сонли буйруғи асосида нашр қилинмоқда.**

9.12.2020 йилда теришга берилди. 21.12.2020 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₈. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,49. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 40/20.

“Наврўз полиграф” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020